

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 1; 316. 614. 5*

МАДАЕВА ШАҲНОЗА ОМОНУЛЛАЕВНА

**ЎЗБЕК МЕНТАЛИТЕТИДА ДЕМОКРАТИК ТАФАККУРНИНГ
ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ**

09.00.11 - Ижтимоий фалсафа

**Фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

**Илмий маслаҳатчи:
фалсафа фанлари доктори,
профессор Қ.Н.НАЗАРОВ**

Тошкент-2009

ЎЗБЕК МЕНТАЛИТЕТИДА ДЕМОКРАТИК ТАФАККУРНИНГ ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

КИРИШ	4-18.
I БОБ. ЎЗБЕК МЕНТАЛИТЕТИДА ДЕМОКРАТИК ТАФАККУР ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	9-68
1.1 Ўзбек менталитетини ижтимоий-фалсафада таҳлил этишининг назарий асослари.	20-34
1.2 Демократик тафаккур генезиси ва тараққиёти - ўзбек менталитетининг ташкилий ва қонуний шарти.. .	34-54
1.3 Ўзбек менталитетида демократик тафаккур шаклланишини замонавий методологик асослари.	55-68
II БОБ. XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА ШАКЛЛАНГАН МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ҲАРАКАТЛАРНИНГ ЎЗБЕК МЕНТАЛИТЕТИ ТАКОМИЛЛАШУВИДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИ	69-130
2.1 Жаҳид миллий демократик ҳаракатининг шаклланишидаги ижтимоий- сиёсий, маданий-маънавий омиллар.	70-86
2.2 Миллий мафкурада маърифат ва маънавият масалалари.	86-102
2.3 Жаҳидчиликда диний бағрикенглик ва унинг миллий тафаккур шаклланишига таъсири.	102-114
2.4 Жаҳидчилик таълимотининг сиёсий дастури ва ундаги миллий ўзликни англаш масалалари.	115-130

III БОБ.	XX АСР САБОҚЛАРИ ЁКИ ТОТАЛИТАРИЗМ-НИНГ МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТГА ТАЪСИРИ.	131-181
	3.1 Коллективлаштириш иқтисодий-маънавий оқибатларининг миллий менталитетга таъсири.	132-149
	3.2 XX аср 30-йиллар иқтисодий таназзули ва миллий ментал ўзгаришлар.	149-158
	3.3 Тоталитар тузум катагонлари ва миллий демократик тафаккурнинг деструктив шаклланиши.	158-170
	3.4 Совет даври дин сиёсатининг менталитет ўзгаришларига таъсирининг муқаддас қадамжой ва зиёратгоҳлар мисолидаги таҳлили.	171-181
IV БОБ	ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ МЕНТАЛИТЕТИ: МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ДЕМОКРАТИК ТАФАККУР.	182-249.
	4.1 Истиқлол йилларида ҳуқуқий онг ва толерантликни шакллантириш жараёни.	183-193.
	4.2 Миллий менталитетда демократик тафаккурни такомиллаштиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни.	194-200
	4.3 Ёшларда демократик тафаккурнинг шаклланиши масалалари.	201-217
	4.4 Миллий менталитетда демократик тафаккурни такомиллаштиришнинг мафкуравий механизми.	218-229
	4.5 Демократик тафаккур – ўзликни англаш ва истиқбол воситаси.	229-243
	ХУЛОСА.	243-249
	ҒОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.	250-260

К И Р И Ш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда истиқлол йилларида жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳаларини ислоҳ қилиш йўлида улкан ишлар амалга оширилди. Юртимиздаги туб ўзгаришлар жараёнида миллий анъана ва кадриятлар эътиборга олиниб, дунёнинг энг самарали тараққиёт моделлари тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, демократик тараққиёт стратегияси ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон мустақил давлат мақомини олганидан кейин юртимиз ижтимоий ҳаётидаги мафкуравий жараёнлар, иқтисодий ва сиёсий ислохотлар қанчалик илғор ва демократик тамойилларга асосланган бўлмасин, уларни жамият ҳаётига татбиқ этиш ва амалга оширишда турли долзарб масалаларга дуч келинмоқда. Мазкур ҳолат жамиятнинг демократик тараққиёти фақат сиёсий ва иқтисодий механизмнинг мақсадга мувофиқлигида эмас, балки бу жараёнда иштирок этувчи фуқароларнинг демократик ўзгаришларни қабул қилишидаги дунёқараши, сиёсий маданияти, ва, айниқса, руҳий тайёргарлигига боғлиқлигини ҳам кўрсатиб турибди. Чунки Президентимиз таъкидлаганларидек: «Ҳеч кимга сир эмас – биз кураётган янги жамият, ҳаётимизга тобора кириб келаётган янгиланиш жараёнлари, ислохотларнинг тақдири ва келажаги, аввало халқимизнинг бу ўзгаришларни қўллаб қувватлашига, жойларда шу борада одамларимизнинг фаоллиги, уларнинг дунёқараши, онгу тафаккурининг юксалишига боғлиқ. Бу оддий ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак»¹.

Шунинг учун ҳам, мавзунинг долзарблиги ўзбек халқининг уч минг йиллик тарихий тажрибасидаги демократик дунёқараш салоҳиятини очиб

¹ Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир // ЎзР Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза/ Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. 15 - жилд. – 98 б.

бериш, бу борадаги жаҳон тажрибасидан миллатимиз табиатига мос келадиганларини қабул қилиш, тоталитар тузум даврида мураккаб ўзгаришларни бошидан кечирган халқ менталитетидаги турли асоратли жиҳатларни бартараф этишнинг энг самарали услуб ва йўллари ишлаб чиқиш каби масалалар зарурияти билан боғлиқ.

Ҳаёт талаби билан кун тартибига қўйилган бу вазифаларни амалга ошириш демократик ислохотларни миллий менталитет билан алоқадор тарзда ҳал қилишга, ютуқлар самарадорлигига, миллий тараққиёт моделининг такомиллашувига олиб келади. Чунки менталитетга оид тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, халқларнинг неча минг йиллик тарихи улар ўртасидаги менталлик фарқларини ўчириб юбора олмади, ҳатто замонавий технологиялар ҳам менталитетга қисман таъсир кўрсата олди, холос. Шу сабабли ўзбек менталитети шаклланишининг ўтган аср билан боғлиқ оқибатлари, сабоқлари ва истиқболини белгилайдиган жиҳатларини ўрганиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатни демократлаштириш, либераллаштириш нуқтаи назаридан собиқ иттифоққа хос тафаккур қуллиги ва фикр қарамлиги оқибатларини ўрганиш, уларни барҳам топтириш йўллари излаш ва миллий менталитетдаги чуқур ўзгаришларни таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этиб, миллий менталитетда демократик тафаккурнинг шаклланиш хусусиятларини алоҳида илмий муаммо сифатида тадқиқ этиш долзарблиги яна қуйидаги объектив сабаб ва шароитлар билан белгиланади:

Биринчидан, шўро давридан кейин ижтимоий-гуманитар фанлар, айниқса ижтимоий фалсафа, социал антропология, этнология ва тарих фанларида этнос, халқ, миллат тушунчаларига янгича қараш ва ёндашувлар шаклланиб, уларда миллат ва давлатчилик назарияси бир-бирини тақозо қилувчи ташкилий омил сифатида олиб қаралапти, бу эса миллат омилини ички генотип хусусиятларини чуқур ўрганган ҳолда тадқиқ этишни тақозо этади.

Иккинчидан, ижтимоий фалсафа, социология, сиёсатшунослик соҳаларида этнос, халқ, омма, миллат хусусиятларини умумлаштириш учун қўлланиладиган социал характер, стереотип тушунчалари ҳудудий ва динамик ўзгарувчанлик имкониятлари чеклилиги туфайли, маълум маънода, ўз ўрнини менталитет тушунчасига бўшатиб берди. XX аср охири ва XXI аср бошларидаги сиёсий, иқтисодий, маънавий ўзгаришлар, бўҳронлар шароитида менталитет парадигма ҳолидан мустаҳкам илмий феноменга эга атама мақомини олди. Менталитет халқнинг, миллатнинг ақлий салоҳияти, дунёқараши ва фикрлаш тарзининг умумий хусусиятларини ифодаловчи муҳим тушунча экан, ўзбек халқининг ментал хусусиятлари унинг жамиятдаги демократик ўзгаришлар жараёнида муҳим омиллиги ҳақида концептуал таълимот яратишга эҳтиёж мавжуд.

Учинчидан, менталитет ва демократия масалаларига оид тадқиқотларнинг чуқурлашиб бориши, этник, миллий, ҳудудий нуқтаи назардан бу тушунчаларга тегишли соҳалар доирасида ноаниқликлар, муаммоларнинг келиб чиқиши уларни ўзаро диалектик бирликда ўрганилиши заруратини келтириб чиқарди. Табиийки, мазкур муаммолар, энг аввало, ижтимоий фалсафа соҳасида ҳал этилиши зарурдир.

Тўртинчидан, ўзбек менталитети масаласи илмий адабиётларимизда маълум даражада таҳлил қилинган бўлса-да, унинг тарихий шаклланиш хусусиятларини очиқ берувчи, тоталитар тузум билан ментал ўзгаришлар диалектикаси, демократик тараққиётда миллий менталитет омилнинг роли ва ундаги тарихий асоратларнинг демократик жараёнларни сустлаштириш ҳолати ўзининг фундаментал таҳлиliga эга эмас. Модомики, шундай экан, ўзбек менталитетини тарихийлик-ворисийлик, бугунги кун ва истиқбол нуқтаи назаридан чамбарчас боғлиқ ҳолда ўрганишга катта эҳтиёж мавжуд.

Бешинчидан, Ўзбекистондаги этник, миллий ва диний хусусиятлар табиатини билмаган ҳолда юртимиздаги демократик жамият куриш тажрибаси ва истиқболига шубҳа билан қараётган ҳамда эътирозлар билдираётган

хорижий экспертларга, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишларга эътиборан ўзбек менталитетидаги демократик тафаккурнинг шаклланиш хусусиятларини тарихий далилларга асосланган ҳолда, синчковлик билан таҳлил этиш, унинг ўзига хос нозик томонларини кўрсатиб бериш масъулияти ҳам ушбу масалани системали ўрганиш заруриятини тақозо этади.

Олтинчидан, юртимизда демократик жараёнларни афзаллаштириш мақсадида миллий жиҳатлар ва жаҳон тажрибасидан келиб чиқиб самарали тавсиялар ишлаб чиқиш лозим, бунинг учун ўзбек ментал тафаккури хусусиятлари, унда демократик жараёнларга бўлган муносабатни концептуал таҳлил этиш зарур.

Еттинчидан, этнос-халқ-миллат шаклланиши босқичларида мафкура, сиёсий вазиятнинг тафаккур билан ўзаро алоқадорлиги қонуниятини кўрсатиб бериш келажакда менталитет ва мафкура муносабатлари диалектикаси истиқболларини аввалдан кўра билишга, умуминсоний тараққиётга юз тутишни жадаллаштирувчи самарали услубларни ишлаб чиқишга восита бўлади.

Саккизинчидан, ўзбек менталитетига оид социология, психология ва сиёсатшунослик фанлари соҳаларидаги илмий ишларнинг моҳиятини очиб бериш, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётда долзарблик касб этган менталитет масаласига доир қарашлар тизимини яратиш ижтимоий фалсафанинг вазифасидир.

Юқорида қайд этилган объектив сабаб ва шароитларга кўра, ўзбек менталитетида демократик тафаккур шаклланиш хусусиятларини концептуал таҳлил этиш, ўзбек менталитети ва фуқаролик жамияти шаклланиши диалектикасини ижтимоий фалсафа соҳасида алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Инсоннинг ижтимоий моҳияти, тафаккур ва жамият муносабатлари, ментал борлиқ ва ижтимоий муҳит муносабатлари ҳақидаги фикрлар Шарқ ва Ғарб намояндалари ижодий меросида ўз аксини топган. Шарқ илм-фанининг алломалари Форобий,

Беруний, Ибн-Сино, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий ижодиёти инсон маънавияти, тафаккур тарзи ҳақида, гуманистик ғоялар дебочаси сифатидаги муҳим манбалардир¹.

XIX аср охири ва XX аср Ғарб илм-фанида ижтимоий-сиёсий фанларнинг интеграциялашувига, социология, сиёсатшунослик, социалантропология каби замонавий йўналишларнинг ажралиб чиқишига сабаб бўлган ғояларда ҳам социал характер, жамият, давлат масалалари етакчилик қилган. М.Вебер, Э.О.Дюркгейм, А.Ж.Тойнби, З.Фрейд, Э.Фромм, С.Хантингтон, К.Ясперс, П.Сорокин, Э.Саид асарлари жаҳон ижтимоий фикрининг етакчи масалалари акс этган манбалардир². Ушбу илмий асарлар диссертацияда тарихий тараққиёт нуқтаи назаридан инсон тафаккури ривожланиш қонуниятларини таҳлил этишда муҳим назарий асос бўлди.

Миллий менталитет ва миллий шаклланишлар масаласи бир – бирига узвий алоқадор муаммолардандир. Л.Н.Гумилев, Ю.В.Бромлей, К.П.Иванов, С.М.Широкогоров, Н.И.Дряхлов, П.Н.Шихарев, Р. Рейснер, К.Шониёзов, Ф.Сулаймонова³ каби олимларнинг илмий тадқиқотларида инсон, этнос, миллат тафаккур тараққиётининг тарихий ва психологик асослари,

¹ Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. -171 б; Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. Танланган асарлар. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 1968. – 386 б.; Жалолиддин Румий. Ичингдаги ичингдаир. – Тошкент: Ёзувчи, 1997. – 290 б; Абу Али Ибн Сино. Тибб қонунлари. Уч жилдлик. - Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти. 1994.; Темур тузуклари. // Б.Аҳмедов таҳрири остида/. – Тошкент: Нашриёт матбаа бирлашмаси, 1992. - 92 б.; Алишер Навоий. Хайратул аброр. - Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1989. – 330 б.

² Вебер М. Избранные произведения. - М.: Прогресс, 1990. – 808 с.; Дюркгейм Э. Самоубийство. Социологический этюд. - М.: Мысль, 1994. – 399 с.; Тойнби А.Ж. Постигание истории. - М.: Айрис-пресс, 2006. – 638 с.; Фрейд З. Психологический анализ, религия, культура. – М.: Гардарики, 1992. – 488 с.; Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности. - Минск: Попурри, 1999. – 624 с.; Бегство от свободы. Человек для себя. - Минск: Попурри, 1998. – 672 с.; Душа человека. - М.: Республика, 1992. – 430 с.; Хантингтон Столкновение цивилизаций. // <http://www.krugosvet.ru/articles/107/1010513/10105131/htm>; Кто мы? – М.: Транзиткнига, 2006. - 656 с.; Ясперс К. Смысл и назначение истории. - М.: Политиздат, 1991. - 527 с.; Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. М.: Политиздат, 1992. – 543 с.; Саид Э.В. Ориентализм. – Санкт-Петербург: Русский мир, 2006. - 638 с.

³ Гумилев Л.Н. Этногенез и биосфера Земли. – М.; Праксис, 1993. – 496 с.; Бромлей Ю.В. Этносоциальные процессы: теория, история, современность. – М; Наука, 1987. – 320 с.; Иванов К.П. Этнические процессы: два подхода к изучению// Социологические исследования. - №1. 1992. – С. 45-57.; Широкогоров С.М. Этнос: исследование основных принципов изменений этнических и этнографических явлений. – Шанхай: 1923. – 132 с.; Дряхлов Н.И. Традиции и модернизация // Социологические исследования. №10. 1992. – С. 34-46.; Шихарев П.Н. Психологические проблемы социальной регуляции поведения. – М.: Наука, 1976. – 358 с.; Современная социальная психология.- М; Деловая книга, 2000. – 456 с.; Рейснер Р. Эволюция восточных обществ: синтез традиционного и современного. – М; Прогресс, 1984. – 583 с.; Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 464 б.; Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент; Ўзбекистон, 1997. – 456 б.

қонуниятлари, жамият ривожига билан боғлиқ диалектикаси масалалари юзасидан тажриба ва фикрлар баён этилган.

Мустақиллик туфайли жамият ва давлатчилик ривожига, унда миллий, маънавий ва мафкуравий омиллар, демократлаштириш масалаларига бағишланган илмий тадқиқотлар кўплаб яратила бошланди. Бу борада Қ.Н.Назаров миллий тараққиёт, миллатнинг шаклланишида қадриятларнинг тутган ўрни ва аксиология масалалари соҳасида, А.С.Ачилдиев миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар такомиллашуви диалектикаси масалаларига тегишли, А.М.Юнусов маънавий қадриятлар ривожига миллий ва умуминсоний хусусиятлар тадқиқоти доирасида, И.Э.Худойбердиев ва И.Р.Хўжамуродовлар эса ўзбек халқи дунёқараши, миллий ўзлиги шаклланишида исломнинг роли мавзусида, Ш.М. Абдуллаев эса этник-миллий жараёнлар муаммоларига доир докторлик диссертацияларини ҳимоя қилганлар¹. Мазкур диссертацияларда миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллат ва дин, тарих ва маънавият, давлатчилик ва демократлаштириш масалаларида жаҳон ижтимоий фанлари илғор ютуқларидан кенг фойдаланилган, миллий тажриба ва хусусиятларни эътиборга олган ҳолда ҳулосалар чиқарилган.

С.Шермухамедов, Б.Т.Тўйчиев илмий тадқиқотларида миллий маданий тараққиёт ва цивилизация муаммолари, демократик жамиятни шакллантиришда миллийлик ва умуминсонийлик диалектикаси масалалари

¹ Назаров Қ. Н. Қадриятлар тизими: Барқарорлик ва ўзгаришлар диалектикаси: Фалсафа фан. док. ... дисс. – Тошкент: 1996. – 238 б.; Қадриятлар фалсафаси. – Тошкент: Файласуфлар миллий жамияти нашриёти. 2004. – 220 б.; Ачилдиев А.С. Миллий истиқлол ғоясининг миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришдаги омили.: Фалсафа фан. док. ... дисс. – Тошкент: 2004. – 250 б.; Юнусов А.М. Демократизация общества и взаимодействие национального и общечеловеческого в развитии духовных ценностей: Автореф. дис.... док. филос. наук. – Тошкент: 1995. – 48 с.; Худойбердиев И.Э. Ислам и формирование национального сознания и психологии узбекского народа: Автореф. дис... док. филос. наук. – Тошкент: 1997. – 48 с.; Хужамуродов И.Р. Проблемы формирования национального (этнического) самосознания узбекского народа и влияние на него ислама. Автореф. дис... док. филос. наук. – Тошкент: 1995. – 48 с.; Абдуллаев Ш.М. Этносоциальные и этнополитические процессы в Ферганской долине (основные проблемы, тенденции, противоречия 70-80-годы XX века): Дис... док. филос. наук. – Тошкент: 1994. – 280 с.

тадқиқ этилган¹. С.Мамашокиров мақолаларида миллийлик, умуминсонийлик ва глобаллашув, уларнинг ўзаро диалектикаси ва интеграцияси мавзуси таҳлил этилган². Шунингдек фуқаролик жамиятида ёшларнинг ўрни ва уларнинг ижтимоий фаоллиги муаммолари З.Р.Қодирова тадқиқотларининг марказий муаммосидир³. С.С. Аъзамхўжаев илмий изланишлари эса ўзбек халқининг XIX аср охири ва XX аср бошидаги тарихий бурилиш, истибдод даврида миллий шаклланиш жараёнлари, таҳлилига бағишланган⁴.

Бевосита менталитет назариясига тегишли адабиётлар XIX асрда яратила бошланди. Менталитет терминининг вужудга келиши тарихига мурожаат этадиган бўлсак, аксарият илмий адабиётларда бу давр XIX асрда яшаб ижод этган Америка файласуфи ва шоири Р.Эмерсон номи билан боғланади. У биринчи бўлиб 1865 йили менталитет, менталлик терминидан жоннинг метафизик моҳиятини қадриятлар ва ҳақиқат манбаи сифатида ифодалаш мақсадида фойдаланади⁵. Бу ҳақда «менталлик термини XIX асрдаёқ ижтимоий кайфиятларнинг метафизик ва психологик муаммоларини бирлаштиришга ҳаракат қилган америкалик философ Р.Эмерсон (1803-1882) томонидан қўлланилган эди»⁶, - деган талқинлар мавжуд.

Кейинчалик эса менталитет масаласининг илмий муомалага киритилиши француз этнологи ва социал антропологи Л.Леви-Брюлл номи билан боғланган⁷. У ўзининг «Ибтидоий менталитет» асарида менталлик тушунчасидан социумнинг фикрий, психологик умумлашмаси сифатида

¹ Шермухамедов С. Очилдиев А. Маданият ва цивилизация. – Фарғона: 2000. – 44 б.; Тўйчиев Б. Формирование политической культуры и демократизации современного общества. – Тошкент.: Фан, 1991. – 138 с.

² Мамашокиров С. Мафкуравий консенсус-барқарор тараққиёт шарты // Ўзбекистон XXI асрда: Тараққиёт асослари ва истиқболлари. - Тошкент. – 2007. – Б. 3-8.

³ Қодирова З.Қ., Шарипов А.Ж., Каримова Э.Г., Мадаева Ш.О. Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2006. – 250 б.; Формирование экономической активности молодежи Узбекистана. // Экономический вестник Узбекистана. - Ташкент, 2004, - № 7-8, - С. 62-63.

⁴ Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. - Тошкент.: Маънавият, 2000. – 164 б.

⁵ Бу ҳақда қаранг: Андрианова Т.В. Геополитика и культура. - М.: Политиздат, 2001. – С. 22.

⁶ Ментальности(менталитет)// <http://www.krugosvet.ru/articles/105/1010513/1010513a1/htm>.

⁷ Люсьен Леви Брюлл. Первобытный менталитет. - М.: Культурное наследие, 2003. - 228 с.

фойдаланади. Мазкур асар туфайли менталитет тушунчаси ижтимоий-гуманитар фанларда илмий муомалага киритилди. Ушбу олимларни «менталитет» атамасини фанга олиб кирган ва у ҳақда дастлабки илмий тасаввурларни яратишга ҳаракат қилган тадқиқотчилар дейиш мумкин.

XX аср охирида постсовет муҳити билан боғлиқ жараёнлар, умуман, учинчи минг йилликнинг бошларига келиб глобал муаммоларнинг кескинлашиб кетиши, геосиёсий, экологик, этник, миллий ҳамда ҳарбий бўҳронларнинг ҳалокатли характер касб этиши ижтимоий-сиёсий жараёнларда муҳим омил бўлган ижтимоий онг, ижтимоий характер, тафаккур шаклини айнан менталитет тушунчаси билан ифодалаш ва шу тушунчага боғлаб таҳлил этиш заруриятини ҳосил қилди. Мазкур ҳолат ўтган асрнинг охириги ўн йиллигида менталитет масаласига тегишли тадқиқотларнинг катта оқимини юзага келтирди¹. Улардан асосийларини таҳлил этадиган бўлсак, Г.Хофшtedнинг «Миллий давлат ментал дастур шаклланишининг намоён бўлиши сифатида» асарида менталитетнинг миллий давлат тузилишидаги ўрни билан боғлиқ томонлари, Т.В.Андрианованинг «Геосиёсат ва маданият» номли китобида менталитетнинг маданият ва глобаллашув билан узвий алоқадорлиги, япон сиёсатшуноси А.Кавато тадқиқотларида менталитетнинг иқтисодиёт ва сиёсат билан чамбарчас боғланган масалалари таҳлил этилган.

Бевосита ўзбек ментал хусусиятлари ҳақида маълумот берувчи асарларни тарихий ва замонавий адабиётларга ажратиш мумкин. Тарихий маълумотлар санокли адабиётларда учраса ҳам, мазкур асарлар ўзбек ментал

¹ Hofstede G. The nation-state as a source of common mental programming: Similarity a differences across Eastern a. Western Europe//The Future of the nation-state.-N.Y., - 1996. –P. 19-49; Ачария Б. Политический менталитет россиян глазами иностранного ученого // Вестник Российского университета дружбы народов. - Серия: политология. –1999. -№1. –С. 107-111; Андрианова Т.В. Геополитика и культура - М.: Политиздат, 2001. – 92 с.; Арутюнян Ю.В. Трансформация постсоветских наций. –М.; Наука, 2003. – 280 с.; Андерсон Б. Бауэр О. Хрох М. Нация и национализм. - М.: Праксис, 2002. – 680 с.; Абрамян Е.А. Изменение менталитета нации; экономическое чудо. http://www.september.ru/artikl/jrnal4/3.htm/Abramyan.ru/ment_chudo.htm; Сердюк Ю.А. Менталитет китайцев. <http://geo.1september.ru/artikl.Php>; Акио Кавато. Восток или Запад? - Актуально ли постановка вопроса. Лекции в японском центре Нижнего Новгорода. 30. 11. 01.; Ўрманбетова Ж.К. Истоки культуры мышления народов центральной Азии // <http://www/freenet/kg/jornal/n4/jrnal4/3.htm>.

хусусиятларининг шаклланиш босқичлари тўғрисида маълумот берувчи нодир манбалардир. Уларга А. Вамбери, Г.П.Снесарев, Л.П.Потапов, А.Р. Лурия асарлари ва «Қадимги муаллифлар Марказий Осиё ҳақида» номли илмий асарлардан олинган мажмуа киради¹. Бу борада венгер саёҳатчиси А.Вамбери эсдаликларида Туркистон халқлари тафаккур тарзидаги ҳудудий хусусиятлар, Г.П.Снесарев асарларида миллий тафаккур тарзида қадимги эътиқод ва одатларнинг қандай из қолдиргани, Л.П.Потаповнинг дала ёзувларида ўзбекларнинг маданий-маиший ҳаётида ментал омил масалалари, миллий менталитетнинг тарихий шаклланиш хусусиятлари бўйича муҳим маълумотлар берилади.

Ўзбек менталитети ҳақида бугунги кунда яратилган илмий назарий адабиётлар сифатида М.Бекмуродовнинг социологик характердаги ва А.Ашуровнинг этнология соҳасидаги илмий тадқиқотларини кўрсатиб ўтиш мумкин². М.Б.Бекмуродовнинг тадқиқотларида ўзбек менталитетининг бугунги кундаги қиёфаси, хусусиятлари, унинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар жараёнидаги муҳим омиллик сифатлари таҳлил этилган. А.Ашуров илмий тадқиқотларида эса, ўзбек менталитетига этнологик-тарихий йўналишдаги ёндашув сезилиб туради. Шунингдек Ф.Турғунбоевнинг Ўзбекистонда меҳнат менталитетининг янгиланиш хусусиятларини ўрганишга бағишланган илмий тадқиқотида мустақиллик даврида халқимизнинг меҳнатга бўлган

¹ Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. Санктпетербургъ: 1865. – 292 с.; Снесарев Г.П. Семья и семейные обряды у народов Средней Азии и Казахстана. – М.: Наука, 1978. – 280 с.; Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. М.: Наука, 1983. – 236 с.; Leonid Pavlovic Hfnjgivs Materialien zur Kulturgeschichte der Usbeken aus der Jahren 1928-1930 // Mit begleitenden Worten des Sammlers herausgegeben und eingeleitet von Jakob Taube. Turkologika 25, Harrassowitz Verlag. 2001. – 380 s.; Лурия А.Р. Об историческом развитии познавательных процессов. М.: Наука, 1974. – 172 с.; Древние авторы о Средней Азии. – Ташкент: Спб, 1939. – 239 с.

² Бекмуродов М.Б. Миллий менталитет ва раҳбар маънавияти. – Тошкент: Адолат. 2003. – 49 б.; Ўзбек менталитети // Гулистон. – Тошкент, - 2001. - №3. – Б. 3-4; Ўзбек менталитети // Хуррият, 2002. 17 апр.; Ўзбек менталитети: Кеча ва бугун // Тафаккур. – Тошкент, – 2002. - №1. – Б. 14-18.; Ўзбек менталитетида жамоавийлик ва индивидуаллик нисбати // Соғлом авлод учун. – Тошкент, – 2002. - №5. – Б. 4-13; Ўзбек менталитетида жамоавийлик ва индивидуаллик // Хуррият, 2002. 24 апр.; Ашуров А. А. Ўзбек миллий менталитети ҳақида баъзи мулоҳазалар //Ижтимоий-гуманитар ва иқтисодий фанлар муаммолари. – Қарши: 2002. 8-10 б. ; On the concept of Uzbek Ethnic mentality // Central Asian Studies. Vol.8. Seoul: 2003. - P. 261-267.; Ўзбеклар. // Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 10 - жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2005. 487 - 492 б.

муносабати ва маданиятидаги ўзгаришлар таҳлил этилган¹. Ушбу олимларнинг ўзбек менталитетини ўрганиш йўлида қилган меҳнатлари янги давр ўзбек ижтимоий-гуманитар фанларида муҳим аҳамиятга молик. Аммо уларда миллий менталитетни бир бутун тарихий системада олинган таҳлили ва янги давр демократик ўзгаришлари, дунёқараш билан биргаликда кўрилган концептуал ёндашув мавжуд эмас.

Юқорида келтирилган илмий ишларда ўзбек менталитетига тегишли ёки уни ўрганишга йўналиш ва фикр берувчи масалалар илмий тадқиқотларда қисман ёритилган бўлса-да, муаммони айнан ўзбек менталитети ва демократик тафаккур диалектик бирлиги контекстида фундаментал тадқиқ этилган илмий ишлар мавжуд эмас. Номлари қайд этилган адабиёт ва илмий тадқиқотлар тажрибалари, бой илмий фикр ва хулосалари тадқиқотчига диссертация мавзусини ҳар томонлама, чуқур, объектив ва холис ўрганишига катта имконият яратганини эътироф этиш лозим.

Диссертация ишининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Илмий тадқиқот иши диссертант иштироки ва бевосита раҳбарлигида ўтказилган хорижий ва республика миқёсидаги бир нечта илмий-амалий, инновацион лойиҳалар режалари ва илмий йўналиш, мавзулари билан боғлиқликда ўрганилган. Шунингдек, ЎзР Фан ва технологиялар маркази томонидан ГНТП-3 амалий тадқиқотлар йўналишидаги дастур лойиҳаларида илмий тадқиқот мавзусига тегишли эмпирик ва назарий тадқиқотлар олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда ислохотлар жараёнини жадаллаштириш, демократик тараққиётнинг мафкуравий стратегиясини такомиллаштириш учун ўзбек менталитетининг тарихий шаклланиш

¹ Турғунбоев Ф. Ўзбекистонда меҳнат менталитетининг янгиланиш хусусиятлари.: Фалсафа фан. док. ... дисс. – Тошкент: 2006. – 284 б.

динамикасини, салоҳият имкониятларини, ўзига хос хусусиятларини илмий тадқиқот объекти сифатида ижтимоий фалсафий таҳлил этишдан иборатдир.

Тадқиқотнинг вазифалари:

- ўзбек менталитетида демократик тафаккур шаклланиш хусусиятларини янги методологик асосда таҳлил этиш;
- «ўзбек менталитети», «демократик тафаккур» тушунчаларини категориал таҳлил қилиш ва уларнинг ижтимоий фалсафа соҳасида ўрганилиш имкониятлари, хусусиятларини очиб бериш;
- ижтимоий фалсафа соҳасига эмпирик тадқиқот методларини кенг татбиқ этиш, улардан самарали фойдаланишнинг замонавий назарий асосларини кўрсатиб бериш;
- тарихий ўзгаришлар динамикасининг менталитет ўзгаришларига бевосита таъсир қилиш қонуниятидаги ўзига хос хусусиятларини таҳлил этиш;
- миллий менталитетдаги демократик тафаккур хусусиятлари жамият тараққиётини таъминлашнинг муҳим омили эканини асослаш;
- ўзбек миллий маънавияти тарихидаги ҳаётбахш қадриятлар салоҳиятини ўрганиш заминида фуқароларда демократик тафаккурни такомиллаштирадиган, давлат сиёсатини самарали амалга оширишга хизмат қиладиган хулосалар, амалий тавсиялар, чора тадбирлар дастурини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти ва предмети. Ўзбек менталитети ва унда демократик тафаккур шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари тадқиқотнинг объекти ҳисобланади. Тадқиқотнинг предмети ўзбек менталитетида демократик тафаккурнинг шаклланиши ва ўзига хос хусусиятларини ижтимоий-фалсафий таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг методлари диссертацияда илмий билишнинг объективлик, тизимлилик, ворисийлик, қиёсий таҳлил, умумлаштириш, тарихийлик ва мантиқийлик каби усулларига таянилди.

Тадқиқот фарази. Фуқаролик жамиятининг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий асосларини шакллантиришда жамият аъзоларининг ментал хусусиятларини эътиборга олган ҳолда тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиш лозим.

Миллий менталитет ижтимоий онгнинг мураккаб шакли бўлиб, унда ижобий ва салбий сифатларнинг шаклланиши бевосита жамиятда рўй бераётган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий жараёнларга боғлиқ.

Миллий менталитет жамият тараққиёти иқтисодий-сиёсий даражаси, маънавий камолотида ҳал қилувчи омилдир. Миллий менталитетни мафкуравий чора тадбирлар билан такомиллаштириш, демократик жараёнларга муносабатни афзаллаштиришнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш мумкин.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

1) ўзбек менталитетида демократик тафаккур генезиси ва тарихий динамикасининг ижтимоий фалсафий таҳлили, шу асосдаги хулосалар;

2) миллий менталитетга хос тарихий шаклланиш хусусиятларини ўрганишда замонавий социал-антропологик йўналишдаги дала тадқиқоти усуллари ижтимоий фалсафа соҳасига татбиқ этилгани ва унинг илмий-назарий асосларининг ишлаб-чиқилганлиги;

3) совет давригача содир бўлган тарихий нотинч вазиятлар, доимий урушлар ва мустамлака сиёсатининг кетма-кет содир бўлиши миллий менталитетда деструктив ўзгаришлар ҳосил қилиши қонуниятини таҳлили;

4) ўзбек халқининг миллат сифатида шаклланишида жадид демократик ҳаракатининг таъсири ва миллий ментал ўзгаришларда демократик тафаккурнинг янги даражада намоён бўлиш ҳолатлари ҳақидаги қарашлар;

5) тоталитар тузумнинг сунъий равишда уюштирилган сиёсий жараёнлари ва миллий менталитетда манқуртлик сифатларининг шаклланиши ҳолатлари, миллий илдизларнинг барҳам топгани ҳақидаги илмий фикр ва хулосалар;

6) миллий менталитетни демократлаштиришда энг аввало ментал қусур ва камчиликлардан холи бўлиш шарти, уни амалга оширишда миллат омили, дин, таълим, коммуникатив воситалардан фойдаланиш усуллари ҳақидаги тавсиялар;

7) менталитетнинг ўзгарувчан табиатга эга эканлиги таҳлили ва миллий менталитетни такомиллаштиришдаги услублар, тадбирлар ва тавсиялар;

8) демократик тафаккур миллий ва умуминсоний тараққиётнинг асосий омили эканлиги;

9) шунингдек, менталитет, демократик тафаккур, миллий идентификация, тарихий хотира, деструктивлик тушунчаларига муаллифнинг таърифи ва уларнинг илмий муомалага олиб кирилишининг илмий асослари.

Илмий янгилиги:

- ўзбек менталитети, ундаги демократик тафаккурнинг ўзига хос томонлари концептуал таҳлил этилган;

- «менталитет», «миллий менталитет», «стереотип», «ментал дастур», «миллий идентификация», «интеграция», «демократик тафаккур» каби тушунчаларнинг қиёсий таҳлили амалга оширилиб, уларнинг таърифларига аниқликлар киритилган;

- «ўзбек менталитетида демократик тафаккурнинг шаклланиши» тушунчаси илмий муомалага олиб кирилган ва унинг социал-психологик асослари эмпирик тажрибалар асосида кўрсатиб берилган;

- ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг миллий менталитет шаклланишида ижобий ва салбий хусусиятлар касб этиши таҳлил этилган;

- менталитетнинг шаклланишида тарихий хотира, дин, маданият, маърифат, сиёсий оқим ҳамда ҳаракатларнинг ўрни ва роли очиб берилган;

- миллат ривожига ва истиқболида мафкура ҳамда менталитет боғлиқлиги муносабатлари, менталитет ўзгаришида мафкуранинг роли, салоҳияти дин соҳасидаги сиёсат, ёшлар сиёсати, ОАВ функциялари таҳлили асосида ўрганилган;

- миллий менталитет ва демократик тараққиётнинг ўзаро алоқадорлик диалектикаси тадқиқ этилган;
- ўзбек менталитетида демократик тафаккур шаклланишининг тарихий хусусиятлари, динамикаси кузатувдан ўтказилган;
- ўзбек менталитетида демократик тафаккурни такомиллаштиришга оид назарий хулосалар чиқарилган, амалий таклиф-тавсиялар берилган.

Натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти унда ўз аксини топган хулосаларнинг Ўзбекистонда демократик жараёнларнинг самарадорлигига, миллий ментал дастурнинг илмий-тажрибавий асосда такомиллаштирилишига хизмат қилиши билан белгиланади. Диссертациянинг амалий аҳамияти ундаги хулоса, таклиф ва тавсиялардан боғча, мактаб, олий ўқув юртлари, маҳалла, ёшлар ташкилотларидаги мафкуравий тадбир ва тарбия соҳасида фойдаланиш мумкинлиги, республикамиз ижтимоий сиёсий ҳаётидаги демократлаштириш билан боғлиқ жараёнларни ташкиллаштириш ва такомиллаштиришда қўллаш мумкинлигида намоён бўлади. Шу билан бирга ижтимоий-фалсафа, фалсафа тарихи, социал антропология, социология, сиёсатшунослик, этнология соҳаларида миллий менталитет, демократлаштириш, жамият ва давлат қурилишининг мафкуравий масалаларига тегишли ўқув курсларида ҳам диссертациянинг хулоса ва назарий умумлашмаларидан фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Диссертацияда келтирилган илмий хулосалардан Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети фалсафа факультети бакалавр босқичи талабалари учун олиб бориладиган «Миллий уйғониш фалсафаси тарихи», «Марказий Осиё халқлари фалсафаси тарихи», магистр талабалар учун мўлжалланган «XIX аср охири ва XX аср Марказий Осиёда маърифатпарварлик фалсафаси», «Замонавий Ғарб фалсафасида социал антропологик таълимот» каби фанлар ҳамда махсус курсларда маърузалар ўқиш ва амалий машғулотлар ўтказишда фойдаланилган. Шунингдек, муаллифнинг илмий журналларда, халқаро ва

республика миқёсидаги конференциялар тўпламларига кирган маърузаларида ўз аксини топди.

Ишнинг синовдан ўтиши (апробацияси). Мазкур тадқиқот ЎзМУ фалсафа факультети «Миллий ғоя ва ижтимоий фалсафа» ҳамда «Фалсафа тарихи ва мантиқ» кафедраларининг 2008 йил 7 майдаги қўшма, Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети «Фалсафа» кафедраси 2008 йил 14 октябридаги (баённома №14), ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ Институтининг «Социология ва сиёсатшунослик» бўлимининг 19 ноябридаги (баённома №4), Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги фалсафа фанлари доктори (номзоди) илмий даражасини ҳимоя қилиш бўйича Д.067.02.01. Ихтисослашган Кенгаш қошидаги 09.00.11.- Ижтимоий фалсафа ихтисослиги бўйича ташкил этилган назарий-методологик семинарнинг 2008 йил 10 декабрдаги (баённомаси №4) мажлисида муҳокамадан ўтган ва ҳимояга тавсия этилган.

Натижаларнинг эълон қилинганлиги. Тадқиқот натижалари муаллифнинг умумий ҳажми 20 босма табақдан иборат ишларида, жумладан, илмий журналлар саҳифаларида чоп этилган 30 дан ортиқ илмий, газета саҳифаларидаги 5 та илмий-публицистик мақоласида, 16 та республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий анжуман материалларида, ўқув-услубий характердаги 4 та дастур ва 3 та монографиясида ўз аксини топган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг умумий ҳажми 260 бетдан иборат бўлиб, “Кириш”, 16 параграфни ўз ичига олган 4 боб, “Хулоса” ҳамда “Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати”дан иборат.

I БОБ: ЎЗБЕК МЕНТАЛИТЕТИДА ДЕМОКРАТИК ТАФАККУР ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ЎРГАНИШНИНГ НАЗАРИЙ- МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

Назария ва методология илмий тадқиқотнинг самарадорлигини ҳал этувчи икки асосий омилдир. Менталитет масаласи ижтимоий фалсафа соҳасида ҳали етарлича комплекс таҳлил этилмаган, қолаверса, бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар ўртасидаги тўқнаш муаммолардан бўлгани сабабли, мазкур бобда ана шу икки жиҳатга жиддий эътибор қаратишни лозим топдик. Бу диссертация ишининг кейинги боблари ва илмий муаммоларини ҳал этишда, назарий ва методологик асосини таъминлаб беришда муҳим аҳамиятга молик.

Биринчи бобнинг биринчи параграфи «Ўзбек менталитетини ижтимоий-фалсафада таҳлил этишнинг назарий асослари» деб номланиб, унда XX аср фанида менталитетга бўлган илмий ёндашув парадигмасининг кўтарилиш сабаблари, унинг тарихий илдизлари, ўрганилишидаги турли хил талқинлар, оқимлар, хусусиятлар таҳлил этилади.

Мазкур бобнинг иккинчи параграфи «Демократик тафаккур генезиси ва тараққиёти - ўзбек менталитетининг зарурий шarti» деб номланган бўлиб, унда ўзбек менталитети ва демократик тафаккур шаклланиш тамойилларининг уйғун ривожланиши тарихи таҳлил этилган. Шунингдек, умумжаҳон илмий-назарий тажрибасининг ўзбек менталитети, унинг тарихий шаклланиш хусусиятлари, демократик тафаккур билан диалектик бирлигини ўрганишга татбиқ этиш асослари ёритиб берилади.

Ушбу бобдаги учинчи параграф, тадқиқотнинг илмий методлари, уларнинг қўлланилиш сабаблари ва мазкур муаммони ўрганишда ижтимоий фалсафа соҳасида татбиқ этилаётган бир нечта метод таърифи ва таҳлиliga бағишланган.

1.1. Ўзбек менталитетини ижтимоий-фалсафада таҳлил этишнинг назарий асослари

XXI асрга экологик инқироз, сиёсий бухронлар ва ижтимоий курашлар билан кириб келган инсоният Ғарб ва Шарқнинг ижтимоий гуманитар фанлари олдига ҳал қилиниши лозим бўлган долзарб масалаларни қўйди. Ғарбий Европа, Россия ёки Марказий Осиё давлатларининг ижтимоий гуманитар фанлари йўналишлари савияси ва геостратегик мақсадлари, тадқиқот услублари ва ҳудудий хусусиятларидан қатъи назар тадқиқотлар марказини инсон, унинг тафаккури муаммоси ташкил этмоқда. XX аср иккинчи ярмидан бошлаб инсоният глобал муаммоларини олдиндан кўришга ҳаракат қилган Ғарб социологияси, маданий антропология ва социал психология, футурология фанлари олимлари постиндустриал жамият гуманитар фанларининг эҳтиёжларига суяниб, тараққий этаётган жамиятларда инсон психологияси, биомутаносиблик ҳолати ва технократик тараққиётнинг инсон яшаб қолиш шартига таъсирини илмий объект сифатида ишлаб чиқа бошладилар. М.Вебер, К.Поппер, Э.Фромм, Ж.Пол-Сартр, А.Камю, О.Тоффлер асарларида инсон муаммоси табиат, жамият ва тафаккурнинг энг умумий тараққиёт қонунлари нуқтаи назаридан ўрганилган.

Ғарбнинг йирик социал институтлари, илмий тизимлари, ижтимоий-гуманитар фанлар тадқиқотлари учун хизмат қиладиган аниқ фанлар лабораторияларининг юқорида номи қайд этилган олимлар ғояларини ўзида ифодалаган ҳолда социал антропология йўналиши асосида бирлашиб, изчил фаолият олиб бориши маълум натижаларга олиб келди. Ушбу ҳолат ҳозирда кишилиқ жамиятларининг иқтисодий, сиёсий, маънавий тараққиётларини маданият нуқтаи назаридан таҳлил этувчи бир бутун тизимнинг яратилишига

восита бўлди. Ҳозирги замон Америка ва Ғарб илми-фанида бу каби тадқиқотлар кўплаб яратилмоқда.¹

Фалсафа, тарих, социология, сиёсатшунослик, иқтисод каби собиқ иттифоқ давридан шаклланиб келган фан йўналишларида эса юқорида келтирилган масалалар формация ёки этнослар тараққиёти нуқтаи назаридан таҳлил этилган эди².

Ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигида ўтиш даврини бошидан кечираётган янги мустақил давлатлар ижтимоий гуманитар фанлари олдида аввалги сиёсатбозликдан қутулиш жараёнида иқтисодий, маданий-маънавий ҳаётдаги ислохотлар туфайли миллий қадриятларни қайта кўриб чиқиб, ўзликни англаш асосида миллат сифатида янгидан намоён бўлишнинг назарий асосларини тадқиқ этиш вазифаси кўндаланг бўлиб қолган эди. Ушбу вазифани бажариш йўлидаги тадқиқотлар натижалари мазкур даврда МДХ давлатларининг тарих, фалсафа, социология, этнография, этнология ва этнопсихология фанлари материалларида икки хил йўналишни келтириб чиқарди. Бу бир томондан МДХ давлатлари ижтимоий-гуманитар фанлари тизимида шаклланишни бошлаган социал антропология йўналишига интеграциялашув, иккинчи томондан иккинчи ва учинчи тўлқин цивилизацияси орасидаги ижтимоий тафаккур муаммоларини ҳал қилишга уринишда собиқ совет этнологик назарияси асосларига кўра хулоса чиқариш йўналишлари эди. Биринчи йўналиш постмодернистик ва иккинчи йўналиш примордиалистик оқимлар деб атала бошланди. «Мазкур янгиликни С.Соколовский биринчи бўлиб позитивистик ва постмодернистик, ёки бошқа ракурсда, объектив-универсал ва релятивистик каби икки парадигма курашининг лавҳаси деб тушунтирди. Ушбу ҳолатда унга Т.Кун томондан таклиф этилган «парадигма» тушунчаси илмий билишни тадқиқотнинг

¹ William A.Haviland. Cultural antropologi. – Vermont: University of Vermont, 1999. – P.514.

² Бромлей Ю.В. Очерки теории этноса. -М.: Наука, 1983. - 412 с; Гумилев Л.Н. Этногенез и биосфера Земли. -М.: ЭКСМО, 2007. - 736 с.; Козлов В.И. Этнос.Нация. Национализм. - М.: Мысль, 1999. – 248 с.; Рыбаков С.Е. Философия этноса. - М.: Прогресс, 2001. – 228 с.

маълум соҳасида гегемонлик учун курашаётган икки оқими курашининг натижаси сифатида кўришда жуда ўринли бўлиб туюлди», - деб талқин қилади рус этнологи В.Р Филиппов¹.

Лекин бу икки оқим қайси усул асосида ва қандай ғоялар учун хизмат қилмасин, уларнинг тадқиқот объекти ёки парадигма сифатидаги кўриниши этнос, этниклик, миллат масалалари сифатида янги давр нуқтаи назаридан кашф этила бошланди. Менталитет масаласининг илмий парадигма сифатида ижтимоий гуманитар фанларда муҳим аҳамият касб этиши ҳам айнан шу даврга бориб тақалади. Чунки айна шу вақтдан этнос, этниклик ва миллат тушунчаларининг ўндан ортиқ таърифи инкор этилиб, улар орасида миллий тафаккур тарзи, миллий дунёқараш, менталитет бирлигига кўпроқ урғу берилган фикр-мулоҳазалар, таърифлар тасдиқланди. Тўғри, этнологларнинг юқорида қайд қилинган икки оқими ўртасидаги илмий баҳсларда ҳалигача этнос, этниклик, миллат тушунчаларининг ҳамма учун қониқарли бўлган намунали таърифи ишлаб чиқилмади, аммо менталитет муаммоси этнология доирасидан чиқиб ижтимоий фалсафа, социология, сиёсатшунослик, психология каби фан соҳаларининг долзарб тадқиқот мавзусига айланди.

Ҳолбуки, Марказий Осиё ва Россия ижтимоий гуманитар фанларида эндигина ўрганилиши одат бўлган менталитет муаммоси Америка ва Ғарб маданий антропологиясида анча тажриба тўпланган мавзудир. Бу масалалар «mental health»² - ментал соғлиқ нуқтаи назаридан ўрганилиб, юқорида таъкидлаганимиздек, менталитет этник ва миллий хусусиятлардан кўра кўпроқ маданият ҳосиласи ва даражаси нуқтаи назаридан таҳлил этилади. Постсовет муҳитида постмодернизм³ ва примордиализм⁴ оқимлари баҳслари туфайли менталитет масаласига йўл очилишини тақдир тақозоси деб билсак, унинг мантикий моҳияти бу масаланинг ўрганилишига бўлган эҳтиёж билан

¹ Филиппов.В.Р. Парадигматика этнологии // <http://www.viu-online.ru/science/publ/buletен10/page9.html>

² William A.Haviland. Cultural anthropology. – Vermont: University of Vermont, 1999. p-154

³ этнослар тараққиётини социал антропология йўналишида ўрганувчи оқим. (шарҳ бизники-III.М)

⁴ этнослар тараққиётини рус этнология мактаби анъаналари асосида эътироф этувчи оқим. (шарҳ бизники-III.М)

белгиланар эди. Ҳш мустақил давлатлар ижтимоий гуманитар фанларида бугун менталитет муаммосига катта эътибор берилишининг сабаби бор: ушбу ҳолат кейинги йигирма йиллик вақт ичида собиқ совет иттифоқи худудида рўй берган ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий вазият, мустақилликка эга бўлган собиқ совет иттифоқи давлатларининг миллий идентификация вазияти билан белгиланган.

Миллий идентификация истиқлол даврида янги хусусият, иқтисодиёт, сиёсат билан бирга янги ҳаёт тарзини қайтадан бошлаган давлатлар фақатгина миллийлик нуқтаи назаридан давлат қизиқишларини ифода этиш эмас, балки одатдан ташқари жараёнга мослашиш ва сақланиб қолиш учун кураш вазиятида бутун тарихий, моддий ва маънавий қадриятлар нуқтаи назаридан ўз илдизларини, ўзлигини англаш, барча прогрессив ва иқтисодий силжишларга тўсқин бўлаётган, анъанавий дунёқарашга асосланган миллий тафаккур таркибидаги камчиликларни қайтадан мушоҳада қилиш эвазига замонавий дунё тараққиётига интеграциялашувдир. Менталитет муаммосининг ҳозирги давр гуманитар фанларида кўндаланг бўлиб туришидаги ижтимоий-сиёсий асослар шу масалага бориб тақалади. Бу ҳодисанинг психологик моҳиятини эса психолог олим П.Н.Шихарев шундай талқин қилади: «Тарихни инсон фаолиятининг фақатгина бир доирасида, иқтисодиёт миқёсида таҳлил қилиш шуни кўрсатяптики, ишлаб чиқариш воситаларининг ривож ва мураккаблашиши даражасида инсоният унсиз равишда уйғонишнинг ташқи шаклларида шахснинг мотивацион ядроси, қадриятлар базаси бўлган ички шаклларига бутун имкониятни жалб этган ҳолда силжиб бормоқда».¹

¹ Шихарев П.Н. Современная социальная психология. -М.: Деловая книга, 2000. – С. 7.

Менталитет терминининг вужудга келиши XIX асрда яшаб ижод этган файласуф ва шоир Р.Эмерсон номи билан боғлиқ². Кейинчалик эса менталитетнинг илмий муомалага киритилиб, илмий тушунча сифатида мазмун ва маъно касб этиши француз этнологи ва социал антропологи Л.Леви-Брюлл номи билан боғланган. «Ибтидоий менталитет» асарида у шундай ёзади: «Ўн икки йил аввал «Ибтидоий жамиятларда фикрлаш фаолияти» деган асарим нашрдан чиқаётганида, уни «Ибтидоий менталитет» деб номласам ҳам бўлар эди, лекин мен бундай номдан воз кечдим, сабаби «менталитет» сўзи ва ҳаттоки «ибтидоий» атамаси ҳам бизнинг тилимизга анчагина ёт эди»¹. «Ибтидоий менталитет» 1921 йилда нашр этилганини эътиборга олсак, XX аср бошларида «менталитет» илмий муомалага деярли кириб келмаган атама эди. «Содда менталитет» тушунчасининг шаклланишида асосий ҳиссани француз философи, социологи ва социал психологи Люсьен Леви-Брюль (1857-1939) ўзининг «*La mentalite primitive*» асари орқали қўшди»², деб эътироф этади Т.В.Андрианова. Дарҳақиқат, мазкур асар муаллифининг таъкидлашига кўра «Ибтидоий менталитет»нинг предмети ибтидоий одамларнинг сабаб ва оқибатни тушуниши, ана шу категориялар ҳақидаги тасаввурларини ўрганишдан иборат эди³. Эътибор берилса, ушбу китобда «менталитет» атамасига алоҳида таъриф берилмайди, у фикрлаш фаолияти, ақлий кўникма тушунчаларига адекват сўз тарзида ишлатилади.

Менталитет атамасининг XX аср илм-фанида қайтадан ҳаёт бошлаши ўтган асрнинг 80-йилларига тўғри келади. Ана шу даврдан бошлаб менталитет атамаси ижтимоий-гуманитар фанларда оммавийлашиб, «маданий стереотип» иборасини сиқиб чиқара бошлади ва фанга дастлабки кириб келган давридан кўра кўпроқ вазифани, мазмун-маънони ўз зиммасига

² Андрианова Т.В. Геополитика и культура. - М.: Политика, 2001.- С 22. Ментальности(менталитет)// <http://www.krugosvet.ru/articles/105/1010513/1010513a1.htm>

¹ Люсьен Леви-Брюль. Первобытный менталитет. -М.: Культурное наследие, 2003. –С. 9.

² Андрианова Т.В. Геополитика и культура - М.: Политика, 2001. –С. 22.

³ Люсьен Леви-Брюль. Первобытный менталитет. - М.: Культурное наследие. 2003.–С. 9.

олди. Бу фақатгина менталитетга урғу бериш ижтимоий гуманитар фанларда урф бўла бошлаганлигидан эмас эди, албатта. Ушбу ҳолат қуйидагилар билан белгиланади.

Биринчидан, «маданий стереотип» ўз моҳияти ва таърифига кўра алоҳида гуруҳлар дунёқараши, ментал қиёфасида вужудга келаётган динамик ўзгаришларни қамрай олмас эди. Сабаби, «стереотип» сўзи юнонча stereos – мустаҳкам ва typos – белги, хусусият сўзларининг бирикмасидан олинган бўлиб, илмий мулоқотда асосан феъл-атвор, идрокнинг анъанавий, одатдаги шакли, андозавий феъл-атвор тарзи, муайян изчилликда хатти-ҳаракатларни амалга ошириш усули, бир хиллик, ўхшашлик маъноларида қўлланилади»¹. Шу туфайли, «замонавий гуманитар фанларда менталлик тушунчаси кенг маъно касб этиб, катта социал гуруҳлар учун типик ҳисобланган, у ёки бу маданий стереотипларнинг ёки бутун жамиятнинг руҳий шайланганлиги характеристикасинигина аниқлашда эмас, кишиларнинг катта бўлмаган гуруҳининг тафаккур тарзи, эътиқоди, «руҳий кўникмаларини» ҳам аниқлашда ишлатилади»².

Иккинчидан, айнан шу даврлардан бошлаб вужудга келаётган иқтисодий, сиёсий, маънавий ўзгаришларни сезиб, манқуртлашишдан ўз келажаги ва тараққиёти томон юз тутаётган миллатлар тафаккур тарзини маълум меъёр асосида белгилашга табиий зарурият, эҳтиёж вужудга келди. Менталитет бир томондан, стереотипда белгиланган феъл-атворнинг такрорланувчи хусусиятларини, иккинчи томондан эса, тафаккур, идрок, дунёқарашнинг шаклланиб боровчи динамик белгиларини ҳам ўзида ифодалаган кенг, вербал тушунчадир. Шунинг учун у XX аср охирларидаги туб ўзгаришлар жараёнининг алоҳида гуруҳлар тафаккуридаги инъикос ҳолатларини очиб берувчи восита сифатида илмий объект вазифасини ўтамоқда.

¹ Умарова Н.Т. Жамият сиёсий маданиятининг шаклланишида этник феъл-атвор стереотипларининг ўрни. Сиёсий фан. ном. ... дисс. – Тошкент: 1997. – 22 б.

² Ментальности(менталитет)/<http://www.krugosvet.ru/articles/105/1010513/1010513a1/htm>

Шу кунга қадар менталитетни ўрганиш бўйича ёндашувлар, назарияларнинг шаклланиш тарихини таҳлил эта туриб, уларни қуйидагича туркумлаштириш мумкин, деган фикрга келдик:

I Менталитетни ўрганиш тарихи ва муаммоларини ўзида акс эттирган мумтоз асарлар. Ўз навбатида бу туркум икки йўналишга бўлинади:

1) Мустамлака сиёсатининг мафкуравий асосларини яратиш, мустаҳкамлаш, мустамлака ҳудудларига ёт бўлган сиёсат, маърифат ва маданиятни олиб кириб, сингдириш йўлида хизмат қилган тадқиқотлар.

Ушбу тадқиқотларнинг ғоявий илдизлари немис классик фалсафасининг намояндаларидан бири Георг Вильгельм Фридрих Гегель ижодига бориб тақалади. Европапарастлик ва шовинистик таълимотларининг асосчиси бўлган Гегель ижодида Шарқ халқларининг эстетик дунёқараши: «Ғоявийлик-хитойликнинг тафаккур тарзига хос эмас, эстетиклик ундан жуда узоқда» ёки, ҳиндлар ҳақида сўз кетар экан, «ғўзалликни бу каби тушуниш ортида асабий заифлик турибди»¹, қабилидаги таҳлил билан камситилади. Гегель XIX аср Ғарбий Европа империя сиёсатининг мафкурачиси сифатида, ўз ижодида мустамлакадаги халқларнинг тафаккур тарзини истило мақсадида ўрганилишига асос солди. Аслида менталитетнинг ўрганилиши ва унинг илмий муомалага олиб кирилишидан асосий мақсад ҳам, истило қилиниши лозим бўлган ҳудудлардаги халқлар тафаккур тарзини ўрганишдан иборат бўлган. Бу каби мақсаддаги илмий ишлар сирасига Леви-Брюль, П.Г.Галузо, А.Р.Лурия² асарларини санаб ўтиш мумкин.

2) Халқларнинг фикрлаш тарзи, ақлий жараёнлари, дунёқараш хусусиятлари ҳақида маълумот берувчи этнографик характердаги материаллар. Мазкур йўналишдаги асарлар XIX аср охири XX аср бошларида

¹ Гегель Г.В. Эстетика. - М.: Искусство, 1973. - С. 291.

² Люсьен Леви-Брюль. Первобытный менталитет. - М.: Культурное наследие, 2003.- 228 с.; П.Г.Галузо. Туркестан-коллония. - Ташкент: Коммунист, 1929. - 164 с.; Лурия А.Р. Об историческом развитии познавательных процессов. - М.: Наука, 1974. -172 с.

Марказий Осиёга саёҳат ёки сургун туфайли келган чет эл олимлари, тарихчилари томонидан ёзилган бўлиб, уларнинг аксариятида Марказий Осиё халқларининг турмуш тарзи, ҳаётини тасвирлаш билан бирга урф-одат, эътиқод шакллари билан боғлиқ иррационал тафаккур тарзига, руҳий дунёси, ақлий хусусиятларига, ҳам алоҳида эътибор берилган¹.

II Менталитетни ўрганиш билан боғлиқ замонавий тадқиқотлар.

Мазкур муаммо фанда нисбатан янги бўлгани учун замонавий тадқиқотлар ҳали спонтан кўринишга эга. Лекин уларни шартли равишда уч гуруҳга ажратиш мумкин:

1) Менталитетга жамият тараққиётини ҳал этувчи етакчи омил сифатида ёндашиш: Чет эл олимлари Г.Хофштед ва А.Кавато илмий ишларида менталитетга жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тараққиётини ҳал этувчи асосий омил сифатида қаралади. Г.Хофштеднинг «Миллий давлат умумий ментал дастурнинг манбаи» («The nation-state as a source of common mental programming») номли мақоласида «миллий идентиклик онгли даражада рамзлар, анъаналар, қаҳрамонлар образидан ташкил топган ментал дастурнинг бир қисмидир»², дейилади. Мақоланинг номидан ҳам кўриниб турибдики, миллий давлатнинг тузилиши ва хусусиятлари уни ташкил этган фуқароларнинг менталитетини ўзида акс эттиради ва давлатнинг келгуси истиқболи ҳам фуқароларнинг менталитети даражасига боғлиқ. А.Каватонинг қарашларига кўра, Япониянинг бугунги тараққиёти ва ютуқларига япон менталитетидаги Ватанни қарамликдан сақлаш ва миллий озодлик учун ҳар қандай машаққатларни енгиш хусусияти

¹ Вамбери А. Путешествие по Средней Азии. – Санктпетербургъ: 1865. - 292 с.; Снесарев Г.П. Семья и семейные обряды у народов Средней Азии и Казахстана. –М.: Наука,1978. – С.280.; Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. М., 1983; Leonid Pavlovic Hfnjgjs Materialien zur Kulturgeschichte der Uzbekien aus der Jahren 1928-1930 // Mit begleitenden Worten des Sammlers herausgegeben und eingeleitet von Jakob Taube. Turkologika 25, Harrassowitz Verlag; Древние авторы о Средней Азии. // Коллектив авторов. –Ташкент: 1939. – 230 с.

² Hofstede G. The nation-state as a source of common mental programming: Similarity a differences across Eastern a. Western Europe//The Future of the nation-state. -N.Y.,1996.—P. 19-49.

сабаб бўлган¹. Шунингдек, кейинги йиллар давомида Россия ижтимоий фанларида менталитетга муносабатда ҳам, ижтимоий, сиёсий, маънавий ҳаётда вужудга келган салбий жараён ва ҳодисалар сабабини рус менталитетидан излаш ҳолатлари кузатилмоқда².

2) Конструктивликка қарши бўлган постмодернистик ёндашув: Ушбу йўналиш элат, халқ, миллат каби ижтимоий гуруҳларнинг вужудга келиши, уларнинг ўз-ўзини идентификациялаши тарихга бўлган конструктив ёндашувнинг натижаси деган ғояни эътироф этади. Р.Брубейкер, Б.Андерсен, Т.Мартин, Ю.Слэзкин каби антропологларнинг илмий ишларидан мақсад, миллат тушунчасини йўққа чиқариш, ҳар қандай миллат ҳақидаги прогрессив ғояларни шубҳа остига олишдан иборатдир³. Ўзининг «Тасаввурдаги ҳамжамиятлар» номли фундаменталь тадқиқотида Б.Андерсен миллат «тасаввурдаги сиёсий ҳамжамият» сифатида характерланади⁴. Бу ёндашувда миллат маълум маънода «чекланган ва суверен» гуруҳ сифатида талқин этилади ва ментал хусусиятларда ҳам шу нарса акс этади. Р.Брубейкер тадқиқотларида ҳам миллатлар тарихга бўлган конструктивистик ёндашувнинг натижаси бўлиб, бу этносиёсий товламачилик ва геосиёсий найрангларга олиб келади, деган хулосага келинган.

3) Конструктивликни эътироф этувчи постмодернистик ёндашув ёки менталитетга маданият ҳосиласи, ижтимоий, иқтисодий, маънавий тараққиётнинг оқибати сифатида қарашлар: Мазкур гуруҳга оид ёндашишлар менталитетга берилган таърифлардаги умумий эътироф этилган

¹ Бу ҳақда қаранг: Акио Кавато. Восток или Запад? - Актуально-ли постановка вопроса? Лекции в японском центре Нижнего Новгорода.

² Ачария Б. Политический менталитет россиян глазами иностранного ученого // Вестник Российского университета дружбы народов. – Серия: политология. – 1999. -№1. –С. 107-111; Андрианова Т.В. Геополитика и культура. - М.: Политика, 2001. – 92 с.; Арутюнян Ю.В. Трансформация постсоветских наций. – М; Наука, 2003. – 230 с. Абрамян Е.А. Изменение менталитета нации; экономическое чудо. http://www.Abramyan.Ru/ment_chudo.

³ Brubaker R. Nationalist Politics and Everyday Ethnicity in a Transylvanian Town. Princeton and Oxford: Princeton University Press, 2006. – 460 p.; Андерсен Б. Воображаемые сообщества. Размышления об истоках и распространении национализма. - М.: Айрис Пресс. 2001. – 290 с.; Terry M.A State of Nation. Oxford university Press, 2001. – 460 p.; Слэзкин Ю. СССР как коммунальная квартира или каким образом социалистическое государство поощряло этническую обособленность//Slavik Review 53. Summer, 1994. – P. 414-452.

⁴ Андерсен Б. Воображаемые сообщества. Размышления об истоках и распространении национализма. - М.; Айрис Пресс, 2001. - С.31.

хусусиятларни инкор этмайди, лекин, бу йўналишнинг асосида менталитет маданият ҳосиласи сифатида олиб қаралади. Постсовет муҳити олимлари ижодида шу каби қарашлар кўпроқ учрайди. Сабаби, методология маданияти ва фандаги ҳозирги ривожланиш нуқтаи назаридан улар тарихга формацион тараққиёт усули билан ёндашишдан воз кечган бўлсалар ҳам, менталитетга ижтимоий, иқтисодий, маънавий тараққиётнинг оқибати сифатида муносабат билдирадилар. Мамлакатимиз ижтимоий, гуманитар фанларида мазкур масалани илмий муаммо сифатида ўрганган социолог олим М.Бекмуродовнинг бир қатор монография ва тадқиқотларида, этнограф олим А.Ашуровнинг этнографик йўналишдаги илмий мақолаларида ўзбек менталитети масаласи шундай ёндашиш асосида таҳлил этилади¹.

Ҳозирги кунда замонавий ижтимоий гуманитар фанларида менталитетга оид ўндан ортиқ таърифлар мавжуд. Менталитет баъзи рус олимлари талқинида «индивид ёки гуруҳга хос тафаккур, дунёни идрок қилиш, руҳий кайфият тарзи. Менталитет тушунчаси Ғарб интеллектуал ҳаётига онгнинг ақл билан маърифат нуқтаи назаридан айнанлаштирилишига XX тақозо этган тузатиш сифатида киритилган. Бугунги фалсафа, маданиятшунослик, публицистикада бу атама халқларнинг ўзига хос миллий хусусиятлари, маданиятлари характеристикаси сифатида қўлланилади... Маданият менталитети – онгда ва кўпгина инсонлар авлоди хулқ - атворида тарихан шаклланган, ўзида миллий маданий ривожланиш азалдан давом этиб келаётган анъаналарини бирлаштирган маданиятнинг чуқур тизими» деб талқин этилади².

¹ Бекмуродов М.Б. Миллий менталитет ва раҳбар маънавияти. – Тошкент: Адолат. 2003. – 49 б.; Ўзбек менталитети // Гулистон. – Тошкент, - 2001. - №3. – Б. 3-4; Ўзбек менталитети // Хуррият, 2002. 17 апр.; Ўзбек менталитети: Кеча ва бугун // Тафаккур. – Тошкент, – 2002. - №1. – Б. 14-18.; Ўзбек менталитетида жамоавийлик ва индивидуаллик нисбати // Соғлом авлод учун. – Тошкент, – 2002. - №5. – Б. 4-13; Ўзбек менталитетида жамоавийлик ва индивидуаллик // Хуррият, 2002. 24 апр.; Ашуров А. А. Ўзбек миллий менталитети ҳақида баъзи мулоҳазалар //Ижтимоий-гуманитар ва иқтисодий фанлар муаммолари. Қарши 2002. 8-10 б. : On the concept of Uzbek Ethnic mentality// Central Asian Studies Vol.8. Seoul 2003. P. 261-267; Ўзбеклар//Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 10 жилд. Т.,2005. 487- 492 бетлар. (А.Қаюмов билан ҳаммуаллифликда)

² Кравченко А.И. Культурология: Словарь. –М.: Академический проект, 2000.-С.343.

Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти томонидан нашр этилган «Фалсафа: қомусий луғат» да менталитетга қуйидагича ёндашилган «Менталитет (лот «mens» ақл, идрок) жамият, миллат, жамоа ёки алоҳида шахсининг тарихий таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий салоҳияти, ҳаёт қонунларини таҳлил этиш кучи, муайян, ижтимоий шароитларда шаклланган ақлий қобилияти»¹.

Кўриниб турибдики, менталитет тушунчасига берилган изоҳлар таъриф қоидасини яратган жамият, илмий гуруҳ, муаллифларнинг ғоявий йўналганлигини, мақсад ва услубларини ўзида акс эттирган. Лекин улар бир жиҳатдан ўхшаш параметрларни ўзида мужассамлаштирган. У ҳам бўлса - ақл, фикр, мушоҳада, онг, дунёни идрок этиш, руҳий кайфият, маънавият, эътиқод кабиларнинг менталитетда етакчи омил сифатида ифодаланишидир. Ижтимоий фалсафага «... жамият ва инсонни тадқиқ этишни эмас, балки ижтимоий-гуманитар фанлар (тарих, социология, психология, антропология, этнография, иқтисодий назария ва ҳ.к) нинг ютуқларига таянган ҳолда жамият тўғрисида фалсафий қарашлар тизимини яратади»², деб билдирилган таърифни эътиборга олсак, менталитетга оид социология ва психология, политология фанларидаги илмий ишларнинг фалсафий моҳиятини очиб бериш, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётда менталитет масаласига оид фалсафий қарашлар тизимини яратиш ижтимоий фалсафанинг зарурий вазифаси экани аниқ бўлиб қолди.

Янги замонавий давр ижтимоий гуманитар фанлари инсон муаммосини ўрганиш йўлида бир-бирларига яқинлашаётган бир даврда ижтимоий фалсафа интеграциялашув жараёнида фикр янгилиги билан ўз ўрнини эгаллаб туриши керак. Акс ҳолда унинг бир қарашда чекланган предмети доираси ижтимоий фалсафанинг бошқа гуманитар фанлар кашфиётларига қарам бўлиб қолишига олиб келади. Айни пайтда бу ижтимоий фалсафанинг

¹ Фалсафа қомусий луғати. – Тошкент: Шарқ, 2004. 257-б.

² Ўша манба. 151-б.

«бошқа фанлар ютуқларига таянган ҳолда» фалсафий хулосалар чиқариши лозимлиги унинг ўз методологиясини ривожлантирмай, чеклаб қўяди, деган хулосага олиб келмайди. Ижтимоий фалсафада ҳам предметга доир методологияни ишлаб чиқиш ва йўлга қуйиш аксарият ҳолда амалиёт ва назариянинг ўзаро мутаносиблигига боғлиқ.

Баъзи олимларнинг пессимистик қарашларига кўра ҳозирги ижтимоий-гуманитар фанлар соҳаларидаги илмий тадқиқотларда қуйидагича намоён бўладиган деярли бир хил ҳолатни кузатиш мумкин эмиш. Бу вужудга келган замонавий муаммолар қаршисида танглик ҳолатидир. П.Н.Шихарев машҳур социал психолог С.Франкнинг қуйидаги фикрини келтиради: « Эски худолар жонсиз санамларчалик ҳам эътиқод ўрнини эгалламади. Айни чоғда янги ҳақиқат инсон қалбида пайдо бўлмади ва унинг дилидан жой олмади. Биз чуқур ишончсизлик, скепсис, рухий танглик ва тушкунлик даврида яшайпмиз... Эътиқодсиз тарих ғилдираги тўхтаб қолгандай туюлади аслида, чунки у эътиқод билан кашф этилади... Бу ерда зарур бўлган энг муҳим ва биринчи вазифа фикр ҳамда ирода қуввати билан бизни кучсизлантираётган скептицизмни енгиш, назаримизни инсон, жамиятнинг абадий мавжудлигига қаратиш, уни англаш орқали ижобий ишонч, мақсад, кишилиқ жамиятининг вазифаларини англашга эришишдир»¹. Психолог П.Н.Шихарев эътиборимизни ушбу фикрнинг билдирилганига етмиш йилдан ошганига қаратар экан, бугунги кунимизда ҳам С.Франкнинг фикри ўз кучи ва қийматига эгалигини таъкидлайди. Ва бу мулоҳазаларни ўз нуктаи назаридан давом эттиради: « Ижтимоий фанлар соҳасидаги ўзига яраша обрўли ишларни таҳлил этиб, Сорокин ҳамма муҳим фикрларни Конфуций ўз даврида айтиб бўлган экан, деган хулосага келади. Бу фактни таҳлил этиб туриб, бошқа машҳур америка социологи Р.Мертон замонавий муаммоларнинг қўйилишидан афзал бўлган «адумбрационизм» ёки ғоявий манбалар излаш ҳолатининг фойда бериш-бермаслиги масаласини илгари

¹ Шихарев П.Н. Современная социальная психология. - М.: Деловая книга, 2000. – С. 341.

сурди»². Шихарев худди шу ўринда «янгилик жуда яхши унутилган эскиликдир» деган афоризмни эслатади. Фикрлар занжиридан кўриниб турибдики, ижтимоий-гуманитар фанлар мавқеи ва методологик имкониятлардан қатъи назар, ғоявий илдизларни излаб топишда бир хил шароитдадирлар. Аслида эса, баъзан янги муаммо сифатида қўйилган масаланинг моҳият илдизини аниқлашга ҳаракат қилсак, унинг замини асрлар давомида тадқиқ этилаётган мавзунинг янги қиёфаси эканлиги маълум бўлади. Марказий Осиёда X-XI аср, XIV-XV аср икки буюк уйғониш даврига тамал тошини қўйган гуманизм фалсафаси моҳиятидаги инсон қалби ва тафаккури мавзуси, XIX аср охири XX аср бошларидаги жаҳид миллий демократик ҳаракатидаги миллат тафаккури, ўзликни англаш ва миллат озодлиги масаласи, ниҳоят XX аср охири XXI аср бошларидаги ўзбек миллий идентификацияси жараёни, миллий ментал тафаккурнинг умуминсоний демократик тафаккур тамойилларига интеграциялаштириш масалалари моҳиятан бир ва давр нуқтаи назаридан турли ном билан аталган мавзулардир.

Бу каби замонавий масалаларга ижтимоий фалсафа берадиган ечимлар маълум маънода менталитет таҳлилисиз асоссиз ва заифдир. Қолаверса, долзарб муаммоларга социология, сиёсатшунослик каби бошқа ижтимоий фанлар фалсафа учун жавоб бераётган бир пайтда, менталитетни юқори илмий даражада таҳлил қилиш малакаси фалсафанинг жамиятда бошқа фанлар қаторида тутган мавқеи ва ўрнини белгилайди.

Менталитет масаласи кенг қамровли ва долзарблигини назарда тутган ҳолда ўзбек халқининг бугунги кундаги тараққиёт босқичини эътиборга оладиган бўлсак, ушбу муаммонинг янада кенгроқ ва қадрият нуқтаи назаридан чуқур илмий асосида ўрганилиш эҳтиёжи аниқ сезилади. Зеро, миллий менталитет ижтимоий тафаккурнинг умумлашган шакли, шу билан бирга, бир неча минг йиллик тарихий довлар оша шаклланиб,

² Ўша манба. - С 343.

Ўзбекларнинг миллат даражасида бирлаша олишига восита яратган тафаккур ифодаси сифатида юксак қадрият мақомига эгадир. Ана шу сабабга кўра ҳам бу масала алоҳида тадқиқот объекти бўлиши лозим.

Менталитетни ўрганиш соҳасидаги барча ёндашув ва назарий асослардан келиб чиқиб, уларни умумлаштирган ва тадқиқот давридаги индивидуал тажриба ва билимлардан келиб чиққан ҳолда биз менталитетга қуйидаги таърифни беришни лозим топдик: **менталитет - элат, халқ миллат, жамоа, гуруҳ, шахснинг тарихий босиб ўтган йўли, био-физиологик ривожланиши, иқтисодий, сиёсий маънавий, диний, экологик, маиший ҳаёт уйғунлиги таъсирида шаклланган, таркиб топган тафаккур даражаси, маънавий, ақлий салоҳияти, ҳаётий муаммоларга қарши тура олиш кучи, муайян, ижтимоий шароитларда шаклланган фикрий қобилияти бўлиб, у жамият тараққиёти, иқтисодий-сиёсий даражаси, маънавий камолотида ҳал қилувчи омилдир.** Менталитет ўзгарувчан бўлиб, унинг регрессив ёки прогрессив хусусиятлар ҳосил қилиши жамиятдаги сиёсий тузумга, унда инсон омили ва эрки масаласининг қай даражада қўйилгани ва демократик тамойилларнинг амал қилиш механизмига боғлиқдир. Шунингдек, менталитет даражаси ва сифати жамиятнинг маънавий кучи бўлмиш маърифат, дин, сиёсат, миллий қадриятларнинг прогрессив тамойиллар асосида ривожланиш хусусиятларига ҳам чамбарчас алоқадор. Жамиятнинг, миллатнинг, маълум бир гуруҳнинг менталитетини ўрганиш унга ҳар томонлама жиддий ёндашишни тақозо этади. Уни ўрганиш учун жуда кўп омиллар эътиборга олиниши ва бошқа миллатлар билан қиёсланиши, ушбу миллат яшаб турган муҳит, тарихий шарт-шароит, унинг ўтмиши, миллатнинг руҳияти ва бошқа қатор омиллар эътиборга олиниши лозим.

Ушбу таъриф биз олдимизга қўйган мақсад, ўзбек менталитетининг салоҳият имкониятларини, ўзига хос хусусиятларини, тарихий шаклланиш динамикасини илмий тадқиқот объекти сифатида ижтимоий фалсафа

соҳасида концептуал таҳлил этишда ҳал қилувчи йўналиш вазифасини ўтайди.

Менталитетни ижтимоий фалсафа соҳасида ўрганиш назарий асосларини тадқиқ қилиш қуйидаги хулосаларга олиб келди:

1) Ижтимоий фалсафа соҳасида менталитет масаласини ўрганишга доир етарлича асос мавжуд ва мазкур соҳага оид назарий манбалар ҳар доим ҳам аниқ ижтимоий-сиёсий вазият туфайли юзага келган.

2) Инсон тафаккури ва ментал салоҳияти мавзуси илм-фан доирасида, кўп ҳолларда, империя давлатлари сиёсатининг қизиқишларини эътиборга олган ҳолда, мустамлака сиёсатларини ташкил этиш учун ўрганилган.

3) Ҳар қандай сиёсий бухрон ва ўзгаришлар даври, жамият ҳаётининг инқирозга юз тутиб, қайтадан тикланиши жараёнида фан соҳаларида инсон тафаккури муаммоларини ўрганишга эҳтиёж пайдо бўлади.

4) Постсовет муҳитида менталитет масаласига қайтадан мурожаат этилиши тарихи ўз давлатчилик асосларини шакллантираётган ёш мустақил давлатларнинг мафкурасида энг аввало, миллат, миллий тафаккур ва миллий ўзликни англаш масалаларига эътибор қаратилгани билан белгиланади.

5) Ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий жараёнларда, миллий менталитет етакчи омил сифатида рол ўйнайди.

Илмий ишнинг навбатдаги параграф ва бобларида биз бу масалани алоҳида жиҳатлар ва даврлар нуқтаи назаридан кўриб чиқамиз.

1.2. Демократик тафаккур генезиси ва тараққиёти – ўзбек менталитетининг зарурий шарти

Ўзбек менталитетида демократик тафаккурнинг шаклланиши жараёнини ўрганиш юзасидан олиб бориладиган тадқиқот умуминсоний тафаккур тараққиёти нуқтаи назаридан демократик ғоялар генезиси ва

йўналишини, уларнинг янги даврда миллатлар тараққиёти ва келажагига таъсири хусусиятларини ҳам алоҳида бир соҳа сифатида кўриб чиқишни тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, ўзбек менталитетида демократик тафаккур генезиси ва тараққиёти хусусиятларини янада ёрқинроқ очиб бериш имкониятини яратади.

Аслида демократик жамият, унинг асосида ётган тамойиллар ҳақидаги ғоялар инсоният тарихи каби кўҳна ва ўз давриданок мунозарали бўлса-да, вақт ўтиши билан ўзининг собитлигини, тараққиёт тамойилларини адолат мезонлари асосида бошқарилиши мумкинлигини кўрсатмоқда. Инсоният демократия ҳақида минг йиллар давомида баҳс юритиб, унинг энг олий ва идеал кўринишлари, икки оғиз сўз билан унинг моҳиятини тушунтириш мумкин бўлган таърифлари устида бош қотириб келмоқда. Ёш мустақил давлатлар демократик тараққиётга қадам қўяётган ўтиш даврида демократияни аниқ ва лўнда постулат сифатида идрок этишга уринишни кузатиш мумкин. Ўз геополитик ва геостратегик мақсадларини айнан демократик идеаллар орқали амалга оширишга ҳаракат қилаётган постиндустриал мамлакатларда эса, демократия - эркин сўз, эркин фикр, ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинган фуқароларнинг очиқ жамияти эканлиги ҳақидаги тушунча доирасидан чиқиб, яна ижодий баҳс мавзусига айланмоқда.

Кишилиқ жамиятига демократия ғоясини берган инсон тафаккури асрлар оша бу ғоянинг амалдаги исботини қандай кўрсата олди? Ҳолбуки, К.Поппер таъбири билан айтганда «жамият индивидуал руҳиятларнинг ўзаро алоқадорлиги маҳсулидир. Ўз навбатида ижтимоий қонуниятлар руҳий қонуниятларга бўйсунishi керак, анъаналарини эътиборга олган ҳолда ижтимоий ҳаёт ҳодисалари асосида индивидуумлар руҳияти моҳиятидаги мотивлар ётади»¹.

Фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш, бурчларини англатиш, ғояларнинг эркин оқимини рад этмаслик, қонуннинг демократик

¹ Открытое общество и его враги. - М.: Культурная инициатива, 1992. 107-С.

устуворлигини таъминлаш, эркин матбуот, демократик императивлар - ишонч, яхши ният, ижодийлик ва ҳамжихатлик жамиятнинг демократик тараққиёт тамойилларидир.

Демократия назариётчиларидан бири Сондра Майерс фикрича: «Демократия хаёлпарастлик эмас, балки инсонларнинг барча учун озодлик ва адолат мезонларини таъминлашга риоя этувчи жамиятда эркин яшаш умидидир. Демократия - шунчаки хавас учун спорт ўйини эмас, аксинча - оғир меҳнат ҳамда барча томонидан риоя этилувчи тенглик ва озодлик кадр-қимматлари дегани. Чех олими Эразим Кохак таъбири билан айтганда «Демократия – арзимас майда-чуйда нарса эмас, балки етуклик; низолар эмас – яхши ният; очкўзлик эмас – идеализм»... Демократия, пировардида, инсон шаънига, бетакрор инсоний салоҳиятимиз, хаёлларимиз ва амалларимизни йўналтириш ҳамда шахсий фаровонлигимиз билан умумий манфаат орасидаги чамбарчас боғлиқлик борлигини тушунишга даъватдир»¹. Америка сиёсатшуноси Уильям А. Галстон фуқаролик жамияти ҳақида «фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари аниқ, улар қуйидагиларни ўз ичига қамраб олади: нутқ ва ўз фикрини ифода этиш эркинлиги, бирлашиш, йиғинлар ўтказиш ва иштирок этиш эркинлиги; қонунни татбиқ этишда давлат ўзбошимчалигидан ҳимояланганлик; хусусий мулк, ҳар бир кишининг виждон ва диний эътиқодлари муҳофазаланганлиги. Тўлақонли фуқаролик, шунингдек эркин тарзда оила қуриш, саёҳат қилиш, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда адолатли ва тенг асосда иштирок этиш ҳуқуқини ҳам талаб этади. Фуқароларнинг мажбуриятлари нафақат қонунлаштирилган тартибот ва қурилмаларга мувофиқ иш тутиш, балки уларни барпо этиш ва қўллаб-қувватлашда сидқидилдан қатнашишга тайёргарликни ҳам ўз ичига қамраб олади. Эҳтимол, фуқароларнинг энг муҳим мажбуриятлари ўз озодликларидан мутаносиб равишда фойдаланиш ва ўзгаларнинг

¹ Қўлланма ҳақида // Демократия – баҳс дегани. Нью-Лондон, Коннектикут, АҚШ. 1997.1-6.

хуқуқларини ҳурматлашдан иборат бўлса керак»¹, - деган мулоҳазани келтиради.

Юқорида келтирилган фикрлардан кўриниб турибдики, демократик тамойилларнинг жамиятни барқарорлаштириши, ҳозирда Ғарбнинг замонавий демократия назариётчилигида, қонунчилик ва тарғиботчиликдан кўра, инсон руҳиятининг ички моҳияти орқали амалга оширилаётгани тушуниб етилмоқда. Бу аксарият илғор назарияларда демократик императивлар сифатида ишонч, яхши ният, идеализм каби ғоявий йўналишларнинг кўрсатилиши билан белгиланади. Бугунги кунда айнан мана шундай йўналишнинг кучга кириши, бир томондан, демократия мавзусининг келажакдаги ривожи учун унинг тарихи ва генезисидан ғоявий манбаларни очиб бериш, иккинчи томондан эса, ўша манбаларни янги давр ва туғилаётган муаммоларга жалб қилиш имконини яратиб беради.

Америкалик файласуф Уильям М. Салливан демократиянинг маънавий ҳаракатлантирувчи кучлари ҳақида шундай дейди: «Айрим шахслар ва гуруҳларнинг ростлик ва ўзаро алоқанинг умумий нормаларига риоя этишга асосланган фуқаролик кадр-қимматларидан ишонч, яхши ният ва идеализм ижтимоий ва сиёсий қудратнинг муҳим манбаларидир ... Фуқаролар орасида ишонч, яхши ният ва идеализм каби фуқаролик кадр-қимматлари ҳамда демократиянинг идеалларига изчил фидойилик бўлмаса, шахслар ва жамиятлар ўз мақсадларига эришиш қобилиятини йўқотади... ишонч ва яхши ниятни юзага келтиришда фуқаролик идеализми реализмга айланади ва демократия биносини тиклайди»².

Юқорида келтирилган фикрлар Америка демократия назариётчилигини мутлоқ назария деб эътироф этиш ёки демократик тафаккур тараққиётини фақат Америка тарихи ва воқеълиги билан боғлаш мақсадидан йироқ.

¹ Фуқароларнинг роли: ҳуқуқ ва мажбуриятлар// Демократия – баҳс дегани. Нью-Лондон, Коннектикут, АҚШ. 1997.1-6.

² Демократик императивлар: ишона, яхши ният, идеализм // Демократия – баҳс дегани. Нью-Лондон, Коннектикут, АҚШ. 1997.1-6.

Мақсад, ривожланган демократик системада демократиянинг амалий ва ғоявий кўриниши қандай экани ҳақида тасаввур ҳосил қилиш, ундан келиб чиққан ҳолда демократик тафаккур генезиси ва тараққиётини демократик ментал тафаккурнинг шакллантиришдаги роли билан боғлаган ҳолда очиб беришдир.

Демократия бир қитъа ёки бир мамлакатнинг тафаккур маҳсули эмас. Демократия бутун дунё тафаккур тараққиётининг маҳсули. Шунингдек, демократия замонавий сиёсий назарияларда таъкидланаётганидек, бир мамлакатдан иккинчи мамлакатга экспорт қилинадиган мафкура эмас, у ҳар бир халқ ёки миллат тараққиётида эволюцион йўлни босиб ўтгандагина тегишли мақсадларга олиб келади¹. Уч минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек халқи, нафақат тарихий йўл, тафаккур тараққиёти жиҳатидан ҳам мураккаб жараёни босиб ўтди. Ўзбек халқининг миллат сифатида вужудга келиши, миллий тафаккур шаклланишининг тарихий босқичларини мазкур параграф доирасида қамраб олиш имконияти чекланган. Лекин миллий тафаккур тараққиётида муҳим бўлган айрим томонларни таҳлил қилиш ўзбек менталитетида демократик тафаккур элементларининг миллат сифатида шаклланиш ва сақланиб қолиш, ўзликни англаш жараёнига бутун тарих давомида таъсир этиб турганини кўрсатиб бериши мумкин. Қолаверса, «жамиятнинг бугуни ва келажаги унинг ўтмиш моҳиятидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳам ўтмишни тўғри баҳолаш, фақатгина назарий вазифа эмас. Жамиятнинг бугунги амалий вазифаларини ҳал этишда ўтган авлодларнинг ижтимоий тажрибаларини етказиб беришда ва инсонларнинг ўз тарихлари ҳамда маданиятларига нисбатан қадриятини муносабатларининг тўғри шаклланиши учун ҳам муҳим ва зарурдир»².

Ўзбек миллий тафаккур шаклланиш тарихида ҳам маънавий меросимиз Авесто, унинг вужудга келиши ва у билан боғлиқ тарихий шахслар тарихи

¹ Хардт М., Негри А. Множество война и демократия в эпоху империи. – М.: Культурная революция. 2006.- С 304.

² Бакиева Г. А. Социальная память и толерантность // <http://www.freenet/kg/journal/n4/jrnal4/3.htm>

катта аҳамият касб этган. Шарқ ва Ғарбнинг маданий мероси, фалсафаси ва адабиёти тарихини қиёсий нуқтаи назардан чуқур таҳлил қилган ўзбек олимаси Фозила Сулаймонованинг илмий тадқиқотида «зороастризм жаҳон миқёсидаги энг қадимги динлардан бўлиб, академик С.Ф.Ольденбургнинг айтишига қараганда «зороастризм инсоннинг ер юзидаги ҳаётини енгиллантишга, уни бахтиёр қилишга қаратилган энг оқилона диндир»¹, дейилади. Эрамиздан аввалги биринчи минг йилликда тугал ҳолда шаклланиб, ўзида Марказий Осиё халқларининг эрамиздан аввалги тўрт минг йиллик тарихини ифодалаган «Авесто» моҳиятан демократик ғояларни мужассамлаштирган фалсафий тизимни ифодалайди.

Зардуштийлик таълимоти Марказий Осиё ибтидоий даврида мавжуд бўлган табиат кучларини илоҳийлаштирувчи эътиқодларга нисбатан прогрессив, монотеистик таълимотдир. У беҳуда қон тўкувчи, қурбонликлар, ҳарбий тўқнашувлар, босқинчилик ҳужумларини қоралаб, ўтроқ, осойишта ҳаёт кечиришга, меҳнатга, деҳқончилик, чорвачилик билан шуғулланишга даъват этади. Умуман моддий ҳаётни яхшилашга уринишни ёвузликка қарши кураш деб ҳисоблаб, хайрли ишни, ахлоқли, одобли бўлишни турли диний ақидаларга мутлақ амал қилишдан устун қўйган².

Мафкура жиҳатидан зардуштийлик ғоят кучли таълимот бўлиб, у инсоннинг маънавий, иқтисодий ва маданий ҳаётини мутаносиб ҳолда прогрессив ривожлантиришда катта имкониятларга эга эди. Ушбу таълимотдан мақсад дунёда абадий бахтли ҳаётни ўрнатиш ва унда ҳар бир инсонни фаровонликда яшаши бўлган. Зардуштийликда энг ноёб ғоялардан бири инсон ва табиатни бир бутун моҳият деб билишдир. Унга кўра табиатни суиистеъмол қилиш эвазига ундан ўзини айри ҳолда тасаввур қилиб ҳаёт кечирганда, инсон фаровонликка эриша олмайди. «Зардуштийлар табиатни, ер-сув, дарахт, ўсимлик, жониворларни эъзозлаши, ерни ишлаб, суғориб, боғ-

¹ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 23 - б.

² Ўша манба. 26 - б.

роғ, экинзор қилиши, чорвани, айниқса, йилқичиликни йўлга қўйиши, сувни муқаддас тутиши шарт эди»¹. Инсоният глобал миқёсдаги экологик муаммоларга дуч келаётган ва уни ҳал қилиш йўллари сифатида илғор фан ютуқлари билан бир қаторда демократик тараққиётнинг муҳим омили бўлган экологик тарбия воситалари ва усуллари ишлаб чиқаётган ҳозирги даврда, Авестода огоҳлантирувчи, табиат билан инсоннинг ягона моҳиятлиги ҳақидаги муҳим ғоялар мавжудлигига амин бўламиз.

Зардуштийликдаги яхшилик ва ёмонлик, жаннат ва дўзах ҳақидаги таълимот аввал яҳудийлар дини, кейинчалик христиан ва ислом динларига ўтиб, у динларнинг хусусиятларига кўра қайта ишланади. Ундаги онтологик, гносеологик таълимотлар, пантеистик қарашлар эса антик давр файласуфлари Фалес, Афлотун, Аристотель таълимотларининг генезиси сифатида роль ўйнаган. Бу фикрлар кейинчалик Ғарб ва Шарқнинг бутун фалсафий фикр тараққиётида ўз аксини топган.

Зардуштийлик таълимотига кўра Ахура Мазда яратган олти модда – олти маъбуд Амеша Спента (яъни «мангу авлиёлар») қуйидагилардир – Воху-Мана (Яхши ният), Аша-Ваҳишта (Ўта адолатлилик), Спента Армаити (Диёнатли авлиёлик), Хшатра-Ваирйа (Орзу этилган қудрат, ирода), Хаурватаг (Яхлитлик) ва Амэрэтаг (Мангулик). Уларнинг ҳаммаси Ахура Мазданинг эманацияси. Улар ўзлари яратган ҳар бир моддада иштирок этадилар². Бу олти модда, мангу авлиёлар ўз моҳияти жиҳатидан бутун мавжудликнинг бир бутунлигини ташкил этади ва таъминлайди. Яхши ният, адолат, диёнат, қудрат, ирода каби сифатлар эса зардуштийлик таълимотида назарда тутилган эзгуликнинг ёвузлик устидан ҳукмрон бўлишининг маънавий омилларидир.

«Авесто» дан кейин уч минг йиллик тараққиётни босиб ўтган инсон тафаккури демократик тараққиёт ва унга олиб келувчи ғояларга ана шу олти

¹ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 28-б

² Ўша манба. 30 - б.

модданинг моҳиятида ётган маънавий стимуллар орқали етиб келди. Улар моддийлик ва маънавийликнинг уйғун ҳолда ривожланиши, тараққиёти ва келажаги учун гаров бўлган факторлар сифатида роль ўйнайди. Замонавий демократик назарияларда қайд этилган, юқорида тилга олинган демократик имперетивлар- ишонч, яхши ният, идеализм айнан Зардушт таълимотидан олинган дейишга етарли асос бўлмаса ҳам, бу фикр Шарқ ва Ғарбнинг гуманистик ва демократик таълимотлари орқали «Авесто» дан ҳозирги кунгача сақланиб турибди дейиш ўринлидир.

Зардуштийликдан Шарқ тафаккурига, ўзбек миллий дунёқарашига мерос бўлиб қолган муҳим сифатлардан бири инсон эрки, озодлиги, ўзлигини ватан, тупроқ, ўзига тегишли бўлган ҳудуд озодлиги орқали идрок этишдир. Ўзбек халқи тарихида миллий қаҳрамонлар сифатида гавдаланган Муқанна, Широқ, Тумарис, Спитамен каби тарихий шахслар билан боғлиқ тарихий воқеалар миллий ўтмишимизда ватан шаъни, шавкати, ор-номуси масаласи ҳар қандай омилдан устун қўйилгани ҳақида дарак беради.

Биргина Тумарис мисолида келтирадиган бўлсак, «бадий адабиётларда массагетлар маликасининг сўнмас образи минг йиллар давомида асардан асарга, Ҳеродотдан кейин грек, рим адиблари асарларига, ва, ниҳоят, V асрда яшаган тарихчи Павел Орозийнинг «Жаҳон тарихи асарига ўтди», деб таҳлил қилар экан Ф. Сулаймонова, Тумарис образи Данте Алигъери ижодида илоҳийлаштирилгани ҳақида ёзади: «Шуниси ҳайратомузки, ўрта аср шоири христианлар учун ғайридин ҳисобланган массагетлар маликасини Аърофга жойлаштириб, христиан дин арбоблари, Рим папаси, кардинал, епископ ва қироллардан устун қўяди. Уларни эса дўзахга, ҳатто Папани дўзахнинг саккизинчи қаватига жойлаштиради. Тумарис адолат, озодлик, мустақиллик учун курашгани туфайли маъжусий бўлса ҳам аърофдан жой олади»¹.

¹ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. - Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 91-б

Марказий Осиё, хусусан, ўзбек халқи тарихини ёритишдаги этнослар назарияларида ўзбеклар кўчманчи ва ўтроқ тарзда яшовчи халқлардан ташкил топган этник бирлик деб эътироф этилади. Марказий Осиёнинг мустақил давлатларидаги аксарият ижтимоий-гуманитар тадқиқотларда Марказий Осиё халқлари бир бутун тарзда кўчманчи халқлардан ташкил топган деган фикр мавжуд. Биз масаланинг бошқа томонига эътибор қаратмоқчимиз. Марказий Осиё халқлари менталитетининг тарихий илдизларини очиб беришга қаратилган тадқиқотларда кўчманчиларнинг тафаккур тарзи таҳлили номадик дунёқараш деб олиниб, унинг хусусиятлари, психологик илдизлари «Авесто» ва ундан кейинги даврдаги ижтимоий-маънавий тараққиётнинг характери ва кайфиятига айнан мос тушади: «Кўчманчилик дунёқарашини маконий ва мушоҳадавий бўлиб, бу бой тасаввур туфайли борлиқни идрок этишдаги бўшлиқ инсонни дунёнинг моҳиятини англаши, юқори ва нозик ҳиссиёт орқали ўзининг дунё билан, яратувчиси сифатида табиат билан ягона бирлиқни ҳис қилиши орқали тўлдирилади... Авлодларнинг ворисийлиги ажойиб тарздаги идрок ва фалсафий кайфиятни ўзида ифодалаган хотирада акс этган. Хотира тирик боғловчи ип сифатида чуқур кўчманчи онг ва маданият тараққиёти ўлчови сифатида майдонга чиқади»¹.

Марказий Осиёга қилинган аксарият босқинчилик юришлари ва миссионерлик ҳаракатларига маҳаллий халқ томонидан бўлган қаршиликлар билан бирга маънавий, мафкуравий соҳада ҳам кучли қаршилик мавжуд эди. Зардуштийликдан кейин унинг таъсирида шаклланган ва унинг кўп элементларини ўзида бирлаштирган моний, хуррамия ҳаракатларида ижтимоий адолат, фаровонлик, тенглик, идеал бахт каби демократик ғоялари етакчи омиллигича қолди. Кейинчалик дунёда ягона империяни яратмоқчи бўлган Александр Македонский босқини, тарихий вақт нуқтаи назаридан

¹ Ўрманбетова Ж.К. Истоки культуры мышления народов центральной Азии // <http://www/freenet/kg/jornal/n4/jrnal4/3.htm>.

деярли кетма-кет содир бўлган араб босқини оддий халқ орасидагина эмас, зиёлилар муҳитида ҳам миссионерлик сиёсатини сингдириши билан мазмун моҳият жиҳатидан ўз мақсадларига анча вақтларгача эриша олмадилар, «бу давр Ўрта Осиё, Эрон, Хуросон маданияти, фани, адабиёти ва санъатининг араблар томонидан босиб олинган мамлакатларга ўта кенг тарқалган ва бу маданият араблар томонидан ўзлаштирилган давр эди. Сиёсий ҳокимият араблар қўлида бўлгани билан маданий ҳукмдорлик улар қўлида эди»¹.

Араб босқини Марказий Осиёда маҳаллий динни сиқиб чиқариши баробарида ислом маданияти юнон, эрон, ҳинд маданияти билан бойиган, Марказий Осиё маданияти, илм-фани билан такомиллаша борди. Абу Наср Форобий (873-950) нинг «Рисола фи орои аҳл ал-мадинат ал-фазила» («Фозил шаҳар аҳолиларининг фикрлари») асари жамият ҳақидаги фалсафий қомусий асар бўлиб, фақат грек олимлари Афлотун ва Аристотелнинг фикрлари таъсирида ёзилган бўлмай, Яқин Шарқ, Марказий Осиёнинг ҳам прогрессив таълимотларини ўзида синтезлаштирган. Ўз даврининг энциклопедик олими бўлган Форобийнинг ижтимоий-фалсафий йўналишдаги бу асари утопик характердаги асар деб баҳоланган бўлса-да, ундаги демократик ғоялар ўша давр кишиларинигина эмас, бутун бир келажак авлодни умуминсоний демократик тараққиётга йўналтирувчи кучга эгаллиги моҳият эътибори билан кўриниб турибди. Мазкур асар фаровон жамият ҳақидаги утопик назария бўлиб, бугунги кун ўзбек демократик тафаккур тараққиёти учун муҳимларидан бири диний бағрикенглик ҳақидаги фикрлардир: «...фазилатли шаҳарларнинг турли халқлари ягона ҳақ таоллога ишониб, ягона саодатга ва ягона мақсадга интилсалар-да, уларнинг динлари турлича бўлиши мумкин... Аҳолиларининг диний эътиқодлари хурофий, хато дунёқарашларга асосланган шаҳарларни жаҳолатдаги ёки адашган шаҳарлар деймиз»².

¹ Маршак Б.И. Согдийское серебро. – Ленинград: Питер, 1971. – С. 88.

² Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993. 168-169-бетлар.

Форобийшунос олим М.Хайруллаев алломанинг демократик қарашлари ҳақида «инсонпарвар мутафаккир сифатида келажак жамиятнинг урушлар, қашшоқлик, эксплуатациясиз бўлишини, умумий бахт, адолат ғалабаси, ҳуқуқ тенглиги, дўстлик, ўзаро ёрдам, бир-бирини ҳурматлаш, юксак маданият бўлган ер куррасини яхлит жамият сифатида тасаввур этади»¹, дейди. Форобийнинг бу фикрлари «шарқда ривожланган ва умуминсоний маданият пойдеворини яратган буюк олимлар Беруний, Ибн Сино, Ибн Туфайл, ал-Қифтий, Ибн Рўшд ва бошқа кўплаб олимлар ижодининг шаклланиши ва ривожиди»² тамал тоши бўлди. Бунинг бошқа бир томони - Форобий таълимотида исмоилийлик ва мутазилийлик каби ҳукмрон синфнинг қарашларига қарши бидъат таълимот сифатида келиб чиққан йўналишлар хусусиятлари кучлилиги билан боғланган эди. Исмоилийлик ва мутазилийликда Аллоҳ ҳамда инсон эрки масаласи фалсафий асосда қўйилган бўлиб, инсоният тараққиётида ақл ва онгнинг ролига катта эътибор берилган, Аллоҳ эркин инсонларга нисбатан масъулият ҳис этиши лозим деган фикр етакчи эди. Бу таълимотлар таъсирида 938 йили Басрада «Ихвон ас-сафо» номи остида бирлашган эркин фикрловчи олимлар гуруҳи келиб чиқади. Форобийнинг ўзидан кейинги Шарқ хурфидар тафаккур тараққиётига таъсири айнан ана шу жамият билан боғлиқ бўлиб, «Форобий асарлари «Ихвон ас-сафо» яратган илмий рисоалар жамламаси пайдо бўлишига илмий замин ҳозирлади»³.

Форобийнинг ислом оламида, тарихида жуда катта аҳамиятга эга бўлган бу гуруҳга таъсири шундан иборат эдики, ислом дини расмий дин сифатида ҳукмрон гуруҳнинг қуролига айлангач, унга қарши бўлган хурфидар йўналишдаги бидъат жамоаларга Форобий ижодиётининг барча антик дунё ва Шарқ илм фанидаги синтезлашган прогрессив фикрлари ғоявий йўналиш вазифасини ўтади. Ихвон ас-софо ўрта аср ислом оламининг демократик

¹ Хайруллаев.М. Абу Наср Фараби. М., 1982. с.252.

² Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. - Т: Ўзбекистон, 1997. 229-б

³ Ўша манба, 230-б.

тафаккур йўналишини ҳосил қилишда, шу асосда илм-фан, маданиятни ривожлантиришда, ислом динининг демократик тамойиллар билан бойитишда катта ҳисса қўшган жамоа эди. Пок биродарлар гуруҳи деб аталмиш Ихвон ас-сафо жамоаси яратган илмий-фалсафий таълимотлар Шарқнинг Абу Райҳон Беруний, Абу Бакр ар-Розий, Абу Али ибн Сино, Умар Хайём, ибн Рўшид каби алломалари ижодининг айнан гуманистик, демократик руҳда шаклланишига, уларнинг ижодида инсон омили ва инсон эрки масалалари етакчи ўрин тутишига сабаб бўлди.

Ўзбек миллий маънавий тафаккур тараққиётига, демократик тафаккур тараққиётига катта ҳисса қўшган алломалардан бири, дунё илм фани тараққиётида муҳим ўрин тутган аллома Абу Али Ибн Синодир (980-1037). Ибн Сино ижодида гуманистик характердаги демократик ғоялар ўзига хос хусусиятга эга. У Форобий фалсафий таълимоти каби социологик концептуал характер касб этмаган. Ибн Синода кўпроқ инсон озодлиги ва фаровонлиги масалалари маънавий руҳий омиллар билан ўлчанади. Алломанинг бизгача етиб келган икки юз қирқта асаридан аксарияти тиббиёт ва фалсафа соҳасига тегишлидир. Мазкур асарларнинг моҳиятида инсон фаровонлиги, бахти, комолоти, руҳий такомиллашуви орқали жисмоний камолотга эришуви ва натижада руҳан-жисман соғлом инсоннинг олий бахт, илоҳий борлиқни англаш саодати ғояси ётади. Шунинг учун ҳам Ибн Синонинг аксар тиб соҳасидаги асарлари фалсафага оид ҳам деб эътироф этилган. Унинг «Китоб аш-шифо», «Китоб ан-нажот», «Донишнома» каби фалсафий характерга эга бўлган йирик асарларидан ташқари «Ал-Ансоф», «Фи-л-ҳудуд», «Ҳикмат алоия», «Ал-ҳикмат ал-мушриқия», «Уюн ал-ҳикма», «Ал-Мабоҳисот» фалсафий асарлари мавжуддир. Бундан ташқари алломанинг «Ҳайй ибн Яқзон», «Юсуф қиссаси», «Қиссаи Саломон ва Ибсол» деб номланган фалсафий қиссалари ҳам мавжуд бўлиб, улар чуқур мажозий, аллегорик характерга эга.

Ҳозирги кунда демократик жамиятнинг муҳим маънавий омилларидан бири, унда яшаётган инсонларнинг руҳий соғломлиги ва комиллиги деб эътироф этилаётган бўлса, Ибн Сино фалсафасида Шарқ фалсафий тамойиллари хусусиятлари кучли бўлиб, ахлоқ, одоб, инсон психологияси масалалари жиддий таҳлил қилинган. Бу масалалар унда ишқ фактори орқали амал қилади, яъни «Рисола фил-ишқ» асарида ёзишига кўра «бошқариладиган ҳар бир алоҳида жавҳар, табиатига кўра, Соф хайрнинг ягона жавҳаридан яралган жузъий (индивидуал) хайр ҳисобланмиш ўз тақомилига интилади...барча мавжуд ашёлар табиий истакка-туғма ишққа эгадирлар».¹

Ғарб ва Шарқ маънавий меросини компаравистик нуқтаи назардан ўрганган олим Н.Комилов Ибн Сино ва унинг Данте ижодига таъсир қилган ишқ ғоясини чуқур таҳлил қилади: «Ҳар иккала мутафаккир ҳам муҳаббатни умумжаҳоний ҳодиса, кайҳоний (космик) қувват, деб биладилар. Улар наздида инсонни камолотга етиштирувчи бирдан-бир куч ана шу муҳаббатдир. У инсон руҳини маҳлиё этиб, эзгуликка, мусаффо хайрга етаклайди. Эзгулик эса, Ибн Сино ва унинг Ғарблик издоши асарларида жуда кўп маъноларда қўлланилади: эзгулик бу-мутлақ ҳақиқат; бу- ақли кулл; бу-коинот, табиат ва инсон ҳақидаги билим; бу-маънавий етуклик, олижаноб ҳиссиётлар тантанаси; ниҳоят бу-инсоний бурч, яхшилик, хайрият, доимий руҳий поклик ҳамдир. Буларнинг барчаси эзгу ният тушунчасида мужассамлаштирилган. Инсоннинг энг олий саодати ана шу фазилат ҳам файзга мушарраф бўлишдадир, деб ўргатади улуғлар»². Бу фикрдан кўриниб турибдики, Ибн Сино ишқ ва эзгулик омилларини жамиятдаги ахлоқий-амалий жиҳатларга боғлаган.

Нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунё илм фани тарихида энциклопедик миқёсда мерос қолдирган Абу Райҳон Беруний (973-1048)

¹ Қаранг: Комилов Н. Тафаккур қарвонлари. -Т: Маънавият, 1999. 84-б.

² Қаранг: Ўша манба., 85-б.

иждоётидаги жамиятга оид фикрларда ҳам ўз даври учун ғоят прогрессив бўлган демократик йўналишдаги қарашларни кўриш мумкин. Айтиш мумкинки, Беруний аниқ фанлар соҳасида инсониятга қанчалик янгилик ва кашфиётлар берган бўлса, ижтимоий фан соҳаларида ҳам инсониятга шунчалик хизмат қилди. Унинг ижтимоий фан соҳаларида қилган муҳим ишлари Марказий Осиё ва Яқин Шарқ халқлари қадимий давр ва ўрта асрлар тарихини илмий тадқиқ этиш, уларнинг этнографияси, маданияти, эътиқоди ва анъаналари ҳақида, географик муҳитнинг ўзига хос хусусиятлари юзасидан маълумотлар бериш билан бирга, кишилик жамияти тарихига рационал ёндашиш эди. Берунийнинг ижтимоий қарашларида географик омил ғояси жамиятга бўлган диний қарашлар ва ақидалар кучайган бир даврда прогрессив таълимот эди. Бу таълимотга асосан жамият кишиларнинг бирлашишга бўлган эҳтиёжлари натижаси бўлиб, бу жамият кишиларининг ранги, ташқи кўриниши, характери улар яшаётган географик муҳит хусусиятларидан келиб чиқади. Шубҳасиз, Беруний таълимотида кишилик жамиятининг фаровонлиги ва тенглиги масаласи ҳам кўриб чиқилган, унга асосан илм-фан инсонни фаровонликка олиб чиқувчи, жамият ривожини тезлаштирувчи фактордир, ҳукмдорнинг вазифаси юқори ва қуйи табақа вакиллари ўртасида адолат ўрнатиш, кучли ва ожизлар ўртасида тенгликни барқарор этишдан иборат. Алломанинг фикрича, жамият тинчлигининг гарови тенглик ва ижтимоий адолатдир, тенглик ҳукмрон ерда қайғу ва ноҳақлик барҳам топади. Беруний «Минерология» асарида «жамиятдаги табақалар, олижаноблик, олиҳимматлик, мардлик каби хусусиятлар фақат аслзодаларга тааллуқли, деган чиркин тушунчани кескин танқид қилиб рад этади»¹.

Ўзбек миллий маънавий меросидаги фалсафий-демократик тафаккур шаклланишида экзистенциализм ғояси йўналишида ижод этган олим Умар Хайёмдир (1048 – 1132). Аниқ фанлар соҳасида ўз даврининг етук олими,

¹ Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 243-б.

математики, астрономи, табиби бўлган Умар Хайём бу соҳалардаги ижодий мероси қанчалар муҳим ва ноёб бўлмасин бизнинг давримизга шоир, файласуф сифатида етиб келди. Холбуки, «ўрта аср муаллифлари Хайёмни олим номи қаторига қўйидаги фахрли илмий унвонларни қўшиб гапиришган: ўз асрининг алломаси, ҳақиқатлар исботи, грек фани билимдони, Ғарб ва Шарқ файласуфлари шоҳи, Хуросон имоми, ҳаким қадимги муаллифлардан ҳеч бири Хайёмни шоир деб атамайди...Хайёмнинг ижтимоий мақоми олимлик мақомидан иборат эди»¹. Лекин Умар Хайёмни севиб мутолаа қилувчи кенг китобхонлар оммаси фикрига алломанинг нотаниш бўлган номлари рубойлар орқали таъсир этиб туради. 1859 йилдан бошлаб инглиз адабиётшуноси Эдвард Фитцжералд қаламига мансуб таржималар билан инглиз тилида, 1891 йилдан эса рус шоири В.Л.Величко қаламига мансуб таржималар билан рус тилида Хайём рубойлари кенг китобхонлар оммаси қалбини эгаллай бошлади. Ва Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, Бобур, Бедил каби бир қатор алломаларга катта таъсир ўтказган Умар Хайём фақат, XIX аср охирларидан дунё миқёсида ижод намуналари севиб ўқиладиган шоирга айланди.

Умар Хайём ижоди бўйича манбаларда унинг фалсафага доир «Рисола фи-л-қуллиёти вужуд» (Борлиқнинг умумийлиги ҳақида рисола), «Рисолат-ул-кавн ва т-таклиф» (Коинот ва унинг вазифалари) асарлари ҳақида маълумотлар бор². Алломанинг ушбу асарларидаги фалсафий фикрлар устози Абу Али Ибн Сино қарашларига жуда ўхшаш, деб талқин қилинади. Унга кўра табиатнинг яратилишига бўлган муносабат идеалистик характерда бўлиб, унинг кейинги босқичидаги алоҳида олинган жиҳатлар материалистик йўналишда тушунтирилган. Ҳатто, XIII аср Ғарб теологлари Хайёмни натурфалсафанинг материалистик оқими намояндалари қаторига қўшадилар.

¹ Ворожейкина З.Н. Омар Хайям и хайямовские четверостишия//Под редакции Андреева Ю.А. Колл.ав.Омар Хайям.-М.: Советский писатель, 1986. –С.12.

² Қаранг: Шомухамедов Ш. Кириш сўзи.// Умар Хайём. Рубойлар.- Тошкент: Фан, 1963. 5-б.; Ворожейкина З.Н. Омар Хайям и хайямовские четверостишия// Под редакции Андреева Ю.А. Колл.ав.Омар Хайям.-М.: Советский писатель, 1986. –С. 25.

Лекин биз асосий эътибор қаратишни истаганимиз, Хайём ижодидаги илғор, мустақил, исёнкор фикрлар унинг кичик фалсафий асарларидан кўра кўпроқ рубоийларида акс этганидир. Ўз даврига нисбатан бундай прогрессив ғоялар Умар Хайём ижодида инсон омили билан боғлиқ. «Тадқиқотчилар яқдил хулоса қиладиларки, илғор-илмий, мустақил, исёнкор кайфият унинг шеърларида фалсафий рисоаларга нисбатан ёрқин ва аниқ ифодаланган»¹ ва шу сабабли унинг шеърлари таржима орқали кириб келиши билан катта шуҳрат қозонган. Аслида Хайём ижоди тадқиқотчилари рубоийларда кўп тилга олинган май, шароб, жом, қадах, кўза сифатларини турли нуқтаи назардан таҳлил этадилар. Абдурауф Фитратнинг «Форс шоири Умар Хайём» номли мақоласида «Умар Хайёмнинг «май»и Худонинг майи эмас, салжук султонлари саройида ичилган узум майи бўлган», - дейди². З.Н.Ворожейкинанинг кириш мақоласида эса «Хайём тўртликларида май образи кўп ҳолларда кенг маънода, оддий ва осон эришиладиган дунёвий хузур ҳаловат маъносида қўлланилади. Бу «май» шеърлари ортида чексиз эпикурчилик ёки, ҳиссий роҳат-фароғатни куйлаш эмас, шоир-алломанинг бир бутун фалсафий тизими ётибди»³. Тадқиқотчи таъкидлаган «дунёвий хузур-халоват» эса, «май орқали таъқиқ ва шариатларнинг оғир занжирини узадиган кўнгил парвози» дир.

Умар Хайём илоҳиёт ҳақидаги инсон тасаввурларини рамзий белгилар, динлар, ақидалар орқали чекланишига қаршидир. Инсон эрки, фикримизча, Хайём наздида илоҳиётни қалб амри билан идрок этиш ва унинг инсонга бўлган раҳмат ва қарамларини турли чекланиш орқали тушунтиришлардан кенгроқ эканини англай билиш билан белгиланади.

Умар Хайём ижодида инсон яратилиши, воқеълик ва интиҳо ҳақидаги изотерик фикр йўналишини кузатиш мумкин. Бундай услуб мутасаввуф

¹ Ворожейкина З.Н. Омар Хайям и хайямовские четверостишия //Под редакции Андреева Ю.А. Колл. ав. Омар Хайям.- М.: Советский писатель, 1986. –С.26 .

² Ўша манба, 156-б.

³ Ўша манба. 15-б.

адабиётига хос бўлиб, уни кенг ва ёрқин мисолини шоир Навоийнинг «Лисон ут-тайрида» кўриш мумкин. Ҳолбуки, Абдурауф Фитратнинг юқорида номи тилга олинган мақоласида Умар Хайёмнинг тасаввуфдан бутунлай йироқлиги таъкидланади ва алломанинг жуда кўп рубоийларига кўра бу фикрни эътироф этиш мумкин:

Май ичиб, яхшилар кўрин қуршамоқ-
 Сўфийваш жаврашдан минг бор яхшироқ,
 Сўфий дили лим-лим жаҳлга тўла
 Бошга чиқар қултум май юта қолса.

Юқорида келтирилган мисоллардан англанадики, Умар Хайём фалсафий қарашларида дунёнинг яратилиши, унинг тартиб-қоидалари, тангри, динлар, таълимот ва оқимларга нисбатан ўз фикри ва хулосаларига эга. Унда кўпроқ инсон тафаккурини бир қолипда шакллантиришга қаратилган рамзий белгилар, ақидалар, даъватларга қарши эътироз, исён ётади. Умар Хайём инсон ва тангри, инсон ва табиат, инсон ва воқеълик боғлиқлигини ҳар қандай чекланиш ва диний қарашлардан холи ҳолда кенгроқ тушунишга, мушоҳада этишга чақиради. Ақл ва қалб амри билан илоҳиётни идрок этиш инсонга савоб ва гуноҳ чегараси ҳақидаги фикрлар билан ҳаётини кўрқувда ўтказилишидан кўра купроқ нарса беришини, инсоннинг ўз қалбини тушунишга йўл очишини таъкидлайди. Умар Хайёмнинг бу каби нодир фикрлари ўз даврида реакцион ислом мафкураси шаклланаётган бир пайтда инсон эрки ва озодлиги масалаларини илгари сурди Шарқу Ғарб ҳурфикрлилик таълимотига таъсир кўрсатди.

Миллий давлатчилик шаклланиши тарихида асарлари дастуруламал сифатида олиб қаралган йирик давлат арбоби, соҳибқирон Амир Темур (1336-1405) «Тузук» лари энг ноёб маънавий меросдир. У ўрта аср Шарқининг барча қонун қоидалари битилган маънавий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий асардир. Темур бу асарда ўз меросхўрларига бир бутун салтанат билан бирга уни сақлаб қолишнинг йўллари хам ёзиб қолдирган. Ушбу

китоб моҳиятида қандай қилиб адолатли, фаровон давлат қуриш йўллари, унинг сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий асослари баён этилган: «Адолат ва инсоф билан Тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози этдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм-шафқат билан, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим. Хайр-эхсон ишларим билан одамларнинг кўнглидан жой олдим»¹ - дейилади «Тузук» ларда.

«Темур тузуклари» дан маълум бўладики Амир Темур марказлашган давлатида қонун-қоидалар асосида ўз-ўзини бошқарувчи тизим ташкил этишга ҳаракат қилган: «Салтанатим мартабасини қонун-қоидалар асосида шундай сақладимки, салтанатим ишларига аралашиб, зиён етказишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмас эди»².

Амир Темур давлатда адолат тамойилларининг устун бўлишида ҳар ишдан огоҳлик ва ички тартибга ҳушёр муносабатда бўлиш катта роль ўйнашини яхши тушунган, унинг ёзишича: -«Турли мамлакатлардаги садрлар ва қозийларга шариатнинг асосий талаблари қандай бажарилаётганлиги хусусида менга хабар қилиб туришни буюрдим. Шунга ўхшаш ҳар эл ва ҳар шаҳарда сипоҳ ва раият орасида урф-одатларга оид жанжалли ишлар ҳақида менга маълумот бериб турсин деб адолат амирини тайинладим»³.

«Қизиқ, бу тасодифми ёки қонунийми – билмадим, «Темур тузуклари» ҳам, Ўрта Осиё заминида яратилган кўпгина ажойиб асарлар сингари аввал ўзга юртларда, хусусан Европада шуҳрат топди», - деб ёзади Бўрибой Аҳмедов⁴. Бунга сабаб табиийки, асарда давлат тузуми ва бошқарилишига оид маълумотларнинг мукамаллигида эди.

Ўзбек тили ва маънавий қиёфаси, ментал тафаккур тарзи, маданиятининг шаклланишида алоҳида ўрин тутган аллома Алишер Навоий (1441-1501) ижодиёти ўзбек демократик тафаккур тараққиётида гуманистик

¹ Темур тузуклари. - Тошкент: Ғафур Ғулом нашрети, 1991. 54-б

² Темур тузуклари. - Т.: Ғафур Ғулом нашрети, 1991. 63-б.

³ Ўша манба. 58-б.

⁴ Ўша манба. 6-б.

ижод намунасидир. Унинг ижоди асосида инсоният жамиятининг асосий фактори бўлган инсон ва унинг бахт-саодати, маънавий қиёфаси масаласи ётади. Алишер Навоий «Бадойиъ ул-бидоя», «Наводир ун-нихоя» девонларини, «Ҳамса» номли беш дostonдан иборат асарини, сўфийлар ҳақидаги «Насойим ул-муҳаббат» тазкирасини, «Хазойин ул-маоний» девонини, «Маҳбуб ул-қулуб», «Тарихи анбиё ва ҳукамо», «Сирож ул-муслимин», «Муҳокамат ул-луғатайн» асрларини, «Лисон ут-тайр» фалсафий достонини ва яна бошқа бир қанча асарларни ёзиб қолдирган. Адиб қайси соҳада ижод этишидан қатъи назар унинг асарлари моҳиятида инсонпарварлик, маърифатпарварлик, толерантлик, дўстлик ва муҳаббат масалалари ётади. Ўзбек демократик тафаккур тараққиётида шаклланган хусусиятлар Алишен Навоий ғоялари ва фикр ранг-баранглиги билан бойиди. Алишер Навоий ўз давригача бўлган тасаввуф фалсафасидаги пантеистик ғояларни гуманистик мафкурага хизмат қилдира олди, бу соҳада гўзал намунавий асарлар яратиб қолдирди. У ўзининг бир ғазалида:

Кимки бир кўнгли бузукни хотирин ёд айлағай,

Онча борки каъба вайрон бўлса обод айлағай¹, - дейди.

Демак, Навоий наздида инсон қалби мусулмон олами учун энг муқаддас гўша ҳисобланган Каъбатуллоҳдан ҳам муқаддасроқдир. Унинг инсоният жамияти, идеал давлат, фаровонлик ҳақидаги идеал ғоялари ҳам ана шу эътиқоддан келиб чиқади. Алишер Навоий фалсафасида идеал давлат ҳақидаги сиёсий назария комил инсон тўғрисидаги ахлоқий назария билан узвий боғлиқликда олиб қаралган. Бу таълимотга асосан идеал фаровон давлат бу давлатда яшовчи кишиларнинг комил маънавиятисиз мумкин эмас. Демак, илғор Ғарб демократик назарияларида, фақатгина XIX-XX асрларда шаклланган бу каби назария Навоий даврида ўзининг концепция шаклидаги кўринишига эга эди. Алишер Навоий яратган идеал жамият ҳақидаги

¹Алишер Навоий. Хазойил ул-маоний. Бадоеъ ул-васат. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 5-том. - Тошкент: Фан, 1990. - 431-б.

таълимотни яна шунинг учун ҳам концепция деб олиб қараш мумкинки, аллома бу жамиятга боришнинг амалий услубларини ҳам ўз асрларида бадиий образлар, тасвирлар орқали кўрсатиб бера олган. Навоийнинг гуманистик характердаги демократия ҳақидаги таълимотининг буюклиги шундаки, XIV-XV аср Марказий Осиёда рўй берган уйғониш даврининг маънавий асоси, тамал тоши бўлиб хизмат қилган.

Мазкур даврдан кейин демократик ғоялар Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Бобораҳим Машраб, Огаҳий ижодида ривожлантирилди. Айтиш мумкинки, XVIII-XIX асрларда Туркистондаги таназзул даври ижтимоий-фалсафий фикр тараққиётига анча салбий таъсир кўрсатди. Бу даврда Нодира, Увайсий, Дилшод Барно, Анбар Отин каби шоира аёллар ижодида мавжуд тузумга исён, инсопарварлик, маърифатпарварлик руҳидаги демократик фикрларни кузатиш мумкин.

Уч минг йиллик тарихга эга бўлган ўзбек миллий маънавий мероси шу нарсани кўрсатиб турибдики, демократик фикр тараққиёти ўзбек миллий тафаккур тарзида ўзининг энг принципиал кўринишларида мавжуд бўлган. Айтиш мумкинки, демократия бешиги деб эътироф этиб келинган Ғарб олами демократиянинг ғоявий моҳияти масалаларига фақат XX асрда эътибор қаратишни бошлаган бўлса, бу масалалар Шарқ маънавият мактабининг бешигидан бошлаб кўрила бошланган эди.

«Демократия ва сўз эркинлигини гоҳида Ғарбнинг меваси деб тақдим этишади. Бу ёлғон. Демократия бутун инсоният тафаккурининг мевасидир. Демократиянинг Демокрит, Платон, Локк, Руссо, Токвиль, Жеферсон, Линкольн ва бошқа салафлари сафида мен ўз аجدодларимизни ҳам кўраман. «Рост сўзлаган кишининг салобати арслон салобатидан кўра кудратлироқдир», - деган Замахшарий шу сафдадир. Ҳаққоний ахборотнинг давлатни бошқаришдаги аҳамиятини таъкидлаб: «Сен шоҳсен – агар огоҳсен», - деб ёзган Навоий демократдир. Инсон ва миллат ҳуқуқлари борасида: «Ҳақ олинур, берилмас», - деган Бехбудий демократлардандир.

Осилган Машраб, чопилган Насимий, сўз эркинлиги учун шаҳид бўлган Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Усмон Носир демократлардир»¹.

Юқорида келтирилган фикрлар йўналишидан кўриш мумкинки, ўзбек менталитетидаги демократик тафаккур генезиси ва тараққиёти миллий маънавиятда алоҳида мафкуравий тизимни ҳосил қилган. Бу эса ўз-ўзидан менталитетдаги этник хотирада ўзининг ўрни, кўникмалари ва стимуллари шакллантиради: «Этник хотира ўзида инсон хулқ-атворини йўналтирувчи ва белгиловчи кўп қатламли информациялар тизимини, билимларни, «тайёр» ҳолдаги сценарийларни ифодалайди. Бу сифатларга биноан этник хотира инсонни ижтимоийлаштириш ижтимоий тизимининг компоненти сифатида майдонга чиқади. Этник тарих ҳар қандай жамиятнинг мавжудлик шартидир. Шунинг учун ҳам моддий ва маънавий қадриятларнинг ҳосил бўлиш, етказиб берилиш ва сақланиш жараёни инсонлар ҳаётининг фаолиятининг ажралмас қисмидир. Хотира – факт ва ҳодисалар пассив равишда белгиловчи тизим эмас. У ўз табиатига кўра ҳаётининг лаёқатининг манбаси, социал организмнинг тўлақонлилиги шартини сифатида намоён бўлади. Бу шу маънони англатадики, ижтимоий хотира охир-оқибатда жамият истиқболи ва салоҳияти масалаларини ҳал қилувчи интеллектуал ва маънавий фаолиятнинг оламшумул соҳасидир»².

Миллий менталитетда демократик тафаккур генезиси ва тараққиётини ўрганиш қуйидаги хулосаларга олиб келди:

1. Мафкуравий тизимдаги демократик ғояларда халқ, элат, миллатнинг руҳий стереотиплари акс этади, менталитетнинг етакчи омил сифатидаги характери ана шунда намоён бўлади.

2. Ўзбек халқининг тарихи, шаклланган ҳудуди, давлатчилиги вужудга келиши илдизлари билан боғлиқ мафкуравий таълимотларнинг энг

¹ Баҳриев К. Сўз эркинлиги ҳақида сўз. - Тошкент: 2003. 293-б.

² Бакиева Г.А. Социальная память и толерантность // <http://www/freenet/kg/journal/n4/jrnal4/3.htm>.

қадимийларидаёқ инсон фаровонлиги, тенглик, адолат каби демократик ғоялар етакчилик қилган.

3. Илмий-маънавий меросимиздаги демократик фикрлар кўпроқ инсонпарварлик, ҳалқпарварлик, ватан озодлиги ва фаровонлиги ғоялари билан чамбарчас боғлиқ бўлган. Ватан тушунчаси Шарқ халқлари дунёқарашида космологик характер касб этган бўлиб, иймон, эътиқод билан узвий алоқадордир.

4. Бугунги кунда, Ғарбда энди кун тартибига қўйилаётган масалалар-демократиянинг инсон ўзлиги ва моҳияти билан боғлиқ идеалистик асослари Шарқ тафаккур тараққиётида, хусусан, ўзбек маънавияти тарихидаги кўҳна мавзудир.

5. Миллий тафаккур тарихидаги демократик ғояларнинг мазмун-моҳияти кенг қамровли бўлиб улар, фақатгина Ғарб демократияси каби инсон омили, инсон ҳуқуқлари ва тенглик масалаларини эмас, инсон-жамият-табиат тизимидаги фаровонлик тамойиллари, инсониятнинг хайрли истиқболи муаммоларини ҳал этишга қаратилган эди.

1.3. Ўзбек менталитетида демократик тафаккур шаклланишини ўрганишнинг замонавий методологик асослари

Метод ва методология муаммоси ҳар доим ҳам ўтиш давларида, иқтисодий ва сиёсий ўзгаришлар жараёнларида муҳим масала бўлиб келган. Сабаби ана шундай давларда жамиятда юзага келган қийинчиликларни ҳал қилишда илм-фанга катта эҳтиёж туғилади ва бу ҳолат илм-фан соҳаларини ўз назарий асосларида, методологиясида жиддий ўзгаришлар, ислохотлар қилишга, назария билан амалиётни уйғунлаштиришга хизмат қиладиган методлар ишлаб чиқишга даъват этади. Мазкур параграф доирасида ўзбек менталитетида демократик тафаккур шаклланиш хусусиятларининг методологик аспектларини алоҳида тадқиқот объекти сифатида очиб бериш

ҳам ижтимоий-гуманитар йўналишда мураккаб ва баҳсли ҳисобланган менталитет масаласини ижтимоий фалсафа соҳасида қандай методология асосида ўрганилиши мумкин деган муаммога ойдинлик киритади. Бошқа томондан бу ҳолат илмий ишнинг концепция сифатида ўрганилишида муҳим аҳамият касб этади. Мазкур диссертацияда муаммони ўрганиш ижтимоий-гуманитар фанлар методлари, назариялари ва хулосаларини ижтимоий фалсафага интеграциялаштириш орқали амалга оширилган. Муаммони ҳал этишда татбиқ этилган маълум бир умумий ёки хусусий метод қандай асосда, нима учун татбиқ этилди ва бу методдан ижтимоий фалсафа соҳасида қандай фойдаланиш мумкин деган саволларга жавоб бериш кейинги тадқиқот йўналишини аниқлашишига ҳам ёрдам беради. Колаверса методология бугунги кун ўзбек ижтимоий фалсафасининг энг муҳим масалаларидан бири бўлиб, муаммонинг алоҳида методологик асосини ёритиш қуйидаги объектив ва субъектив жиҳатлар билан белгиланади.

Муаммонинг ўрганилишида ижтимоий фалсафа методологик масалаларига тегишли объектив масалалар қуйидагилардир.

1. Совет даври ижтимоий фалсафасида метод ҳақидаги баҳс асосан диалектик ва метафизик методлар атрофида бўлиб, ҳар қандай назария ва илмий объект ана шу методларни қарама-қарши қўйиш асосида ўрганилган ва деярли барча илмий масалалар сунъий равишда ана шу методларга боғланган ҳолда ёритилган. Мафкуравий диктатура туфайли пайдо бўлган бу йўналиш ижтимоий фалсафанинг абстракклашишига, сиёсатлаштирилишига, мафкуралаштирилишига, ҳаётдан узоқлашишига, вужудга келиб, етилаётган муаммоларга асосли жавоб бера олмаслигига олиб келди.

2. Умуминсоний тараққиётга интеграциялашув глобаллашув, ахборотлашув даври ижтимоий-гуманитар фанларнинг методологик асосларининг такомиллашишига, методология маданиятининг шаклланишига олиб келди, ижтимоий фалсафага герменевтика, синергетика методлари кириб келди. Герменевтика Ғарбда XIX аср охирларидан шаклланиб, XX

асрда кучли ривожланган бўлса-да, собиқ иттифоқ фалсафа фанларида XX аср охирларида қабул қилинди. Ҳолбуки, Ғарбда XX асрда рўй берган катта ижтимоий-сиёсий вазиятлар, миллий масалаларнинг ечимини бенган социология ва социал психология ўз илдизларини герменевтик метод воситасида шакллантирган эди.

Муаммонинг ўрганилишида ижтимоий фалсафа методологик масалаларига тегишли субъектив жиҳатлар:

1. Ўзбек менталитетида демократик тафаккур шаклланиш хусусиятларининг ўрганилиши тадқиқот характери ва кўлами жиҳатидан мураккаблик касб этиб, самарали замонавий методлар ишлаб чиқишни талаб этади.

2. Муаммонинг ўрганилишида илмий вазифалардан бири ўзбек халқининг умуминсоний демократик тараққиётга интеграциялашув жараёнида менталитет омилининг барча ижобий ва салбий таъсирларининг таҳлили бўлгани учун тадқиқотнинг кўпроқ амалий самарадорлигига қаратилган методлар билан иш олиб бориш тақозо этилади. («Оғзаки тарих» услубидаги тарихда ёзиб қолдирилмаган фактларни тирик гувоҳлар орқали тиклаш ва исботлаш методи шулар жумласидандир).

3. Мавзу фанлараро таҳлил характери касб этиб, ўзбек менталитетида демократик тафаккур шаклланиш хусусиятларини ўрганиш ижтимоий фалсафа доирасига бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар соҳасида қўлланиладиган замонавий тадқиқот методларини бевосита жорий этиш заруриятини келтириб чиқаради.

Мавзунинг ўрганилишида муҳим ўрин тутган объектив ва субъектив методологик омилларни эътиборга олиб, анъанавий равишда энг умумий метод ҳисобланган диалектик метод асосида, хусусан, тарихийлик ва мантикийликнинг бирлиги, индукция ва дедукция, анализ ва синтез, қиёслаш ва моделлаштириш принципларини қўллаган ҳолда замонавий постмодернистик фалсафанинг герменевтик, синергетик ва интеграцион

методларидан унумли фойдаланиш, уларни умумий методологик йўналиш сифатида қабул қилиш зарур.

Герменевтика ҳозирги замонда етакчи фалсафий оқимлардан бири, тарихий-фалсафий фан доирасида матнларни назарий асословчи ва методологик жиҳатдан тушунтирувчи соҳадир. Немис файласуфи, психологи, маданият тарихчиси Вильгельм Дильтей (1833-1911) ижодида герменевтика фан сифатида такомиллашди ва концептуал йўналишига эга бўлди. Унинг «Герменевтиканинг вужудга келиши», «Дунёга бўлган қараш, инсонни Уйғониш ва Реформация давридан бошлаб тадқиқ этиш» асарларида инсон руҳиятини ўрганиш билан боғлиқ янги тафаккур тарзи шаклланиши масалалари таҳлил этилади.

Дильтей назарида фалсафа ва тарихий фанларни боғловчи восита «талқин тўғрисидаги таълимот», ёки герменевтика бўлиб, у ўтган қайтарилмас ва қоронғу маданий дунёларни қайтадан яратишга воситадир»¹. Дильтейнинг герменевтикага берган ушбу таърифи ўзбек менталитети шаклланиш жараёни, нафақат биз ушбу иш доирасида ўрганаётган давр – XIX аср охири ва XX аср нуқтаи назаридан, балки ўтган уч минг йиллик тарих нуқтаи назаридан ҳам асосли илмий объект эканлигини исботлайди. Қолаверса, Дильтей герменевтик фалсафасида тарихий жараён инсонни эмас, балки инсон тарихий жараённинг нимадан иборат бўлганини очиб беради, деган муҳим фикр бор². У ушбу фикрни метод сифатида «Дунёга бўлган қараш, инсонни Уйғониш ва Реформация давридан бошлаб тадқиқ этиш» асарида қўллади. Мазкур асарда инсон руҳияти, ментал борлигининг дин, маданият, мафкура ва қадриятлар муштарак таъсири доирасида шаклланиши ва бу динамик жараённинг қонуниятлари ёритиб берилган. Ўзбек менталитетининг барча мураккаб жиҳатларини тарихий нуқтаи назардан

¹ Человек: Мыслители прошлого и настоящего о его жизни, смерти и бессмертии. XIX век/ Редкол.: И.Т. Фролов (отв. ред.) и др. - М.: Республика, 1995. - С. 511.

² Қаранг: Ўша манба. С. 512

талқин қилишда биз ушбу асардан методологик асос сифатида фойдаланишимиз мумкин.

Ўзбек менталитетида XIX аср охири ва XX асрдаги демократик тафаккур шаклланиш хусусиятларини ўрганишда синергетик метод ҳам муҳим ўрин тутди. Ўз-ўзини бошқариш, нозикли ҳодисаларни ўрганиш, ўз-ўзидан ташкил бўлиш назарияси, тафаккур услуби, методи сифатида синергетика миллат сифатида шаклланиш ва ташкил бўлиш жараёнини, инқилобий ўзгаришларнинг тафаккур тарзига таъсир этиш ҳолатларини, менталитет шаклланишидаги ички ва ташқи хусусиятлар муштараклигини яхлит илмий концепция сифатида очиқ беришга восита бўлади. Синергетикада нозикли тафаккур тарзининг эътироф этилиши ўзбек менталитетида демократик тафаккур шаклланиш имкониятларини кенг тадқиқ этишга йўл очди. Интеграцион метод ҳозирги замон ижтимоий гуманитар фанларида кенг қўлланилаётган метод ҳисобланиб, ушбу метод фанлар аро тадқиқ этиладиган мавзуларни ўрганишда муҳим аҳамият касб этади. Мазкур методнинг шаклланиш даври ўтган асрнинг 80-йилларидаги Ғарб социал антропологиясига тўғри келади. Замонавий илмий-техник тараққиёт даврида фанларнинг ва илмий билимларнинг интеграциялашуви бир фаннинг иккинчисига, ёки бир назариянинг иккинчисига қўшилиб кетишини эмас, балки уларнинг синтезини ва органик бирлигини ифодалайди. Тушунчалар алоқасининг янги тизимида интеграциялашган фанлар трансформациялашади»¹. Дастлаб бу каби метод ўтган асрнинг ўрталарида аниқ фанлар доирасига кириб келган ва бу соҳада катта кашфиётларга сабаб бўлган эди. Ўтган асрнинг охириги ўн йиллигида Ғарб ижтимоий фанларида бу методнинг оммавийлашиб кетиши етакчи йўналиш ҳисобланган социал антропологиянинг ўз таркибида такомиллашиб кетишига ҳаттоки унинг доирасида аниқ фанлар тажрибалари ҳам қўлланишига олиб

¹ Хашимова И.С., Рузавин Г.И., Иванова К.И., Методология и методы научного познания в условиях научно-технической революции. - Тошкент: Фан, 1986. – С.79.

келди. Социал антропология фани учта асосий йўналиш: антропология, лингвистик антропология, этнология ёки социал-маданий антропологияга бўлинса¹, унинг таркибидаги ментал соғлиқ ва маданий тараққиёт даражасини ўрганувчи фан этнология ўз ичидан турли йўналишларга дифференциаллашди: «Жумладан, Ғарбий Европа этнологиясида иқтисодий (хўжалик) этнология, ижтимоий этнология, ҳуқуқий этнология, сиёсий этнология, диний этнология йўналишлари шаклланди ва истиқболли ривожланиб бормоқда²».

Ўзбек менталитетида демократик тафаккур тарзи шаклланишининг ўрганилишида интеграцион методдан фойдаланиш тарих, этнология, социология, политология, санъатшунослик, адабиёт, фольклор каби фан соҳаларида ўзбек ментал тафаккур тарзига тегишли бўлган барча назарий ва эмпирик маълумотларни комплекс тадқиқ қилишга имкон беради. Мазкур тадқиқотнинг олиб борилишида бу методга катта эҳтиёж мавжуд бўлиб, у ўзбек миллий тафаккур тарзи тадқиқот объекти сифатида, фақат ҳозирги кунда шаклланганлиги ва у ҳақда илмий объект сифатида конкрет тарихий назариянинг мавжуд эмаслиги билан белгиланади. Миллий идентификация жараёни билан бу каби муаммонинг вужудга келиши ва уни ёритишда ижтимоий-гуманитар фанларнинг тарихий манбаларидан фойдаланиш фанда учрайдиган оддий ҳолат бўлиб, К.Поппер бу каби вазиятга ўз қарашларини билдириб ўтган: «Ахир ҳар бир авлоднинг ўз қийинчиликлари ва муаммолари, ўзининг қизиқишлари ва тарихий ҳодисаларга бўлган ўз қарашлари бор ва, албатта, ҳар бир авлод тарихни ўзича қабул қилишга, ундан аввалги бўлган авлодларнинг нуқтаи назарларини тўлдириб, ўз нуқтаи назаридан талқин қилишга ҳақлидир. Охир оқибатда биз тарихни ўз қизиқишларимизни қондириш ва имконият даражасида ўз муаммоларимизни

¹ William A.Haviland. Cultural antropologi. - Vermont: Universiti of Vermont.1999. 514 p.

² Садохин А.П. Этнология.Учебник. – М.: Гардарика, 2000.- С.19. Қаранг бу иқтибос қуйидаги манбадан олинди: .Аширов А.А. Замонавий ўзбек этнологияси: ютуқлар, муаммолар ва ривожланиш истиқболлари. // Марказий Осиёда анъанавий ва замонавий этномаданий жараёнлар. «Карим Шониёзов ўқишлари» туркумидан халқаро илмий анжуман материаллари. – Тошкент: 2005. 1-қисм.

англаш учун ўрганамиз. Лекин биз мевасиз илмий объективлик таъсирига берилиб, тарихий муаммоларни ўз нуқтаи назаримиздан ёритишга ботина олмас эканмиз, бу икки мақсаддан бирига ҳам эриша олмаймиз»¹.

Илмий натижасиз объективлик, социолог олим назарида маълум бир предметда қабул қилинган, лекин вақт нуқтаи назаридан эскирган, ўша фан доирасида ҳосил бўлган муаммоларни ечишга қодир бўлмаган методология бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Тадқиқотчининг нуқтаи назари, албатта, ўз-ўзидан шаклланмайди. Вужудга келган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёнлар, улар билан боғлиқ муаммолар миллат тафаккур тарзи, унинг дунёқарашидаги муаммолар билан тўқнашар экан, бу зиддиятни инсон тафаккури ва ижтимоий борлиқ ривожланишининг энг умумий қонуниятини ўрганувчи ижтимоий фалсафа соҳасида ҳал қилиш, давр эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда методологиянинг максимал имкониятларидан фойдаланиш, лозим бўлган тақдирда янги методларни татбиқ этиш талабини қўяди.

Илмий тадқиқот ишида интеграцион метод қуйидаги тамойиллар асосида қўлланилган.

1. Ижтимоий-гуманитар фан соҳаларидаги назарий манбалар ва маълумотлардан илмий мавзунини ёритиш, асослаш, ижтимоий фалсафа спецификасидан келиб чиққан ҳолда хулосалар чиқариш.

2. Ижтимоий-гуманитар фан соҳаларидаги методларни бевосита қўллаган ҳолда ўзбек менталитетининг тарихий шаклланиш жараёнлари ва унинг бугунги кундаги даражаси билан қиёсий солиштирувчи хулосалар чиқариш.

Ўзбек менталитетида демократик тафаккур шаклланиш хусусиятларини ўрганишда психологик ва этнологик йўналишдаги эмпирик материаллардан фойдаланиш услуби: Ўзбек менталитетининг XIX аср охири ва XX аср тарихий шаклланиш жараёни, унда демократик тафаккур элементларини

¹ Поппер К. Имеет ли история смысл.// Открытое общество и его враги. М.: Культурная инициатива. 1992. Том №2. – С. 309.

ўрганишда ўз-ўзидан ўзбекларнинг деярли бир аср давомидаги маиший, иқтисодий, сиёсий ҳаётига тегишли материаллар тадқиқ этилиши лозим. Бу материаллар назарий характерда, шу билан бирга айнан тафаккур шаклланиш жараёнларини ўрганадиган психологик ва этнографик характердаги эмпирик материаллардир.

Ушбу маълумотларга мурожаат этадиган бўлсак, бу маълумотлар сиёсий мафкура ёки бошқа субъектив сабаблар туфайли ўзбек менталитети юзасидан ҳар томонлама тўлиқ хулоса бермаса ҳам, тарихий фактлар ва назарий фактлар билан солиштирганда миллий ментал тафаккурнинг динамик ривожига ҳақида тасаввур ҳосил қилади, қолаверса, барча тарихий фактлар ва назарий маълумотларнинг объективлик даражасини белгилайди. Совет даврининг таниқли психологи Александр Лурия ўтган асрнинг 30-йилларида Фарғона водийсида ўтказган психологик тадқиқотларида ҳам минтақавий хусусиятларни эмас, балки билиш жараёнларининг тарихий ривожланишини ўрганиш бўйича изланишлар олиб борган¹. Ёки немис олими Якоб Таубе таҳрири остида нашр этилган совет этнографи Леонид Потаповнинг 1928-1930 йиллардаги ўзбек халқи маданияти тарихига оид этнографик материалларда водий аҳолисига тегишли тафаккур тарзининг этнографик планда ёритилишини кўришимиз мумкин. Ушбу материаллар туркологик тўплам ҳолида 1995 йили Висбаденда нашр этилган².

Рус муаллифлари тадқиқотлари алоҳида равишда олиб қаралганда, ўтган аср бошидаги ўзбекларнинг маънавият ва ментал хусусиятлар шаклланишининг динамик жараёнини ўрганишга етарли манба бўлмайди. Лекин XX аср бошларидаги ўзбек халқи ҳаётида ижтимоий-сиёсий жараёнлар қандай кечган, тафаккур тарзига мустамлака сиёсати қандай таъсир кўрсатган, деган саволларга айнан ўша даврга тегишли эмпирик

¹ Қаранг: Лурия А.Р. Об историческом развитии познавательных процессов. - М.: Наука, 1974. –С. 149.

² Leonid Pavlovic Potapovs Materialien zur Kulturgeschichte der Uzbekien aus der Jahren 1928-1930 // Mit begleitenden Worten des Sammlers herausgegeben und eingeleitet von Jakob Taube. Turkologika 25, Harrassowitz Verlag.

материаллардан жавоб топиш мумкин. Масалан, миллий ва диний маданият асосида шаклланган маиший ҳаётга бутунлай янги маданият элементларини олиб кириш ғайритабиийликни келтириб чиқарди. Ўтган асрнинг коллективлаштириш даврида Марказий Осиёда бир неча йиллар психологик тадқиқотлар олиб борган А.Р.Луриянинг ён дафтарида унинг қизи Е.А.Лурия отаси ҳақидаги хотираларида мисоллар келтиради: «Бу ерда Америка, Германия, Европа ҳақидаги гапларни билишмайди, лекин социализмни билишади. Биз чой ичиб, тун бўйи узоқ гаплашиб ўтирамыз. Ярим тунда палов тортилади. Биз энг экзотик кўринишлардан биридамыз - намоз, ёстиқ ва социализм»¹. Ўзбек халқининг 30- йиллар ҳаётидан олинган бу кичкина тасвирдаги киноядан ҳам сезилиб турибдики, психологик экспериментлар материаллари ўз вақтида мустамлака сиёсатининг Марказий Осиёда қандай тактика билан олиб борилишини аниқлаш учун ўтказилган. Лекин бошқа томондан ушбу муаллифлар тадқиқотларида «заиф ривожланган» маданият кишилари тафаккур тарзи ҳақида объектив хулоса ҳам берилади: «Фактлар кўрсатиб турибдики, «қолоқ» халқларнинг билиш жараёнидаги хусусиятлари, уларнинг «биологик нотўлақонлиги» дан эмас, мустамлака сиёсати ушлаб турган маданий изоляциянинг ижтимоий-тарихий шароитидандир»². Худди ана шу ҳолатнинг ижтимоий-сиёсий сабабларини биз оғзаки тарих материалларида аниқроқ кўрамыз.

Ўзбек менталитетида демократик тафаккур шаклланиш хусусиятларини ўрганишда «oral history»-«оғзаки тарих» материалларидан фойдаланиш услуби: XIX аср охири, XX аср бошларида Ўзбекистонда содир бўлган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жараёнларнинг миллий тафаккур тарзига кўрсатган таъсирини, демократик тафаккурнинг деструктив динамикасини ҳосил қилишдаги таъсирини аниқлашда мазкур тадқиқотда кенг қўлланилган метод «оғзаки тарих»дир. Мазкур метод ҳақидаги ғоя биринчи бўлиб

¹ Лурия Е.А. Фергана,милая Фергана...//Вестник Московского университета.Серия 14 Психология. 1992. №2. – С. 31.

² Лурия А.Р. Об историческом развитии познавательных процессов. - М.: Наука, 1974. С-18.

Италияда 1979 йили «Оғзаки тарих услубининг специфик хусусиятлари» мақоласида пайдо бўлди¹. Ушбу методнинг Фарбий Европа замонавий ижтимоий-гуманитар фанларига кириб келиши XX асрнинг 90-йилларига тўғри келади². «Оғзаки тарих» методи асосида бўлиб ўтган воқеа ходисаларни ўз кўзи билан кўриб, бошидан ўтказган респондентлар билан суҳбатлар олиб бориш, бу каби суҳбатдошларнинг бир нечтасининг ҳикояларидаги фактларни тарихий манбалар билан солиштириш, тарихдаги оқ доғлар ёки бузиб кўрсатилган воқеа-ходисаларни информаторларнинг маълумотларидан аниқлаштиришдан иборат.

Мазкур метод Ўзбекистон шароитида ҳам апробациядан ўтган. 2003-2004 йиллар давомида Америкалик ва ўзбек олимлари томонидан ўтказилган, Ўзбекистонда коллективлаштириш даврига бағишланган, асосини «оғзаки тарих» услуби манбалари ташкил этган грант лойиҳаси бошқа ижтимоий гуманитар фанлари учун ҳам катта тажриба мактаби бўлди³. Ушбу лойиҳага асосан, Ўзбекистоннинг XX аср тарихига тегишли, мавҳум томонлар оғзаки тарих услуби асосида мазкур даврларда яшаган респондентлар билан суҳбатлашиш, бу суҳбатларни тарихий фактларга солиштириб ўрганиш орқали аниқланади. Оғзаки тарих услуби этнография, тарих, социология, мантиқ, психология каби фан йўналишларининг илғор методларини ўз тизимида бирлаштириб, ўзбек халқи тарихида қайтадан жиддий ўрганилиши лозим бўлган масалаларга гуманитар фанларнинг интеграцион ёндашувини тақозо қилиб қўйди. Жумладан, ўзбек менталитетининг тарихий шаклланиш хусусиятларини ўрганишда ҳам масаланинг тоталитар совет тузумига оид илдизларини Фарғона водийси, Тошкент, Бухоро, Хоразм, Кашқадарё вилоятлари мисолида ёритишда айнан оғзаки тарих услубида олинган материаллар асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда.

¹ Sulla specificita della storia orale // Prima Maggio. Milano, Italy, 13. 1979, s54-60.

² On the peculiarities of oral history // History Workshop Journal. Oxford, England. #12, Spring, 1981, 96-107.

³ Муаллиф мазкур лойиҳада иштирок этиб, илмий ва тажрибавий кўникмаларини такомиллаштиришда катта ёрдам бергани учун лойиҳа раҳбари, Вайоминг Университети профессори Марианна Камрга ўзининг чексиз миннатдорчилигини билдиради.

Ўзбек менталитетида демократик тафаккур шаклланиш хусусиятларини ўрганишнинг услубларидан бири XIX аср охири XX асрлардаги Марказий Осиё ижтимоий-сиёсий, маданий маиший ҳаёти, айниқса, ўзбек ижтимоий-сиёсий, маданий-маиший ҳаётига оид даврга тегишли оид бадиий асарлардан фойдаланиш методидир. Ушбу методнинг мазкур илмий тадқиқот учун аҳамияти жуда катта бўлиб, бу метод бадиий адабиётда акс этган, ўрганилаётган даврга тегишли ўзбек ментал тафаккур тарзига хос бўлган маиший, диний, дунёвий, ҳукукий, иқтисодий, демократик дунёқараш хусусиятларини очиб беради. «Оғзаки тарих» услуби ёрдамида тўпланган материалларни ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги тарихий ҳақиқат юзасидан, ментал дунёқараш нуқтаи назаридан қиёсий солиштириш имконияти ҳам айнан бадиий асарлар орқали амалга оширилади. Ҳозирги кунда замонавий Ғарб лингвистикасида бир миллат ҳаётига тегишли адабий асарларни тил нуқтаи назаридан таҳлил қилишда бу методдан самарали фойдаланилади, лекин ҳозирги замон Ғарб лингвистикаси фақат тил доирасидаги масалаларни қамраб олмай ўз доирасида тил ривожланишидаги сиёсий, маданий, ментал факторлар масалалари билан ҳам шуғулланади. Масалан, Швецарияда нашр этилган «Ўзбекистон тараққиётида тил сиёсати» номли асар тадқиқотларида асосан айнан мана шу услуб қўлланилган¹.

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ўзининг «Адабиёт надур?» мақоласида «адабиёт яшаса- миллат яшар»², - деган фикрни билдиради. Ўз даврида шиорга айланган бу фикр ҳозирги давр учун ҳам мазмун моҳиятини йўқотмаган. Ўзбек менталитетининг XIX аср охири ва XX асрга доир тараққиёт динамикасини таҳлил қилиш учун тўпланган тарихий материалларда аксарият давр талаби ва хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ноҳолис хулосалар чиқарилган.

¹ Birgit N. Schlyter. Language Policy in Independent Uzbekistan, Stockholm. FoCAS Working Paper 1. 1997, - 49 p.

² Чўлпон. Адабиёт надир. – Тошкент: Чўлпон, 1994. 36-б.

Тадқиқотнинг ўрганилиш даврида содир бўлган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, уларнинг ҳақиқатан қандай асосда юз бергани, миллий тафаккур тарзига бу мураккаб тарихий вазиятнинг қандай таъсир кўрсатгани адабий меросда яхши акс этган. Е.Э.Бертельс томонидан жаҳон адабиётида олтинчи романчилик мактабини яратган адиб деб эътироф этилган Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар», «Меҳробдан чаён» романлари XIX аср ўзбек ижтимоий муҳити, маданий ва маънавий даражаси ҳақида, социумдаги анъанавийлик ва индивидуализмнинг таъсир хусусиятлари ҳақида миллий ментал хусусиятлар билан боғлаган ҳолда жуда ойдин тасаввурлар беради. Ёки озгина кейинги даврда яратилган Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романига мурожаат этадиган бўлсак, ўзгараётган давр миллий тафаккур, миллий анъаналар ва миллий қадриятларга қандай таъсир кўрсатяпти, ўз ақидалари ва қарашлари, иқтисодий ва сиёсий ҳаёти билан яшаган халқнинг турмуш тарзига, фикрига мустамлака маданияти ва сийсати қандай равишда кириб келди, қандай салбий ва ижобий йўналишларни олиб кирди, деган саволларга холис жавобларни топиш мумкин.

Қолаверса, бугунги кун ўзбек миллий идентификациясига асос солган XX аср жаҳид адабиёти, совет тузумининг байналминаллаштириш сиёсати ниқоби остида амалга оширилган манқуртлаштириш сиёсатини ўз вақтида фош қилган Чингиз Айтматов, Ўлжас Сулаймоновларнинг адабий асарлари, 60-70-йиллар ўзбек илмий адабий муҳитида жаҳидчиликни холис ўрганишга йўл очиб берган Эрик Каримовнинг илмий тадқиқотлари, 80-йиллар ўзбек адабиётида янги воқеа ҳисобланган Тоғай Муроднинг романлари ўзбек ментал қиёфасининг XX асрдаги шаклланиш динамикасини ўрганишда муҳим рол ўйнайди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, XX асрда ижтимоий-сиёсий, маданий ва маънавий жиҳатдан жуда мураккаб, жиддий жараённи босиб ўтган ўзбек тафаккур тарзи ўз моҳияти билан қанчалик муҳим омил ҳисобланмасин, ўтмиш тарихи турлича талқин қилинган ва баҳоланган. Ҳозирда эса,

объектив тарзда қайта ўрганилиши зарур бўлган тадқиқот объекти сифатида шунчалик абстракт ва мавҳумдир. Лекин бу абстрактлик ва мавҳумлик факт ва далиллардан холи субъектив фикр-мулоҳазалар йиғиндиси дегани эмас. Унинг асосида бой тарихий материаллар, фактлар, жараёнлар ётибди. Мазкур тадқиқотнинг вазифаси юқорида қайд этилган методларни синкретик татбиқ этиш, кўрсатилган услубларни қўллаш асосида ўзбек менталитетидаги динамик ўзгаришларнинг моҳиятини очиб бериш, барча факт, материал, тарихий жараён таҳлилларини ана шу мақсадга хизмат қилдиришдир.

Ўзбек менталитетини тарихий шаклланиш хусусиятларини методологик асосларини таҳлил этиб, қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1) Ўзбек менталитетида демократик тафаккур хусусиятларини ўрганиш замонавий методологик маданият нуқтаи назаридан мураккаб характер касб этиб, шу даврга қадар мавжуд бўлган барча методлардан самарали ва айти пайтда улардан синкретик услубда фойдаланишни тақозо этади;

2) Методологик ёндашувни тўғри ташкил этиш, фанлардаги замонавий методологик маданият даражасида услуб ва изланишларни қўллаш менталитетнинг ўтмишдан шаклланиб келган қирраларини таҳлил этиш ва унга бўлган стереотип муносабатларнинг тўғри-нотўғрилигини баҳолаш имконини беради.

1 БОБГА ХУЛОСА

Тафаккур қудрати инсониятнинг энг мўъжизавий ва ноёб бойлигидир. Табиат ва жамият ривожланишининг умумий тараққиёт қонунлари бўлгани каби инсон тафаккури тараққиётининг ҳам муайян қонун-қоидалари мавжуддир. Мазкур бобда миллий менталитетнинг, яъни кенг маънода халқимизга хос хусусиятлар мажмуасининг XX аср ўзгаришлари, XXI аср истиқболлари, истиқлол шароитидаги мукаммаллашиш қонуниятларини

назарий ва методологик асосда ўрганиш имкониятлари, усуллари кўриб чиқилди. Ушбу таҳлил миллий менталитетда демократик тафаккур шаклланиш хусусиятларини тадқиқ этишга тегишли кейинги боблар учун ҳам муҳим аҳамият касб этиб, XX асрдаги ментал жараёнларни мавзу доирасида ўрганиш мақсадида, ижтимоий фанларнинг барча соҳалардаги назарий ва эмпирик тадқиқотлари интеграциясига илмий асос яратади.

1. Ижтимоий-гуманитар фанларда, хусусан, ижтимоий фалсафа, маданий антропология, этнология ва тарих фанларида этнос, халқ, миллат тушунчаларига янгича қараш ва ёндашувлар шаклланиб, уларда миллат ва давлатчилик назарияси бир-бирини тақозо қилувчи ташкилий омил сифатида юзага чиқди, бу эса миллат тушунчасини менталитет муаммоси доирасида таҳлил этишни тақозо этди.

2. XX аср охири ва XXI бошларидаги сиёсий, иқтисодий, маънавий ўзгаришлар миллий ментал хусусиятларнинг эволюциясини, тарихий ривожланиш тенденцияларини алоҳида тадқиқ этиш заруратини ҳосил қилди ва бу тадқиқот ўзбек менталитетида демократик тафаккур хусусиятлари ўзининг бой мазмуни, принципиал кўринишларида мавжуд бўлганлигини намоён этди.

3. Замонавий ижтимоий фанларнинг илғор методлари ижтимоий фалсафа доирасида менталитетни тадқиқ этишда самарали натижаларни бериши мумкинлиги асосланди.

II БОБ: XIX АСР ОХИРИ ВА XX АСР БОШЛАРИДА ШАКЛЛАНГАН МИЛЛИЙ ДЕМОКРАТИК ҲАРАКАТЛАРНИНГ ЎЗБЕК МЕНТАЛИТЕТИ ТАКОМИЛЛАШУВИДАГИ ЎРНИ ВА РОЛИ

Менталитет ижтимоий-сиёсий жараён, табиий-тарихий омиллар таъсирида шаклланадиган мураккаб омил. Маълум бир тарихий давр юзага келиши билан даврий равишда юз берадиган инқилобий ўзгаришлар, сиёсий бухронлар ҳар доим шаклланаётган элатлар, халқлар ҳаётида сақланиб қолиб янада ментал жиҳатдан такомиллашиш, ёки бутунлай ассимиляция ҳодисасини бошдан кечиришни тақозо қилиши қонуний вазиятдир. Шу ўринда миллатнинг табиий иммунитетини сифатида унинг ичидан турли сиёсий кучлар, гуруҳларнинг ижтимоий ҳаракатлар ташкил этиб бирлашиши, миллат манфаати ва тақдирини ҳимоя қила оладиган ғоявий таълимотларнинг вужудга келиш ҳолатлари рўй беради. Бу каби таълимотлар миллатнинг, нафақат бугунги куни учун қалқон бўлади, балки унинг келажаги учун ҳам озодлик ва демократик тамойиллари сифатида хизмат қилади. Жаидчилик ҳам шундай катта ҳодиса, оқим сифатида вужудга келган миллий ҳаракатдир.

Мазкур бобда XIX аср охири ва XX аср бошларида шаклланган миллий демократик ҳаракат – жаидчиликнинг вужудга келиш шарт-шароитлари, ўзбек халқининг миллат сифатида шаклланишида миллий демократик кучларнинг ўрни, менталитетнинг такомиллашишида жаид мафкурасининг аҳамияти ҳақида фикр юритилади.

Ушбу боб параграфлари миллий демократик ҳаракатлардаги маънавият ва маърифат масалалари, миллат шаклланиши ва тараққиётида диний бағрикенглик тамойиллари, миллий давлатчиликда сиёсий масалалар каби бир-бирига чамбарчас боғлиқ ва мантиқий кетма-кетликни ташкил этувчи муаммоларни ҳал этишга қаратилган.

2.1. Жаид миллий демократик ҳаракатининг шаклланишидаги ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий омиллар

Жаидчилик Ўзбекистоннинг совет даври тарихида қайта қуриш йилларидан ўрганила бошланди. Деярли бир асрга тенг вақтдан сўнг тоталитар жамият тарихида катта байналмилал совет оиласида феодализмни ҳам тўлиқ босиб ўтмай, социализмга қадам қўйиб, қолоқ, оми халқдан маърифатли халққа айланган, деб уқтирилган ўзбеклар тарихида ўз фикри ва мақсадига эга бўлган таълимотлар, ҳаракатлар борлиги ошкор бўлди. Қизик томони шундаки, жаид мафкураси деярли бир аср давомида халқдан яширилган бўлишига қарамай, қайта қуриш давридан шу кунга қадар ўрганилгани сари ўзининг янги қирраларини очмоқда ва ҳаттоки юртимизнинг ҳозирги вақтдаги баъзи муаммоларини ҳал қилишда ҳам ечим бўладиган прогрессив таълимот эканлигини намоён этиб турибди. Ўз ҳудуди ва ворисларидан четлаштирилган ушбу тарих пайдо бўлган давридан бошлаб ҳозиргача ҳорижий ижтимоий фанларнинг эътиборидадир¹. Ушбу ҳаракат ҳақидаги жиддий фикрлар, унинг салмоғи ва Шарқ халқлари мустамлака давридаги ноёб ҳодисалиги тўғрисидаги муҳим илмий хулосалар ҳам кўпроқ ғарб жаидшунослари томонидан билдирилган. Бунинг сабаби, жаидчилик тарихи Марказий Осиёнинг XIX аср ва XX аср бошларидаги барча соҳалари: иқтисодиёт, сиёсат, маданият, маърифат, илм-фан, дин билан чамбарчас боғлиқ ва бугунги кундаги жуда кўп муаммолар ҳам ўз илдизлари билан шу даврга бориб тақалади. Энг муҳими, Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонга нисбатан шаклланаётган геосиёсий қизиқишлар давлатчилик тарихи, миллий идентификация ва Ислом динининг ушбу ҳудуддаги мавқеини ўз эътиборидан четда қолдирмас экан, бу барча масалаларни ўрганиш

¹ Khalid A. The Politics of Muslim Cultural reform. Jadidizm in Central Asia. University of California press, London, 1998; Le Donne, John P. The Russian Empire and the Word: 1700-1917. New York: Oxford University Press, 1997; Gregory Massell, The Surrogate Proletariat: Muslim Woman and Revolutionary Strategies in Soviet Central Asia, 1919-1929. Princeton, NJ: Princeton University Press, 1974; Douglas Northrop, Veiled Empire: Gender and Power in Stalinist Central Asia. Ithaca, NY: Cornell University Press, 2004.

жадидчиликка боғланган. Чунки ўзбек халқининг миллат бўлиб шаклланиши, мустақил давлат ғояси, миллий ўзликни англаш, халқ тафаккурини тубдан ўзгартириш масалаларини биринчи бўлиб жадидлар кўтарган эди.

Ушбу ҳаракатнинг айнан миллий контекстда намоён бўлишининг ўзи инқилобий ҳодиса эди, чунки, жадидчилик вужудга келган даврга қадар Марказий Осиё ҳудудида маҳаллий халқлар идентификацияси миллий эмас, ҳудудий нуқтаи назардан амалга оширилган. Ҳатто, ҳозирги замонавий Ғарб назарияларида Марказий Осиёдаги миллий интеграция табиий хусусиятга эга эмас, у Европадан кириб келган ғоя орқали шакллантирилган, деган эътирозлар ҳам мавжуд. Бу эътирознинг бир неча ғоявий мақсадлари бўлиб, биринчиси, Марказий Осиёдаги мустақил давлатларнинг миллий илдизларига путур етказиш, иккинчиси, 1924 йилда амалга оширилган «болта билан бўлиш» сиёсатининг натижаси ўлароқ ҳудудий ажратилишнинг нотўғрилигини рўқач қилиб, миллий территориал низоларни келтириб чиқариш ва ҳ.к. лардир. Шунинг учун ҳам жадидчиликнинг айнан миллий ҳаракат эканини, ўз моҳиятида миллий ғоя ва давлатчилик мақсадларини ифодалаганини кўрсатиб бериш, Туркистон халқларининг миллий шаклланишини сафарбар этиб турган интеллукуал салоҳият қатлами бўлганлигини алоҳида таъкидлаш муҳим аҳамият касб этади.

Бу ҳаракатнинг вужудга келишида ташқи сиёсий омиллар ҳам катта таъсир кўрсатган. Тўғрироғи, жадидчиликнинг ўзи XIX аср охири, XX аср бошларида бутун Шарқ дунёсида кўзгалаётган демократик оқимнинг бир қисми эди. Тарихдан аёнки, дунё бу даврга келиб Буюк Британия, Германия, Франция, АҚШ, Италия, Япония, Испания, Португалия ва Россия каби давлатлар томонидан бўлиб олингач, капиталистларнинг жаҳон монополистик иттифоқи вужудга келган ва мустамлака халқлари икки томонлама зулм натижасида ғоят оғир, ночор аҳволда қолган эдилар. Оқибатда мустамлакадаги халқларнинг зиёлилари орасида аста-секин қарам халқларни қашшоқликдан қутқариш учун миллий озодлик ҳаракатлари

уйғона бошлади. Бир қанча Шарқ мамлакатларида Жамолиддин ал-Афғоний (1839-1897), Муҳаммад Абдо (1848-1905) каби жамоат арбоблари раҳбарлигида Ғарб мустамлакачиларига қарши ҳаракат авж олиб, аста-секин жадидчилик-тараққийпарварлик ғояларининг тарқалишига замин яратиб берди. «Жамолиддин ал-Афғоний таълимоти ўз моҳиятига кўра жуда қарама-қарши бўлса-да, нафақат Мисрда, балки Шарқ мамлакатларининг мусулмонлари томонидан ҳам қизғин қабул қилинди ва XIX аср охирларида мусулмон зиёлилари дунёқарашининг шаклланишида катта таъсир кўрсатди»¹. Жамолиддин ал-Афғоний ва Муҳаммад Абдо ўзларининг диний ислохотчилик, маърифатпарварлик ва ижтимоий-сиёсий фаолиятларида мусулмонларни илғор сиёсий ҳаётга, мустамлакачиларга қарши бирлашишга чақирдилар.

Жаҳон тажрибасидан хулоса чиқариб, Шарқ халқларининг истибдодга қарши шаклланган туркпарастлик ва исломпарастлик кўринишидаги қаршилиқ оқимларидан ғоявий қувват олиб, миллий йўналишда ривожланган жадидчиликнинг келиб чиқишида ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий омиллар мавжуд.

1. Ижтимоий-сиёсий омиллар: Ўзбекистоннинг XIX аср охири ва XX аср бошларидаги мустамлака даврига тегишли тарихи тарихшунослик, сиёсатшунослик ва бошқа бир қанча ижтимоий фан соҳаларида ўрганилган, таҳлил этилган бўлса-да, мазкур параграфда ушбу жараёни айнан жадидчилик вужудга келиши ва шаклланиши нуктаи назаридан кўриб чиқиб, ўз фикр ва мулоҳазаларимизни билдириб ўтишни лозим топдик.

Жадидчиликнинг вужудга келиши Туркистоннинг XIX аср охири, XX аср бошларидаги мураккаб ижтимоий-сиёсий, маънавий вазиятига тўғри келади.

¹ Хакимов И.М. Джамал ад-Дин Афгани, его антиколониальные взгляды и деятельность(1839-1897 гг.) Автореф. дисс... канд.филос.наук. – М: МГУ,1971. –С .8.

XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб Россия томонидан Туркистоннинг истило қилиниши натижасида ўлка ҳаётида аянчли ва кескин ўзгаришлар содир бўла бошлади. Чор Россиясининг Марказий Осиёни босиб олишга бўлган эҳтиёжига, унга нисбатан жадал мустамлакачилик сиёсатини юрғизишига ҳарбий-сиёсий мақсади ва иқтисодий аҳволи сабаб бўлди. Россиянинг ўша даврдаги ривожланаётган енгил саноати учун пахта, пилла, қорақўл ва бошқа хом ашёлар зарур эди. Россия томонидан Марказий Осиё истилосига ғоявий тайёргарлик XVIII аср бошларида Пётр I томонидан бошланган бўлса, худди шу даврдан бошлаб Туркистонда ҳам истило учун табиий шароит етила бошлади. XVIII-XIX асрларда авж олган маҳаллий оқимларнинг ўзаро уруш ва жанжаллари, Туркистоннинг учта мустақил хонликка бўлиниши, уларнинг орасидаги ўзаро зиддиятлар, урушларнинг авж олиши диний мутаассибликнинг ривожланишига олиб келди. Бу ҳолат жамиятда дин пешволарини муайян мавқега эга бўлиб, ҳар қандай фан ва маданият янгиликларига мусулмон ахлоқий нормалари, ислом дини номидан кўр-кўрона қаршилик кўрсатиб, диний ақидапарастликни авж олдиришга сабаб бўлди. Натижада Туркистон халқларининг иқтисодий ва маданий ҳаёти таназзулга юз тутди.

XIX аср охирларида Туркистонда Бухоро амирлиги, Хива, Қўқон хонликлари мавжуд бўлиб, феодал тарқоқлик сақланиб қолинган эди. 1874 йилда Хивага қарши юриш бошлаб, Амударёнинг ўнг этаклари Россияга қўшиб олинди ва Амударё бўлмаси тузилди. Қўқон, Бухоро, Хива хонликлари рус қўшинларининг тазйиқи остида Россия билан шармандали шартномалар тузишга мажбур бўлдилар ва Рус подшосининг вассалига айландилар. Вассаллик ҳолида Бухоро ва Хива хонликлари сақланиб қолди. Қўқон хонлиги эса қирғиз-қипчоқ Абдурахмон офтобачининг Худоёрхонга қарши исёнини бостириш баҳонасида тугатилди.

Туркистон тарихини ёритишда рус олимларининг аксарияти мустамлака сиёсатини тарихий-сиёсий жиҳатдан оқлаб берувчи, барча далил

ва маълумотларни сунъий равишда шу мақсадга хизмат қилдирувчи асарлар яратганлар. Масалан, рус истилоси тарихчиси П.Г.Галузо Туркистоннинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини шундай тасвирлайди: «Саноат капитали ривожланиши йўлига кирган Россия Ўрта Осиёдек бир мамлакатни ўзига қарам қилиб олдики, бу ерда ички бозор шаклланиш жараёни эндигина бошланаётган, марказлашган феодал ҳукмронликлари шаклланиш жараёни тугалланмаган, ҳаттоки, энг илғор туманларда ҳам ерга мулкдорлик ва деҳқончилик муносабатлари ривожланмаган ва, ниҳоят, қолоқ туманларда ҳаттоки, уруғдошлик муносабатлари ҳукмрон эди»¹. Бу фикр исботи учун қуйидаги иқтибосни келтирамиз: «Бухоро амирлигининг иқтисодиёти қишлоқ хўжалигига асосланган, аҳолининг асосий қисмини деҳқонлар ташкил этарди. Деҳқонлар умумий ҳисобда 86 турга яқин турли хил солиқлар тўлар эдилар, бу давлат хазинасига олтин ҳисобида 36 млн. сўмлик фойда келтирарди»². Мамлакатда 86 турга яқин солиқнинг мавжудлиги мулкдорлик ва деҳқончилик муносабатларининг ривожланганидан дарак беради. Қолаверса солиқ сиёсати солиқ олинishiдаги тазъийқ ва қонунлардан қатъи назар, аҳолининг моддий даромади асосида шакллантирилади. Бошқа томондан аҳолининг асосий қисмини деҳқонлар ташкил этган мамлакатда деҳқончилик муносабатлари шаклланмаганлиги эҳтимолдан йироқдир. Ишлаб чиқаришда амлок, мулк ва вақф феодал хусусийлиги мавжуд эди. Бу эса Бухоро амирлигининг иқтисодиётида янги ишлаб чиқариш воситасига бўлган нисбатан прогрессив ёлланма меҳнатнинг жорий қилинишига асосланган капиталистик хусусий мулкчиликни вужудга келтирди. «Баъзи бир маълумотларга қараганда XX аср бошларига келиб, бу ерда пахта тозалаш заводларидан тортиб, озиқ-овқат чиқиндиларини қайта ишловчи цехларгача, саноат корхоналарининг сони 92 тага етган»³.

¹ Галузо П.Г. Туркестан-колония. – Ташкент: Коммунист ун-та, 1935. –С. 49.

² Тимофеич. Есть-ли казнь в Бухаре? (Ответ «Новому времени») // Туркестанские ведомости. 1910. –5 сен.

³ Хакимова К.З., Кравец Л.Н. Социально-экономические отношения и классовая борьба в дореволюционном Узбекистане. –Ташкент: Наука, 1980. – С. 7.

П.Г.Галузо таъкидлагандек, ички бозор шаклланиб улгурмаган, ҳатто уруғдошлик муносабатлари амал қилаётган музофотда бирданига 92 та саноат корхонасининг ишга тушиши ҳақиқатдан йироқ эди, албатта. Аксинча, Россиянинг Туркистонда истило сиёсатини жорий этиш орқали иқтисодий манфаат топиши учун жуда яхши шароит мавжуд эди, бунини истилочилар жуда яхши тушунганлар.

Туркистон ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги мазкур мураккаб давр ички ва ташқи сиёсий омиллар таъсири натижасида стихияли равишда халқ кўзғолонларини келтириб чиқарган. Бундай ҳаракатлар совет давридаги Ўзбекистон тарихида «босмачилик», - деб талқин қилинган. Чунки истилога қарши ғалаёнларни ўз номи билан аташ Туркистон музофотида миллий бирлашишга томон интилиш бўлганини эътироф этиш бўлар эди. Ўз-ўзидан, миллий бирлашувлар давлат мустақиллиги қизиқишларини ифодалаши, сиёсий талабларни илгари суриши, миллатни бирлаштирувчи ғояни тақозо этиши зарурий ҳолдир. Бу ҳақда миллатлар ҳақидаги назарияларнинг муаллифлари Лорд Актон ва Мирослав Хрох ўз асарларида таъкидлаб ўтган¹. «Миллат, ўзига тегишли бўлган давлатни қайтариб беришни талаб қилишдан бошлаб пайдо бўлади...бунда эса, энг муҳими, у ўзида одат бўлиб қолган итоаткорлик хусусиятини енга олиши, руҳан ўзини кўлга олиб, шармандали ҳолатлардан баланд келиши лозим»², - дейилади халқ кўзғолонларининг моҳияти ҳақидаги Л.Актоннинг мақоласида. Туркистон ҳудудидаги ҳаракатлар ҳам аслида миллий истибдодга, чоризм истилосига қарши халқ кўзғолонларининг турли хилдаги кўриниши эди. Тарихий маълумотларда 1905 йилга қадар Туркистонда тўрт мингга яқин миллий озодлик ҳаракатлари бўлиб ўтгани қайд этилган³. Ушбу ҳаракатлар замирида, аксарият ҳолларда, маҳаллий аҳолидан кўчириб келинаётган халқларга ер-сувни олиб беришга

¹ Актон Л. Принцип национального самоопределения // Нация и национализм. Кол ав. -М.: Праксис, 2002. С. 26-52.; Хрох М. От национальных движений к полностью сформировавшейся нации: процесс строительства нации в Европе // Нация и национализм. Кол ав. - М.: Праксис, 2002. С. 121-152.

² Актон Л. Ўша манба, 31-б.

³ Пясковский А.В. Революция 1905-1907 годов в Узбекистане. -Ташкент.: Госиздат. 1957. 118-с.

қарши исён ётар эди: «Генерал Куропаткин ҳокимият ўз эҳтиёжлари учун қанча хоҳласа, шунча даражада ер ва сувни ишлатиши мумкинлигига ишонар эди. Шунинг учун ҳам мустамлакани мустаҳкамлаш учун этник тозалашдан фойдаланиш ва Россиядан янги эмиграцияни ташкил этиш лозим бўлди»¹. Тўрт мингга яқин озодлик ҳаракатлари халқ менталитетидаги демократик кайфиятни англатса, айтиш мумкинки, маҳаллий кайфиятдаги истибдодга нисбатан исён, озодликка интилиш айнан ана шу даврларданоқ истилочилар томонидан қатағон қилинган. Бир неча мисолларни келтириш мумкин: 1) Дукчи Эшон кўзғолонида чор аскарларидан 22 нафари ўлдирилган, 16 нафари ярадор бўлган, бунинг эвазига Мингтепа, Тожик, Қашғар қишлоқлари уч кун тўпга тутилган, чор аскарлари томонидан Ўқчи қишлоғидаги аксарият эркаклар отиб ўлдирилган. Дукчи Эшон кўзғолони бўйича очилган жиноий ишда 400 дан ортиқ одам жиноий жавобгарликка тортилиб, мол мулки мусодара этилган²; 2) 1881 йил 12 январиди Кўктепада 22,5 мингдан зиёд бегуноҳ туркман, қозоқ, ўзбек, қирғиз генерал Скобелев гуруҳи томонидан ваҳшиёна чошиб ташланадилар³; 3) 1864 йил ўрис зулмига қарши Еттисувдаги дунганлар кўзғолон кўтардилар, лекин улар қириб ташланди, ҳаммаёқ қонга ботирилди⁴. Ушбу кўзғолонлар ҳақида рус муаллифларининг ўзи шундай таъкидлайди: «Истило давридаги халқ озодлик ҳаракатлари олдида турган асосий инқилобий вазифа мустақилликни бой бермаслик эди»⁵.

Бу ерга аҳолининг сиёсий онгига таъсир қилувчи рус зиёлиларигина келиб қолмасдан, чор Россиясининг нуфуз жиҳатдан мавқега эга бўлиш сиёсати натижасида кўплаб рус аҳолиси ва бунинг кетидан бошқа миллатга мансуб кишилар кўчириб келина бошланди. «Русия ўрта турк элига, олайлик,

¹ Марко Буттино. Революция наоборот. Средняя Азия между падением Царской империи и обрзованием СССР. - М: Звенья.2007.75-с.

² Эгамназаров А. Сиз билган Дукчи Эшон. – Тошкент: Шарқ, 1996. 136-б.

³ Ўша манба, 11-б.

⁴ Қаранг: Терентьев М..А. Россия и Англия. - Спб.: Б.И., 1876. - С 65.

⁵ Галузо П.Г. Туркестан-колония. – Ташкент: Коммунист ун-та, 1935. - С. 82.

Ҳиндистондаги инглизлардек ўз сиёсий ва иқтисодий мавқеи, муҳофазаси учун мустамлакадаги бойликларни ўзлаштириш ва одамларни ишлатиш фикри билан келган содда афанди миллат эмас. У бу ерга ерли миллат бўлмоқ ва нуфуз жиҳатдан ҳам кўпчиликни ташкил қилмоқ мақсади билан келганлиги учун ўзининг мужигини, аравакашини, этикдўзини, кўча супурувчисини, ҳожатхона тозаловчисини ҳам бирга келтирди»¹.

Миллий истиқлол шарофати билан тарихдаги объектив ҳақиқатлар илм-фанда намоён бўлгандан кейин «Босмачилар ҳаракати» номи остидаги шовинистик тамға олиб ташлангандир. Лекин бошқа томондан XX асрнинг 19-20-йилларидан кейин ҳақиқий маънодаги босмачилик ҳодисасини шакллантирган колониал зулмнинг ижтимоий-сиёсий моҳияти етарли таҳлил этилмаган. Албатта, «босмачилик ҳаракати» тарихи кўп тадқиқ қилинган ва яна ҳали тадқиқ этилиши керак бўлган мавзу, бу бизнинг илмий ишимиз имконияти доирасига сиғмайди. Лекин ўзбек менталитетининг динамик шаклланиш жараёнида бу масаланинг муҳимлигини эътироф этган ҳолда шуни қайд этиш лозимки, истило зулмининг ўзбек менталитетида қолдирган аянчли асоратлари дастлаб босмачилик ҳаракатларида намоён бўлган. Бу мавжуд тузум қаршисидаги чорасизлик ва аламзадалик кайфиятлари билан характерланади. Тошкентнинг мустамлакани бошқарув марказига айлантирилиши тарихи ва босмачилик ҳаракатларини ҳар томонлама, тўлақонли ўрганган италян олими Марко Вуттино ўз тадқиқотида барча манба ва таҳлилларни тақдим этар экан, бу мураккаб ҳолатни қандай мушоҳада этишни ўқувчига ҳавола этади² ва бу ҳаракатга «миллий партизанлик ҳаракатлари» деб ном беради. Босмачилар тарихига оид вазиятнинг бир мунча чигаллигини дала тадқиқоти материаллари ҳам тасдиқлайди. Фарғона водийсида олиб борилган интервьюларнинг аксариятида босмачиларга нисбатан турли фикрлар мавжуд. Баъзи бирлари,

¹ Аҳмад Заки Валидий. Туркистоннинг туганмас дарди. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992.19-июнь.

² Бу ҳақда қаранг: Марко Вуттино. Революция наоборот. Средняя Азия между падением Царской империи и образованием СССР. - М: Звенья, 2007. 252-с.

босмачилар ҳақиқатан ҳам очлик ва иложсизликдан халқни талаганини тасдиқласа, бошқалари босмачилар ва маҳаллий халқ орасида бир-бирини қўллаб - қувватлаш бўлганини кўрсатади: «20- йилларда большевиклар босмачиларни таъқиб қилиб, қишлоғимизга келишди (Марғилоннинг Беш бола қишлоғига-ред.Ш.Мадаева). Кимдир чақув билан, шу қишлоқни аҳолиси босмачиларни қочириб юборди,-деган экан. Шунинг учун большевиклар бутун қишлоғимиз аҳолисини- эркакларини бир ерга йиғиб қиличдан ўтказдилар. Бу ерни ҳозиргача «Чоп-чоп кўрғон» деймиз»¹.

«Капитализмнинг ўсиши унга (деҳқонлар назарда тутиляпти – ред. Ш.М) хонавайронлик олиб келар экан, у бунга нисбатан босмачилик ҳаракатлари орқали жавоб берди. Генерал губернатор девонхонасида қайд этилган босмачилик ҳаракатлари 1887 йилдан 1898 йилгача 668 тага етган»². «Туркестан - колония» асарининг 1935 йилда нашр этилганини эътиборга олсак, босмачилик ҳаракатига берилган бундай таъриф табиийдир, лекин, юқорида таъкидлаганимиздек, босмачилик келгуси асрнинг бошларида хусусий мулкка дахл қилиниши билан вужудга келган ҳодисадир. Баъзи тарихчилар томонидан бу ҳодисани ҳаспўшлашга ҳаракат қилиш, истибдод сиёсати миллий интеллиганция, миллатнинг ўзига тўқ бўлган қатламнинг тақдирини хўрлик ва зулм орқали қанчалик аянчли ҳал этганини ҳам ёпиб юборади. Яъни, босмачилик ҳаракатлари содир бўлганини эътироф этмаслик уларнинг инкор этгандан кўра кўпроқ йўқотишга, мустамлака тузуми асоратларини тушуниб етмасликка олиб келиши мумкин. Қолаверса, миллий озодлик ҳаракатлари тарихи, босмачилик воқеалари ўзбек халқи тарихидаги миллий шаклланишга бўлган интилиш спонтан ҳолатдан бошланиб, стратегик дастурга эга жаҳид ҳаракатига айланиши диалектикасини кўрсатиб беради. Чунки жуда кўп босмачилик ҳаракати миллий - сиёсий ҳаракатлар

¹ Дала тадқиқоти материаллари. Фарғона водийси, Марғилон шаҳрида олиб борилган 14- интервью. Интервьюэр Ш.Мадаева. Респондент-Мамасолиева Умринисо, 1914 йил туғилган. Кува кўчаси, 94-уйда яшайди. 2003й. Август.

² Галузо П.Г. Туркестан-колония. – Ташкент: Коммунист ун-та, 1935. - С.90.

билан қўшилиб кетган эди. XX асрнинг 20-йилларига келиб, бу жараён сиёсий соҳада маълум натижаларга олиб келди. Туркистоннинг йирик сиёсий арбоби бўлган Турар Рисқуловнинг Туркистон халқларини бирлаштириш ва ягона давлатни ташкил этишга қаратилган «Турон» лойиҳасида мусулмон армиясининг асосини Мадаминбек қўшини ташкил этган. Лекин бу ғоя марказ томондан тор-мор этилган: «Туркистон республикасининг байроғи қабул қилингани ва унинг мақсадлари анча юмшоқ кўрингани билан марказ мусулмон армиясини ташкил этишдек муҳим масалага ён босиши мумкин эмас эди, айниқса, у Мадаминбек бошқаруви остида бўлса»¹.

Туркистоннинг бир неча асрлардан бери шаклланган иқтисодий ҳаётини ҳам мустамлака сиёсати издан чиқарди. 1890 йилдан 1917 йилгача иқтисодий ҳаётда молия капитали устунлик қилиб, Россиядан Туркистонга текстиль, металл, нефт маҳсулотлари, шакар, спиртли ичимликлар ва бошқа истеъмол моллари олиб келинган. Россияга эса, жун, қуруқ мевалар, ипак, тери, пахта олиб кетилган. Бу ҳолат, табиийки, Туркистонда ривожланган саноат технологиясининг барпо бўлишига тўсқинлик қилган. Ҳолбуки, бу давргача Туркистонда саноат анчагина ривожланган ва миллий буржуазия шаклланган эди. 1913 йилгача Туркистонда 425 дан ортиқ завод ва фабрикаларнинг мавжудлиги, аҳолининг 25% шаҳарда истиқомат қилгани ва ишчилар синфи 18 мингдан зиёд кишини ташкил этгани². Туркистонда капитал ишлаб чиқариш ривожланганидан дарак берар эди.

XIX аср 80- йилларининг охири, 90-йилларининг бошларида Туркистонда биринчи кредитли капиталистик ташкилотлар пайдо бўла бошлади. Идоралар, Давлат банки бўлими, хусусий кредит муассалари очила бошланди. Молия капиталининг асосий вазифаларидан бири Туркистонни

¹ Марко Буттино. Революция наоборот. Средняя Азия между падением Царской империи и образованием СССР.- М.: Звенья, 2007. 350-с.

² Бу ҳақда қаранг: История формирования рабочего класса в Узбекистане. Отв ред Муминов И.М. –Ташкент: Фан, 1973. 168-с.

пахта базасига айлантириш эди. 1889 йилдан 1916 йилгача америка пахтасини татбиқ қилиш ҳисобига экиш майдонлари етти мартага кўпайди¹.

1890 йилда Фарғона водийсида 33 минг 492 десятина ерга америка пахтаси экилган бўлса, орадан беш йил ўтгач, 88минг 858 десятина ерни эгаллади. Водийда пахтачиликнинг кенгайиши натижасида яшаш учун зарур бўлган бошқа неъматларни етиштириш камайди. Озиқ овқат маҳсулотларининг нархи кўтарилди. Ғалланинг нархи 1890-1894 йиллар мобайнида 2,5 баробар ошди. Озиқ овқат моллари билан чайқовчилик қилиш авж олди².

2. Маданий, маърифий омиллар: Чор Россиясининг Туркистонни хусусий мустамлакага айлантириб, иқтисодий ва сиёсий васийликни ўз зиммасига олиши маънавий ҳаётда ҳам ўз аксини топмасдан қолмади. Бу Туркистон ҳаётида ирқий зулмнинг пайдо бўлганлиги билан белгиланади.

Рус малакали ишчисининг аҳволи маҳаллий миллатдан бўлган малакасиз ишчининг аҳволига қараганда жуда яхши эди. Чор ҳукумати шовинистик сиёсатни барча йўналиш бўйича олиб борар экан, бу ҳолатда рус ишчиларидан имтиёзли табақани ташкил қилишга, рус ва маҳаллий ишчилар ўртасига миллий низолар солишга интилар эди³.

«Приставларнинг ҳокимлик суришлари шу даражага етдики, ҳатто масжидларга қўнғироқ осиб ҳаракатида бўлдилар. Ўзларининг тўраликларини ва ҳукмдорликларини кўрсатмоқ учун намоз вақтида масжидга итлар билан кириб келдилар» - дейилади «Янги Туркистон» мақоласида⁴.

Бу пайтга келиб Туркистон халқлари турк, мўғил, эрон ва бошқа этник элементлардан қоришган халқлар эди. Туркистонда амалга ошган мустамлакачилик сиёсати аҳолининг демографик зичлашувига олиб келди.

¹ Қаранг: История народов Узбекистана. В 2-х т. - Ташкент: Фан, 1993. Т. 2. –С. 112.

² Қаранг: Эгамназаров А. Сиз билган Дукчи Эшон. –Тошкент: Шарқ, 1996. 135-б

³ Қаранг: Галузо П.Г. Ўша манба. 126-б.

⁴ Ризкулов Т. Туркистон // 1923. 5 нояб.

Россиядан дастлабки иммиграция 1840 йиллардан бошланган бўлса, 1870 йилларда миграциянинг иккинчи оқими келган эди. Лекин катта миқёсдаги миграция XX асрнинг бошларидан бошланган: 1902 йилда 16000, 1905 йилда 23000, 1908 йилда 30000 оила кўчириб келинган. Марказий Осиёнинг Семиречье худудида 1897 йилда 67000 рус иммигрантлари бўлса, 1914 йилга келиб бу кўрсаткич 255000 ни ташкил этар эди. Сирдарёнинг ўзида 1914 йилга келиб рус иммигрантларининг сони 66000 га етган эди. Козоғистоннинг ўзида Семиречьедан ташқари 1915 йилда 833000 иммигрантлар мавжуд эди¹.

Туркистон генерал-губернатори Фон Кауфман императорга ёзган мактубларининг бирида истило Ўрта Осиё халқларининг маданиятини, ижтимоий тараққиётини уч юз йилча орқага суриб юборганлиги тўғрисида ёзган. Шубҳасиз, инқилобдан аввал мачит, мактаб, мадрасаларда ўқишлар чегараланган, араб, форс, тожик ва туркий халқлар қўлларида битилган ноёб қўлёзмалар чор маъмурияти томонидан куйдирилган ва олиб кетилган, инқилобдан кейин Сталиннинг қирғинбарот даврида эса маърифатлилар билан бирга эски китоблар ҳам йўқ қилинганди².

Асрлар бўйи таълим тизимининг энг самарали усулларини ўзида шакллантирган мадраса таълим усулининг йиллар давомида ташкиллашган илғор анъаналари XIX охирларида анча путур топган эди. Улар қашшоқлашган, дунёвий илмлардан холи бўлишига қарамай, у ерда миллий рух, миллий маънавият ҳукм суради. Анъанавий таълим тизимида таҳсил олган кишиларда истило сиёсатига қарши миллатчилик кайфиятининг туғилиши тасодифий ҳол эмас эди. Шу сабабли XIX аср охирларида Туркистонда бир қарашда прогрессивлик сифатларини намоён қилган ўлкани маданийлаштиришдек роль ўйнаган рус-тузем мактаблари ташкил этила бошлади. Аслида эса, чор ҳукуматига истило сиёсатини узоқ муддатли

¹ Бу ҳақда қаранг: Марко Буттино. Революция наоборот. Средняя Азия между падением Царской империи и образованием СССР. - М: Звенья, 2007. 49-50-с.

² Мажид Ҳасаний. Туркистон босқини. - Тошкент: Нур, 1992.19-б.

вақтни ўз ичига олишни ҳисобга олган ҳолда, бу сиёсатга хайрихоҳлик билдирувчи рус маданияти билан тарбияланган, маънавияти европача мафкура билан суғорилган маҳаллий халқ авлодларини етиштириш керак эди. Нафақат ишчи, хизматчи, энг асосийси, бу мактабда тарбияланган зиёлилар ҳам келажакда мустамлакачиларнинг таъбларига мос келиши керак эди. Истилочилар, аксарият, бу мақсадга эришдилар ҳам. «Мустамлака зиёлиси Европа маданияти билан суғорилди. У ҳақиқатан ҳам колонизаторларнинг дидлари, қарашлари, ахлоқи ва фикрлашларини ўзлаштириб олди. Ва бу у болалигидан ўзлаштира олмаган, унча бўлган авлодларда сақланиб қолган, унинг атрофида ҳукмрон бўлган қарашлар, этник принциплар билан мураккаб алоқадорликка киришди. Маданий муносабатда икки хил миллатни намоён қилган, икки ватанга тегишли индивиднинг ўзига хос типи вужудга келди»¹.

Бу каби инсонларни тарбияловчи мактаблар уч хил йўналишда бўлиб, рус-тузем мактаблари, гимназиялар ва ҳунар билим юртлари эди. Янги типдаги татар мактабларининг очилиши ҳам шу даврга тааллуқли. «Туркистонда янги усулдаги жаид мактабларининг вужудга келиши рус-тузем мактабларининг сезиларли даражада кўпайган ўн йиллигига тўғри келади. Уларнинг сони 1896 йилда 28 та, 1906 йилда эса 83 тани ташкил этарди. 1911 йилга келиб, улар 89 тага етди»².

Туркистон ўлкаси бўйича 1913 йилда халқ таълими учун ажратилган маблағ бюджетнинг 1,8% ни ташкил қилар эди, унинг 4/1 қисми эксплуататор синфи фарзандларидан маҳаллий бошқарув учун амалдорлар тайёрлайдиган, рус-тузем деб номланувчи мактабларга ажратилган. Қолган маблағ аҳолининг рус бўлган қисми, асосан, чор ҳукумати амалдорларининг болалари таълими учун сарфланган. Таълим диний руҳда олиб бориладиган

¹ Рейснер Р. Эволюция восточных обществ: синтез традиционного и современного. - М.: Прогресс, 1981. - С. 583.

² Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. – Ленинград: Изд-во АН СССР, 1927. –С.136.

миллий мактабларга ҳеч қандай маблағ ажратилмасди, улар маҳаллий халқнинг ташаббуси ва эҳсони эвазига кун кечирарди¹.

Туркистонда вақтли матбуотнинг пайдо бўлиши ва тез орада кенгайиши ҳам қонуний вазият бўлиб, бу давр талаби, ўлкада содир бўлаётган ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар талаби эди. Биринчи нашриёт 1868 йил Тошкентда очилган бўлиб унда «Чу-Норин чўққисидаги тоғ мамлакат ҳақида қайдлар», номли М.А.Северцевнинг биринчи китоби чоп этилган. 1870 йилда янги типография ташкил қилиниб, унда ўлкада вақтли матбуотнинг бошланишига асос солувчи – «Туркестанские ведомости» расмий газетаси чоп этила бошланди. Худди шу даврда Хива, Самарқанд, Қўқон каби Туркистоннинг бошқа шаҳарларида литографиялар ташкил қилинди.

Биринчи рус революцияси вақтида Туркистон ҳудудида 233 хил варақалар ва прокламациялар чиқарилди, уларнинг бир қисми Туркистон халқлари тилида эди². Умуман, бу даврдаги вақтли матбуот ижтимоий ҳаётда вужудга кела бошлаган ғоявий курашларнинг акси сифатида турли йўналишдаги мақсадларнинг ташвиқотчиси эди.

Бу даврга келиб, Туркистонга чет эл нашрлари ҳам кириб кела бошлади, «Туркияда инқилобдан кейин нашр қилина бошланган «Сиротул-мустақим» мажмуасини мутолаа қилишга муваффақ бўлдик, - деб ёзади С.Айний, - ушбу мажмуа диний, илмий, ижтимоий-сиёсий ва адабий мажмуа бўлиб, марказ хилофотининг энг буюк ва улуғ кишиларнинг иштироки билан чиқар эди»³.

Туркистон социал-демократик матбуоти биринчи рус революцияси йилларида меҳнаткаш омма орасида инқилобий тафаккур ўзгаришлари учун замин яратди⁴. Шундай матбуот органларидан бири «Тараққий» рўзномаси

¹ Бабаханов М. Из истории периодической печати Туркестана. – Душанбе. Ирфон. 1967. –С.21.

² Коммунист. ТКП МК нашри. 1922. 7-8-№. 96-б.

³ Айний С. Асарлар. 8 жилдлик. – Тошкент: Ўзадабийнашр, 1963. 1-жилд. 200-б.

⁴ Қаранг: Бабаханов М. Из истории периодической печати Туркестана – Душанбе: Ирфон, 1967. - С.71.

эди. Бу рўзнома 1906 йилдан нашр этилди. «Жамиятнинг низомномаси эҳтиёт учун ёлғиз илмий бўлиб... халқни умумий ислохотга ташвиқ қилар, амирнинг идора фасодларини очиб кўрсатар, аҳолини ушбу идораи золимонага қарши қўзғатар эди»¹.

Шу тариқа XIX аср охири, XX аср бошларида Туркистонда ижтимоий ҳаётнинг иқтисодий, сиёсий, маданий соҳаларида шундай бир комплекс тарздаги ўзгаришлар вужудга келдики, бу мафкуравий кураш майдонига юзлаб зиёли маърифатпарварларнинг ҳаракат қилишига тарихий талаб, вазият заруратини ярата олди. Жаҳидларнинг миллий интеллигенция сифатида сиёсий-ғоявий кураш майдонига кириб келиши Туркистон халқларида миллат бўлиб шаклланиш салоҳияти мавжудлигини, бунга тарихий асос, эҳтиёж ва халқ ичидан чиққан сиёсий кучлар етарлилигини кўрсатиб берди. Энг асосийси, миллий интеллигенция ўз ишини бутун халқ ўтмишидаги яхши ва ёмон кечинмаларни элакдан ўтказиб, тарихни мушоҳада этишдан, миллатни кўзгуга солиб, таназзул ва истилонинг сабабларини унинг ўзидан қидиришдан бошлади. Жаҳидларнинг миллий интеллигенция сифатидаги кучи ва ўзига хослиги шунда эдики, улар сиёсий зўрлик ва мусибатларга қарши курашиш учун энг аввало халқнинг тафаккурида ўзгариш ҳосил қилиш кераклигини ўз вақтида тушуниб етдилар. Ўзлари олиб бораётган тарғибот, ташвиқот, таълимотни ана шу мақсадга йўналтирдилар. Дастлаб миллий тафаккурда ўзгариш яшаш, тафаккурдаги қуллик ва ожизлик иллатларини бартараф этиш орқали тобеликдан халос бўлиш жаҳидчиликдаги энг асосий тамойил эди. Ушбу масала янги зиёлиларнинг асосий маънавий салоҳияти, миллий иммунитет эканлиги сифатида XX аср бошидаги рус интеллигенциясининг жамиятдаги вазифаси ва қиёфаси ҳақидаги баҳсларда ҳам кўтарилган. Н.А.Бердяев бу ҳақда: « Биз ҳамма нарсга айбни ташқаридан қидирмасдан, ўзимизга масъулият олиб, ички

¹ Айний С. Асарлар. 8 жилдлик. «Ўзадабийнашр», Тошкент - 1963. 1-жилд, 204-б.

кулликдан холис бўлганимиздагина, зулмдан озод бўламиз»², - деган эди. Мустамлака масаласига ана шу нуқтаи назардан ёндашиш жаидчиликни миллатни бирлаштирувчи ягона ғоя атрофига тўплади. Улар миллат истиқболини яратишда намуна қилиб олиб кирилган маданиятдан ўрнатқилиш эмас, мустақил ҳолда ўз йўлини топиш, умуминсоний жамиятга интеграциялашувда миллий озодлик ва демократик тамойилларни уйғунлаштириш йўлидан бордилар. Шунинг учун ҳам илғор гуманитар фанларда улар кўпроқ маърифатпарварлар эмас, балки тараққийпарварлар деган номга сазовор бўдилар.

Хулоса қилиб айтганда: 1) Истило сиёсати оқибатида туркистонликларни эзиш ва ижтимоий ҳаётнинг оёқ ости қилиниши уларнинг миллий онгининг кучайишига олиб келди. Исломдан сўнг руспарастлик сиёсатига қарама-қарши ўлароқ миллатпарварлик сиёсати майдонга чиқди. Натижада чор Россияси даврида туркий, исломий маданиятни қўллаб қувватлашга қаратилган миллий ҳаракат кун сайин кучайиб бораётган рус маданияти таъсирига қаршилик кўрсатишни мақсад қилиб қўйган Туркистон жаидчилик ҳаракатига айланди;

2) XIX аср охири XX аср бошларидаги табиий ижтимоий жараён ва ҳодисалар туфайли жаидчилик зарурий оқим сифатида вужудга келди. Ва бу йирик ижтимоий сиёсий оқим ўз навбатида миллий ўзликни англашдек, тафаккур тарзини ҳосил қилди. Бу тафаккур тарзининг илмий-назарий, фалсафий ифодаси жаидчилик раҳнамолари ва вакиллари ижодида акс этди;

3) Туркистондаги жаидчилик ҳаракати рус ҳукмдорлиги ёки маданиятини қабул қилиш учун эмас, балки рус босқинчиларига қарши курашда миллий руҳни янгилаш, мамлакатни замонавийлаштириш ва Ғарб мамлакатларидаги каби мустақил давлат барпо этиш, миллатни сақлаб қолиш учун юзага келган миллий демократик ҳаракат эди.

² Философская истина и интеллигентская правда // Вехи. Интеллигенция в России. Сборники статей 1909-1910. - М: Молодая гвардия, 1991. 42-с.

2.2. Миллий мафкурада маърифат ва маънавият масалалари

Ўзбекистоннинг миллий-маънавий тараққиёти, миллий менталитетнинг такомиллашиш жараёни кўп ҳолларда XX аср бошларидаги жаид маърифатпарварлик мафкураси билан боғлиқ. Жаид миллий демократик мафкураси ўз таркибида миллатнинг тараққиёти ва истиқболли келажаги учун лозим бўладиган барча чораларни кўра олган, ана шу мақсад учун охиригача курашган таълимот бўлгани учун ҳам миллий идеология деб эътироф этилишга ҳақли. Жаидчиликдаги шундай йўналишлардан бири маърифатпарварлик таълимоти бўлди. Чунки, миллий ғояни шакллантириш, уни ҳаётга жорий этишда маърифатпарварлик идеологик восита эди.

Ижтимоий-фалсафий фикр тараққиётида маърифатпарварликнинг вужудга келиш тарихий шарт-шароитини тадқиқ этадиган бўлсак, бу идеология миллий демократик ҳаракатлардан бир бутун миллат даражасига ўсиб ўтиш вазиятида қонуний мафкура сифатида амал қилади. XVIII аср француз маърифатпарварлари ижодида кенг тарғиб этилиб, XIX аср Ғарб миллий озодлик ҳаракатларининг асосий йўналтирувчи кучига айланган маърифатпарварликнинг моҳиятида миллат сифатида шаклланиш, билим ва маърифат эвазига миллий идентификация жараёнини такомиллаштириш мотивлари ётади.

Бунинг сабаби: «Жамиятнинг самарадорлиги мезони оддий фаровонликда эмас, доимий ўсиб боровчи бойликдадир. Бу оддий бойлик эмас, собит иқтисодий ўсишдир. Тўхтовсиз мукаммаллашиш — замонавий жамият тузумини ҳал қилувчи омил. ... Ҳар қандай ишда, энди сон эмас,

маданиятли ишчиларни ишлаб чиқарувчи «маърифат» билан боғлиқ ишчиларнинг сифати роль ўйнади»¹.

Маърифатпарварликда жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий, маънавий ҳаётини маърифат, илм-фанни ривожлантириш билан юксалтириш, ўзгартириш ғояси ҳар доим инқилобий ўзгариш ғоясига қарама-қарши қўйилган. Хусусан, Т.Ойзерманнинг шу мавзуга бағишланган «Маърифат ва инқилоб» мақоласига мурожаат этсак, муаллиф француз маърифатпарварларининг асосан, маърифат мажмуи тараққиётнинг нафақат умидли йўли, балки, ҳақиқий маънавий инқилоб ҳамдир, деган фикрларига муносабат билдиради. Агарда инсонлар ўз фаровонлигини маърифатли инсонларнинг етакчилиги орқали содир бўлади, деб тушунсалар, бахтли жамият барпо бўлади. Маърифат инқилобни илоҳиёт томонидан юқоридан амалга оширади, деб тушунилиб, ер юзида содир бўладиган инқилобларнинг олдини олади. Жамиятнинг ақлга мувофиқ ўзгариши кўпгина маърифатпарварларнинг фикрига асосан инқилоблар билан келиша олмайди, инқилоблар аянчли якунга эга бўлган стихияли чақиндир².

Ўз даври нуктаи назаридан бу каби кучли ғоя, маърифатпарварлик ғояси кишилик жамиятига ўз-ўзидан кириб келган мафкура эмас. XVII-XVIII аср Ғарб давлатларидаги миллий озодлик ҳаракатлари бўладими, XIX-XX аср Шарқ миллий озодлик кўтарилишларими, бу ғояга жуда машаққатли инқилобий ҳаракатлар, кўзғолонлар, миллий ва ирқий камситилишлар орқали етиб келганлар. Парадоксал ҳолат шундаки, минтақа, жамият, давлатдан қатъи назар миллат сифатида ўзликни англаш, шаклланишнинг кульминацион нуктасида маърифат истиқбол ва тараққиётнинг бирдан бир умидли йўли сифатида тан олинади. XVIII асрдаги француз миллий демократик ҳаракатлари, Германия, Италия халқ озодлик ҳаракатлари, XIX аср Эрон, Афғонистондаги панисломистик ҳаракатлар, XX аср бошларидаги

¹ Эрнест Геллнер. Пришествие национализма. // Нация и национализм. Кол ав. -М.: Праксис, 2002. - С 157.

² Oizerman T. Aufklärung und revolution.// Deutsche Zeitschrift für Philosophie. –1992 .-№2. -S-130.

Туркияда авж олган пантуркистик ҳаракатлар, Марказий Осиёдаги жадид ислоҳотчилик ҳаракатлари дастлаб стихияли халқ қўзғолонлари, кўтарилишлар билан бошланиб, инқилобий ўзгаришларга олиб келган бўлса, қонли воқеаларни бошдан кечирса, вақт ўтиши билан бу инқилобий ўзгаришлар маърифий ва миллатпарварлик йўналишидаги миллий ғоялар ташвиқотига йўл очди. Лекин, шуни таъкидлаш жоизки, инқилобий ҳаракатлар, маърифатпарварлик ҳаракатлари каби ўзгаришларнинг моҳиятида ҳаракатлантирувчи куч сифатида миллий нафсоният, ғурур туради. Лорд Актоннинг «Миллий ўзликни англаш тамойили» мақоласида бу ҳолат шундай тушунтирилади: «Наполеон миллий ҳиссиётни Россияда оёқ ости қилиб, Италияда уйғотиб, ўз ҳукмдорлиги билан Германия ва Италияда иззат нафсига тегиб, ҳаётга янги кучни олиб кирди. Бу давлатларнинг монархлари ёки синдирилди, ёки камситилди. Ушбу давлатларга келиб чиқиши, руҳи ва воситаси французча бўлган ҳукмронлик жорий этилган эди. Ўзгаришларга халқлар қаршилик билан жавоб бердилар. Қаршилик ҳаракатлари стихияли халқ ҳаракатлари бўлди, чунки уларнинг маҳаллий ҳукмдорлари бу ҳаракатларда ёки иштирок этмади, ёки чорасиз эдилар, ундан ташқари бу кўтарилишлар миллий тус олиб, улар ташқи таъсирларга қаратилган эди... Инқилобларнинг миллий характер касб этганини инқилоблар бошланганида эмас, ишғол қилинганида тушуниб етилди»¹.

XIX аср охирлари XX аср бошларида Туркистондаги сиёсий вазият ҳам миллатнинг маънавий қиёфасини такомиллаштириш, унинг келгусида ҳар қандай ирқий зулмдан холи бўла оладиган ментал дастурга эга бўлиши учун маърифатпарварлик мафкурасини тақозо қилди. Бу мафкурани тарғиб қилган жадидлар ўзликни англаш, маърифатдан бошланишини тушуниб етдилар. Жадид таълимотидаги маърифатпарварлик ғоялари Фурқат, Муқимий, Аваз Ўтар каби маърифатпарвар шоирлар ташвиқ қилган рус маърифати ва маънавиятига интилиш эмас эди, аксинча, рус истилоси ва ирқий зулмидан

¹ Нация и национализм. Кол ав. - М.: Праксис, 2002. – С. 35.

халос бўлиш учун эгалланиши керак бўлган маърифат ва маънавий эди. Чунки маърифатпарварлик истило зулмидан озод бўлиш, миллий дунёқарашда ўзликни англаш ва хатоларни тушунишга тўсқин бўлаётган деструктив ўзгаришларни тузатишда ягона чора эди. Мамлакатга истило билан кириб келган ирқий ажратиш, миллий зулмга қарши нафсониятни уйғотиш, инсон озодлиги, демократик тамойиллар билан боғлиқ маънавий комиллик миллат ҳаётига қанчалик фаровонлик олиб келишини англашти фақат маърифат орқали бўлиши мумкин эди.

Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авланий, Чўлпон каби жадинлар илмий меросида маърифатпарварлик таълимоти етакчи ўрин тутди. Туркистонда маърифатпарварлик ғоясини ривожлантиришнинг ўзига хос томони, у истило сиёсати оқибатида вужудга келган миллатпарварлик ҳаракати билан чамбатчас боғлиқ. Худди шу хусусият билан жадинчилик XIX аср охири ва XX аср бошларида Шарқ мамлакатларида кенг тарқалган исломпарастлик ва туркпарастлик ҳаракатларидан моҳиятан фарқ қилади. Ислампарастлик ва туркпарастлик ҳаракатлари мақсад нуқтаи назаридан умумий ислом дунёси ёки умумий турк дунёси бирлиги ғоясини илгари сурган, ўз табиатида осиёцентризм ғоясини ифодалар эди.

Жадинчилик мафкураси тараққиёт йўлини, маърифатпарварлик йўлини айнан миллий идентификация орқали, умуминсоний тараққиётга миллат нуқтаи-назаридан ривожланиш орқали эришишни ташвиқот қилгани учун ҳам юқорида номи қайд этилган таълимотларга нисбатан тараққийпарвар эди. Ҳар бир вужудга келган таълимот ўзига ўхшаш, ўзидан аввалги келган таълимотларнинг энг яхши томонларини олиб мукаммаллашиши нуқтаи назаридан ҳам жадинчилик тараққийпарварликни намоён этган. Шунинг учун миллатпарварлик ва маърифатпарварлик таълимотлари Туркистон зиёлилари ижодлари ва фаолиятларида бир-бирининг таркибий қисмига айланди.

Ижтимоий-сиёсий мафкуралар тарихида исломпарастлик, туркпарастлик таълимотлари маълум даражада танқидга учраган бўлса ҳам буларнинг Шарқ халқлари учун жуда катта ижобий томони бор эди. У ҳам бўлса, Шарқ халқларини уйғотиш, миллий истибдоддан, маърифатпарварлик орқали диний ақидавий маҳдудликдан олиб чиқиш эди. Биргина туркпарастлик мисолида олиб қарайдиган бўлсак, «Туркия Республикаси бунёдкори Ғози Мустафо Камол Пошшо Ота Турк томонидан танланган миллий мустақиллик, демократик тараққиёт йўли мафкурачиси, назариётчиси бўлган машҳур маърифатчи файласуф, социолог ва сиёсатчи Зиё Кўкалп ва унинг сафдошлари, издошлари Фуад Кўприли ва Камол Эраслонларнинг миллий маҳдудлик ғояси эмас балки умумбашарий аҳамиятли ва умуминсоний мазмунга эга бўладиган умумтурк цивилизациясини яратиш, технологик тараққиёт даражасини, ягона информация оламини вужудга келтириш, барқарор дўстлик ва ҳамдўстлик минтақасини ташкил этиш, ижтимоий тараққиётга туркий халқларнинг ҳам масъулиятли эканлигини англатиш ғоялари ўша даврда кенг тарқалган ва бундан Туркистон зиёлилари ҳам баҳраманд эдилар»¹. Жаидлардан биргина Фитрат мисолида кўрадиган бўлсак, балки шунинг учун ҳам Туркчилик ҳаракатининг тадқиқотчиларидан бири Маҳмуд Саройнинг «Рус ишғоли давринда Усмонли давлати ва Туркистон халқлари орасиндаги сиёсатшунослар. 1775-1871» (Истамбул 1984), «Отатурк ва турк дунёси» (Истамбул 1988) рисоаларида Туркистон жаидларининг йирик вакили Фитрат ўз туркчилик фаолиятининг кўлами жиҳатидан Зиё Кўкалп, Исмоил Гаспринский, Фуад Кўприли каби буюк туркшунослар қаторига кўйилади. Юсуф Авчининг «Фитрат ва асарлари» (Анкара 1997) китобида эса Фитрат жаид сифатида олиб қаралган бўлса-да, туркпарастларнинг издоши каби тадқиқ этилади.

¹ Болтабоев Ҳ. Ҳорижда Фитратшунослик// Ўзбекистон адабиёт ва санъати. - 1992. 3- март.

Япон олими Хисао Каматсу эса бу фикрни инкор этиб «(Фитрат – Ш.М.) Брагинскийнинг фикрича,- пантуркист, Энкаусга кўра,- исломчи, Ханавайга кўра эса - халқпарвар. Бу масалани ҳам ойдинлаштириш учун алоҳида тадқиқотлар керак. Аввало, туркчилик масаласини қараб чиқайлик: Брагинский ва собиқ совет иттифоқидаги тадқиқотчиларнинг кўпчилиги худди Фитрат каби ўрта Осиё зиёлиларидаги миллатчиликни туркчилик, деб баҳолашади. Бизнингча «Мунозара» даги Фитрат туркчи эмас, аксинча туркчиликка қаршидир»¹ - дейди. У ўз фикрини асослаб, мисол келтиради: «1912 йили мартда Бухорода чиққан биринчи газета «Бухорои Шариф» нашрини бошлаганда туркчилик оқимининг матбуот органи ҳисобланган «Турк юрти» журнали аслида «турк бўлган бухороликларнинг туркчада эмас, форсчада ёзилганлигини» дарҳол танқид қилишган эди. Бошқача айтганда, туркчилар батамом форсчадан иборат Бухородаги тил ҳаётини танқид қилишган эди. Аммо Фитрат «Мунозарада» да бухороликларнинг она тили бўлган форсчани тўғри деб айтмоқда. Кўриниб турибдики, Бухородаги тил масаласида Фитратнинг қарашлари туркчиларнинг истакларига, хоҳишларига тескари, қарши. Бошқа томондан, турли масалаларда Фитрат билан айна фикрда бўлган «Сиротул-мустақим» даги бир газетачининг айтишича, 1911 йилда туркчиликка оғишга қарамасдан, «Мунозара» да бир маротаба ҳам турк калимаси ишлатилмаган. Шундай қилиб «Мунозара»га асосан Фитратга туркчи номини бериш тўғри эмас»².

Бунчалар ранг-баранг талқинларни, фақат туркчилик таълимотига эмас, исломпарастлик таълимотига нисбатан ҳам кўриш мумкин: «Маҳмудхўжа Исмоилбек Ғаспиралини қанчалик ҳурмат қилмасин ва ислом дунёсига қанчалик умид боғламасин, барибир Ғаспиралининг панисломистик қарашларини, мақсадларини маъқулламайди. Аксинча, у бутунлай бошқа жадидача принципларга садоқат ила риоя қилади. Беҳбудийнинг «Саёҳат

¹ Hicao Kamatsy. 20 yuzuli baslarinda Orta Asyada turkqilik ve devrim harakatlari. -Ankara: 1993. 12-б.

² Ўша манба. 13-б.

хотиралари» да унинг, асосан, дунё билан ҳамжиҳатлик, маърифатга юз буриш, маданий муассасаларни кенгайтириш, хўжалик юритишда илғор фан ютуқларидан фойдаланишга алоҳида эътибор берганлиги яққол кўзга ташланади»¹. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг қуйидаги сўзлари ҳам унинг исломпарастлик ва туркпарастлик таълимотидан қатъи назар миллий тараққиёт йўлида ўз фикри борлигини намоён этади. У Туркистонга сунъий равишда кириб келаётган туркчилик ислоҳотига ҳам ўз муносабатини билдиради: «Хулоса фикримиз шуки, ялғуз туркча сўзламак ва ёзмок абадан мумкин йўқ. Бақадри имкон арабий ва форсийни оз ёзайлуқ. Барча илму фан истилоҳ ва луғатларига туркчадан муқобил охтариб вақтни зое этмайлуқ. Тараққий этган туркий шевадаги илмий ва фанний китобларни англамоқға саъй ва ғайрат этайлуқ. Келар замон учун ҳозирланайлуқ, ўтган замон учун эмас»².

Туркпарастлик, исломпарастлик таълимотлари мафкуравий соҳада қанчалик мунозарали бўлмасин, миллатпарварлик ва маърифатпарварлик ғояларини ўзида мужассамлаштирган Зиё Кўқалп, Заки Валиди, Исмоилбек Гаспринский каби олимлар ижодида ўзининг жиддий натижаларига эришди ва Ўрта Осиё Туркистон янги давр мафкурасининг, фалсафасининг таркибий қисмига айланди.

Туркпарастлик, исломпарастликдаги энг яхши ғояларни ўзида уйғунлаштирган жадидчилик миллий-демократик ҳаракатининг ўз давридаги энг асосий хизмати ўзбекларнинг миллат сифатида шаклланиш жараёнини мафкуравий механизм билан таъминлаб, Шарқ тараққийпарварлик ҳаракатида ўзига хос муносиб ўринга эга бўлди. Бу мафкуравий механизм қуйидагилар билан белгиланди:

1. Жадидчилик ўз давридан олдинги икки, уч асрга тенг таназзул даврига қарамай, миллий тафаккурдаги барча салоҳиятни ишга солиб,

¹ Ингеборг Балдауф. Маҳмудхўжа Бехбудий Фаластинда.// Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1999. 266-б.

² Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1999. 189-б.

маърифатпарварлик мафкураси орқали ўзбек халқи демократик тафаккурини юқори даражага кўтарди.

2. Ўзбек халқининг миллат сифатида шаклланиш босқичида бир миллатнинг миллат сифатида шаклланиши учун керак бўладиган маънавий қадриятларни қайтадан тиклади. Ўзбек халқи тарихида яратилган барча маънавий ва моддий қадриятларга янгича муносабатда бўлиб, шу йўл билан миллатнинг сақланиб қолишига восита бўлди.

3. Ўзбек халқининг келажак пойдевори учун миллий ғоя, сиёсий қарашлар тизимини қолдирдики, улар бугунги кунда ҳам миллий мустақилликнинг тамал тоши бўлиб хизмат қилмоқда.

Жадидчилик таълимотида маърифатпарварлик ғояси ўзбек халқининг XIX аср охири XX бошларидаги барча ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаёти мураккабликлари ва муаммоларини ҳал қилишга қаратилган кенг қамровли таълимот эди. Туркистон халқларини мустамлака зулмидан халос этиш, миллий иқтисодий тизимни барпо этиш, мустақил давлат тизимини доимий равишда сақлаб тура оладиган тафаккур тарзини шакллантириш, миллий тафаккурдаги деструктив ўзгаришлар туфайли вужудга келган жисмоний касалликларни бартараф этиш айнан келажак авлодни жисмонан ва маънан соғлом қилиб тарбиялаш масаласига боғлиқ эди.

Жадидчиликда маърифатпарварлик бир неча йўналишларни қамраб олган. Янги усулдаги таълим тизимини ташкил этиш барча йўналишлар асосини ташкил этар эди. Америкалик туркшунос олим Э.Аллворт 1987 йил Кёльн шаҳрида чоп этилган «Туркистон» мажмуасидаги «Жадидлар ҳақида яширилган ҳикоялар» мақоласида С.Айнийнинг «Жадидлар ёки ёш бухоролилар партияси тарихи ёки ёзилмай қолган режалар» (1920-21) асарининг нашриёт томонидан тушириб қолдирилган аҳамиятли бир қисми ҳақида муҳим маълумотлар беради. Бу маълумот шу жиҳатдан муҳимки, бугунги кун жадидчилигидаги жадид мактаблари аксарият қирим-татар жадидчилиги таъсирида вужудга келган, улардан нусха олиб шаклланган,

деган умумий хулосаларга ойдинлик киритади. Жаидчиликда усули жаида мактаблари юзасидан мустақил фикр, мустақил мақсад борлиги намоён бўлди: «Агар воқеалар шу йўсинда кетаверса, давлат эса тартиб ўрнатиш учун янги қонун қоидалар чиқараверса, худди айлана бўйлаб юргандек, агар одамларнинг онги ва билими оширилмаса, агар бошланғич мактаблар сонини оширмасак, агар мадраса, мачитлар ислоҳ қилинмаса, унда Бухоронинг илмий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ҳаёти хавф остида қолади»¹. Бу сўзлар 1908 йилда Бухорода ташкил топган «Тарбияи атфол» (Ёшлар тарбияси) ислохотчилар гуруҳининг режасидан олинган бўлиб, ушбу жамият Туркистон жаидчилиги тарихида ўзига хос муҳим ўрин тутган, кейинчалик мазкур жамият аъзоларидан кўпчилиги жаидчиликнинг кўзга кўринган вакиллари бўлиб етишганлар.

XIX аср охирларида Туркистонда бир нечтагина жаид мактаблари мавжуд бўлса, 1917 йилга келиб Туркистон мухторияти арафасида бу мактабларнинг сони 92 тага етган². Ушбу йили эса Туркистонда рус-тузем мактабларининг сони 170 та эди³. Ҳукумат томонидан жаид мактабларининг кенг ёйилиши ва уни ташкил этувчиларга қарши иложи борица қаршилик кўрсатилган. Туркистонда жаид мактабларининг ривожлантирилишига бўлган саъй-ҳаракат ва қатъиятни бу мактаблар учун ёзилган дарсликлардан ҳам кўриш мумкин. «Беҳбудий «Китоби мунтахаби жуғрофияи умумий» сини нашр қилиш учун узок оворагарчиликлардан сўнг 1905 йилнинг 24 августида Санкт-Петербург цензурасидан рухсат олишга муваффақ бўлган ва китоб 1906 йилдагина Самарқандда Г.И.Демуров босмахонасида нашр этилган эди. Шуларга қарамай, 1907 йилдан «усули жаид» дасрликларининг тез-тез нашрини кузатамиз. Жумладан, 1907-10 йилларда Мунавварқорининг «Адиби аввал», «Адиби соний» дарсликлари, Абдулла Авлонийнинг

¹ Аллворт Э. Жаидлар ҳақида яширилган ҳикоялар // Ўз АС. 1992. 11-сент.

² Пясковский А.В. Революция 1905-1907 годов в Узбекистане. –Ташкент: Госиздат, 1957.- С. 547

³ Бу манба Б.Қосимовнинг «Миллий ўйғониш» китобидан олинди: Ўзбекистон Республикаси Энциклопедияси. -Тошкент: Қомуслар бош таҳририяти, 1997. 376-б.

«Адабиёт ёхуд миллий шеърлар» мажмуаси, «Биринчи муаллим», «Мухтасари тарихи анбиё ва тарихи ислом», Бухорода Айнийнинг «Таҳзибус сибён» китоблари дунё кўрди. 1911-13 йилларда улар ёнига Рустамбек Юсуфбековнинг «Таълими аввал», «Таълими соний»си, Мунаввар қорининг «Ҳавойижи диния», «Ер юзи (жўғрофия)», қўқонлик Мирзо Хайруллохоннинг «Тухфатул атфол», бухоролик Абдурауф Фитратнинг «Мухтасари тарихи ислом», наманганлик Абдураззоқ бин Мирзақорининг «Мифтоҳ ул-аввал», самарқандлик Абдумўминхўжа Эшон ўғлининг «Насойиҳ ул-атфол», Авлонийнинг «Мактаб гулистони», «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ», Қори Муҳаммад Раҳимбойнинг «Неъмат ул-ислом», Сиддиқий-Ажзийнинг «Тажвид ал-қуръон», каби кўплаб китоблари кўшилди... Биринчи жаҳон уруши, сўнг унга уланиб кетган XX асрнинг 17-20 йиллардаги сиёсий ларзалар даврида ҳам усули жаид мактаблари тўхтаб қолмади, дарсликлар чоп этилаверди»¹ - дейди проф. Б.Қосимов ушбу жараён ҳақида.

Таълим тизимини дунёвий фанлар предметларини киритган ҳолда қайтадан ислоҳ қилиш, жаидчилиكنинг бош мақсадларидан бири бўлди. Маҳмудхўжа Бехбудийнинг «Эҳтиёжи миллат», «Миллатлар қандай тараққий этарлар» мақолаларида бу мақсаднинг ташвиқоти ётади: «Бошқа миллатларга қаралса кўрилулки, мунтазам мактаблари бор ва аввал мактабда диний илм устида дунёвий илм ва фанлар ҳам ўқилур. Чунки дунёда турмоқ учун дунёвий фан ва илм лозимдур. Замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқа миллатларга поймол бўлур»².

Абдурауф Фитратнинг «Раҳбари нажот» (Нажот йўлланмаси) асарида таълим тизимида жорий этилиши лозим бўлган фанлар таснифи тақдим этилади.

¹ Қосимов.Б Миллий уйғониш. –Тошкент: Маънавият, 2002. 26-б.

² Маҳмудхўжа Бехбудий. Танланган асарлар. –Тошкент: Маънавият, 1999. 199-б.

Унга асосан фанлар туркуми икки гуруҳга бўлиниб, улардан бири инсон ақли кашфиётлари билан ривожланадиган илмлар, иккинчиси инсонларнинг бир-бирига ёзиб ёки айтиб қолдирадиган фанлар гуруҳидир.

ривоятул
ҳадис-----
ҳадис назарияси---

илми тафсир-----
илми ҳадис-----

-----**улуи диния**

илми фикҳ ва
усули фикҳ-----

**илми
нақлия**

улуи лисония-

илм ва адабиёт тарихи
табиат тарихи
сиёсат тарихи

тарихи
тамаддун----тарих илми----**улуи
дунёвия**

умумий хусусий
тарих тарих

тарихи
муқаддас----

география-----

**УМУМИЙ
ИЛМ
ҲАЙЪАТИ**

Терапия-----
Формокология-----
Анатомия-----
Тўқималар тузилиши-
Физиология-----

илми табобат
физика
химия табиийёт илми
ботаника
зоология
минерология

Арифметика

илми

Геометрия
Астрономия
Рух илми
Теология
Ахлоқ
мантиқ

риёзиёт илми
илоҳиёт илми

ақлия

Биринчи - илми ақлия гуруҳида ҳали ўша пайтда Туркистон диний ёки дунёвий мактаблари учун умуман киритилмаган физика, химия, биология, зоология, астрономия каби фанлар тавсифи берилганки, бу фанларнинг таълим тизимига жорий этилиши масаласини кўтариш келажак авлод тафаккурини энг замонавий даражада бойитиш билан боғлиқ эди.

Иккинчи йўналиш - ёшларни чет тилларига ўргатиш ва чет элларда таҳсил олиш учун турли дастурлар тузишдан иборат эди. 1909 йилда Бухорода жадидларнинг ёш авлоди «Тарбияи атфол» жамияти томонидан чет элларга ўқишга жўнатилади. «Жамиятнинг биринчи мақсади Истамбулга ўқувчилар юбормоқ чорасига киришмоқ эди. Масориф учун жамиятнинг сирини очмасдан эътимод қилдиғи тараққийпарварлардан иона тўплар эди, жамиятнинг ижтиҳоди соясида бир қанча талаба Истамбулга юборилди»¹, - деб ёзади Садриддин Айний. Мазкур манбага кўра Истамбулда ўқиётган талабалар сони 1911 йилда 15 тага, 1912 йилда 30 тага етган. 1922 йили эса, Туркистон Марказий Ижроия Қўмитаси ҳайъати томонидан 60 га яқин талабалар Германия дорилфунунларига таҳсил олиш учун юборилади. Абдурауф Фитрат мамлакатнинг хорижий ишлар нозири сифатида ушбу ташаббуснинг бошида турган эди.

Жадидларнинг чор ҳукумати даврида йўлга қўйилган ва инқилобнинг дастлабки йилларида у қадар қаршиликка учрамаган хорижда миллий кадрлар тайёрлаш дастури 20-йилларнинг иккинчи ярмида шўролар ҳукумати томонидан барбод қилинди... Четда битириб келганларга дастлаб салоҳиятига яраша иш берилди. Таътилга келганлар қолдирилди. Сўнг эса уларга «Германия агенти», «жосус» сингари тавқи лаънатлар ёпиштирилиб, қатағон қилиш бошланди. Қайтиб келганларнинг катта қисми ясама айблар билан отиб ташланди, қолган оз қисми эса қамоқ ва сургунларда нобуд бўлдилар¹.

¹ С.Айний. Асарлар, 8 жилдлик, 1-жилд. -Тошкент: 1963, 233-б.

¹ Қосимов Б. Миллий уйғониш. - Тошкент: Маънавият, 2002. 32-б.

Ёшларни дунё даражасида таълим олишлари ташвиқоти ҳам кучли эди. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Икки эмас, тўрт тил лозим», «Ёшларга мурожаат», Абдурауф Фитратнинг «Бизда йигитлик» мақолаларида, Абдулла Авланийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида, Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романида ёшларни, нафақат ўзбек, рус тилларига, балки бир неча хорижий тилларга ўргатиш лозимлиги ҳақида фикр юритилади.

Учинчи йўналиш маърифатпарварликнинг таркибий қисми сифатида келажак авлоднинг жисмоний баркамоллигини шакллантиришга қаратилган фикрларни олиш мумкин. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Бизни кемиргувчи иллатлар» мақоласи, Абдурауф Фитратнинг «Оила», «Ҳинд сайёҳи», Абдулла Авланийнинг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарларида ёшларни жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш, унинг миллий ва замонавий услублари ҳақида сўз юритилади. Абдурауф Фитратнинг «Оила» асарида ўзбек халқининг этник келиб чиқиши ва менталитети билан боғлиқ юзага келадиган жисмоний касалликлар: камқонлик, жисмоний заифлик, болалар ўлими, бепуштлиқ каби ҳолатлар миллатнинг диний ақидапарастликка берилганлиги ва билимсизлиги билан боғлиқ деб таҳлил этилади. Жаҳид таълимотида миллатнинг маънавий баркамоллиги, унинг жисмоний баркамоллиги билан чамбарчас боғлиқ ҳолда олиб қаралади.

Жаҳид маърифатпарварлик таълимотидаги тўртинчи йўналиш фикрлар ёшларни ўзлигини англаш билан боғлиқ масаладир. Ўз халқининг ўтмишини англаш ва қадрлаш, миллатнинг келажак тараққиёти учун масъулият билан ёндашиш хусусиятларини ёшларда тарбиялаш мазкур йўналишнинг асосий тамойилидир. Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Муҳтарам ёшларга мурожаат», «Эҳтиёжи миллат», «Миллатлар қандай тараққий этарлар», «Жаҳолат дардларидан» каби ва бошқа бир қатор мақолалари, Абдурауф Фитратнинг «Тилимиз», «Бизда йигитлик» мақолалари ва «Оила», «Ҳинд сайёҳи» асарлари, жаҳидларнинг яна бошқа бир қатор асарларида замонга монанд янгича кийиниш, юриш-туриш ва хусусиятларни ўзлаштирадиган ёшлар энг

аввало тафаккур тарзини ўзгартириши лозимлиги уқтирилади. Фитратнинг «Бизда йигитлик» мақоласида ёшларда ўзга миллатлар маданияти ва урф-одатига тақлиднинг кучайганлиги уларда манқуртлик дунёқарашини шакллантиради, деган ўз даврига нисбатан прогрессив фикр билдирилган. Жаид таълимотида умуминсоний маънавий қадриятларни инкор этмаган ҳолда ёшларни миллатга меҳр-муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, уларда миллий виждонни шакллантириш асосий вазифа саналади.

Чўлпон 1914 йили 16 ёшида эълон қилинган «Адабиёт надур?» деб номланган мақоласида бир қатор фикрларни баён эта туриб, «Адабиёт яшаса-миллат яшар»-деган хулосага келади. Табиийки савол туғилади: нима учун тарих эмас, санъат эмас, фалсафа эмас, айнан адабиёт. Ижтимоий онгнинг ушбу шакллари ҳам ижтимоий тафаккурнинг инъикоси-ку. Бу саволга Чўлпон адабиётнинг моҳиятидан келиб чиқиб жавоб беради:

«Тўхтамасдан ҳаракат қилиб турғон вужудимизга, танимизга сув, ҳаво нақадар зарур бўлса, миллат йўлида ҳар хил қора кирлар билан кирланган руҳимиз учун ҳам шул қадар адабиёт керакдир. Адабиёт яшаса-миллат яшар. Адабиёти ўлмоғон ва адабиётининг тараққиётига чалинмаган ... миллат охири бир кун ҳиссиётдан, ўйдан, фикрдан маҳрум қолиб, секин-секин инқироз бўлур»¹.

У фикрни давом эттириб яна шундай дейди. «Адабиёт чин маъноси ила ўлган, сўнган қаралган, ўлган, мажруҳ ярадор кўнгилга руҳ бермак учун, фақат вужудимизга эмас, қонларимизга қарор сингишган, қора балчиқларни тозалайдурган, ўткир юрак кирларини ювадурган тоза маърифат суви... бўлганликдан бизга ғоят керакдир»².

1917 йилга келиб, Чўлпон Туркистонда етилиб келаётган эрк ва озодлик эҳтиёжини тўлиқ англаган, уни воқеъликка айлантириш тадбирлари ҳақида

¹ Чўлпон. Адабиёт надур. - Тошкент; Чўлпон нашриёти, 1994. 36-б.

² Ўша манба. 37-б.

тасаввурга эга бўлган шахс, истеъдодини шу ғоялар самарасига бағишлаган ижодкор даражасига кўтарила бошлаган эди.

Чўлпоннинг маърифатпарварлик қарашлари ҳам унинг миллатпарварлик қарашларидан келиб чиққан, айтиш мумкинки, маърифатпарварлик Чўлпон миллатпарварлигининг таркибий қисмидир. У кўпгина жадиждлар қатори миллатнинг тараққиёти, порлоқ истиқболи учун жамиятнинг илм-фан асосида тараққий этишини етакчи омил деб, фикр юритади. Бу қарашлар ижодининг дастлабки давридаёқ кўзга ташланган эди.

Илму маърифат ҳам ҳунардан қолди маҳрум бизни халқ,

Маърифатсизлик балосига йўлуқгон бизни халқ ¹.

Чўлпон маърифатпарварлик қарашлари баъзи бир шеърлари билан бир қаторда дастлаб «Қурбони жаҳолат» пьесаси ва «Дўхтур Муҳаммаддиёр» ҳикоясида акс этган. Бу асарлар бирин-кетин 1914 йил «Садойи Туркистон» рўзномасида чоп этилган. Наим Каримов бу асарларни пухта композиция ёки бошқа бадиият белгиларига эга асар эмас деб баҳолайди². Лекин биз учун аҳамияли томони, бу асарларда жаҳолатга ботган халқнинг ҳаёти тасвири ва ундан чиқиш йўллари ҳақидаги муаллиф фикрлари баён этилган. «Дўхтур Муҳаммаддиёр» ҳикоясида шундай дейилади: «Халқ ўз фойдасини англаса, миллий мактаб ва мадрасалар очса, Оврупа дорилфунунларига болаларини юборса, дўхтур, адвокат, муҳаррир ва ҳунароманд, савдогар ва муҳандислар чиқса... Борган сари орқага қараб кетмоқдамиз: тараққий асори ҳеч кўрилмасдан, бир тараққийга минг таданний тайёр туради». Ҳикоя қаҳрамони Муҳаммадёр ўз юртига келгунча шу фикрлар унинг бошида айланади³.

Чўлпон, бошқа жадиждлар сингари, бу ҳикояда билим эгаллаш-бахтли бўлишнинг бирдан-бир йўли деган ғояга қаттиқ ишонган. Билимли киши шахсан ўзи бахтиёр бўлибгина қолмай, халқига ҳам бекиёс даражада фойда

¹ Туркистонли қариндошларимизга //Садойи Туркистон. 1914. 3-сон

² Каримов Н.Чўлпон. – Тошкент: Маънавият, 2001. 48-б.

³ Чўлпон. Танланган асарлар. – Тошкент: Маънавият, 1999. 97-б.

келтиради, деган фикр бу ҳикоянинг асосий ғоясини ташкил этади. Ҳолбуки, бир маълумотли одамнинг туғилиши билан жаҳолат чекинмаслигини, «тараққий асари ҳеч кўрилмасдан, бир тараққийга минг таданний тайёр туришини» Чўлпон ҳам бошқа жадидлар ҳам билар эдилар. Шунинг учун ҳам Чўлпон маърифатпарварлиги ўзининг юқори шакли миллатпарварликка ўсиб ўтди. Чўлпон бошқа жадидлар каби дастлабки қўлга киритилиши керак бўлган комил эрк ва озодлик эканини тушунди. Чунки мустамлака халқнинг муносиб илмли бўлиши учун ҳам, миллий тараққиёт йўлидаги илм-фан ривожини учун ҳам бир кишан эди.

Хулоса қилиб айтганда: 1) миллатни сақлаб қолишда миллий интеллигенция сифатида шаклланган жадидчилик тарихни, маънавий аҳволни жиддий мушоҳада этган ҳолда, тутқунлик ва қарамлик сабабларини жамиятнинг ўзидан излашга ҳаракат қилди. Бу эса, жамиятда ҳақиқий иммунитет сифатида шаклланивчи миллий интеллигенция вужудга келишидаги қонуният эди. Сабаби, «сиёсий ва маънавий инқироз жамиятнинг руҳий дунёсини қайтадан жиддий ва бевосита мушоҳада этишни талаб этади»¹;

2) Жадидлар жамиятга қайтадан ҳаёт бахш этувчи кучни, уни зулм ва истибдоддан озод қилувчи чорани маърифатда кўрдилар. Чунки истибдоддан халос бўлиш учун энг аввало тафаккурда ўзгариш қилиш, миллатни қуллик ва мурасасозликка дучор этувчи фикрий мутеликдан озод бўлиш лозим эди. Бу эса фақат маърифат орқали амалга ошиши мумкинлигини жадидлар тушунар эдилар. Лекин бу маърифат ташқаридан келган маданият ва тараққиётга ҳавас эмас, миллий илдизлари ва салоҳиятидан қувват олиб ўзлигини англаш, миллий нафсоният, озодлигини ҳимоя қилиш характеридаги демократик маърифатпарварлик эди;

¹ Франк С.Л. Этика нигилизма // Вехи. Интеллигенция в России. Сборники статей 1909-1910. - М.: Молодая гвардия, 1991. 155-с.

3) Ватанни қуллик ва қарамликдан озод қилишда маърифатпарварлик миллий демократик таълимотда етакчи тамойил эди. Шу сабабли унинг ташвиқоти ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг илм–фан, маданият, тарих, дин, сиёсат каби барча соҳаларини қамраб олди. Ушбу комплекс характердаги чора тадбирлардан мақсад, миллий тафаккурдаги прогрессив ўзгаришлар динамикасини тезлаштириш, демократик тафаккур ҳосил қилиш, уларнинг амалий ҳаётдаги трансформациясини рўёбга чиқариш эди.

2.3. Жадинчиликда диний бағрикенглик ва унинг миллий тафаккур шаклланишига таъсири

Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий ҳаётнинг тараққиёт йўллари, миллий ва умуминсоний тараққиёт тамаддунларининг уйғун ҳолда ривожланиши, қолаверса, маълум миллат ёки мамлакатнинг иқтисодий-маънавий жиҳатдан юксалиб, дунёга юз тутиш жараёни кўп ҳолларда миллатнинг маънавий қиёфаси, тафаккур тарзи, умуминсоний қадриятларни ўзлаштиришдаги бағрикенглик хусусиятлари билан боғлиқдир. Шу нуқтаи назардан ижтимоий-сиёсий жараёнда юзага чиққан, келиб чиқиш жиҳатдан мураккаб тарихий жараённинг натижаси бўлган диний ақидапарастлик каби салбий феноменларни чуқур тарихий, социал-фалсафий, психологик таҳлилини олиб бориш, уни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиш миллий дунёқарашда имплицит, яъни яширин имконият сифатида сақланаётган реакцион диний ақидапарастликка чалғишнинг олдини олади. Қолаверса, диний бағрикенглик ва Туркистонда Ислом динининг амалий ҳаётидаги масалалари жадин демократик мафкурасининг энг етакчи мавзуларидан бири эди. Чунки « миллий ғоя фақат тарихий ва этнографик асосларга суянмайди, у энг аввало онгли равишдаги миллий туйғулар билан қўшилиб кетган,

асосида диний-маданий мессионизм¹ ётган диний-маънавий асосларга суянади»².

Диний бағрикенгликнинг жаид мафкурасида алоҳида ўрин тутишининг ўзига хос хусусиятлари ушбу масаланинг назарий асосларига мурожаат этганимизда ҳам намоён бўлади ва, фикримизча, бу таҳлил мавзудан чекиниш деб қабул қилинмайди.

Миллатлар ҳақидаги назарияларда дин, у билан боғлиқ дунёқараш элементлари: диний эътиқод, диний ақидапарастлик, диний фанатизм, диний бағрикенглик ва диний чидамсизлик (нетерпимость) хусусиятларининг миллатларнинг шаклланиш ва тараққиётидаги, уларнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожигаги ўрни ҳақида фундаментал таълимотлар мавжуд. Таниқли Ғарб файласуфлари, социологлари О.Конт, Э.Дюркгейм, В.Дильтей, М.Вебер фалсафий қарашларида Ғарбий Европа жамиятларининг ижтимоий-сиёсий тараққиёти, уларда диний дунёқарашнинг ижобий ва салбий таъсирлари, дин феномени ва социал тараққиёт масалалари конкрет тарихий конфликт ва муаммолар, вазиятлар нуқтаи назаридан ёритилган. Дин тарихи, фалсафаси, социологиясига оид барча асарларни, улардаги фикрларни таҳлил қилиб туриб шундай хулосага келиш мумкинки, улар ҳам ўзининг маълум вужудга келиш сабаби, шаклланиш босқичи ва бир қанча вазиятларда синалиб апробациядан ўтиш вақти, турли диний эътиқод ҳукм сурган жамиятлар учун татбиқ этилиши мумкин бўлган илмий ҳақиқатлари бор. Шундай ҳақиқатлардан бири жамиятнинг иқтисодий, сиёсий ва маънавий тараққиёти жамият кишиларининг динга бўлган муносабати, дунёқарашидаги бағрикенглик, диний ақидапарастлик, диний билимлари даражасига боғлиқлигидир.

Социолог олим В.И.Гараджа талқинида, «Агар XIX ва XX асрдаги диний инқироз кўпчилик томонидан инсон ақл заковатининг чўққиси,

¹ Мессионизм-дунёқарашда онг шакллари диний руҳ билан суғорилиши. Шарҳ бизники-Ш.Мадаева.

² Булгаков С.Н.Героизм и подвижничество// Вехи. Интеллигенция в России. Сборники статей 1909-1910.-М.: Молодая гвардия, 1991. 42-с.

замонавий илм-фаннинг маърифий ва озод этувчи фаолиятининг натижаси деб баҳоланган бўлса, Вебер бу ҳолатни вужудга келтирган ғаройиб чексизликда гипертрофлашган «рационалликда» инсоният жамиятининг хасталигини кўради: технология ва бюрократия ўзига дунёни бўйсундириб инсоният тажрибасини оламшумул равишда сиқиб боради, чунки инсон тафаккурида буюк иштиёқлар – тасаввурнинг шоирона кучи, гузалликка бўлган муҳаббат, қаҳрамонлик ҳиссиёти, диний тажриба сўна бориб, прагматик ҳисоб-китоб, комфорт ҳақидаги ташвиш, «фойдалиликка» бўлган аҳмоқона интилишга ўрин бўшатиб беради»¹, - дейилади.

Дин социологиясининг асосчилари М.Вебер, В.Дильтей, И.Гердер қарашларида дин ва инсоният тараққиёти масаласи бир ҳақиқат доирасида уйғунлашади. Бу ҳақиқат инсоният жамиятлари диний эътиқодларини рационализм ва толерантлик, гуманизм билан уйғунлаштира олган пайтларида динлар энг гуллаб яшнаган даврини бошдан кечирган ва дунёга буюк уйғониш даврларини, буюк алломаларни, оламшумул кашфиётларни берганлиги ҳақидадир. «Рух эркинлигини уйғотиш ва ислоҳ қилиш учун курашда ислохотчилик онгининг диний позициясига табиий эркин ҳаётийлиги билан қайтиб келди.

Макиавелли ҳукмронликнинг римча ғоясини кашф этди, Декарт, Спиноза эса Грецияга ахлоқий ва илмий ақлнинг стоиклик асосидаги автономиясини олиб киришди. Қолаверса, куч ва қувватга тўла бўлган XV ва XVI асрларда ҳамма нарса янгилана бошлади. Миллатлар бирдамликка юз тутди. Ўрта асрларда доимий тус олган урушлар ўрнини ҳукуқий тартибот, саноатнинг, савдо-сотиқнинг ривожланиши, спонтан саноат маркази сифатида шаҳар, ундаги табақаларнинг фаровонлашуви, қулайликнинг ўсиши эгаллай бошлади. Феодал ва черков ҳукмронлиги инқирозга юз тутди.

¹ Гараджа В.И. Социология религии. –М: Аспект - пресс, 1996. 27-С.

Инсонлар ўз олдида чексиз келажакни кўра бошладилар»¹, - деб ёритилади ушбу ҳолат.

Айнан мана шундай вазиятни биз XIV-XV аср Шарқ уйғониш даврида ҳам кўришимиз мумкин. Ушбу уйғониш даврига тамал тошини қўйган соҳибқирон Амир Темур сиёсати Марказий Осиёда ислом динининг ролини ошириш, тасаввуф тариқати вакилларига толерант муносабатда бўлиш асосида қурилган эди. Бошқа томондан ушбу даврда тасаввуфнинг нақшбандия сулуки етакчи характер касб этиб, унда меҳнатга, инсонга бўлган рационал муносабат, бошқа сулук, мазҳаб, дин вакилларига толерант кайфият ижтимоий- сиёсий ҳаётда вақт ўтиб уйғониш даври ҳодисасининг шаклланишига олиб келди: «Сўфийлик ғоялари ушбу давр ижтимоий тафаккурига улкан таъсир кўрсатган. Улардан мавжуд жамиятнинг ўткир ижтимоий зиддиятларини ҳал этишда фойдаланилган. Буларнинг ҳаммасини Ўрта Осиё жамиятининг кенг қатламларини қамраб олган кенг ҳаракатларига қиёс этиш мумкин. Бу жараён XV асрнинг иккинчи ярмида Мовароуннаҳр жамиятида нақшбандия сулуки ва унинг машҳур арбоби Хожа Аҳрор етакчи мавқега эга бўлганда ўз чўққисига кўтарилган»².

М.Вебер «Протестант ахлоқи ва капитализм руҳи» асарида буюк диний анъаналар Шарқ ва Ғарбнинг ўзига хос тараққиёт йўлига асос солгани ҳақида гапирар экан, иудаизм, ислом, католицизм ва протестантизм ижтимоий ҳаётнинг рационаллашишига индуизи, буддизм, конфуцийчиликдан кўра кўпроқ таъсир кўрсатгани, ушбу дин шаклларининг табиатида дунёдан бегоналашиш эмас, балки дунёга яқинлашиш, уни эгаллаш хусусияти кўпроқлиги ҳақида фикр билдиради³.

Лекин, бошқа томондан, маълум бир дин ўз табиати, хусусиятига кўра қанчалик дунёвий, рационал, толерант характерга эга бўлмасин, унга бўлган

¹ <http://> В. Дильтей. Воззрение на мир и исследование человека со времен возрождения и реформации

² Каримов Э.Э, Мадаева Ш.О. Темурийлар даврида тасаввуф тариқатлари ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт. // Тошкент ислом университети илмий таҳлилий ахбороти. 2003, №2, 34-б.

³ Бу ҳақда қаранг: Гараджа В.И. Социология религии. –М.: Аспект - пресс, 1996. 27-С.

муносабатни доимий равишда изга солиб, унга нисбатан мафкуравий ташвиқот олиб борилмас экан, мазкур динга бўлган эътиқод қилувчилар табиатида аскетизм ва диний ақидапарастлик кайфиятлари пайдо бўла бошлайди. Бу ерда аскеза ва фанатизм диннинг моҳиятига кўра, унинг табиатидан келиб чиққан ҳолда шаклланади, деган фикрдан йироқмиз. Лекин айтиш жоизки, давлат ва дин, жамият ва дин ўртасидаги мураккаб алоқадорлик барча даврлар ва жамиятлар учун нормал ҳолат бўлиб, бу нормал ҳолат исталган пайтда диний ақидапарастлик ва экстремистик вазият кўл келган оқимлар ёки гуруҳлар учун реакцион вазиятга айлантирилиши мумкин. Диний ақидапарастлик каби иллат бирон бир мақсадга кўра шакллантирилмаган тақдирда диний илмларнинг ривожлантирилмаслиги, дин асосларига бўлган дилетант муносабатлари оқибатида ҳам шакллана бориб, жамият ҳаётидаги жиддий иллатга айланиши табиий хол. Бу иллатлар фақат маънавиятга эмас, иқтисодий сиёсий ҳаётга ҳам таъсир кўрсатади: «... дин дезинтеграцион фактор сифатида ва маълум муносабатларда дисфункционал фактор сифатида хизмат қилиши мумкин, масалан – иқтисодда, агар у меҳнатни ташкил этишнинг замонавий усулларига тўсқинлик қилса, техниканинг ривожига салбий таъсир кўрсатади. Бир диннинг ўзи ижтимоий оқибатларига кўра қандай контекст асосида фаолият олиб боришига қараб ҳам ижобий, ҳам салбий функцияни бажариши мумкин. Турли ижтимоий вазиятларда бир диний механизмнинг ўзи қанчалик функционал бўлса, шунчалик дисфункционал бўла олади. Дин бир шароитда стабиллаштирувчи фактор бўлса, бошқа шароитда ихтилоф ва нотинчлик факторидир»¹. Худди шунга асосан хулоса чиқариш мумкинки, диннинг жамиятда ўз функцияларини позитив амалга оширишида диний бағрикенглик ва рационаллик асосий фактор бўлса, негатив функционал ҳолатида диний фанатизм ва ақидапарастлик ҳал қилувчи рол ўйнайди.

¹ Гараджа В.И. Социология религии. – М.: Аспект - пресс, 1996. 119-С.

Дин социологиясида диннинг жамиятда амалга оширадиган тўртта функцияси қайд этилган: 1) маънога эгалик ёки мантиқийлик функцияси; 2) тегишлилик ёки идентификация функцияси; 3) социал интеграциялаштирув ёки стабиллаштирувчи функцияси; 4) маданий қадриятларни муқаддаслаштирувчи функцияси. Биринчи икки функция алоҳида индивидларга тегишли бўлиб, қолган икkitаси ижтимоий жараёнларга, социал тузилмаларга, маданий тизимларга хосдир¹.

Марказий Осиё тарихига назар ташлар эканмиз, ислом дини мисолида бир диннинг ўзи XIV-XV аср Марказий Осиё уйғониш даврида, XVIII-XIX аср турғунлик даврида унга бўлган турли ёндашишлар натижасида икки хил функцияни бажарганини кўрамыз.

IX–X асрлар ва XIV–XV асрларда юз берган Марказий Осиёдаги икки буюк уйғониш даври бутун дунёга илм-фан оламида ёрқин из қолдирган буюк алломаларни берди. «Марказий Осиё тарихида сиёсий ақл-идрок билан маънавий жасоратни, диний дунёқараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассам этган буюк арбоблар кўп бўлган. Имом Бухорий, Имом Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Бобур ва бошқа кўплаб буюк аждодларимиз миллий маданиятимизни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшдилар, халқимизнинг миллий ифтихори бўлиб қолдилар», -деб ёзади бу ҳақда И.Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» номли китобида². XVIII асрлардан содир бўла бошлаган Марказий Осиё тарихидаги ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий турғунлик таназзул даври билан белгиланади. Феодал тарқоқлик, хонликларнинг турли территориялар учун олиб борган жанглари, тахт учун курашлар, бир неча асрлар давомида эришилган ижтимоий-сиёсий тараққиёт системасини издан чиқариб юборди.

¹ Гараджа В.И. Социология религии. –М.: Аспект - пресс, 1996. 117 -С.

² Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида // Ўзбекистон буюк келажак сари. - Тошкент: Ўзбекистон, 1998. 527-б.

Бу эса, маълумки, XIX асрда Туркистоннинг Чоризм томонидан истило қилиниши учун замин яратди.

Бу ҳолат Абдурауф Фитратнинг «Шарқ сиёсати» асарида шундай таҳлил этилади: «Шарқнинг бутун ишлари онгсиз беклар, тушунчасиз хонлар, миясиз муллолар, билимсиз эшонларнинг қўлига ўтди. Булар Шарқнинг бутун тузук ва интизомини бузиб юбордилар. Хонлар ўз қоринларини тўйдирмоқ учун халқни бир-бири билан уруштирдилар, мамлакатнинг жонли ва муҳим ўрунларини сотдилар, муллолар ўз иставларига «дин» отини тақиб бозорга чиқардилар, дин, тонгри, пайғамбар, учмоғ ва томуғ орқали Шарқ халқини талай бошладилар. Шарқнинг тараққий йўли кўмилди. Саодат ва тинчлик эшиклари боғланди, саодатнинг энг юксак тепасига чиққан Шарқ йўқсулликнинг энг теран чуқурига тушди»¹.

Мазкур давр ҳақидаги маълумотларга мурожаат этсак, шу каби фикрларга дуч келамиз: «Қозилар судининг бутун фаолиятида муфтилар муҳим роль ўйнар, улар шариат қоидаларига суд тажрибаларига асосланиб, ҳар хил мулоҳазалар юргизиб, ҳукми ўзига маъқул бўлган тариқада чиқаришга таъсир этар эдилар. Шу сабабли қозилар судининг ҳукми ўзларининг ички ишончларигагина боғлиқ бўлмасдан балки уларга муфтиларнинг қай даражада таъсир этишларига боғлиқ эди. Шунинг учун бойлар кўпинча ўз вакиллари тариқасида қози судига муфтиларни юборар эдилар»².

Ақидапарастлик ва фундаментализм Марказий Осиёни, нафақат иқтисодий-сиёсий жиҳатдан таназзулга маҳкум қилди, балки маънавий ва маърифий жиҳатдан ҳам бир неча асрлар давомида шаклланган анъанавий мактаблар тизимини ҳам издан чиқарди. Бу эса, илм-фан тараққиётига муносабат, дин ва ақидапарастлик, миллий нафсоният ва ўзликни англаш каби дунёқараш шакллариининг ижобий тараққиётига нуқта қўйди. Ўз

¹ Абдурауф Фитрат . Шарқ сиёсати. Бухоро, 1992. 6-б.

² Бакиров Ф. Чор туркистонида Суд, шариат ва одат. –Тошкент: Фан, 1967. 31-б.

алломаларининг илмий мерослари билан XVI асрдаги Ғарбий Европанинг уйғониш даврига ва шу давр туфайли унинг ушбу кунгача тўхтовсиз давом этиб келаётган ижтимоий-иқтисодий ҳукмронлигига тамал тошини қўйган, маънавий, ғоявий озуқа берган Марказий Осиё XIX асрдан бошлаб маънавий қарамликка маҳкум этилди.

Инсоният тарихида империализм хусусияти билан боғлиқ бўлган истило сиёсати ҳақида сўз кетганда Франция Жазоир, Тунис ерларини босиб олганлиги, Англия Ҳиндистон ерларини босиб олганлиги, Чор Россияси эса Туркистонни истило қилганлиги ҳақида истилочига нисбатан салбий муносабат билдирилади. Истилонинг иқтисодий-маънавий оқибатлари Марказий Осиё мафкуравий ҳаётида биринчи бўлиб жиддий таҳлил қилинган таълимот жадиदчилик эди. Жади́д ижтимоий-сиёсий таълимоти меросига, хусусан, Мунаввар Қори, Беҳбудий, Фитрат асарларига эътибор берсак, унда кўпроқ Туркистоннинг истило этилишига Туркистон халқларининг ижтимоий-маънавий, маърифий-маиший тафаккур тарзидаги қандай камчиликлар сабаб бўлганлиги, ерли халқнинг ўзидан қандай айб ўтганлиги таҳлил этилади.

Туркистоннинг бир неча асрлик ўрта аср тараққиётидан сўнг таназзул даври бошланганлиги, иқтисодий, ҳарбий тизимнинг издан чиқиб кетганлиги, маънавий ҳаётнинг бузилиш ҳоллари, бундай вазиятнинг янада ёмонлашувига ислом дини асосларига бўлган дилетантлик муносабатлари сабаб бўлгани масалалари кўрилади. Жади́дчиликдаги диний ақидапарастлик ва фундаментализм ҳақидаги фикрларнинг энг муҳим томони шундаки, унда ақидапарастлик фикрлари бир неча аср давомида шаклланиб фақат ислом динига бўлган муносабатни ўзгартирибгина қолмай, ижтимоий-иқтисодий ҳаёт тараққиётига салбий таъсир кўрсатиб, Туркистон халқлари тафаккур тарзини ҳам ўзгартириб юборганлиги, бир қолипдан чиқиб кета олмайдиган фикрлаш усулини келтириб чиқарганлиги кўрсатиб берилади. Унга асосан ақидапарастлик маҳаллий аҳолида урф-одатларга боғланиб қолиш,

махаллийчилик, курби етмаган ҳолда диний-ақидавий расм-русумларни бажаришга интилиш каби хусусиятларни келтириб чиқарган. Диний ақидапарастликнинг бундай катта миқёсда илдиз отиб, салбий характер касб этишига асосий сабаб илмий-ижодий ҳаётнинг барҳам топганлиги, деб кўрсатилади. Туркистоннинг таназзули шу нуқтаи назардан, жадид таълимотида илмсизлик оқибати деб таҳлил қилинади. Шунинг учун ҳам жадид таълимотини ўрганувчи илмий доирада ушбу қарашлар диний ислохотчилик ҳаракати, деб аталади.

Бу хусусда Беҳбудий «Бизни кемиргувчи иллатлар» деган мақоласида шундай дейди: «...Бизни ақлсизлигимизни охири ва исрофларимизни хотимаси динимизга путур келмоқиға сабаб бўлур. Дин учун, масжид ва мактаб учун ақча, сарват, давлат, сомон керакдур. Тўй ва таъзияга сарф қилинадурган ақчаларимизни биз, туронийлар, илм ва дин йўлиға сарф этсак, анқариб оврўпайилардек тараққий этармиз ва ўзимиз-да, динимизда обрўй ва ривож топар»¹. Беҳбудий фикрича, диний ва илмий тараққиётдан бебаҳра бўлган миллат ҳаёти турли ақидавий, диний расм-русумларга ўралашиб қолади. Бу нарса эса миллий инқирозга сабабчи бўлади. «Бизни кемирувчи иллатлар деганда, захму-маразними гумон этарсиз? Ёйинки, сил, сил-ар-ия ва махавликними дерсиз? Йўқ, андан ҳам ёмонроқ ва андан ҳам жонқараш, беваё, хонавайрон ва ғариб этувчи бир дард, биз туркистонийларни шаҳри ва қишлоқи ёйинки ярим маданий, ярим ваҳший синфларимизгача истило этиб, бутун тирикчилигимизға сорилган ва бизни инқирозға ва таҳликаға ва жаҳаннамға юмалататурган тўй, азо исминдаги икки қаттол душманни дерман»².

Беҳбудийда диний ақидапарастлик иллатлари бир Туркистон ёки бир миллат доирасида таҳлил этилса, Абдурауф Фитрат ижодида бу масала бутун Шарқ миқёсида олиб қаралади. Фитрат Шарқ халқлари ҳаётида

¹ Беҳбудий. Танланган асарлар. –Тошкент: Маънавият, 1999. 192-б.

² Ўша манба, 189-б.

ақидапарастлик келиб чиқиш ҳолатларини шундай изоҳлайди: «...маданият тарихининг энг буюк ва энг тугал қоидалариндан бири шудир: бир улус тирикчилигининг ҳар тўғрисида юксалиб, тараққий қилиб тингланса, бирор ёқда кучлироқ бирор ёви кўринмаса, ўлкаси кенгайиб, оқчаси кўпайса, ул улуснинг бора-бора ахлоқи бузулур, тутдиғи йўлдан чиқа бошлар. Биз, шарқлилар, дохи тинчлик ва роҳат сўнгинда бузилиб қолдик, йўлдан оздик, эзгу тилакларимизни унута бошладик. Билим ва ҳунардин юз қайтардик, бирлик ва ахлоқдин айрилдик, оқчага берилдик, оқчага сотилдик, шунинг сўнгида Хитой, Турк, Форс, Араб ва Ҳинд мамлакатларидан ҳар бири ўз кўниғи билан, ўз навбати билан тинчлик ва тараққий босқичлариндан қуллик ва йўқсуллик чуқурларига юмалаб туша бошладилар»¹.

Жадидчилик таълимотида диний ақидапарастлик ҳолатининг таҳлил этилишининг бир муҳим хусусияти борки, бу таълимотга асосан инқироздан чиқиб кетиш йўли деб, барча прогрессив тараққиёт йўллари кўрсатилиши билан бирга, диний-анъанавий жамият хусусиятларини эътиборга олинган ҳолда, ислом дини асослари бўлмиш Қуръон, Ҳадисдан мисоллар келтирилиб, фикрлар исботланади. Беҳбудий юқорида номи келтирилган мақолада «Атомиздан меҳрибон Тангримиз таолло ва аъло Қуръони Каримда «Ло Талакку би ядикум ала тақлиқати хи», яъни ўз қўлларингиз ила ўзингизни таҳликага отмангиз, дер. Биз бўлса, бадбахтона ва Худонинг амрига бўюн қўймасдан кофирона бир суратда тўй ва азо деган, йўқ бўлишимизга сабаб бўлган одатларга бору йўқимизни сарф этармиз»² дейилади. Абдурауф Фитратда бу масала янада чуқурроқ таҳлил этилганини кўришимиз мумкин. «Нажот йўли» асарида Фитрат диний-ақидавий маросимларни таъқиқлаш маъносида фикр билдирмайди, балки уларга бўлган муносабатни, улар ҳақидаги фикрлаш тарзини ўзгартириш йўлини кўрсатади. У бу асарнинг бошланғич қисмида Қуръоннинг «Раъд» сурасидан

¹ Фитрат: Шарқ сиёсати. , Бухоро, 1992. 8-б.

² Беҳбудий. Танланган асарлар.-Тошкент: Маънавият, 1999 .190-б.

мисол келтиради: «Албатта, неъмат берган қавм ўзларини ўзгартирмагунларича, Аллоҳ уларнинг ҳолини ўзгартирмас»¹.

Жадидчилик диний ақидапарастликнинг келиб чиқиш сабаблари, иллатлари ва уни бартараф этиш йўллари ҳақида қанча кўп илмий мерос қолдирган бўлмасин, зарур пайтда жавоб берган бўлмасин, бундай салмоқли идеологик дастурни ҳаётга жорий этишни ва шу асосда, Туркистон халқлари ҳаётини прогрессив тарзда изга солишни имкони бўлмади. Сабаби, Туркистон ҳаётида истило моҳият жиҳатдан ўша-ўшалигича қолган бўлса-да, шакл жиҳатдан ўз кўринишини ўзгартирган эди. Истило Туркистонда собиқ шўролар тузуми шаклини олиши билан маҳаллий ҳаётда, нафақат ақидапарастликка, балки Ислом динига қарши идеологик қатағон бошланди. «Россияга большевиклар ҳокимиятининг келиши Бухоро амирлиги, Хива хонлигидек мусулмон давлатларини Қизил армия томонидан ишғол этилиши билан Ўзбекистонда Ислом динининг мавқеи сезиларли сусайди. Маърифатли мусулмон руҳонийларининг аксарияти чет давлатларга қочиб кетди ёки жисмонан йўқ қилинди. 30-йилларнинг охирига келиб Ўзбекистонда барча диний ўқув муассасалари ва мачитлар (1917 йилгача уларнинг сони 10 мингдан ошиқ эди) ёпилди»². Бу ҳақда И.Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» номли китобида шундай дейилади: «Дин сунъий равишда мафкуравий курашнинг ўта қизғин жабҳаларидан бирига айлантириб қўйилган эди. Ислом динининг ўн минглаб мўътабар руҳонийлари қатоғон қилинди. Минглаб мачитлар ва юзлаб мадрасалар бузиб ташланди»³. Бундай ҳолат жуда заиф ҳолда бўлсада давом этиб келаётган анъанавий диний ўқув муассасалари тизимини йўқ қилиб юборди. Бир неча асрлар давомида диний анъанавий таъсир остида шаклланиб келган фикрлаш тарзига зўрма-зўраки ҳолда абстракт ҳолдаги коммунистик тузум

¹ Фитрат. Нажот йўли. –Тошкент: Шарқ, 2001. 8-б.

² Ислам в Евразии / Под ред.Иордан М.В. - М.: Праксис,2001. –С. 339.

³ Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида // Ўзбекистон буюк келажак сари. -Тошкент: Ўзбекистон, 1998. 445-б.

ғояси сингдирила бошланди. Бундай вазиятда ислом динига нисбатан ақидапарастлик кайфиятини бартараф этиб, хатоларни тузатишгина эмас, ислом динининг ўзини сақлаб қолиш мушкул эди. «Коммунистларнинг жуда катта кўламдаги ислом динини «бартараф этиш» уринишлари омад келтирмаган бўлсада, атеистик давлатнинг кўп йиллар давомидаги саъй-ҳаракатлари маълум маънода Ўзбекистоннинг маънавий ҳаётида «мусулмонликдан оғиш»ни келтириб чиқарди ва регионлар ўртасида қачонлардир бир бўлган мусулмон муҳитининг фарқланишига олиб келди»¹. Ана шундай вазиятда маргиналлашув (манкуртлашув) жараёни миллий илдизлардан четлашув нуктаи назаридангина эмас, диний эътиқод илдизларидан четлашув нуктаи назаридан ҳам амалга оширилди. Умуман олганда, Марказий Осиё тарихида ислом дини кириб келгандан кейинги даврни яхлит босқич деб оладиган бўлсак, совет тузуми даври ислом дини тараққиётидаги, диний дунёқараш шаклланишдаги регресс даври ҳисобланади. Бу жараён мустамлака даври эволюциясида миллий ёки диний дунёқараш такомиллашиши жараёни эмас, аксинча турли миллий урф-одат, кўникма, хусусиятларнинг қоришиб кетиши билан белгиланади. Р.Рейснер фикрига кўра «мустамлака зиёлиси янги оилага қабул қилинган етим сингари янги оила билан нафақат яқинлашишга, балки қариндош тутунишга ҳаракат қилиб, барча янги одат ва хусусиятларни ўзлаштиришга ҳаракат қилади»². Бу хусусият нафақат мустамлака зиёлисига балки бошқа қатлам вакилларига ҳам тегишли эди. Миллий ва диний маданият асосида шаклланган маиший ҳаётга бутунлай янги маданият элементларини олиб кириш ғайритабиийликни келтириб чиқарди.

Маълумотларга кўра «Фақат 1943 йилдан кейингина совет давлати Ўрта Осиё мусулмонларига диний бошқарувни ташкил этишга, давлат органлари томонидан қаттиқ назоратда ушланувчи 70 тага яқин мачит ва

¹ Ислам в Евразии / Под ред. Иордан М.В. -М.: Праксис, 2001. -С.339.

² Рейснер Р. Эволюция восточных обществ: синтез традиционного и современного. -М.: Наука, 1981. - С. 583.

иккита мадраса очишга рухсат берди»³. Давлат томонидан қаттиқ назорат этилиш, бутун Марказий Осиё учун 70 тагина мачит ва икки мадрасанинг мавжуд бўлиши диний дунёқарашнинг илмий-назарий асосда шаклланиши ва дин илмларининг прогрессив хусусиятларини кашф этиш учун етарли эмас эди, албатта. Қолаверса, бу пайтда диний адабиётларнинг аҳоли қўлида сақланиши устидан ҳам қаттиқ назорат ишлари олиб борилган.

Жадид миллий демократик ҳаракатида диний ислоҳотчиликни таҳлил эта туриб қуйидаги хулосага келиш мумкин: 1) Марказий Осиёда ақидапарастликнинг келиб чиқишида бир неча асрлик ноизчил ҳаёт, ижтимоий-сиёсий тузумларнинг алмашилиши, ислом динига бўлган нораціонал муносабатнинг шаклланиши каби табиий жараёнлар сабаб бўлди;

2) Жадид мафкураси динлар ва ижтимоий тараққиётга хизмат қилувчи мафкураларнинг уйғунлашуви жамият ҳаётида диний бағрикенгликни чекловчи майда, лекин жиддий иллатларни бартараф этишдан бошланишини кўрсатиб берди. Диний ғоялар ҳам дунёвий ғоялар ҳам инсоният маънавияти учун хизмат қилганда, унинг хайрли истиқболини мақсад қилганда, ўзаро консенсусга эга бўлишини асослаб бера олди;

3) Жадид миллий демократик ҳаракатидаги диний ислоҳотчилик, амалга оширилган катта миқёс ва камровдаги чора тадбирлар асрлар давомида турли узилишлар, деформациялар, тазйиқ таъсирида шаклланган этнофафкур таркибидаги диний дунёқарашни бирданига тўғри йўлга солишга, бу дунёқарашнинг ақидапарастлик хусусиятларига тез орада барҳам бериб, дунёвий тараққиётга бағрикенглик хусусиятини такомиллаштиришга чорасиз эди. Этномиллий фафкур тарзидаги диний дунёқарашни тўғри йўлда шакллантириш, уни дунёвий жамият мафкураси билан уйғунлаштиришни мақсад қилиб қуйган саъй-ҳаракатлар ўз ниҳоясига етмади.

³ Ислам в Евразии / Под ред.Иордан М.В. -М.: Праксис, 2001. –С.340.

2.4. Жади́дчи́лик таълимотининг сиёсий дастури ва ундаги миллий ўзликни англаш масалалари

Жади́д демократик ҳаракатининг миллий характер касб этгани унинг сиёсий ва давлатчилик қарашларида янада ойдин акс этган. Аниқроқ қилиб айтганда, жади́дчиликнинг сиёсий ва давлатчилик қарашлари мақсад моҳияти билан миллий давлатчиликни ифодалагани учун ҳам ундаги миллатпарварлик ва маърифатпарварлик сиёсий стратегиянинг тактик йўналишлари дейиш мумкин.

Миллий давлатчилик – муайян миллатнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маънавий қадриятларига, манфаатларига асосланган, жамият ижтимоий-тарихий ривожига натижасида шаклланган давлатнинг бир шакли. Бирор ҳудудда мутлақо кўпчиликни ташкил қилган миллий халқлар ижтимоий ҳаётни ташкил қилиш учун бирлашиб, ўзларининг манфаатларини ҳимоя қилувчи давлатни вужудга келтирадилар. Умум давлат уни ташкил қилган миллатнинг дунёқарашига, анъаналарига руҳиятига мос келади. Давлатчилик тарихан таркиб топган ҳодиса бўлиб, халқнинг ижтимоий ҳаётидан, тақдиридан ўсиб чиқади.¹

Миллий давлатчилик назариясида миллий давлатчилик давлатчиликнинг классик шакли деб эътироф этилиб, у миллатнинг жипслашиши, ривожланиши, миллий хусусиятларнинг янада барқарор ва мустаҳкам бўлишида муҳим рол ўйнаши қайд этилади. Шунингдек, тарихий тажрибага асосан ўз давлатчилигидан маҳрум бўлган миллат ривожига миллий емирилиш, парокандалик, манқуртлик устун бўла бошлайди. Миллий давлатчиликни шакллантиришга интилиш миллатни сақлаб қолиш иммунитетига сифатида намоён бўлади.

Жади́дчилик ҳаракатида давлатчилик ғоялари, миллий манфаатлар дастлаб маърифатпарварлик, миллатпарварлик кўринишида, бадий

¹ Фалсафа қомусий луғати. – Тошкент: Шарқ, 2004. 263-б.

публицистик асарлар, публицистик мақолалар, мактабчилик, газетачилик фаолиятиларида ифодаланган бўлса, вақт ўтиши билан миллий манфаатлар давлатчилиги қизиқишларида сиёсий ташкилотлар, сиёсий дастурлар ва қатъий талаблар, реал ҳаракатлар тусини олди.

Миллийлик назариясининг тадқиқотчиларидан бири М. Хрох давлатчиликкача миллатнинг қарор топишида учта асосни кўрсатиб ўтади:

1. Миллатнинг етакчилари томонидан қадрланган, келгуси миллий ҳаракатларга туртки берадиган сиёсий мухторият белгиларининг сақланиб қолиши.

2. Бўлиб ўтган мустақиллик ёки давлатчилиги ҳақидаги хотиранинг, ҳатто у жуда қадимги даврларга тегишли бўлса ҳам, миллий тарихий онг ва этник бирликка қувват бўлиб хизмат қилиши.

3. Миллатнинг ташкил этилишида унинг тарихи, тили ва урф одатлари ҳақидаги маълумотларни тўплаш, ватанпарварлик йўлидаги ташвиқот ва тарғиботдан фойдаланиш¹.

Жадидчиликда ҳам ана шундай уч хусусиятни кўришимиз мумкин. Бу ҳаракатда миллатни сақлаб қолиш йўлида сиёсий мухториятга эришиш, миллий хотирани ва тарихни тиклашга бўлган уриниш мавжуд эди: «Биринчи жаҳон уруши жадидлар тафаккурида қатъий ўзгаришлар ясади; улар муҳитида расмий мафкуранинг асосий қоидалари, сиёсий ҳаётнинг механизмини танқид қилиш кучайди. Айни пайтда ривожланган Европа мамлакатларида юзага келган демократик сиёсий-ҳуқуқий институт ва тартибларга қизиқиш кучайди»².

Дастлабки системалашган сиёсий қарашларни жадидчилик ҳаракати тарихида катта из қолдирган Ёш бухоролилар партияси стратегик режаларида кўриш мумкин. Ёш бухоролилар партияси «Тарбияи атфол» жамиятидан ўсиб, янги сиёсий кўникма ва тажриба асосида, Шарқ мамлакатлари миллий

¹ Бу ҳақда қarang: Мирослав Хрох. Что предшествует строительству нации. Нация и национализм. М.: Праксис, 2002. –С.128.

² Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. - Тошкент: Маънавият, 2000. 22-б.

озодлик ҳаракатлари тажрибаларини ўзлаштириб, сиёсий онгини шакллантириб қайтган жадиидлардан ташкил бўлган гуруҳ асосида тузилган эди. Бундай дейишимизга сабаб, 1908 йилда ташкил бўлган «Тарбияи атфол» жамияти 1909 йилда бир нечта ёшларни чет элларга ўқишга юборган бўлса, 1913-14 йилда Бухорога қайтган ёшлар ёш бухоролилар ҳаракатида иштирок эта бошлаган. Ёш бухоролиларнинг расман партия сифатида ташкил топиши 1916 йилларга тўғри келади. «Истамбул ва Оренбургдан қайтиб келган кўпгина шогирдлар мақсад ва усуллари масаласида ўзларининг устозлари билан келиша олмадилар. Улар сиёсий жиҳатни олдинга суришни, сиёсий вазифаларни аниқ таърифлаб беришни талаб қилдилар. Уларнинг янги талабларида народниклик кўрина бошлади... Эски тарздаги жадиидларга А.Бурхонов, сўл жадиидларга Фитрат бошчилик қилдилар»¹.

Мазкур ташкилотнинг сиёсий қарашларининг шаклланишида маҳаллий ва чет эл вақтли матбуотининг ролини таъкидлаб ўтиш муҳим. Чет эл вақтли матбуотининг Туркистонда кенг тарқалиши 1905 йилги Россиядаги инқилоб ва рус-япон урушидан кейинги даврга тўғри келади. «Бу уруш сабабли (рус-япон уруши – ред. Ш.М.), зотан, ора-сира келиб турган «Таржумон» газетаси Бухорода кўпроқ келиб тарқала бошлади. Ҳиндистондан «Ҳаблалматин», Мисрдан «Чехранамо» ва «Парвариш» деган форсий газеталар келиб, уруш хабарлари учун газета ўқимоқчи бўлган кишиларга бошқа фикрлар ҳам берди»² - деган муҳим маълумотларни беради С.Айний ўз эсдаликларида. Мазкур вақтда вақтли матбуот билан варақалар ҳам кенг авж олгани сиёсий вазиятнинг ниҳоятда кескин эканини белгилайди: «Биринчи рус революцияси даврида Туркистон ҳудудида 233 хил варақалар ва прокламациялар чиқарилди, уларнинг бир қисми Туркистон халқлари тилида эди»³.

Айтиш мумкинки, бу каби ташқи ва ички омиллар, фикр ўзгаришлари Туркистон матбуотида инқилобий ўзгариш ясади. Туркистонда «Бухорои

¹ Ходжаев Ф. Избранные труды. В 3х т / -Т.: Фан, 1976.-Т 3. –С 104.

² Айний С. Асарлар. 8 жилдлик.-Тошкент: Ўзадабийнашр, 1963. 1-жилд, 200-б.

³ Коммунист. ТКП МК нашри.-1922. №7-8. 96-б.

Шариф» (1912 йилнинг 11 мартдан 1913 йилнинг 2-январигача 153 сон), «Турон» (1912 йилнинг 14 июлидан 1913 йилнинг 1-январига қадар 49 сон), «Самарқанд» (1913 йилнинг апрелидан 45 сон), «Садои Фарғона» (1914 йилнинг 4 апрелидан 1915 йилнинг 8 майигача 67 сон), «Ойна» (1913 йилнинг 20 августидан 1915 йилнинг июнига қадар 68 сон) каби матбуот органлари фаолият кўрсатди¹.

«Бухорои Шариф» ва «Турон» рўзномалари яширин равишда тузилган «Тарбияи атфол» жамиятининг органи бўлиб, - «жамиятнинг низомномаси эҳтиёт учун ёлғиз илмий бўлиб... халқни умумий ислоҳотга ташвиқ қилар, амирнинг идора фасодларини очиб кўрсатар, аҳолини ушбу идораи золимонага қарши қўзғатар эди»².

Ёш бухороиларнинг сиёсий қарашларининг шаклланишида Туркистон жадидларининг йўлбошчиси Бехбудийнинг таъсири катта бўлган, у ёш бухороилар билан доимий алоқада бўлиб турган. «Турон», «Бухорои Шариф» рўзномаларида Бехбудийнинг бир нечта мақоласи чоп этилган. Унинг жамияти хайриялар ташкил этиш ҳақидаги қуйидаги фикрлари ислоҳот режаларига катта таъсир кўрсатган: «Токи бу жамият халқдан ақча жамлаб миллат болаларини ўқитса, миллатнинг ояндаси учун керак бўладиган қози яъни судя, закончи яъни ҳуқуқшунос, инженер яъни муҳандис, муаллим яъни янги замона мактаблари, миллатнинг ҳомийси ва ходими яъни янги давлат думасига депутат, миллий саноат хоналаримизни ислоҳ ва аҳя этувчи, яъни техник тижоратхона ва банкларда бизга ёрдам берувчи, яъни тижорат илмини ўқиган коммерсант... биз учун, ватан улуси учун, дин учун, ислом учун, заифа учун, фукаро учун ишлайдургон одамларни етиштирмак керакдур»³.

¹ Ушбу маълумотлар Бабахонов М.нинг «Из истории периодической печати Туркестана» китобига асосан кўрсатилди. Қаранг: - Душанбе: Дониш, 1987. 180-б.

² Айний С. Асарлар. 8 жилдлик. - Тошкент: Ўзадабийнашр., 1963. 1-жилд, 200-б.

³ Бехбудий // Ойна . 1913. №7.

Америкалик туркшунос олим Э.Аллвортнинг «Жадидлар ҳақида яширилган ҳикоялар» мақоласида ёш бухоролилар партияси ёки ислохотчилар гуруҳининг ислохот режалари ҳақида маълумот бор. У қуйидагича:

1. Биз саводсизликни тугатиш учун курашамиз, халқ тафаккурини юксалтириш учун курашамиз ва шунинг учун янги мактаблар очиш, жадид адабиётини кенг қўламда тарқатиш учун курашамиз.

2. Йўлдан озган дин аҳлларига қарши курашамиз: мақсадимиз руҳонийлар ва мадраса талабалари фикрларини фош этиш, мадрасаларни ислоҳ қилишни йўлга қўйиш (янги услубга ўтказиш).

3. Халққа давлат арбобларининг қабих ва зулмкор эканлигини кўрсатиш. Шу мақсадда халққа давлат қонунларининг моҳиятини, қозиларнинг одамга бўлган муносабатини кўрсатиш, иложи борича камбағал одамлар ва қишлоқ аҳолисининг ҳақ-хуқуқини ҳимоя қилиш, чунки улар давлатдан кўп хўрлик ва зулм кўрдилар.

4. Одамларга амирнинг, сарой аҳлларининг бойлиги ва разиллигини фош этиш. Хазинадаги бойликлар амир ёки унинг бош вазири (қушбеги)нинг шахсий мулки эмас, оддий халқники эканлигини тушунтириш.

5. Аҳоли орасида ахлоқсизлик ва бидъатга чек қўйиш, суннат тўй ва аза маросимларида иложи борича диний қонун – қоидаларга риоя қилиш.

6. Аҳоли орасида эскилик сарқитларига чек қўйиш. Мутаассибларнинг рақобатига, бир – бирини менсимай ҳақоратлашига, қўпол муносабатига чек қўйиш.¹

1917 йил бошидаги Россияда рўй берган воқеалар, хусусан, февраль инқилоби рус айғоқчилигининг зўр бериб яширишига қарамай, бир ҳафта ўтмаёқ Бухорога етиб келади ва жадидларни тўлқинлантириб юборади. Март ойидан бошлаб Бухорода намоёйишчилик ҳаракатлари кенг ёйила бошлайди. «Бу ҳаракатлардан чўчиган Туркистон генерал губернатори Куропаткин

¹ Аллворт Э. Жадидлар ҳақида яширилган ҳикоялар // Ўз АС. 1992. 11-сент.

муваққат ҳукумат ташқи ишлар министрлигига янги тартибга ўтган тақдирда ҳам Бухорони Россияга қўшиб олиш мумкинлигини, бунинг учун муваққат резидентлик ҳуқуқи ўрнатмоқ ва Бухоро ҳокимиятининг ҳаракатларини кузатиб, демократик асосга ўхшаган йўналишда ҳаракат қилмоқ лозимлигини уқтиради. Бу оқилона ҳаракатга муваққат ҳукумат бажону дил рози бўлади, тезда Бухородаги сиёсий айғоқчилик Россия резидентлигига айлантрилади»¹.

Намойишчилик ҳаракатининг кульминацион нуқтаси 1917 йил 8 апрелидаги ёш бухоролилар томонидан уюштирилган намойиш эди. Намойиш амирлик томонидан кўрсатилган қаршилик натижасида тез орада инқирозга учрайди. Россиядаги февраль революцияси натижасида дифференциаллашув кучайган ёш бухоролилар партияси апрель инқилобидан сўнг радикал демократик ва либерал оқимларга ажралиб кетди. Ёш бухоролиларнинг либерал оқими амир ҳокимияти томонидан турли ислохотлар амалга оширилишига эришиш билан чекланишни талаб этар эди. Бу оқимнинг раҳбари М.Мансуров эди. А.Мунзим, Ф.Хўжаев бошчилигидаги радикал-демократик оқим илгари сурган ғоя инқилобий кўзғолон ғояси эди. Бунинг оқибатида ёш бухоролилар конституцион монархиядан амир ҳокимиятини ағдариш ғоясигача етиб боришади.

1917 йил Фитратга ёш бухоролиларнинг яловбардори сифатида ташкилотнинг дастурини тузиш вазифаси топширилади. Фитрат томонидан тузилган «Ислохот ва Бухоро» дастури ёш бухоролиларнинг программа минимуми деб қабул қилинади. Ушбу дастурда Фитрат эътиборни сиёсий, иқтисодий ва маданий масалаларга қаратган эди. Ундан асосий мақсад ҳуқуқий давлат қуриш ва бу давлатнинг фаровонлигини таъминлаш эди. «Ислохот ва Бухоро» XIII бобдан иборат бўлиб, унинг аҳамияти шундаки, бу дастур маърифатчилик ҳаракатларидан бошланган жадиदчиликни бир неча йиллар давомида тўсиқлар, сиёсий тазйиқлар, таъқиблардан ўтиб, ғоявий

¹ Болтабоев Х. Талабни қондирмаган инқилоб // Шарқ юлдузи. 1989. №11, 78-б.

такомиллашув натижасида сиёсат ва давлат масалаларини ҳал эта оладиган таълимот даражасига кўтарилганини намоён этади. «Ислохот ва Бухоро» сиёсий дастурининг қисқача мазмуни қуйидагича:

I боб: Энг бош масала ер-сув муносабатларида ғаллакорларни кафсан (муллаларга тўланадиган солиқ) дан озод этиш, сув чиқарилган ҳукумат ерларини ерсиз аҳолига бўлиб бериш илгари сурилган.

II боб: Вақф ерлари Бухорони энг маданий шаҳарга айлантиришда катта роль ўйнаши мумкин, агар ердан олинган фойдага мачитлар, диний-дунёвий мактаблар таъминланса, кутубхоналар, етимхоналар, касалхоналар, камбағаллар учун ошхоналар қурилса.

III боб: Бухоронинг 22 ёшга етган аҳолиси ҳарбий хизматга чақирилиши керак, беморлар ва ногиронлар бундан озод қилинади.

IV боб: Барча ишлар учун молия соҳаси керак. Бунинг учун молия вазирлиги ташкил этилиб, солиқлар билан шуғулланувчи бу вазирликка сарой ғазначиси ҳам ҳисоб бериши лозим.

V боб: Қўрғонлардаги амалдорлар ички ишлар вазирлиги томонидан тайинлансин, қуйироқлари аҳоли сайлови билан. Вазирлар ва ҳукмдорлар суд ишларига аралашмаслиги лозим.

VI боб: Суд ва ҳуқуқ тартибот органлари ишини бир биридан ажратиш керак. Юстиция ва суд вазирликлари икки босқичда жорий этилиши лозим: қуйи ва юқори босқич.

VII боб: Полиция аҳоли ўртасида тинчликни сақлаши лозим. Бу давлат мудрофаасидаги муҳим бўлимдир.

VIII боб: Бўлғуси ҳукумат йўл ва фойдали қазилмалар ишига эътибор бериши керак, юрар йўллар тикланиши, автомобиль йўллари ва темир йўллар қурилиши лозим.

IX боб: Россия ва бошқа ҳукуматлар билан бўладиган алоқалар учун ташқи ишлар вазирлиги тайинланиши керак. Бу вазир бар вақтнинг ўзида вазирлар советининг раиси ҳам бўлади.

X боб: Вазирлар советининг раиси амир фармонига мувофиқ тайинланади.

XI боб: Давлат ва вақф мактабларидан ташқари исталган шахс томонидан мактаб очилиши мумкин.

XII боб: Аҳоли пунктларида, кўча ва йўлларда бозорлар ва ҳ.к., қиймат белгилаш учун халқ вакилларида коммунал совет органлари ташкил этилиши керак.

XIII боб: Назорат органлари икки босқичдан иборат бўлади: 1) ўнта махсус юристлардан ва ўнта халқ вакилларида иборат босқич; 2) эркин матбуот¹.

Ёш бухоролилар партиясининг ушбу дастури ўша вақт нуқтаи назаридан қанчалик прогрессив характер касб этмасин, ушбу ташкилот ўз даврининг мураккаб сиёсий ўйинларида маълум маънода болшевизмнинг амир ҳокимиятини йўқотишдаги қуроли вазифасини ўтади: «1920 йил сентябрида Бухоро амир кўшинларидан тозаланган кунийёқ Аркда сақланаётган бойликларнинг ҳаммаси ёш бухоролилар иштирокида йиғиштириб олиниб Москвага жўнатилган... Хужжатларга кўра Фрунзе босқини даврида Бухородан олиб кетилган олтин ва қимматбаҳо бойликлар ҳар биттаси ўн-ўн учтадан кам бўлмаган қизил ҳарбий вагондан иборат бир неча ҳарбий эшелонни ташкил этган. Бу ташмачиликдаги «катта хизмати» эвазига Фрунзегга ёш бухоролилар томонидан амирнинг олтин қиличи ва ханжари совға қилинган»². Ҳолбуки Фитрат болшевизмга 1917 йилдаёқ «Сиёсий ҳоллар» мақоласида ўз муносабатини билдирган эди: «Мусибат устига мусибат! Русиянинг ҳозирги ҳолини очик тасвир этмак учун бундан ярашиқроқ сўз йўқдир... Русияда яна бир бало бош кўтарди, болшевиклар балоси»³. Бу каби фикрларни унинг «Юрт қайғуси», «Туркистон мухторияти», «Шарқ сиёсати» номли бошқа мақола ва публицистик

¹ Ислоҳот ва бухоро. –Тошкент: Ўзбекистон ХДП марказий архиви. 1917. - 24 б.

² Узоқов Х., Холбоев С. Бухоро амирлигининг олтинлари // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992. 14-авг.

³ Фитрат. Сиёсий ҳоллар // Хуррият, 1917. 7-ноябрь, №49.

асарларида ҳам учратиш мумкин. Сиёсий тажриба етарли бўлмаган жойда сиёсий билим ўзининг тегишли ҳосиласини бера олмаслиги ёш бухоролилар мисолида ойдинлашади.

Умуман, жадидчиликнинг яловбардори бўлган Фитрат асарларининг вужудга келиш даври, улар яратилган вақтдаги ижтимоий-сиёсий аҳвол, адиб ва унинг ижодига давлат томондан бўлган муносабатнинг ўзгариш даврларига қараб асарлардаги жамият, давлат, дин ва миллат масаласи бўйича фикр ривожини кўриш мумкин. «Раҳбари

нажот» асарида жамоа тарихи қавм, элат, халқ даражасида қуриб чиқилиб, қавмларнинг шаклланиш жараёни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, географик факторлар билан боғланади. Миллатнинг шаклланиш жараёни ва сақланиб қолиш усули Фитрат фикрича тарихни мушоҳада қилиш ва тараққиётдан четда қолмасликдадир: «Ҳар бир қавм ўзининг босиб ўтган ижтимоий-сиёсий аҳволини билиши керак, ўзининг ўша ўтган тарихий даври билан таққослаб, қанчалик ривожланган ва ривожланмаганлигини билиши жоиздир. Ҳар бир миллат агар у яшашни хоҳласа, қавмининг ўтмиш тарихига мурожаат қилади ва агар бирор қавм ҳалокатга маҳкум бўлган бўлса, унинг сабабларини ўрганиб ҳалокатга боғлиқ одатларни тарк қилиши керак. Бошқа бир миллатнинг тараққийсига сабаб бўлган қоидаларни ўзига қабул қилиши заруриятдир»¹. Фитратнинг жамоа, миллат тарихига қарашлари ниҳоятда холис, гуманистик характер касб этиб, бу унинг қуйидаги сўзларида кўринади: «Одамлар ҳар хил дин ва мазҳабдан, ҳар хил қабила ва миллатдан бўлсалар ҳам бир отанинг ва ягона жинснинг фарзанди... Шундай экан, лозимдирки, бир-бирларига муҳаббатли ва шафқатли бўлишлари шарт. Яъни ўзаро биродарликни юзага келтиришлари керак»².

XIX аср охири, XX аср бошларида Марказий Осиё халқлари ҳали бир миллат сифатида қарор топиб улгурмаган, ҳали илғор Европа назарияларида

¹ Фитрат. Нажот йўли. –Тошкент: Шарқ, 2001. 39-б.

² Ўша манба, 36-б

ҳам миллат ва унинг шаклланиш факторлари масаласи баҳсли бўлиб турган даврда Фитратнинг қавм, элат ва халқ ҳақидаги фикрлари ривож миллат даражасида уйғунлаш, давлатчиликнинг асоси миллатларнинг ташкил бўлиши ва уларнинг камолоти билан белгиланган эди. Фитрат «Раҳбари нажот»нинг бошланғич қисмида Қуръоннинг «Раъд» сурасидан мисол келтириб, миллатларни назарда тутган ҳолда «қачонки ўз юртларида умумий биродарликни вужудга келтира олсалар, ҳаёт ва дунё саодати шу, умумий саодат шу», - дейди. Бундан келиб чиқадики давлат фаровонлиги миллатларнинг камолоти билан боғлиқдир.

Фитратнинг нисбатан кейинроқ яратилган асарлари «Сиёсий ҳоллар», «Туркистонда руслар», «Шарқда инглизлар», «Шарқ сиёсати» асарларида жамият, давлат, дин ва миллат масалалари маълум сиёсий ҳолат ва вазиятлар юзасидан аниқлашади. Бу асарларда Фитрат қарашларида фалсафий фикрлардан кўра сиёсатшунос ва социолог қарашлари кўпроқ етакчилик қилади. Ҳали Америка ва Европанинг Шарққа бўлган қизиқишлари йирик планда ойдинлашмасдан туриб, панисломистик, пантуркистик ҳаракат вакиллари ўз таълимотларини бир давлат ва миллат даражасидан баландроқ ташкил қила олмасдан туриб, бутун Шарқ колониясига доир бирор оппозицион фикр пайдо бўлмасдан аввал Фитратнинг «Шарқ сиёсати» асарининг пайдо бўлиши ўз даврининг кутилмаган ҳодисаси эди. 1919 йилда ёш бухороилар партияси томонидан нашр этилган мазкур асарда колониал тузум моҳияти, унда миллатларнинг тақдири, иқтисодий ва сиёсий найранглар Шарқ сиёсати миқёсида таҳлил этилади ва ушбу сиёсатнинг келажаги башорат қилинади¹. «Шарқ сиёсати» даги башоратлар совет тузumi даврида аксарият ўз исботини топди. Лекин ушбу асар қанчалик қимматли ва прогрессив бўлмасин, сиёсий тазйиқ ва бошқа сабаблар туфайли ўз даврида «Ҳинд сайёҳининг қиссаси» ва «Раҳбари нажот» сингари инқилобий фикр

¹ Шарқ сиёсати. –Бухоро: Навкирон Бухоро, 1992. 36-б.

ўзгаришини ясаб улгурмади. Ва айтиш мумкинки, замонавий жадиदшуносликда ҳали ҳанузгача мазкур асар ўз баҳосига эга бўлмади.

Фитратнинг нисбатан аввал яратган асрларида жамият, миллат ва давлат истиқболи ҳақидаги фикрлар анча оптимистик характерга эга эди. Ҳаттоки 1917 йилда Фитрат томондан тузилган, Ёш бухоролилар партиясининг программаси бўлмиш «Ислоҳот ва Бухоро» ҳам Фитратнинг давлат ва миллат истиқболига бўлган сиёсий қарашлари анча пухта билимга асосланганидан дарак берар эди. Унда иқтисодий аҳволдан тортиб сиёсий, диний вазиятгача ҳеч бир жиҳат назардан қолдирилмаган. Фитратнинг миллат ва юрт тақдирига бўлган умидлари, ғоялари нафақат унинг илмий асарларида, балки фаолиятида ҳам акс этди. 1924 йил январда бўлиб ўтган XIII партия конференцияси билан боғлиқ «шубҳали, ёт унсурларни излаш» сиёсати Фитрат тақдирида ҳам янги даврни бошлади. Ҳолбуки Фитрат шу давргача ёзган аксарият мақолаларида бу ҳолатни олдиндан кўра билган эди. Унинг «...подшоҳлик қон билан суғорила турғон бир ёғочдир, қон оқиб турмағон ерда бу ёғочнинг қуриб қолиши аниқдир»¹, деб айтган сўзлари тоталитар совет тузуми, колониал сиёсат устидан чиқарган фалсафий хулосаси эди.

Туркистонда «босмачилик ҳаракати» деб ном олган озодлик ҳаракатлари, жадидчилик каби миллий демократик оқимларнинг сиёсий оппозиция ташкил этиб Туркистон Мухторияти ғояси ва амалиёти даражасигача ўсиб ўтиши Туркистонда фақатгина демократик тафаккурни шакллантириб қолмай, миллий давлатчиликнинг янги босқичида маълум бир амалий тажрибани ҳам ҳосил қилди.

Сиёсий жараёнларнинг динамик ривожини Туркистон ва унга яқин бўлган ҳудудларда Миллий Мухториятларнинг вужудга келишига олиб келди, «Бошқирдистон Мухторияти эълон қилинган, Тошкент, Фарғона, Самарқанд ва Қўқон зиёлилари 1917 йил 26 ноябрда Туркистон ўлкасининг Фавқулудда

¹ Фитрат. Абулфайзхон.// Шарқ юлдузи. - 1989. №1. 85-б.

IV Курултойига тўпланадилар. Курултой ўтказишдан асосий мақсад Туркистон ўлкасининг келажагини ҳал этиш эди»¹.

«Миллий марказ Туркистон мухтор жумҳуриятининг эълони учун қулай бир ер қидирди... Фарғона водийсининг Қўқон шаҳри мухторият эълони учун энг қулай деб топилди. Қўқонли Мир Одил каби миллатпарвар ва исломпарвар бойлар конгрессни моддий томондан қўллаб қувватларди. Миллий марказ Шоҳ Ислом Шоҳ Аҳмадга мухторият эълони учун керакли бўлган барча ҳужжатлар тўпламини тайёрлаш вазифасини беради. Бу ишда унга муфти Маҳмудхўжа Беҳбудий, адвокат Убайдулла Хўжа ва Мустафо Чўқайлар ёрдам этарлар»².

Қўқон қурилтойи ўн икки кун давом этиб, унда Фарғона водийси ва Самарқанд вилоятини ўз ичига қамраб олиб, маркази Қўқон шаҳри бўлган Туркистон Миллий Мухторияти эълон қилинади. Етмиш тўрт кишидан иборат бўлган халқ шўросининг 56 нафари туркий миллатлар вакили, 17 нафари рус, биттаси яҳудий эди.

Туркистон мухториятини қўллаб қувватлаш учун ўлканинг турли ҳудудларида: Наманганда(1 декабрда), Жалолободнинг Хонабод қишлоғида (6 декабрда), Қўқонда (7 декабрда), Самарқандда ва бошқа жойларда кўпминг кишилиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар бўлиб ўтди³.

Курултой қарорининг биринчи моддасида шундай дейилади: «...Туркистон ўлкасининг Фавқулодда қурултойи Русия инқилоби асосларига таянган ҳолда, ўлка халқлари ўй ва истакларини ифода этиб, Туркистонни демократик, Русия федератив жумҳуриятининг мухтор бир аъзоси ва бўлаги деб эълон қилади. Барча ташкилий масалаларни ҳал этиш бир оздан кейин бўлиб ўтадиган Таъсис мажлиси зиммасига юкланади. Курултой

¹ Шарипов.Р Жадидчилик ҳаракатининг сиёсий ва ҳуқуқий дастурлари. -Тошкент: Адолат, 2000. 6-б.

² Baymirza Hayit. «Basmacılar» Turkiston milli mucadele tarihi (1917-1934). – Ankara: 1997. 22-б

³ Улуғ Туркистон. 1917. 13, 20 декабрь. Бу иқтибос қуйидаги манбадан олинди: Агзамходжаев С.С. IV Чрезвычайный краевой мусульманский съезд. Оброзование Туркистан Мухторияти.// раздел I. гл. II, §3 в кн: Туркестан в начале XX века: к истории истоков национальной независимости. Под руководством д.и.н. Д.А.Алимова. - С.87.

Туркистонда яшаётган майда миллатларнинг ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимоя қилинади деб, тантанали равишда эълон қилади»¹.

13 декабрда Тошкентда байрам манифестацияси ўтиб, унда «Туркистон Мухторияти учун» шиори остида 13 декабрь кунини мустақиллик ва озодлик учун Туркистон Мухторияти миллий жамғармасига умумхалқ пул йиғиш куни деб белгиланади.

Қурилтойнинг биринчи куниеқ кўпчилиكنинг иродасини акс эттирган ушбу қарор қабул қилинди:

1.Русиядан Туркистонга аҳоли кўчирилиши жараёни дарҳол тўхтатилиши керак.

2.Маҳаллий аҳолидан тортиб олинб, кўчманчиларга тарқатилган ерлар ўз эгаларига қайтарилиши керак.

3.Жаҳон уруши фронтлари ортида ишлаш учун (Николай II нинг 1916 йил 25 июнь Фармониға биноан) мардикор қилиб олиб кетилган Туркистон аҳолиси дарҳол ватаниға қайтарилиши керак.

4. 1916 йилги умумхалқ исёнида иштирок этгани учун махбус этилган кишилар дарҳол озод этилиши керак².

«Жанубий Шарқ давлатларининг федерацион ўртоқлик қурмоқлик фикрлари Оренбург казакларининг етакчиси бўлган Атаман Дутов томонидан ўртаға ташланди. У Алаш-Ўрда, Бошқирдистон, Туркистон, Бухоро, Хива ва Оренбург казак давлатларидан иборат федерация ташкил этиб, келажакда бу ўлкаларни рус босқинчилигидан асраш ниятида эди»³ - деб таърифлайди бу интилишни Боймирза Ҳайит.

Совет ҳукуматининг ҳудудий органлари Қўқонда бўлиб ўтаётган жараёнларни катта эътибор ва зийраклик билан кузатиб борадилар. Шаклан бир хил фақат номи жиҳатидан турли хил бўлган рус истилоси олдида ҳақиқатан ҳам Туркистон колонияларини сақлаб қолиш вазифаси турар эди.

¹ Шарипов.Р Жадидчилик ҳаракатининг сиёсий ва ҳуқуқий дастурлари. - Тошкент: Адолат, 2000. 7-б

² Шарипов Р. Жадидчилик ҳаракатининг сиёсий ва ҳуқуқий дастурлари. - Тошкент: Адолат, 2000. 9-б

³ Baymirza Hayit. «Basmacilar» Turkiston milli mucadele tarihi (1917-1934). Ankara. 1997. 22-б.

Сиёсий ва ҳуқуқий планда миллий давлатчилик тамойилларига шама қиладиган дастурларнинг бирин-кетин пайдо бўлаётгани совет ҳукуматининг истилочилик истиқболида анча ҳавфли масала эканлиги аён бўлиб қолди. Шу сабабли ҳам Туркистон мухторияти атрофида сиёсий найранглар бошлана кетди. Туркистон мусулмонларининг VI ғавқулдда съезди буржуазия съезди бўлди, деган гаплар большевиклар томонидан тарқатила бошланди. Бундай гаплар мухториятни эътироф этаётган маҳаллий мусулмон жамиятларига ҳам таъсир ўтказа боради.

«Хусусан, улар парламентар монархия ва бошқарувнинг республика шакли, президентлик ҳокимияти, демократик ҳуқуқлар ва фуқаролар эркинликлари ҳақида, фуқароларнинг жамият ва давлатни бошқаришдаги, давлат органларини шакллантиришдаги, қонун яратувчилик ишидаги иштироки шакллари ҳақида ёзишган»¹, - деб таъкидлайди ҳуқуқшунос олим Д.Тошқулов.

«Истибдодга тушиб қолган халқларнинг миллий озодлик кураши мафкураси ва тактикасини ўрганиш миллий демократларнинг диққат эътиборида турди. Жадинлар бу ишга ижодий ёндашдилар. Улар Европа давлатларининг давлат қурилиши ва қонунчилиги, Россия ва Шарқ халқларининг мустамлакачиликка қарши кураши ва демократик ҳаракатлар мафкураси ҳамда тактикасининг кенг амалий жиҳатларини ўрганиб, ундан ўз мамлакатларига мосини, тўғри келадиганини танлаб олишди»².

Хулоса қилиб айтганда, жадинчилик ўз сиёсий ва давлатчилик дастури нуқтаи назаридан ҳам ҳайратланарли даражада замонавий эди. Шунинг учун ҳам чет эл ва юртимиз жадиншунослигида уларга тараққийпарварлар деб таъриф берилган. Тараққийпарварлик жадинларда фақатгина ўз даври ва ҳодисаси учун эмас, келажак авлод ва миллат истиқболининг шаклланиши, мустақиллик тамал тошининг қўйилишида ҳам ўз мазмун ва моҳиятини ифода этди. Чунки жадинлар тараққиёт деганда, цивилизацион тараққиёт ва

¹ Тошқулов Д. Основные направления политико-правовой мысли народов Узбекистана во второй половине XIX – первой четверти XX вв. Автореф. дис. докт. юрид. наук – Ташкент: 1995.

² Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. - Тошкент: Маънавият, 2000. 22-б.

унга бўлган миллий интеграцияни зарурий ҳодиса деб тушунганлар. Дин асосларини яхши тушунган жадинлар сиёсий дастурларда ҳам, давлатчилик дастурларида ҳам ислом динининг энг прогрессив хусусиятларидан фойдаланган ҳолда ўз салоҳиятларини кўрсата олдилар. Шу сабабли уларнинг давлатчилик қарашларида ислом ва тараққиёт қарама-қаршилиги тушунчаси компетент ҳолда ҳал қилинган. Жадинчилик таълимотида янги маънодаги иқтисодий ва ижтимоий кучлар, прогрессив социал омиллар миллий ва диний идентификация жараёнига хизмат қилган.

II БОБГА ХУЛОСА

XIX аср охирида ва XX аср бошларида юз берган ўзгаришлар бутун дунё доирасида ижтимоий-сиёсий мафкуравий тузулманинг тубдан ўзгаришига олиб келди. Индустириал дунёнинг ҳосиласи бўлган мустамлака сиёсати қонуният ва тизимига қарши кўтарилиш, мафкура, сиёсий кучлар турли ҳудудларда шакллана бошлади. Жадин миллий демократик ҳаракати ҳам ана шу қонуният асосида вужудга келган сиёсий таълимот эди.

1. Жадинчилик ўз сиёсий ва давлатчилик дастури нуқтаи назаридан миллий демократик характердаги таълимот эди. Миллий демократик характердаги мақсад ва вазифалар жадинларда фақатгина ўз даври ва ҳодисаси учун эмас, келажак авлод ва миллат истикболи қурилиши, мустақиллик тамал тошининг қўйилишида ҳам ўз мазмун ва моҳиятини ифода этди.

2. Жадинлар тараққиёт деганда цивилизацион тараққиёт ва унга бўлган миллий интеграцияни зарурий ҳодиса деб тушунганлар. Дин асосларига муносабатда жадинлар сиёсий дастурларда ҳам, давлатчилик дастурларида ҳам ислом динининг энг прогрессив хусусиятларидан фойдаланган ҳолда миллий салоҳиятни намоён этишга, миллий тафаккур тарзидаги ақидапарастлик иллатларига барҳам беришга ҳаракат қилганлар.

3.Жадидчилик таълимотида замонавий иқтисодий ва ижтимоий кучлар, прогрессив социал омиллар миллий ва диний идентификациянинг ижобий йўналишда шаклланишига қаратилган.

4.Жадид миллий демократик таълимоти, бу ҳаракат натижасида рўй берган ижтимоий, маданий, сиёсий ўзгаришлар миллий менталитетнинг такомиллашишига, маълум даражада миллий бирликни сақланиб қолишига муҳим омил бўлиб хизмат қилган.

III БОБ: XX АСР САБОҚЛАРИ ЁКИ ТОТАЛИТАРИЗМНИНГ МИЛЛИЙ МЕНТАЛИТЕТГА ТАЪСИРИ

XIX аср охирларидан шаклланиб XX аср бошларида миллий демократик ҳаракат бўлиб етишган жадиждчилик сиёсий ва иқтисодий мақсадларида қатъий турган совет империясининг нишонига айланди. Колониал сиёсатни халқларни тобе этиб миллий ва ирқий зулмни кучайтириш сиёсати билан бошлаган тоталитар империянинг навбатдаги вазифалари унинг моҳияти, ғоявий йўналганлиги ҳамда туб мақсадларини ойдинроқ кўрсата бошлади. XX аср совет давридаги сиёсий жараёнлар бир бирини тўлдирадиган, мантиқий давом эттирадиган босқичлардан иборат бўлди. Мазкур бобда ана шу даврнинг хусусиятлари, сиёсий найрангларнинг ўзбек халқининг миллий тафаккур тарзи, ўзлигига қанчалик таъсир кўрсатгани, қандай салбий характерга эга сифатлар ҳосил қилгани тадқиқ этилади.

Биринчи параграф «Коллективлаштириш иқтисодий-маънавий оқибатларининг миллий менталитетга таъсири» деб номланган бўлиб, унда миллий анъанавий тузумга зўрма-зўраки жорий этилган, асрлар давомида маҳаллий муҳитда шаклланган иқтисодий, маънавий тартиб, хусусиятларни емириб ташлаган коллективлаштириш сиёсати иллатларининг миллий дунёқарашдаги оқибати ўрганилган.

Иккинчи параграф мазкур сиёсатнинг мантиқий давоми бўлган оммавий очарчилик ва аҳолини қашшоқлаштириш даврига қаратилган бўлиб, унда оммавий равишда сунъий ташкил этилган мушкул вазиятнинг инсонлар тафаккур тарзида асоратли натижалар ҳосил қилиши, миллий ўзликка дахл қилувчи ўзгаришлар пайдо қилиши, унинг ижтимоий-маънавий моҳияти ўрганилади.

Кейинги параграфларда миллат зиёлиларининг жисмоний ва маънавий катағони, миллат эътиқоди рамзи бўлган дин масалаларига қонли

империянинг муносабати, тоталитар сиёсий жараёнларнинг миллий тафаккурда деструктив ўзгаришлар ҳосил қилиш хусусиятлари эмпирик материаллар асосида таҳлил этилган, назарий хулосалар чиқарилган.

3.1. Коллективлаштириш иқтисодий-маънавий оқибатларининг миллий менталитетга таъсири

Мустақиллик йилларигача бўлган совет иттифоқи тарихи ҳақидаги материалларда коллективлаштириш сиёсати оддийгина қилиб деҳқонларни фаровон ва тўкин турмушга етказувчи сиёсат сифатида тасвирланди. Мустақилликдан кейинги даврда ҳам ўзбек илм-фанида совет империясининг колониал сиёсати унинг салбий томонлари ҳақида кўп илмий мунозаралар бўлган бўлса-да, айнан коллективлаштириш, унинг колониал сиёсатда қанчалик рол ўйнагани ҳақида конкрет аналитик тарихий материал пайдо бўлмади. Ҳолбуки, коллективлаштириш сиёсати ўзбек социумида анъанавий стратификацияни издан чиқарган, табиий экологик муҳитни бузган, мамлакатни аграр тизимга айлантирган сиёсий омил эди. Қолаверса, жадиidler томондан миллатни сақлаб қолиш учун бошланган миллий маърифат, миллий мустақиллик мафкурасининг халқ томондан идрок этилишининг тафаккур тарзида тугаб битирилиши бир кўринишда фақат аграр сиёсат деб тушунилган коллективлаштирилишдан бошланган эди.

Совет тузумининг жисмоний амал қилиши 1917 йилдаги Буюк Октябрь социалистик инқилоби билан белгиланиб, коллективлаштириш давригача тоталитар тузум элементлари ўзини намоён қила бошлаган бўлсада, оммавий равишда халқнинг молига, жонига, анъанавий жамият қадриятларига дахл қилиш ҳам коллективлаштиришдан бошланди. Бу эса ўз навбатида жадиid миллий уйғониш мафкурасидан кейин ўзликни англаш йўлидаги демократик тафаккур ўзгаришларига регрессив таъсир кўрсата бошлади: «Менталитет ўзгариши турмуш тарзининг ўзгариши, жамоатчилик ҳаётининг юқори

цивилизацион даражага ўсиши билан ҳам белгиланади. Бу каби ўзгариш тоталитар тузумда диктатура ўрнатилиши билан ҳам белгиланади, яхши томонга эмас албатта»¹. Этнопсихология, ментал дастур тадқиқоти юзасидан материалларда бундай жараёнларнинг менталитетга деструктив таъсир этиши ҳақида сўз борар экан, сунъий равишда яратилган ижтимоий-сиёсий воқеъликнинг жамият аъзолари тафаккур тарзида маълум маънода акс этиши, этнопатологик ўзгаришлар бутун бир миллат тафаккур тарзида кузатилади деб хулоса берилади². Социал антропологияда этнопатологик кўринишлар социал фобия – ижтимоий қўрқув мафкуравий касаллиги билан умумлашган бўлиб, турли миллатларга хос этнопатологиялар турига - Хитойдаги совуқдан қўрқиш касаллиги-фригофобия, Японларнинг тайжин-куофу-ту – атрофдагиларнинг ўзига бўлган самимий муносабатини йўқотиш синдроми, Кореядаги хва-биинд – оғир меҳнат ёки бошқа ижтимоий фактор натижасида тўсатдан вафот этишдан қўрқиш синдроми ва шу қабилар киради³.

Тафаккур тарзида ижтимоий-сиёсий фактор натижасида ҳосил бўлган салбий ўзгаришлар баъзи адабиётларда деструктив ўзгаришлар, баъзиларида эса патологик ўзгаришлар деб белгиланган. Э.Фроммнинг «Инсон анатомияси деструктивлиги», «Озодликдан қочиш» ва бошқа бир қатор психоаналитик асарларида социал характернинг салбий ўзгариши деструктив термини орқали кўрсатилган. Этнопсихология соҳасидаги кейинги йилларда нашр этилган баъзи адабиётларда этнопатология термини қўлланилган. Менталитетдаги бундай ҳолатлар тадқиқотига бағишланган адабиётлар жуда санокли бўлса-да, аксарият социал антропологик тадқиқотларга ва ижтимоий фалсафа соҳасидаги адабиётларга кўра биз ушбу илмий ишда менталитетдаги салбий ўзгаришларни деструктив термини билан аташни лозим топдик.

¹ Абрамян Е.А. Изменение менталитета наций; экономическое чудо. <http://www.abramyan.ru/ment-chudo.htm>

² Бу ҳақда қаранг: Семке В.Я., Бохан Н.А., Галактионов О.К. Очерки этнопсихологии и этнопсихотерапии. - Томск: Изд-во томского ун-та, 1999. – С.17.

³ Ўша манба, 17-б.

Ушбу параграф доирасида коллективлаштиришнинг иқтисодий, сиёсий асослари таҳлили баробарида унинг ўзбек менталитетига кўрсатган маънавий оқибатлари, ментал дастурда ҳосил қилган деструктив ўзгаришларни таҳлил этиб боришга ҳаракат қиламиз.

Янги иқтисодий сиёсат (НЭП) нинг мантиқий давоми бўлган коллективлаштириш совет империяси стратегиясининг тактик сиёсати сифатида бутун иттифоқ бўйлаб амал қила бошлади. Деярли икки йил, 1928 йилнинг январидан 1929 йилнинг ноябригача совет ҳукумати қишлоқларни жамият тизимининг марксча моделига ўтказиш учун тайёргарлик ишларини олиб борди. Катта миқёсда индустриаллашиш натижасида шаҳар аҳолисининг сони ўсиб бориб, озиқ-овқат маҳсулотлари тизимини қайтадан ташкил этишни тақозо этди. Бундан ташқари 1929 йилда бутун дунёда бошланган иқтисодий инқироз мамлакатни иқтисодий ва аграр тизимини ислоҳ қилиш заруриятини келтириб чиқарди. 1930 йилга келиб дунё бозорида буғдойнинг баҳоси кескин тушиб кетди. Айнан шу вақтда СССР га бошқа мамлакатлардан, асосан АҚШ ва Германиядан саноат қурилмалари, айниқса қишлоқ хўжалик техникаси импорт қилиниши кутилаётган эди: «Импорт қилинаётган маҳсулотлар тўлови учун катта миқдордаги дон маҳсулотларини экспорт қилиш зарур эди. 1930 йилда 10% дон маҳсулотлари экспорт қилинган бўлса, 1931 йилда бу кўрсаткич 14%ни ташкил этди»¹.

Тоталитар тузум моҳиятини ўзида ифода этган оммавий коллективлаштириш жараёни бошланди. Қишлоқларда хусусий мулкни йўқотиб колхозларда ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун мулклар ўзлаштирила бошланди: «Қишлоқда яна ишлаб чиқаришга бўлган хусусий мулк йўқотилди («ҳамма нарса: мол-ҳол, инвентарь, қурилма ҳатто кийимлар ҳам тортиб олинди».) Пул-товар муносабатлари деярли тугатилди. Иқтисодни кескин регламентлаштириш ва марказлаштириш ўтказилди. Деҳқонларни иқтисодий ва ноиқтисодий масъуллаштириш жорий қилинди.

¹ http://kc.koenig.ru/aktkgb/KALININ/akkab_09.htm http://kc.koenig.ru/aktkgb/KALININ/akkab_09.htm m

Уларга қарши давлат террори бошланди. Авторитар усулдаги бошқарув ўрнатилди. Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари ижтимоий-сиёсий ҳаракатсиз мафкуралаштирилди. Шундай сиёсат (баъзи бир хусусиятлар билан) шаҳарда ҳам олиб борилди»¹.

1929 йилда Бош Секретар Сталиннинг «Буюк бурилиш йили» (Год великого перелома) мақоласи билан коллективлаштиришнинг талотўплари бошланди: «Боши қотган бечора қишлоқ одами «бошга тушганни кўз кўрар», - деб ўзини юпатар экан, сигири ва бошқа мол-ҳолини сўйиб, колхозга ёзилишга мажбур бўлди. Партия органлари эса ғалабани нишонлаб, колхозга кираётганлар ҳақидаги ҳисобот маълумотларини яна ва яна кўпайтиришга ҳаракат қилишар эди. Шу билан бирга Марказий Комитетда уларга «баъзи бир ишларда қолоқлик қилсангиз, сизларни ҳам асирга олишади, лекин унутмангки, сиз революция иши учун асир олинасиз», - деб қилинган дағдағани ҳам ёдда тутишарди»².

Тарихий маълумотларга кўра 1930 йилнинг биринчи икки ойлигида 10 миллионга яқин деҳқон хўжаликлари колхозларга бирлаштирилган. Ушбу ҳолатни талқин қилиш сиёсатда, мафкурада умумиттифок сафарбарлигини ташвиқ қилса, бечораҳол ва ерсиз деҳқонлар коллективлаштириш деганда ўзларидан анча бой бўлган ватандошларининг мол-мулкларини бўлиб олишни тушундилар. Лекин ўрта ҳоллар ва қулоқлар ўртасида бу ҳолат оммавий қаршиликларни келтириб чиқарди: «Шу даврда барча коллективлаштирилган ҳудудларда молларни ёппасига сўйиш ҳолати учрайди. 30 йилнинг мартага келиб йирик моллар 14 млн. бошга камайди, шу билан бирга эчки, қуй, чўчқа, отлар ҳам кўплаб сўйиб юборилди»³.

Бу ҳақда архив материалларида деярли ҳеч қандай факт учрамаса-да, 30-йилларда совет матбуотида катта шов-шувга сабаб бўлган, оқибатда

¹ Лопатин Л.Н., Лопатина Н.Л. Коллективизация как национальная катастрофа. Воспоминания её очевидцев и архивные документы. <http://www.auditorium.ru/books/477/>

² http://kc.koenig.ru/aktkgb/KALININ/akkab_09.htm

³ <http://www.krugosvet.ru/articles/61/1006114/1006114a8.htm>

«Рютин гуруҳчилиги» деб ном олган антисовет гуруҳи раҳбари Мартемьян Рютиннинг «Сталин ва пролетар диктатурасининг инқилоби» номли катта бир мақоласидан маълумот олишимиз мумкин. Унга кўра молларнинг ёппасига камайиши фақатгина деҳқонларнинг жонзотларни колхозга топширишни истамасдан сўйиб юборганида эмас эди. Бу ҳолат ҳам жиддий омил бўлса-да, яна бир сабаб, совет аграр тизими колхозлаштиришга мослашмагани ва тайёр эмаслигида эди. Рютин шундай ёзади: «Ўтган йилда (30-йил назарда тутиляпти - ред. Ш.Мадаева) чорвачилик совхозларида чорванинг 20% ва янги туғилган кўзи ва молларнинг 70% қирилиб кетди, бу йил ҳам шундай манзара, лекин бу ҳолат сир тутилмоқда. Чорвачилик совхозларида ем етишмаяпти, баъзиларида эса, умуман йўқ, баҳорги экиш мавсумига уруғнинг 50% етишмайди. Чорвага қараш етарли ташкил этилмаган, чунки ишчиларнинг қизиқиши йўқ, жой ҳам йўқ. Йирик социалистик қишлоқ хўжалигининг афзаллигини намойиш қилиш эмас, унинг ноқислигини намойиш қилиш ва унинг устидан кулиш керак бўлиб қолди»¹. Мақола муаллифи вазиятни таҳлил қилар экан, бу сиёсатнинг келажагини башорат қилишга ҳаракат қилади: «Мамлакатнинг иқтисодиёти икки-уч йил ичида инқирозга юз тутиши муқаррар. Совхоз раҳбарларига бўлган ҳеч қандай қатағон, ҳеч қандай бюрократик қаттиқ қўллик иш бермайди»².

Шу каби тарихий маълумотлар дала тадқиқоти материалларида ҳам учрайди. Бир суҳбатдан мисол келтирамиз: «Шу энди, 30-дан кейинги йилларде, ўша колхоз тузилган йиллардаги гаплар эсимда қолган. Колхозлаштириш натижасида бутун мевалар кесилиб кетди. Ҳозир ўша мевалар, ўша боғлар ҳали эсимдан чиққани йўқ, шунча йил ўтиб кетган бўлсаям. Энг ёмон бўлган нарса, боғлар йўқ қилиб юборилган. Энди иккинчиси, мани кўзимни олдида тургани, мана шу кўчамиздан бир пода

¹ Ушбу мақола 60 йил ўтгандан сўнг КПСС МК нинг хабарларида босилиб чиққан. Қаранг: Известия ЦК КПСС, 1990. № 11, -С.177

² Ўша манба, 177-б.

ўтди, эртадан кечгача, қўй-моллар. Қаерга кетяпти, қанча кетяпти дейдиган одам йўқ. Одамларни уйидан ҳалиги молларни документсиз олиб–олиб қўйвурган, ким бой бўлса, олиб чиқиб кетаверган, кимни кўпроқ моли бўлса»¹.

Коллективлаштириш даври ҳақидаги тарихий-илмий материаллар билан танишганимизда ушбу сиёсий ҳолатни тафаккур тарзига таъсир этувчи жиҳатларини учратмаймиз. Чунки бу даврда оммавий ва даврий нашрлар, илмий-назарий тарихий материаллар сиёсат учун хизмат қилди ва мазкур сиёсатни сунъий равишда социализм қурилишининг бир босқичи сифатида идеаллаштирди. Ўзбекистон Республикаси Марказий Давлат Архивида сақланаётган материаллар ҳам 1928 йилдан 1937 йилларга қадар совет давлатининг аграр сиёсати ҳақида фақатгина сиёсий тадбирлар нуқтаи назаридан тасаввур ҳосил қилади. Яъни улар Ўзбекистонда неча фоиз ҳудуд колхозлаштирилди, қанча одам қулоқлаштирилди, социалистик мусобақада қайси колхоз ёки совхоз ғолиб чиқди, қанча раисга муовин сайланиши керак ёки йўқлиги ҳақидаги йиғма жилдлардан иборат². Мана шундай ишлар ичидаги маълумотларда сиёсатнинг ниқоби секин аста кўтарилади, у ниманинг ва кимнинг ҳисобига олиб борилганлиги ойдинлашади: «Колхозларни ташкилий, сиёсий ва хўжалик нуқтаи назаридан мустаҳкамлаш мақсадида шаҳар совети пленуми совет ва колхоз фаоллари билан биргаликда қуйидаги тадбирларни амалий жиҳатдан илгари суради: 1) Қулоқлар билан курашиш фронтини қайтадан ташкил қилиб, биринчи навбатда колхозларни қулоқ элементларидан тозалансин. Буни ташкил этишда камбағал деҳқон ва ўрта деҳқон гуруҳини шакллантириб, колхоз активлари танланиб, улар ушбу гуруҳлар билан тегишли ишларни олиб

¹ Дала тадқиқоти материаллари: Марғилон шаҳри, 19 август 2003 йил, Респондент Мансуров Саидалихон, 1921 йилда туғилган. Интервьюэр Ш.Мадаева.

² ЎзР Марказий Давлат Архиви.Ф-86, О-10, ед.хр 243. Протоколы горсоветов и райисполкомов Ферганской долины.

ЎзР Марказий Давлат Архиви.Ф-837. О-15, ед.хр-215. Статьи Ф.Ходжаева от второй к третьей пятилетки.

боришсин»¹. Мазкур архив материалларида, ёки тарихий маълумотларда кулоқ қилинган шахсларнинг рўйхатлари ёки уларнинг оиласи ҳақида баъзи бир расмий маълумотларгина сақланиб қолган². Лекин уларнинг шахси ортида нималар яширин, қандай ҳақиқатлар ойдинлашмай қолган, улар нималарни бошдан кечирган, деган саволлар бу расмий маълумотларга кўра ойдинлашмай қолади.

Тарих саҳифаларидаги бу каби оқ доғларни эмпирик тадқиқот усуллари билан ойдинлаштириш самарали натижаларни берди. «Оғзаки тарих» методи бўйича Ўзбекистонда тадқиқот олиб борилган. 2003-2004 йиллар давомида NCEEER (Евроосиё ва Шарқий Европа тадқиқотлари Миллий Кенгаши-АҚШ) ташкилоти томонидан молиялаштирилиб, Америкалик профессорлар Марианна Камп, Рассел Занка ва ўзбек олимлари томонидан ўтказилган, Ўзбекистонда коллективлаштириш даврига бағишланган грант лойиҳаси совет даврининг аграр сиёсати ва ижтимоий, маънавий оқибатларининг тадқиқотига қаратилган. Унга асосан Ўзбекистоннинг XX аср тарихига тегишли мавҳум томонлар оғзаки тарих услуби асосида ушбу даврларда яшаган респондентлар билан суҳбатлашиш, бу суҳбатларни тарихий фактларга солиштириб ўрганиш орқали аниқланади. Оғзаки тарих услуби этнография, тарих, социология, мантиқ, психология каби фан йўналишларини 20-30-йиллар ижтимоий-сиёсий ҳаёти, коллективлаштириш каби тарихан ёритилмаган масала доирасида уйғунлаштириб, ўзбек халқи тарихида қайтадан жиддий ўрганилиши лозим бўлган масалаларга ижтимоий фанларнинг комплекс интеграцион ёндашувини тақозо қилиб қўйди. Жумладан, ўзбек менталитетининг тарихий шаклланиш хусусиятларини ўрганишда ҳам коллективлаштиришнинг тарихий илдизларини Фарғона водийси, Хоразм, Қашқадарё, Бухоро, Тошкент вилояти мисолида ёритишда

¹ ЎзР Марказий Давлат Архиви.Ф-86, О-10, ед.хр. 243. Ўз ССР МИК, Фарғона шаҳар совети пленуми мажлиси, Қарор №1/14, 1933й, 7-8-февраль.

² ЎзР Марказий Давлат Архиви. Ф-86,О-10, ед.хр.111. Алфавитная книга кулаков за 1932-33годов. ЎзР Марказий Давлат Архиви. Ф-86,О-10, ед.хр.603. Алфавитная книга кулаков за 1934 год.

айнан оғзаки тарих услубида олинган материаллар асосий манба бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳар бир юқорида номи тилга олинган ҳудудларда йигирматадан ортиқ, умумий юздан ортиқ респондент билан суҳбатлашилган. Бу респондентларнинг энг каттаси 102 ёшда ва энг кичиклари 1924 йилгача туғилган қариялар бўлиб, улар XX асрнинг 20-30-йиллари ҳаётини ўз кўзи билан кўрган, мазкур жараёнларда иштирок этган ёки ўз тақдирида ўша давр юкини синаб кўрган инсонлар эди. Суҳбатлар биз тадқиқ этаётган, яъни совет даврининг 20-30-йиллар ҳаётини, коллективлаштиришнинг тарихда ёзилмаган саҳифаларини ойдинлаштиришга қаратилган махсус саволнома асосида олиб борилди. «Оғзаки тарих» услубига кўра ҳар бир суҳбат видеотасмага, аудиотасмага ёзиб олинган, суратга олинган. Суҳбат жараёни жуда мураккаб бўлиб, суҳбатни олиб борувчи интервьюёрдан алоҳида тайёргарлик ва қобилият талаб қилинади. Респондентларнинг қариялардан иборат эканлиги ва уларнинг хотиралари маълум эмоционал ҳолатлар, асабийлашишлар билан боғлиқлиги эътиборга олинса, бир ярим, икки соатга яқин суҳбат давомида интервьюёр барча ҳолатларни эътиборга олган ҳолда максимал равишда информацияни респондентдан ола билиши керак. Бунинг учун илмий гуруҳ интервьюёрларига бир неча ой мобайнида махсус тренингларда тайёрланишга тўғри келди.

Ўзбекистоннинг бешта вилоятида ўтказилган дала ишларини XX аср охирларида чоп этилган коллективлаштириш ҳақидаги илмий тадқиқотлар билан солиштирсак, Фарғона водийсидаги коллективлаштириш давридаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар бошқа вилоятларга нисбатан бир мунча жадалроқ кечганини кўрамыз. Жумладан, «босмачилик» деб тамға босилган миллий-озодлик ҳаракатларининг кескин авж олиши, паранжи ташлашдаги қонли воқеалар, аёллар фаоллигининг кескин ошиши ва ҳужум ҳаракатлари Бухоро, Кашқадарё, Хоразм вилоятларида бундай кескин тарзда кузатилмайди. Фарғона шаҳрида суҳбатлашилган биринчи интервьюёр ва

олим Ҳамид Усмон босмачилик ва паранжи ташлашдаги қонли воқеаларга сабаб халқнинг онгини бундай янгиликларга тайёр эмаслиги деб, оддий хулоса чиқаради. Лекин XX аср бошларидаги Фарғонада юз берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар нафақат ўз вақтидаги жисмоний йўқотишларни, қонхўрликларни содир қилди, балки водий аҳолиси тафаккурида бир неча асрларда ҳам йўқотиб бўлмайдиган деструктив ўзгаришларни келтириб чиқарди. Бунинг асосий сабаби аср бошидаги ўзгаришлар Фарғона водийсининг бир неча минг йиллар давомида шаклланган маънавий қадриятларини, экологик табиатини, анъанавий жамият тузилмасини бузиб юборганлигида эди. Барча воқеалар қўрқитиш, маънавий ва жисмоний қатағон билан параллел олиб борилди. Ҳатто аксарият суҳбатларда респондентлар коллективлаштириш сўзи ўрнига табиий ҳолда қулоқлаштириш сўзини ишлатадиларки, коллективлаштириш оддий халқнинг онгида бойларни йўқ қилиш, яъни қулоқ қилиш маъносида ўрнашиб қолган. Ушбу ҳолат фақат Фарғона водийсида эмас, барча ҳудудларда кузатилади. Худди шунга ўхшаш ҳолатни Россиянинг чекка бир қишлоғида ўтказилган «оғзаки тарих» бўйича дала тадқиқотида ҳам учратиш мумкин: «Улар «урушгача», деган сўзни жуда кам ишлатар эдилар. Бунинг ўрнига «колхозлаштиришгача» деган сўзни айтар эдилар. Шунинг учун биз совет одамларидаги коллективлаштиришдан ҳосил бўлган психологик зарбани уруш давридагидан ҳам кучлироқ бўлганини эътиборга олиб суҳбатни коллективлаштириш ва қулоқлаштириш масаласига йўналтирдик. Коллективлаштириш жараёни шохидларининг суҳбатидаги бир хиллик биз учун кутилмаган ҳолат бўлмади»¹.

Тошкент вилоятида ўтказилган бир суҳбатдан мисол келтирамиз:

Интервьюэр: “Далварзинга” нима мақсадда келиб қолгансизлар?

¹ Лопатин Л.Н., Лопатина Н.Л. Коллективизация как национальная катастрофа. Воспоминания её очевидцев и архивные документы. <http://www.auditorium.ru/books/477/>

Респондент¹: Биззи, ҳали у вақтда ўртоқ Сталиннинг буйруғи бор эди, биззи бойлар деб «виселка» (сургун- ред.Мадаева) қилган.

И: Сургун қилганми?

Р: Ҳа кулоқ қиган. 20 - йилларда биззи кесган, ўртоқ Сталин. Кесиб 24 майда 1932 йилда мана шу ерга опкеб қўйди, манов «Далварзинга».

И. Кўчиб келдим, деяпсиз. Нечта хонадон кўчиб келган, кимлар, оила аъзоларими?

Р. Бир минг тўрт юз неча хўжалик кўчириб келинган-да, водийдан. Водийдан кўчириб келган.

И. Кўчиб келдингизми ёки сургун қилиндингизми?

Р. Сургун қилди-да, энди...

И. Мажбурий келганмисиз?

Р. Ҳа мажбурий. Мажбур бўлмаса, бетти ким обод қиларди. Биз келганда Далварзинда битта машнақа дарахт йўқ эди. Ҳаммамиз водийдан апкелиб, чўп (кўчат - ред. Мадаева) апкелиб ўтказиб, дарахт апкелиб, мевалик, ҳамма дарахтни қилдик.

И. Аҳоли бўлмаганми у пайтда Далварзинда?

Р. Далварзинга нима борган, заключонлар (қамалганлар - ред..Мадаева) бораркан. Ҳа, заключонлар боракан, биззи 32 йили 24 да опкеган бўлса, биз кеган вагонда заключонларни юклаб обкетти. Қақа (қаерга –андижон шеваси, ред. Мадаева) апкетган бўлса, билмиймиз энди уни.

Келганимизда катта-катта бараклар бўлган...

И. Бараклар?

Р. ...Бараклар бўлган. Шуни хўжаликка қамишта бўлиб-бўлиб майда майда уй қилиб берган.

И . Сизлар оила аъзоларингиз билан кўчиб келганмисизлар?

Р. Бизлар оила аъзоларимиз билан. Укам, ота-онамминан.

¹ «Интервьюэр, респондент» сўзлари бундан кейинги суҳбатларда «И»ва «Р» сифатида қисқиртирилади. Суҳбатлар респондентнинг шеваси ўзгартирилмаган ҳолда берилади.

И. Нималарни олиб келгансизлар кўчиб келганда?

Р. Ҳеч нарсани апкеганимиз йўқ. Кўрпа ёстик.

И. Мажбурий кўчирганми, ёки...?

Р. Албатта мажбурий, давлат бўйруғи минан апкеган.

И. Ўша буйруқни ким берган, эслай оласизми?

Р. Ҳа энди, уни Сталин берган бўлса керакда. Биззи отамиз висилка қилинган ерларди ислоҳ қилишдан бир йил бурун, ҳамма одамларга ерини тилхат орқали бепул топширган.

И. Нима учун тилхат орқали, давлат буюрганми, ёки ўзлари....

Р. Йўқ, отамиз ўзи берган.

И. Нечанчи йиллар эди, булар?

Р. Бу тахминан 30, ... 30 йилларда эди.

И. Қанча ерларингиз бор эди?

Р. А энди у вақтда кўп ёшидим, билмайман. Бир 10 гектар бориди..

Бизда завод-фабрика бўлмаган, шу, ер бўлган холос.

И. Ер ислоҳоти дегани нима, эшитганмисиз ер ислоҳоти тўғрисида?

Р. Ҳа, ер ислоҳоти қилиб, хали ортиқча ерларди ҳаммасини олган ... давлат ҳисобига. Ҳисобга олиб, биззи қулоққа тортиб, отамизни тўрт ой бурун қамаб қўйган, висилка қилишдан аввал¹.

Эътибор берилган бўлса, респондент бир неча жойда «ўртоқ Сталин» деган иборани эслатади. Оиласининг машъум тақдирига сабаб бўлган сиёсат етакчисини доимий равишда «ўртоқ» деб аташ албатта Сталинга бўлган меҳр муҳаббатдан эмас, ўша давр сиёсатининг инсонлар психологиясига кирита олган қўрқувдан бўлиши табиий ҳол. Мазкур ҳолат шоир А.Ориповнинг «Яшасин Сталин» номли шеърини эслатади: Бир эси ожизроқ, дудуқ киши Сталин номини «Шталин»деб талаффуз қилгани учун, «буюк йўлбошчи» ни калака қилишда айбланиб отувга маҳкум қилинади. Бу одам эса нима учун

¹ Дала тадқиқоти материаллари: Бекобод шаҳри, 6 май 2003 йил, Респондент: Полвонбоев Абдуқодир, 1916 йилда туғилган. Интервьюёр: Мадаева Ш.О.

уни отишаётганини тушунмай, нукул «Яшашин Шталин, яшашин Шталин», деб бақираверади. Оқибатда «яшашин Шталин», деб жон беради. Энг даҳшатлиси, баъзи бир респондентлар ўз тақдирлари ҳақида ҳудди бировнинг ўтмишини гапириб бергандек суҳбатлашадилар. Сабаби улар нима учун шундай ҳолат юз берди, шунча алам ва изтиробни нима учун тортишди, тушуна олмайдилар. Сиёсатнинг ўйинлари, улар устидан олиб борилган эксперимент табиий ҳодисадек туюлади улар учун.

Ҳақиқатан ҳам колхозлаштириш жараёни ўзига тўқ деҳқонларни сургун қилиш билан бирга олиб борилган. Мақсад қулоқларни синф сифатида йўқ қилиш эди. Аксарият ҳолларда «йўқ қилиш» тушунчаси остида ҳақиқий маънода жисмонан йўқ қилиш тушунилар эди. Шунинг учун ҳам қулоқлар учун энг омадли ҳукм сургун қилиш ҳақидаги ҳукм эди: «Ўрта Волга аҳолиси 1930 йилнинг январиди Калининга ёзган хатида қулоқлар билан нима қилиш ҳақида сўрашди. «Сардор» жавоб берди: «Уларни ёмон ерли ҳудудларга жўнатилсин ва уларнинг ортиқча ишлаб чиқариш воситаларини колхозлар ҳисобига ўтказилсин». Ташвиқот ўзининг қора ишини қила бошлади, халқда, айниқса шаҳар аҳолисида қулоқ каллакесар, зўровон, зикна, ўғри одам деган тасаввур ҳосил бўлди. Бу нафрат ҳеч кимнинг олдида гуноҳи бўлмаган қулоқларнинг фарзандларига нисбатан ҳам ўта бошлади»¹. «Оғзаки тарих» материалларидан мисол келтирамиз:

Р: Ер ислоҳоти тўғрисида нималарни эшитгансиз?

И: Ер ислоҳоти даврида биззи отамиззи ҳам айлантирган. Ери кўп одамни ислоҳот қилиб ерини тортиб олган. Вақтида уларни айтганини қилмагани учун уни қамаб туриб отворишган. Бизниям шунга тортган, лекин отамиз раҳматли айтардики, кўлида кўшчилар ишлаган эканда, кўшчилар унга қарам экан. Лекин шу кўшчиларни ҳаммасига ўзи нима еса, шуни бериб боқган, алоҳида қозон осмаган, шунақа инсофли одам бўлган. Ош қилса, ош бераркан, нон қилса нон бераркан, суюқ бўлса суюқ, куюқ бўлса, куюқ

¹ http://kc.koenig.ru/aktkgb/KALININ/akkab_09.htm m

бераркан. Шунинг учун ҳам айтардики, мани шу қўшчилар олиб қолган. У айтардики, «эй болам, ман кулоқни учида кулоқ эдим, лекин кулоқ дейиша олмаган, сабаби ман ишлатган қўшчилар, бизлар бунда ишламаганмиз, уни додасида ишлаганмиз, деб мени олиб қолишган. Нимага шундай қилишди, десам, ман нима есам уларга ҳам шуни берганим учун улар мани оқлаган экан».

И: Сиз айттингизки, ер ислоҳоти жараёнида айрим одамларни ерини тортиб олган экан, кимлардан тортиб олган?

Н: Энди бетта Абдулло бой деган одам бор эди. Уни ерларини тортиб олган, ўзимиззи тоғамиз бор эдилар, уларни ерини тортиб олган. Ҳайит бойвачча бор эди, ўша вақтларда молини ортиқчасини олганда, ҳаммасини¹.

Бу вақтда мафкурачилар социалистик ўзгаришларнинг миллатнинг зиёли табақасига таъсирини жуда яхши англаб етмаган эдилар. Сабаби зиёлиларнинг 37-йиллардаги оммавий қатағонига етиб бормасдан ҳам, айти шу даврлардан бошлаб миллат зиёлиларининг аксарияти тақдирида сиёсатнинг хамласи сезилиб турган эди, «холбуки айнан зиёлиларнинг фикрлари билан техника ва иқтисодни зўрма-зўраки ривожлантиришга қаратилган давлат қизиқишлари инсоният руҳиятига қараб бурилиши мумкин эди. Тўғри, социализм тарихи ҳақидаги китобларда социализм қурувчиларининг расмий жиҳатдан жуда кўп «шоҳидликлари» бор эди. Лекин ҳар доим ҳам бу эсдаликлар «ишлаб чиқариш илғорларининг» хотиралари бўлиб, улар эътиборли цензорлар томонидан меҳнат ташаббускорларининг бахтли ҳаёти ҳақидаги хикояларга айлантирилган. Албатта у китоблардан мансабга интилмаган ва нашрларда чиқишга ҳаракат қилмаган, ҳалол яшаб, ишлаган оддий меҳнаткашнинг гувоҳликлари жой олмаган»².

¹ Дала тадқиқоти материаллари. Тошкент вилояти. Паркент тумани. 2003 йил, май. Респондент: Тожиной Дўстов, 1917 йилда туғилган.

² <http://www.krugosvet.ru/articles/61/1006114/1006114a8.htm>

Коллективлаштириш сиёсати водий бўйича шундай глобал миқёсда олиб борилганки, нафақат инсонларнинг шахсий бойлиги, иш кучи балки улар яшаб турган, асрлар давомида шаклланган экологик муҳит ҳам шу сиёсатнинг қурбони бўлган. Коллективлаштириш жараёнида Ўзбекистонда совхозларни ривожлантириш темпи кескин жадаллаштирилди. Агар 1927 йилда республикада 41 та совхоз ташкил этилган бўлса, 1929 йилга келиб бу кўрсаткич 66 тага етди. Совхозларнинг экин ерлари бу муддат ичида 3 мартага кўпайди¹. Бу ҳолат биринчидан миллат бойларини қулоқ қилиб миллат ерларидан эгасизларча фойдаланишни келтириб чиқарди. Ушбу сиёсатнинг натижаси тез вақт ичида Марказий Осиё минтақасида экологик баланснинг бузилишига олиб келди. Буни Орол денгизи мисолида кўриш мумкин. Иккинчидан, аҳоли яшаб турган табиатга таҳдид тафаккур тарзидаги деструктив ўзгаришларни келтириб чиқарди. Социолог олим Э.Фроммнинг «Инсон деструктивлиги анатомияси» китобидаги инсон тафаккури деструктивлиги омилларини таҳлил қиладиган бўлсак, инсон яшаб турган табиатга таҳдид унинг маънавиятига нисбатан некрофил муносабат деб хулоса чиқариш мумкин. Чунки табиатга таҳдид инсоннинг нафақат физиологик ўзгаришига, балки тафаккур тарзидаги деструктив жараёнга олиб келади.

Марғилон шаҳрида олиб борилган учинчи суҳбатда Мансуров Сайидалихон хожи маълумотига кўра колхоз терилган пахталарни қуритиш учун хонадонларга ер ости танчаларни қурдирган ва бу танчаларга ёқилғи сифатида боғлардаги мевали дарахтлар ёқилган: Мева, қанақа мева, буни айтиб берсам, машу ўзимизни Марғилонда Қаторбоши маҳалламизда боғлар бор эди, одамларнинг боғи. Кечалари ётсез, булбуллар сайраб, эшитиб турар эдингиз. Қизил иштон деган қуш бўлар эди, йўқ бўлиб кетди. Кечалари тақир-туқур қилишарди. Шулар, шундай ҳамма ери боғ эди. Энди ҳалиги қарабсизки, мевани сероблиги, олма, беҳи, бошқа-бошқаларни тўкилиб ерга

¹ Рабич Р.Г. Формирование и развитие социальной структуры Узбекистана.- Ташкент: 1991. 49-с.

ётган жойида олиб келиб, тўғраб, кепак сепиб мол-қўйга берардик, сероблигидан. Шу нарсани кўзим билан кўрганман, ҳеч эсимдан чиқмайди, алам қилади. Каранг ҳалигини натижасида, сушилкага ёнғоқ борми, ўрик борми, бодом борми, нима мева бўлса олиб келиб ёқиларди-да ¹.

Совет тузумининг коллективлаштириш сиёсати мафкураси моҳиятида кишиларда манқурт дунёқарашини шакллантириш, кучли ҳокимиятнинг ҳар қандай ўйинларига бўйсунуш характери тарбиялаш мақсади ётар эди. Бунинг оқибатида деярли янги маданият, инсоний қадрият, тарихий ўтмишни инкор этиб, жамиятнинг табиий шаклланган тизими ҳосил қилган инсон ва жамият муносабатлари қонуниятларини инкор қиладиган маданият вужудга келди.

Мазкур маданият инсонларнинг ахлоқий кўникма ва психологиясини ҳам ўзгартира борди. Колхозчи учун колхоздан ниманидир ўғирлаш, кимнингдир ҳақиқа хиёнат қилиш уят бўлмай қолди. Меҳнатдан манфаатдорликнинг йўқлиги туфайли меҳнатсеварлик, меҳнатга ижодий муносабат хусусиятлари йўқола борди. Бу оилавий муносабатларда ҳам ўз ифодасини кўрсата борди. Ўзбек оиласида бир неча асрлар ҳурмат, қадр-қиммат, эътибор ва эъзоз асосида шаклланган эр ва хотин, ота-она ва фарзанд муносабатлари ҳам путур топа бошлади. Давлатдан, сиёсатдан кўрқиб иккиюзламачилик, тилёғламалик, лаганбардорлик иллатларини келтириб чиқарди.

Марксистик социализм идеаллари асосида иш юритувчи совет давлатининг колхозлаштириш сиёсати бойларни, деҳқонларни, ҳатто болаларни ана шу сиёсатнинг тепасида турган амалдорлар томонидан эксплуатация қилиш ва инсон ҳуқуқларини топташнинг намунаси бўлди.

Р: У вохтинда похто оз ади. Оно ошо оттиз иккинчи, оттиз еддинчи йилларда похто болди. Осонг [шундан кейин] биза колхозчи болдуқ. [бўлдик]. Ер оғдар, ер оғдар [ер чоп], неда [қаерда] иш боса [бўлса] осонг

¹ Дала тадқиқота материаллари. 2001йил, август.

[ўша ерга] иношу [ана шу] билан хитой каналина қўёрдила [қўяр эдилар] алимда[қўлимда] олтойлик [олти ойлик] бола билан, шолларда ишладик[чўлларда], шу қази-қази [қазув] майдонларда, ҳозир ина инди [мана энди] олтмиш еддими, олтмиш олтами[66] бўлган қизим. Шунини орвого [аравага] солиб, шу хитой конолига қазувга қўёрдила мани, ер оғдар, зейкаш қоз [ариқ қази] ина шу акиш гунла [мана шу оғир кунларда] ер оғдориб олардик.

И. Кизингизга ҳомиладор бўлганингизда ҳам ер ағдарганмисиз?

Р. Ховва. [ха]

И. Чиқмайман десангиз ҳам олиб чиқармиди?

Р. Ховва, шу воҳтинда гатаварасан[кетаверасан], похта терасан, қирқ кило аллик кило, похта териб, ер суғорардик.

И. Пахта тергин , деб ким олим чиқарди сизни?

Р. Бирғода [бригада бошлиғи]

И. Бригадир?

Р. Ховва.

И. Бригадирнинг исми нима эди?

Р. Ёўқолиб гатти у.

И. Исмини эслай оласизма?

Р. Жамаёз Боважонов, Жумаёз бриғода дер адик, Райимбой ва кўп одамлар бриғода бўлим атти [ўтти].

И. Яхшимиди улар?

Р. Яхшиси ҳам , ёмони ҳам бор ади. Таёқ йи, таёқ йи бир бирғодамиз бор ади, иношу гун чиқара [кун чиқарга] қарасак, ежакимз таёқ ади[ейишимиз таёқ эди], шу қора тун [сахар]бориб ётсак бўладида, занг урардила, шунда зангга етиббормасак, ежакимиз таёқ ади. Она инди ҳали [ана энди ҳали] шу таёқ еганим боисинан ина шу каллам тўқсона кирди, худо ёш берса.

И. А занг уришига етиб бормаса, таёқ билан урар эдимиз?

Р. Ҳовва.

И. Ким урган бошингизга таёқ билан?

Р. Ай, ганча отиб гатти, начанчи йиллар ади, олиб гатти.

И. Бошингиз лат емаганми?

Р. Конаган, ховва.

И. Нечанчи йиллар эди бу?

Р. Кирқ олтинчи йилларда. Кирқ олтинчи йилларда бир бола бўлди [туғилди], осонг , шу болани амизаман деб гатсам, маннан сўрашминг гаттинг даб, ур-ур, она шунинг бўлиб, ина, олло таоллонинг барган ёшина шукур, инди тоқсон ёш қораётирман.

И. Эркак киши ўрдими сизни, аёл кишими?

Р. А?

И. Эркакмиди ?

Р. Ховва, аркак ади¹.

Хулоса қилиб айтганда, оғзаки тарих методи орқали ўтган аср бошида Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида тафаккур тарзининг динамик ривожини таҳлил қилишни ўрганиш ҳозирги кунда биз учун умуман янги бўлган фактларни берди. Босмачилик ҳаракатлари, коллективлаштириш, бошқа ижтимоий-сиёсий ҳодисалар билан боғлиқ шаклланган миллий тафаккур тарзидаги хусусиятлар таҳлил этилди. Шунинг учун айтиш мумкинки, айнан оғзаки тарих методи орқали тўпланган материаллар билан бошқа тарихий фактларни қиёсий ўрганиш очарчилик, қатағон каби ҳозирда муҳим ҳисобланган муаммоларни тадқиқ этишда ҳам катта аҳамият касб этади. Чунки «оғзаки тарих» материаллари нодир манба бўлиб, бу маълумотларни бугун олишимиз мумкин, эртага эса йўқ. Масалан, бир тадқиқотда ушбу услубда иш олиб борган бир олимнинг эсдаликлари мавжуд: «Бир юз тўрт ёшга кирган бир оқсақол кечга томон ўғлини юбориб, менга ўша жойнинг номи қандай аталишини эслаганини айттириб юборди. Аср бошида у

¹ Дала тадқиқота материаллари. 2001йил, август. Хоразм. Респондент: Рўзигул момо. 1918 й туғилган.

жойнинг номи «Ўрис мачит», деб аталар экан. Бундай номланиш маънони тўғри тушунишдан келиб чиққан эди: христиан черкови, демак рус мачити дейилиши керак. Эрталаб эса мен қарияга миннатдорчилик билдириш учун уникига бордим ва билдимки, у тунда қазо қилган экан».

Коллективлаштириш бўйича олиб борилган суҳбатлар қанчалик бир бирига ўхшаш ва ҳодисалар жиҳатидан бир-бирини такрорловчи бўлмасин, улар ҳар бири алоҳида тарих ва алоҳида фожиадир. Бу нима учун сургун ёки қатл этилганини тушунмаган деҳқон, етим қолган фарзандлар ва бева қолган ёки турмуш ўртоғининг қисматини бўлишган аёллар, оилалар, уларни бирлаштириб турган миллат фожиаси. Сиёсатда, маданиятда, иқтисодда рўй берган ушбу фожа изсиз йўқолмай, у инсонлар тафаккурига, бутун бир миллат тафаккурига ўз таъсирини ўтказди. Солженицин таъбири билан айтганда, XX асрни йўқотишга сабабчи бўлган ижтимоий экспериментнинг энг даҳшатли оқибати ҳам совет иттифоқи ҳудудида, ўзбек миллатида сиёсатдан бегоналашув, сиёсатдан кўрқиш каби деструктив ўзгаришларни шакллантирганида эди.

3.2. XX аср 30-йиллар иқтисодий таназзули ва миллий ментал ўзгаришлар

Тарихнинг бир хусусияти борки, сиёсат, мафкура унинг саҳифаларини қанчалик ёлғон сўзлар билан беркитмасин, ундаги даврлар ўз номи билан аталади. Ўзбек халқининг ўтган асрнинг 33-34 йилларида содир бўлган даҳшатли кечинмалари тарихи ҳам халқ тилида ўз номи билан қолган. Бу очарчиликдир. Ҳолбуки совет давридаги бирор бир китоб, архив материалларида ушбу ижтимоий воқеа ҳақида бирор оғиз сўз айтилмаган. Мустақиллик йиллари даврида қайтадан кўриб чиқилган Ўзбекистоннинг совет даври тарихида ҳам халқнинг очарчилик йилларидаги мудҳиш ўтмиши ўрганилмаган. Ўзбек халқининг оқилона таъбири билан ойни этак билан ёпиб

бўлмайди, дейилганидек, бу сиёсат ҳақидаги маълумотлар қанчалик сир тутилган бўлмасин, архив ҳужжатларидан қанчалик йўқотилган бўлмасин, халқ хотирасидан, қисматида очарчиликнинг даҳшатларини кўрган инсонлар хотирасидан 33-43 йиллар воқеалари ўчмаган. Очарчиликни ўзбек ижтимоий-гуманитар фан соҳаларида ўрганиш, у ҳақидаги ҳақиқатларни илм-фанга олиб кириш эса мазкур соҳага тегишли зиёлиларнинг халқ олдидаги қарзи ва вазифасидир.

Қолаверса, ижтимоий фалсафа соҳасида, ўзбек менталитети билан боғлиқ йўналишда бу мавзунини ёритишга ҳаракат қилиш, ижтимоий фалсафа ва ижтимоий ҳаёт, фан ва турмуш, назария ва амалиёт, объектив ҳақиқат ва мафкуралаштирилган тарих муносабатларини ойдинлаштиришга ҳам бир уринишдир. Ўзбек менталитетида демократик дунёқарашни шакллантиришга бугунги кунда мафкура соҳасида қанчалик ҳаракат қилинмасин, унда тарих даҳшатлари ҳосил қилган изларни силлиқлаш, деструктив ўзгаришларни даволаш жуда мушкул вазифа. Шунинг учун ҳам эрта-кечми Ўзбекистонда ҳали жуда яхши шаклланмаган этнопсихология, социалпсихология, социал антропология йўналишларида бу даврга қайтишга, умуман, ўзбек этнопсихологиясини, ментал дастурини алоҳида таъсир кўрсатган даврлар бўйича ўрганишга мажбур бўлинади, эҳтиёж сезилади, деган мулоҳазаларимиз бор.

Ўтган асрнинг 33-34 йилларида юз берган очарчилик ҳодисаси совет тузумининг коллективлаштириш сиёсатининг мудҳиш оқибати эди. Қолаверса, ушбу сиёсат ҳақидаги мантикий хулоса, респондентлар билан суҳбатлар унинг халқ кўлидаги охирги бойлигини тортиб олишга қаратилганини ҳам кўрсатади.

Юқоридан бўлган инқилоб совет давлатидаги ўн миллионлаб ўзига тўқ деҳқонларни қулоқ тамғаси остида ўлимга маҳкум қилди. Бу ҳақда Сталин

Черчилл билан суҳбатда шахсан таъкидлайди¹. Қулоқлаштиришнинг оқибати икки йил ўтмасдан оммавий очарчиликни келтириб чиқарди. Ушбу тарихий ходиса бўйича мавжуд бўлган материалларда очарчилик қамраб олган барча ҳудудлар эслатилмайди: «Буюк бурилиш» нинг оқибати нима бўлди? Кишлоқларнинг, айниқса Украина, Шимолий Кавказ, Поволжье, Қозоғистон қишлоқларининг аянчли тарих саҳифалари 1932-1933 йиллар очарчилиги эди»². Сталин тузумида қатағон қилинганларни оқлаш бўйича комиссия раиси А.Н.Яковлев очарчилик даврига сабаб, «энг даҳшатли жиноят, юз минглаб деҳқон оилалари нималар содир бўлаётганини англамасдан ўзи қурган давлатда ўз қишлоғидан қувилишида»³, - дейди. А.И.Солженицин шу давр сиёсатчилари ҳақида: «рус миллатининг юзлаб ташаббускор, меҳнаткаш, ақлли деҳқонларини суғуриб ташлашди»⁴, - деб ёзади. Кулоқ қилинганлар деҳқон хўжалигининг энг камида 1,1-1,2 млн., яъни 4-5% ни (6 млн. га яқин одам) ни ташкил этса, улардан 381 минги алоҳида ҳудудларга сургун қилинган, яна бир қанчаси ўзлари мол мулкларини ташлаб кетганлар ҳисобланади. Баъзи маълумотларда эса 2 миллиондан 5 миллион хўжаликкача, яъни 8-16% ни (10-20 млн. одам) ни ташкил қилади⁵. Бу маълумотларни Россияга тегишли эканини ҳисобга олсак, Украина, Шимолий Кавказ, Қозоғистон, Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа ҳудудлари бўйича статистика янада кўпаяди. Тарихий маълумотларда Ўзбекистон ҳақида эслатилмагани бошқа масала бўлиб, бу миллий идентификация жараёнида ҳар бир мустақил давлат маълум бир тарихий ходисада ўз ўрнини топиши билан боғлиқ ҳолат. Ҳолбуки, қуйида

¹ «Реестр смерти», составленный Конквестом, определяет общее число крестьян, ставших жертвами коллективизации (погибшие в результате раскулачивания, от голода, скончавшиеся в зонах и др.), цифрой 14,5 млн. (КОНКВЕСТ Р. Ук. соч., с. 445).

Буҳақда қаранг: [http://regadm.tambov.ru/oiv/smi/site/arhiv/Arhiv_petrovka/2005/74-76/74-75%20\(11213-1214\)22%200605/7475_112131121422_0605.htm#“ВЕЛИКИЙ ПЕРЕЛОМ В ДЕРЕВНЕ](http://regadm.tambov.ru/oiv/smi/site/arhiv/Arhiv_petrovka/2005/74-76/74-75%20(11213-1214)22%200605/7475_112131121422_0605.htm#“ВЕЛИКИЙ ПЕРЕЛОМ В ДЕРЕВНЕ)

² [http://regadm.tambov.ru/oiv/smi/site/arhiv/Arhiv_petrovka/2005/74-76/74-75%20\(11213-11214\)22%200605/7475_112131121422_0605.htm#“ВЕЛИКИЙ ПЕРЕЛОМ В ДЕРЕВНЕ”](http://regadm.tambov.ru/oiv/smi/site/arhiv/Arhiv_petrovka/2005/74-76/74-75%20(11213-11214)22%200605/7475_112131121422_0605.htm#“ВЕЛИКИЙ ПЕРЕЛОМ В ДЕРЕВНЕ”)

³ Правда, 4.VII.1990.

⁴ История СССР, 1990, № 5, с. 25

⁵ История СССР, 1989, № 3, -С. 6, 29-60; Родина, 1989, № 8, -С. 35; Октябрь, 1988, № 11, -С. 101

Ўзбекистон бўйича келтирилган маълумотлар юртимизда ҳам очарчилик Украинада эътироф этилганидек, геноцид ҳодиса эканини исботлаб бера олади. Украинада бу ҳодисани алоҳида миллатга қарши сиёсат деб кўрсатилиши 1991 йилда мактаб дастурига «голодомор» - очарчилик қиронига, геноцидга бағишланган дарслар билан бошланади. Украинлар геноцид сўзи остида сиёсий террорни назарда тутиб, бу сиёсат Сталин томонидан айнан украин халқига қарши қаратилган, деган ғояни илгари сурганлар. Украинада очарчилик қиронидан ўлганларнинг сони турли илмий материалларда турли хил кўрсатилади. Марказий Комитет хабарлари ҳақидаги журналда бу 4 млн. ни ташкил этса¹, бошқа мақолаларда 10 млн., шу жумладан 4 млн. болалар ўлимини ташкил қилади². Шунинг учун ҳам Украинада 2003 йилда очарчилик қирғинининг 70 йиллигига бағишланган, энг мудҳиш, ноҳақ ҳодиса сифатидаги маросим бўлиб ўтди. Унда қирғиннинг ижтимоий, психологик, демографик оқибатлари алоҳида таъкидланган. Канада, АҚШ, Австралия ва Аргентина ҳукумати бу воқеани Украинага нисбатан геноцид сиёсат сифатида эътироф этган ва Украина ҳукумати БМТ дан бу ҳақда қарор чиқаришни илтимос қилиб мурожаат этади. Бу жараён кўрсатиб турибдики, миллат тарихини тиклашга, миллат тарихига бутун жаҳон ҳамжамияти эътиборини қаратишга уриниш бошқа худди шундай сиёсатни бошдан кечирган МДХ давлатлари учун ўрнатилган даражада. Очарчиликнинг оқибатлари ва қиронлари барча МДХ давлатларининг барча ҳудудларида аянчли оқибатларга олиб келган. Совет даври тарихида бир миллат иккинчисидан яхшироқ ёки бошқачароқ жараённи бошидан кечирди деб айтиб бўлмайди. Лекин мустақиллик даврида бу ҳодисаларни ёритишга муносабат миллий мафкурада ҳар хил бўлиши мумкин.

¹ Известия ЦК КПСС, 1990. № 11, -С.177.

² [http://regadm.tambov.ru/oiv/smi/site/arhiv/Arhiv_petrovka/2005/74-76/74-75%20\(11213-1214\)22%200605/7475_112131121422_0605.htm#“ВЕЛИКИЙ ПЕРЕЛОМ В ДЕРЕВНЕ](http://regadm.tambov.ru/oiv/smi/site/arhiv/Arhiv_petrovka/2005/74-76/74-75%20(11213-1214)22%200605/7475_112131121422_0605.htm#“ВЕЛИКИЙ ПЕРЕЛОМ В ДЕРЕВНЕ)

Очарчиликнинг барча ҳудудларда бир хил сиёсат остида олиб борилганини тарихий ҳужжатлар орқали кўрса бўлади. Бу ижтимоий ҳодисанинг асосий сабаби совет сиёсатида кўрсатилганидек, 1931-32 йилларда ҳосилдорликнинг етарли бўлмаганида эмас эди. Бу йилларда ҳосилдорлик кўрсаткичи аввалги йиллардан озгина фарқ қиларди, холос. Бундан олдинги параграфда таъкидлаб ўтганимиздек, 1930 йилга келиб дунё бозорида буғдойнинг баҳоси кескин тушиб кетди. Айнан шу вақтда совет иттифоқида бошқа мамлакатлардан саноат қурилмалари, айниқса қишлоқ хўжалик техникаси импорт қилиниши кутилаётган эди. Импорт қилинаётган маҳсулотлар тўлови учун катта миқдордаги дон маҳсулотларини экспорт қилиш керак эди. Саноат қурилмалари тўлови учун катта миқдорда валюта зарур бўлган. Дунё миқёсидаги иқтисодий инқироз буғдойга бўлган нархнинг кескин тушиб кетишига олиб келса ҳам, нон маҳсулотларини четга олиб чиқиш нархи кўтирилиб кетади. 1930 йилдан 1932, 1933 йилларгача дон маҳсулотлари экспорти тобора ўсиб борган. Шунинг учун ҳам ҳар бир колхоздан ҳар бир дона буғдой охиригача йиғиб олинган. Буғдой топшириш режасининг сунъий равишда ўсиши 1931 йиллардан бошлаб барча колхозларда очарчилик элементларини келтириб чиқарган эди. Бунинг устига ана шу йиллар давомида ғалла топшириш режасини амалга ошира олмагани учун район, колхоз раҳбарларини, бригадирларни сиёсатга қарши душман-«саботажчи» номи остида ёппасига қамаш ишлари олиб борилган. Шимолий Кавказда қишлоқ коммунистларининг 45 фоизи, Кубанда минглаб аҳоли колхоз планини бажармагани учун ёмон ерларга сургун қилинган. Ўзбекистон Марказий Давлат архивининг ана шу йиллар маълумотларини солиштираётган бўлса, бу даврдаги

материаллар характери бир неча йўналишда туркумлашиши мумкин. Булар 1933 йилдан 1937 йилларгача кулоқ қилинганлар алфавит рўйхати, маккажўхори ва дон топшириш ишлари бўйича колхозларда олиб борилаётган ҳисоботлар, ҳар бир йиллар учун олиб борилган хусусий амнистиялар рўйхати, 1933, 1934, 1935 йилларда сунъий равишда уюштирилган социалистик мусобақалар бўйича рўйхатлар¹. Тарихий ҳужжатлар йўналиши бир-бирдан фарқли бўлиб кўринса-да, улар ўша даврдаги совет сиёсатининг мантиқий моҳиятини ҳамма томондан очиқ беради. Ана шу йилларда буғдой етиштириш бўйича кетаётган камчиликни тўлдириш учун зўр бериб маккажўхори етиштиришга ҳаракат қилингани барча вилоятларга тегишли ҳужжатларда ўз ифодасини топган. Хусусий амнистиялар бўйича маълумотлар ҳам 32-35 йилларда бошқа йилларга нисбатан анча кўп.

Мамлакатнинг иқтисодий сиёсати фақатгина халқнинг охириг донини тортиб олишга қаратилмай, унинг кўлида қолган моддий бойлигини ҳам йиғиштириб олишга мўлжалланган эди:

Р: Боя айтганимдек, ҳалиги, ўқиган вақтимизда, 33-йилда бир томонда очарчилик, бир томонда вабо касали бино бўлган.

И: Эпидемиями?

Р: Эпидемия бўлган, касал бўлган.

И: Очарчилик ҳам, эпидемия ҳамми?

Р: Ҳа, 33 – йилда, шунда, Ақром акам, самаворчи айтишича, очликдан болалар ўлиб-ўлиб қолвурган. Биз ўша вақтда ўқийдиган вақт. Болалар, -

¹ ЎзР Марказий Давлат Архиви. Ф-86,О-10, ед.хр.111. Алфавитная книга кулаков за 1932-33годов. ЎзР Марказий Давлат Архиви. Ф-86,О-10, ед.хр.603. Алфавитная книга кулаков за 1934год. Ф-86,О-10, ед.хр.862. Алфавит кулацких дел за 1935-36год.

ЎзР Марказий Давлат Архиви.Ф-86, О-10, ед.хр 243. Протоколы горсоветов и райисполкомов Ферганской долины. ЎзР Марказий Давлат Архиви. Ф-86,О-10, ед.хр.846-848, 1508. Комиссия по приминению частной амнистии. ЎзР Марказий Давлат Архиви. Ф-86,О-10, ед.хр.210-213. Материалы по проведению конкурса наилучший сельсовет.

«опа-нон, опа нон», - деб ўлиб қолвурган. Очликдан шишиб ётганлари ҳам бўлган, азоб бўлган¹.

Шу каби маълумотлар Фарғона водийсидаги бир неча интервьюларда ҳам учрайди:

Р: 1930 йил ўтгандан кейин, 1933 йилда ўртоқ Сталин,-«бирор бир тийин чиқарсанг банкадан, отаман»,- деб пулни чиқартирмади. Ҳа энди, ҳаммаёқ пулсиз, эмасми, очлар тикилиб кетган, пул йўқ, ҳамма очидан ўлиб қолди. Пул йўқ-да. Ана энди нимага шунақа қилди? Бойларни тилла пули, бор маблағларини, бойликларини, тиллаларини Сталин приказ қилиб, бир ярим ойда олди. Бир ярим ойгача жуда ёмон бўлди...

И: Ўшани эвазага нима берди? Ўша тиллаларга нима берди?

Р: Ун берди.

И: Каерда, колхозда бердимми?

Р: Тилла дўконларида қабул қилди. Будкалар, дердик. Ҳамма бориб ўшаёққа топширди-да, бор-йўқ тилласини!

И: Тилла дўконлари пайдо бўлган-а?

Р: Ҳа, тўрт коп ун олиб келдилар, бир флягада, катта флягада оқ ёғ берди. Мана бу кўчамиззи ёнида қандолатфуруш бор эди. Фарзанди йўқ эди. Эридан қолган. Унга битта қўшниси юз грамм ёғ сотибди. Шу эшак ейдиган шўра бор-ку, эшак ейдиган, қўшниси чиққан экан, шуни олаётса, дод деб, устига ётиб олибди, ўзим ейман, деб. Ман ўзим ёғ сотиб олдим, ўзим пишириб ейман, дебди. Чик, деб хайдаб чиқариб юборган экан. Шуни ман ўз кўзим билан кўрганман. Мана шунақа иморатларни ўн килограмм унга ким олади, деб ёзиб қўйган. Кўчадан кираверишда, ешикда афиша қилиб, эълон қилиб, ёзиб қўйган, ўн килограмм унга ёки ўн кило буғдойга сотаман, деб. Бир марта бола – чақам билан тўйиб еб олсам, армоним йўқ, дейишарди

¹ Дала тадқиқоти материаллари. Тошкент вилояти. Паркент тумани. 2003 йил, май. Респондент: Тожибой Дўстов, 1917 йилда туғилган. Интервьюёр Ш.Мадаева.

одамлар. Ўн кило ун уч кун, тўрт кунга етади ахир, қизларим, шуни биров ола олмади-да.¹

Ана шу даврдаги халқни оммавий очарчиликка маҳкум этиб ғаллани экспрорация қилишдаги совет тузумининг «ғалабаси» Ғарб дунёси томонидан турли таъриф у талқинларга учради. Маълумки, ўша даврда дунёнинг икки қутбли муносабатларга бўлиниши вазиятида Ғарб мухбирлари совет воқеълигини ёритишга ҳаракат қилганлар. 1922-1941 йиллар давомида «Нью-Йорк Таймс» газетасида ишлаган, ўша шароитда Сталин билан суҳбатлашишга муваффақ бўлган ягона мухбир ҳисобланган Уолте Дюрантининг бу ҳақда жуда кўп мақолалари эълон қилинган. Лекин Дюранти Сталиннинг 30-йиллардаги геноцид сиёсатини ҳаспўшлаб ғарб дунёсига нообъектив кўрсатган мухбир сифатида ном олади. Сабаби бу ҳолатни мухбир англаган тарзда амалга оширган. «The Times» газетасининг мухбири ёзишича, Дюранти ўз мақолаларида Сталиннинг «эволюцион тарихий бурилиши» учун «икки миллион ўлик россияликлар» ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас, деб ёзган¹. 1933 йилда эса у оммавий очарчилик ҳақидаги аҳволни инкор этиб, буни «шунчаки ташвиқот», деб баҳолайди. Ундан бир йил аввал эса «Нью-Йорк Таймс» нинг 14 майдаги сонида у тарихда ўзининг «тухумни чакмасдан туриб, омлет қилиб бўлмайди», деган машҳур иборасини қолдиради². Америкадек инсон ҳуқуқлари ва демократия тарғиб қилинадиган мамлакатда Дюранти 1931 йилда очарчилик ҳақидаги мақолаларининг объективлиги учун Пулитцеров кумитасининг мукофотига лойиқ деб топилган эди.

1986 йилда Роберт Конквестнинг «Қайғу ҳосили» номли китоби нашридан сўнг Дюрантини Сталин сиёсати тарғиботчиси ва ташвиқотчиси

¹ Дала тадқиқоти материаллари: Марғилон шаҳри, 19 август 2003 йил. Респондент Мансуров Саидалихон, 1921 йилда туғилган. Интервьюэр Ш.Мадаева.

¹ <http://lugansk.org.ua/cgi-bin/gazeta/print.pl?pbl=2003112608>

² Ўша манба: 2003112608

сифатида кўришди. Америкадаги Украина конгресси ярим асрдан сўнг уни Пулитцеров мукофотидан бир умрга маҳрум қилади.

Украинадаги очарчилик даҳшатлари инсонни ўзлигидан бегоналаштиришга олиб келувчи, инсон табиатига хос бўлмаган ночорликларни келтириб чиқарди. Украина бўйича кўпгина фактларда инсонлар тирик қолиш учун, ейиш учун ман қилинган турли жонзотлар, кучук, мушук, сичқонларни егани ҳақида маълумотлар учрайди. Ўзбекистонда бундай ҳолатлар ягона ҳодисалар ҳисобланса-да, Ҳоразм вилояти дала тадқиқоти материалларида учрайди.

Ўзбекистонда очарчиликдан қаттиқ азият чеккан ҳудуд Фарғона водийсидир. Фарғона водийсида очарчилик йилларида жуда кўп қурбонлар берилганининг сабаби мевазор боғларнинг пилла ёки пахтани қуриштириш учун кесиб юборилгани эди. Шунинг учун ҳам бу ҳудудда одамлар фарзандлари нобуд бўлмаслиги учун ўз фарзандини сотиб юборган, ёки буғдой, унга алишган ҳолатлар ҳақидаги хотираларга дуч келамиз.

«Зоминдан келишиб, халиги Латофатнинг қизини, ўғлини, олиб кетишган 10 кило унга, 10 кило буғдойга. Йиғи-сиғи қилиб уларни олиб кетган. Зоминнинг, мана шу Зоминнинг ярми бизнинг Марғилоннинг халқи»¹.

Очарчилик йилларида омон қолиш учун Фарғона водийсининг барча ҳудудларида кунжара, ўтлар, дарахт барглари ва егулик учун яроқсиз чиқиндилар ейилгани ҳақида маълумотлар бор:

«Энди ўша даврда, айланиб келиб эсимда қолгани 33-32-йилларда очарчилик бўлди. Ёш боламиз, энди, машу, ўрисчасига айтиб қўяман, кун йигирма тўрт соат бўлса, кун бўйи очеретда турар эдик-да! Качаси кун совуқми, иссиқми, очми, ялонғочми, мундей, киптизга номер берар эди, ёзиб қўяр эди, биринчи, иккинчи, учинчи қилиб. Котта одамларга тўрт юз грамм,

¹ Дала тадқиқоти материаллари: Марғилон шаҳри, 19 август 2003 йил, Респондент Мансуров Саидалихон, 1921 йилда туғилган. Интервьюёр Ш.Мадаева.

аёлларга уч юз грамм, ёш болларга икки юз грамм, шунақа заборни берар эди.

И: Бир кунга?

Р: Бир кунга. Бир суткага. Халигини, лекигин, ейсиз, ўшаям етмайди. Бориб биров обчиқяпти нонни, оч-ку. Мана шу Нурхон, ҳозир Нурхон деймизку, ҳалиги ўртадаги бозорда ҳайкали бор эди, об ташлашди яқинда. Ўшатда Носирхон ака деган одамми магазини бор эди... Шу магазинда кечаси билан кетмай туриб очеретда турса, бир одам нон олиб чиқиб кетган экан, биттаси келиб, югуриб бориб кўлидаги нонни юлиб олиб югура туриб оғзига тиқиб-тиқиб кетяпти. Арқасидан бориб биров бир урди! Йиқилиб тушиб оғзидан қора қон келиб ўлганини ўз кўзим билан кўрганман. Бўлган воқеа бу. Шунақа бўлган очарчилик. Энди, инсонлар кунжараям еган. Энди мана бу шёлк комбинат, ипак комбинат, шундан пилла оқиб чиқарди у маҳаллар. Пиллани ҳалиги ичидан чиқадиган пилла курти деймиз, сап-сарик оқиб чиқарди. Ҳудди еса бўладиган нарсга ўхшайди. Униям одамлар олиб бир нима қилиб юрди. У иссиқда оқиб чиқади, иссиқда. Шу кўзим билан кўрганман (респондент йиғлаб гапиряпти- Ш.М.), шуни ёш болалар еган. Ҳалиги кунжара билан пилла курт шиширивораркан одамми, шишиб кетаркан бола. Кўкатни ев, хом кўкатни, пилла куртини оқавасини еб, кунжара еб ўлиб қолвурган болалар¹.

Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларининг бузилиши, иш кучидан керагидан ортиқ фойдаланиш, аёлларни, ёш болаларнинг меҳнاتини эксплуатация қилиш ана шу йилларда кенг авж олган. Барча ҳудудлардаги дала тадқиқоти материалларида ҳосилни йиғиш ва дала ишлари учун эмизикли ва ҳомиладор аёллар меҳнатидан фойдаланиш, бўйинсунилмаганда жисмоний талафот етказиб ишлашга мажбур қилиш ҳодисалари бўлган. Миллат хотирасидаги

¹ Дала тадқиқоти материаллари: Марғилон шаҳри, 19 август 2003 йил, Респондент Мансуров Саидалихон, 1921 йилда туғилган. Интервьюёр Ш.Мадаева.

очарчилик даҳшатлари, иложсизлик ва ҳимоясизлик миллий тафаккурда давлатга бўлган нафрат, ғараз ва ишончсизлик характериini шакллантирди.

3.3. Тоталитар тузум қатағонлари ва миллий демократик тафаккурнинг деструктив шаклланиши

XX асрдаги совет тузумининг машъум ва тарих саҳифаларига қора ҳарфлар билан ёзилган сиёсати қатағондир. Қатағон сиёсати бир асрга бормай умр кўрган совет тузумида даврий равишда бир неча марта ўтказилган бўлса, ўрта ҳисобда кетма-кет дунё юзини кўрган уч-тўрт авлоднинг энг салоҳиятли, фикрли, ақлли фарзандларини жисмонан йўқ қилди. Коммунистик мафкура сиёсатида тарихни шахслар эмас, халқ яратади, деган тезис илгари сурилганидек, халқлар, миллатлар тарихини яратадиган шахслар йўқ қилиниб, тарих фикрсиз омма ихтиёрига топширилди.

Совет даври қатағонлари, Сталин шахси ҳақида ўтган асрнинг қайта куриш йилларидан бошлаб жуда кўп материаллар эълон қилинди. Бу борада Россия матбуоти ва илмий-адабий нашрларини алоҳида эътироф этиш лозим. А.С.Кан, А.М.Кёль, Т.Харт муаллифлигида чиққан, 2001 йил Упсал (Швеция)да нашр этилган инглиз тилидаги «Коммунистик тузумлар тадқиқоти» китоби ва шу асар асосида нашр этилган «Россия ва СССРдаги сиёсий қатағонлар ҳақида совет давридан кейинги тадқиқотлар»¹ мақоласи қатағон сиёсати материаллари бўйича атрофлича маълумот беради. Қатағон сиёсати ҳақидаги энг машҳур асарлардан бири Солженициннинг «ГУЛАГ архипелаги» асари халқаро Нобель мукофотига сазовор бўлди. Ака-ука Р.А ва Ж.А.Медведевларнинг машҳур «Тарих ҳукми олдида: Сталин ва сталинизм ҳақида» асарлари Ғарбда инглиз тилида чоп этилди ва «Ўтмиш», «Хотира» каби эмигрантлар журналларида нашр этиб борилди.

¹ Бу ҳақда қаранг Кан А.С. Постсоветские исследования о политических репрессиях в России и СССР. Отечественная история. 2003..№1.

Россия матбуотида қайта қуриш йилларидан бошлаб миллий идентификация жараёни кучайган мустақиллик даврларининг ушбу масала тўғрисидаги нашрларини кузатар эканмиз, улар журналистик чиқишлардан академик тадқиқотларга, газета мақолаларидан кўп томлик китобларга ўсиб ўтганини кўришимиз мумкин¹.

Юртимиз илм фанида ҳам мустақиллик йилларидан кейин совет даври қатағон сиёсати даврига кескин муносабатлар билдирила бошланди. Бу дастлаб қатағон бўлган жаҳид зиёлиларининг тақдирлари ва ижодига янгича муносабатда намоён бўлди. Ўзбек илм-фанида бу даврга қадар бундай қарашларни ҳеч бир тадқиқотда учратиш мумкин эмас эди. Совет даврида жаҳидлар ижоди ва қатағон сиёсатига биринчи марта одилона ва холис баҳо берилган асар сифатида фақатгина Э.А.Каримовнинг «Ўзбек адабиётида реализм ривожини»² асарини тилга олиш мумкин. Қатағон қурбонларини тиклаш, уларнинг ижодларини халққа қайтариш бўйича ўзбек адабиётшунослигининг саъй-ҳаракатларини алоҳида эътироф этиш лозим. Бу йўналишда «Истиқлол фидойилари» туркумидан аксарият қатағон қилинган истиқлол фидойиларининг ҳаёти ва ижодига бағишланган китоблар нашр этилди. Фитрат, Чўлпон, Бехбудий, Мунаввар қори, Авлоний, Сиддиқий Ажзий, Тавалло ва бошқа адибларнинг танланган асарлари тўпламлари нашр этилди. Э.Каримов, О.Шарафутдинов, Ш.Турдиев, Б.Қосимов, Б.Дўстқораев, И.Ғаниев, Ҳ.Болтабоевларнинг истиқлол фидойилари хотирасига бағишланган мақолалари эълон қилинди. Адабиётшунослик фанларининг имконияти ва доирасини эътиборга олганда ушбу тадқиқотлар илмий муҳитда ўз имкониятидан кўпроқ вазифани бажарди, дейиш мумкин. Баъзи бир ҳолларда эса юқорида номи тилга олинган адибларнинг чиқишлари ва тадқиқотларида бу

¹ Стецковский Ю. История советских репрессий. 1917-1995. В 2-т. –М: «Право»1997.; Кун М. Бухарин: его друзья и враги. –М: «Культурная революция» 1992; Павлов Д.Б. Большевистская диктатура против социалистов и анархистов.1917-середина1950-х годов. –М.: «Праксис»1999; Звягинцев А. Г. Орлов Ю.Г. Распятие революции: российские и советские прокуроры,XX в, 1922-1936 годы. –М: Госюриздат 1998; Степанова В. Свидетельство обвинения. В.3-х т. – М.: Госюриздат,1993.

² Каримов Э.А. Развитие реализма в узбекской литературе. – Ташкент; Фан,1975. 280 б.

даврга оид ижтимоий-сиёсий соҳадаги фикрларни кўриш мумкин, умумлашган хулосаларни қилишга ҳаракатни сезиш мумкин.

Ўзбекистоннинг совет тузумига оид тарихи, табиийки, мустақилликдан кейин тарих фани соҳасида ҳам қайтадан кўриб чиқилган. Айнан қатағон сиёсати ҳақидаги материаллар Россия матбуоти каби салмоқли саҳифаларни ҳосил қилмаса ҳам, бу соҳага тегишли изланишлар анчагинани ташкил этади¹.

Совет даврида олиб борилган қатағонларнинг ҳуқуқий томонларини таҳлил қилишда суд ҳуқуқ органлари ҳам алоҳида нашрлар эълон қилишди. Россияда нашр этилган «Одил суд: ислохотлар даври» ва Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги томонидан нашр этилган «Ўзбекистонда суд ҳокимияти: ислохотлар даври» фундаменталь тадқиқотлар қатағон даврларида суд ҳуқуқ тизимида суистеъмол қилинган қонунлар, инсон ҳуқуқларининг бузилиш ҳолларини таҳлил этади².

Совет даври қатағонлари бўйича нашр этилган мақолалар, илмий-оммавий материалларни кўздан кечиран эканмиз, уларда бу даврга берилган икки хил қарашни кўришимиз мумкин. Биринчи нуқтаи назарда совет сиёсатига қатағонлар Сталин шахси билан кириб келган ва шахсан Сталиннинг ташаббуси деб қаралади. Бу қарашлар, ушбу бобнинг биринчи параграфида таъкидлаб ўтганимиз, 30-йилларда совет матбуотида катта шов-шувга сабаб бўлган, оқибатда «Рютин гуруҳчилиги» деб ном олган антисовет гуруҳи раҳбари Мартемьян Рютиннинг «Сталин ва пролетар диктатурасининг инқилоби» номли мақоласидан бошланган³. Совет давридан кейинги чиқишларда ҳам аксарият муаллифлар ушбу фикрга таянади⁴.

¹ Исҳоков Ф. Об истории: объективно и честно// Правда Востока. 1993.3 авг; Хасанов Б.В. Репрессии против интеллигенции Узбекистана в 20-3-е годы и их последствия.//Ўзбекистон тарихи. 2000. №1-2; Алимова Д.А., Голованов А.А. Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйиқ оқибатлари (1917-1990 йиллар) - Тошкент: 2000; Ишанходжаева З.Р. К вопросу о влиянии репрессивных акций тоталитарной системы на культурно-духовную жизнь Узбекистана// Общественные науки в Узбекистане. 2002. №5.

² Петрухин И.Л. Правосудие: время реформ. –М: Наука. 1991; Полвонзода А.А., Абдумажидов Ғ.А ва б. Ўзбекистонда суд ҳокимияти: ислохотлар даври. –Тошкент: Адолат. 2002.

³ Известия ЦК КПСС, 1990. № 11, -С.177.

⁴ Михеев В.И. Роль спецслужб в осуществлении репрессивной политики советской власти 1920-ч – начале 1930-х годов. Отечественная история. 2005..№1; Из истории формирования культа личности Сталина (А.Барбюс и создание биографии «отца

Иккинчи хил характердаги қарашларда эса қатағон сиёсати совет даври диктатура тузумининг табиатида бор эди, деган фикр илгари сурилади¹.

Совет даври қатағонларига адабиёт, тарих, публицистика соҳаларида қанчалик ўз вақтида жавоб берилди ёки йўқ, бу ушбу масала кўтарилган ҳудудлар, халқлар, муаллифларнинг ўзлигини англаш жараёнига, миллий идентификациясига, маълум маънода менталитетига боғлиқдир. Сабаби қатағон сиёсатлари ҳақидаги чиқишлар ҳам ҳудудий нуқтаи назардан коллективлаштириш ва очарчилик сиёсати ҳақидаги материаллар каби манзарани эслатади, гўёки бу сиёсат фақат Россия, Украина ва Қозоғистонда бўлгани каби. Бунга сабаб албатта, публицистик ёки илмий муҳитдаги ҳудудий ва миллий дискриминация эмас, деб ўйлаймиз. Бундай ҳолат бошқа ҳудудларга тегишли миллий зиёлиларнинг халқаро ёки постсовет муҳитида ўз ҳудудидаги ушбу масалага тегишли ҳолатни етарли даражада ёритиб бера олмагани билан белгилангани ҳақиқатга яқиндир. Лекин қатағон сиёсатларининг маънавий оқибатлари СССР таркибига кирувчи миллатларнинг барчасига салбий таъсир кўрсатгани колониал менталитет таҳлилига оид аксар илмий материалларда ўз аксини топган. Қатағон сиёсатига совет даврининг сўнгги йилларида миллий характернинг шаклланиши таҳлилига оид назарияларда, жумладан Л.И.Рейснер таҳрири остида чиққан «Эволюция восточных обществ: синтез традиционного и современного» номли фундаментал тадқиқотда бир неча марта содир бўлган қатағон сиёсатлари тафаккурда сиёсатдан кўрқиш ва тобелик каби деструктив ўзгаришларнинг иммунитетини ҳосил қилади деган фикр билдирилади¹.

Коллективлаштириш давридаги маънавий қатағон, 37-38 йиллардаги миллат зиёлиларини жисмоний йўқ қилиш қатағони, 53-йиллардаги Сталин

народов» в начале 1930-х гг.) Отечественная история. 2006..№1?; Бакулин В.И.Кадровые чистки 1933-1938 годов в Кировской области. Отечественная история. 2006. №5

¹ Куртуа С., Верт Н. Панне Ж. Черная книга коммунизма. – М.: 1999; Кан А.С. Постсоветские исследования о политических репрессиях в России и СССР. Отечественная история. 2003..№1.

¹ Рейснер Р. Эволюция восточных обществ: синтез традиционного и современного. - М.: Прогресс, 1981.- С. 431.

катағони, 85-йилларда ўзбекларда пахта иши деб номланган жисмоний катағон каби катағонлар ушбу катағонларнинг гувоҳлари авлодларида ҳам, миллат келажаги бўлган ёшлар онгида ҳам салбий иммунитетларни ҳосил қилган. Бир аср давомида даврий равишда уюштирилиб турилган катағонларнинг миллий менталитетга таъсирини комплекс тарзда қуйидагича таҳлил қилиш мумкин. «Халқимиз бошига тушган қирғинбарот урушлар, иқтисодий ва маънавий хўрланишлар миллат табиатида бефарқлик, конформизм, мутелик, ҳар қандай зўравонликларга кўниш хислатларининг юзага келишига сабаб бўлди. Бу эса халқнинг ташқи таъйиқларга қарши тура олиш, хавфларга қарши курашчанлик иммунитет кучини сусайтириб юборди»¹. Бу каби хулоса бир сўз билан айтганда менталитет назариясида колониал менталитетга хосдир².

Ўзбек менталитетида сиёсатдан бегоналашув, давлатдан кўрқиш, ҳукумат органларига ишончсизлик ҳиссининг шаклланишидаги асосий сабаблардан бири совет тузумида доимий равишда инсон ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатидир. Сўз совет даври катағони хусусиятлари унинг миллий тафаккурга таъсири, уларнинг тарихий-тадрижий босқичлари ҳақида борар экан, шубҳасиз мамлакатимиз тарихидаги энг аянчли суд юритувчи даврини яъни «сталинча суд»ловни қисқа бўлса-да таҳлил қилиб ўтмаслик мумкин эмас.

Ўтган асрнинг 30-40- чи йиллари судлов юритуви соҳасида «ислохотларни» амалга ошириш етакчи вазифа бўлиб, ушбу даврнинг асосий процессуал-ҳуқуқий хусусияти бевосита ғайри процессуал муносабатларнинг судлов юритуви маконига олиб кирилиши билан характерланади.

Советлар ҳокимият тепасига келган вақтдан то ҳокимиятдан кетгунларига қадар сиёсат катағонларга асосланиб келди. Улар аввал «қизил

¹ Бекмуродов М.Б. Миллий менталитет ва раҳбар маънавияти. -Тошкент: Адолат, 2003. 6-б.

² Ачария Б. Политический менталитет россиян глазами иностранного ученого// Вестник Российского университета дружбы народов.- Серия: Политология. 1999. №1. 108-б.; Андрианова Т.В. Геополитика и культура.-М.: Политика, 2001. 24-б.

террор» орқали ўз ҳокимиятларини шубҳа остига олган ёки қарши курашганларни қатағон қилдилар, кейин «оппортунистик оқим аъзолари» остида ҳокимият, ҳуқуқ каби тушунчаларда ўз нуқтаи назарига эга бўлган интеллигенция ва оддий фуқаролар қатағон қилиндилар. Шундан сўнг, навбат «коллективлаштириш» ва «пахта мустақиллигини таъминлаш» шиори билан уддабурон деҳқонлар ҳамда мустақил ҳаёт кечиришга интилган тадбиркорларга келди. Амалда ушбу ижтимоий гуруҳлар совет ҳокимияти томонидан азалий ва доимий душман сифатида танланган эди. Бунинг асосий сабаби улар советлар мафкурасининг сохталигини осонгина исбот қилиб беришлари мумкин эди.

Сиёсат кўп жиҳатли мақсадларни ўзида ифодалаган эди. Улардан бири Ўзбекистонни пахта баъзасига айлантиришдан иборат эди. Ўзбекистон советларнинг пахта мустақиллигини таъминлашга маҳкум этилди. Бу эса, бизнинг халқимиз учун қимматга тушди. Советлар белгилаб берган пахта режасини бажармаслик, унинг сабабларидан қатъи назар саботаж деб баҳоланиб, бунга алоқадор барча шахслар жиноий жавобгарликка тортиларди. 1931 йилнинг якуни бўйича бўлиб ўтган Ўзбекистон ССР адлия халқ комиссарлиги съездида «пахта ишлари» бўйича 1930 йилда 2941 шахс, 1931 йилда 3846 шахс жиноий жавобгарликка тортилганлиги эълон қилинди. Ўша маълумотларда «пахта ишлари» бўйича 1930 йилда судланган шахсларнинг 74,0%, 1931 йилда судланган шахсларнинг 65,0% «кулоқ»лар (яъни самарали иқтисодий фаолият ташкил этган деҳқонлар), 1930 йилда 10,0%, 1931 йилда 11,0ни ўрта ҳол деҳқонлар, 9,0% 1930 йилда, 40%ни 1931 йилда камбағал деҳқонлар ташкил этганди¹ ва ҳар йили шу асосда судланган шахсларнинг сони мунтазам равишда 3 мингга ташкил қилди.

Худди шундай ҳуқуқий амалиётни ғалла етиштириш соҳасида ҳам кузатиш мумкин эди. Жумладан, 1934 йилнинг ғалла мавсумида 700га яқин киши турли айблар билан жиноий жавобгарликка тортилган эдилар.

¹ ЎзР МДА, Ф. 904, рўйхат 9, йиғма жилд 242. 133-варақ.

Буларнинг ҳар учинчисини камбағал деҳқонлар, ҳар бешинчисини «қулоқ»лар ташкил этганди. Судланганларнинг ҳар учинчиси советларнинг коллективлаштириш сиёсатига хизмат қилган колхозчилар эди². Бундан ташқари 20-йиллар Ўзбекистондаги ер-сув ислоҳоти, НЭП, коллективлаштириш даврида Ўзбекистондан ташқарига 56 минг оила, деярли 300 мингга яқин киши кўчириб юборилган¹.

Суд ислоҳотлари жиноий иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга хизмат қилиш учун эмас, балки бевосита синфий душманларни қатағон қилишнинг ижтимоий-ҳуқуқий институтига айлантирилишига йўналтирилди ва бунга эришилди.

1935 йилга келиб қатағонлар янада кучайтирилди, жазолар оғирлаштирилди, ушбу тоифадаги ишлар бўйича ҳукм қилинган шахсларнинг (жами: 2457 шахс) 125 тасига ўлим жазоси қўлланилиб, шулардан 48 таси «қулоқ»лар, 15 таси колхоз аъзолари эди.

Камбағал ва ўрта ҳол деҳқонларнинг кўплаб қатағон қилиниши ҳолатлари, ўша вақтдаги Олий суд раиси Э.Удрис томонидан «қулоқ» ва совет ҳукуматига қарши бўлган шахслар қариндошлари бўлган оддий деҳқонларнинг ўша шахсларнинг ғоявий домига тушиб қолишлари ҳисобига ташкил топганлиги билан изоҳланди².

Қатағон мафкурасига асосланган машина нафақат оддий фуқаро ва турли даражадаги хўжалик раҳбарларини, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларни, айниқса суд ходимларини ҳам аяб ўтирмади. ВКП (б) МҚнинг 8 июль 1938 йилдаги қарори ҳамда СССР Адлия Халқ комиссарлиги томонидан ўша йилнинг 4 мартда қабул қилинган 21-сонли буйруғида Ўзбекистон ССРдаги суд тизими «халқ душманларига» қарши курашда ниҳоятда суст фаолият олиб бораётганлиги каттиқ танқидга учради.

² ЎзР МДА, Ф. 904, рўйхат 9, йиғма жилд 281. 31-варақ.

¹ Исаков Ф. Об истории: объективно и честно// Правда Востока. 1993.3 авг.

² ЎзР МДАнинг қайд этилган манбасида. 30-31-варақлар.

Шунга мувофиқ, суд тизимини ислоҳ қилишга киришилди. Бу ислоҳот энг аввало кадрларни алмаштиришга асосланганди. Хусусан, республикада фаолият юритган 212 халқ судьяларининг фақат 58 тасигина, вилоят судларидаги 93 судьядан 43 судья ўз лавозимларини сақлаб қолдилар. Кадрлар ислоҳоти Республика Олий судини ҳам четлаб ўтмади. Олий Суднинг 26 аъзосидан «ишга халақит қилаётган» 17 судья ишдан четлаштирилади¹.

1936 йилда қабул қилинган СССР Конституцияси асосида тузилган Ўзбекистон ССРнинг 17 февраль 1937 йилдаги Конституцияси Судлов юритуви учун кўплаб асосий принципларни ишлаб чиққан эди. Улар жумласига одил судловнинг фақат суд томонидан амалга оширилиши (102-модда), судлов юритувини айбланувчининг она тилида юритилиши (109-модда), жиноят ишини ҳайъат таркибида кўриб чиқилиши (103-модда), суд муҳокамасининг ошкоралиги ҳамда судланувчига ҳимоя ҳуқуқининг таъминланиши (110-модда), судларнинг мустақиллиги ва уларнинг фақат қонунга бўйсунishi (111-модда), шахснинг, уй-жой ҳамда фуқаролар ёзишмаларининг дахлсизлиги (126-127-моддалар)² киритилган эди.

Бироқ, юқоридаги жиноят-процессуал принциплар декларатив хусусиятга эга бўлиб, реал ҳаётдаги ҳолат буларнинг мутлақо акси эди. Чунки, судлар большевиклар партияси қарорларидан келиб чиқувчи вазифани бажарган ҳолда, қатағон машинасига айлантирилган ҳамда одил судлов уни юритишга мутлақо ваколатли бўлмаган Ички ишлар халқ комиссарлиги ҳузурида ташкил этилган махсус йиғинлар (русчада: Особое совешание) томонидан амалга ошириларди. Махсус йиғинлар амалда тарафларнинг иштирокисиз, ёпиқ тарзда ўтказилиб, ҳукм ўша заҳотиёқ кучга кирар, судланувчининг ҳимоя ҳуқуқи ҳақида гап ҳам бўлмасди. Шахс

¹ Вишинский А.Я. Теория судебных доказательств в советском праве. – М.: Госюриздат, 1950. –С.242-247.

² Ўзбекистон ССР Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 1937.

прокурорнинг санкциясиз ёхуд суднинг рухсатсиз узоқ муддат (72-соат) ушлаб турилиши мумкин эди.

Кайд этилган амалиётни назарий жиҳатдан ҳам асослашга интилинди. Жумладан, оммавий қатағонларнинг илмий-назарий асосчиларидан бири А.Я.Вишинскийнинг таъкидлашича, суднинг ҳукми тўлиқ исботланган далилларга асосланиши шарт эмас, балки унинг мутлақ гумонга асосланишининг ўзи кифоядир¹.

Унинг яна ёзишича айбланувчи исбот қилиш вазифасини бажариши шарт эди. Ушбу назарияга биноан, агар у ўзининг айбсизлигини исбот қилиб бера олмаса, худди мана шу ҳолат айбланувчини айблаш учун асосий далил бўлиши лозим эди².

Бироқ, Сталиннинг ўлими жуда кўплаб фуқароларнинг сталинизм қурбони бўлиши билан боғлиқ ижтимоий инқироздан сақлаб қолди.

СССР Олий Қарори ҳамда шу қарор асосида «Иттифоқ республикалари ЖПКларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги» 14 сентябрь 1937 йилдаги Қарори бекор қилинди. Шу вақтдан бошлаб советлар ҳукумати олиб борган суд ислохотининг сўнгги – тўртинчи босқичига тайёргарлик ишлари бошланди.

Ўзбекистон ССРнинг 1929 йилдаги ЖПК 21 май 1959 йилда қабул қилинган республиканинг янги ЖПК қабул қилингунга қадар муайян ўзгариш ва қўшимчалар билан амалда бўлиб келди.

1929 йилдаги Ўзбекистон ССР ЖПКни шахс ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги аҳамияти нуқтаи назаридан террористик актларни тайёрлаш ва амалга оширишга оид ишларни кўришга баҳо берадиган бўлсак, уни ўша даврдаги замонавий процессуал стандартларига жавоб бермаслигини қайд этиш лозимдир. Зотан, у нафақат юқорида таъкидланган процессуал тартибларни «соддалаштириш»да ва «қисқартириш»да намоён

¹ Вишинский А.Я. Проблема оценки доказательств в уголовном процессе. В книге «Проблемы уголовной политики». В 4-х томах. Т.4. –М.: 1937. –С.19.

² Вишинский А.Я. Теория судебных доказательств в советском праве. – М.: Гос. юриздат, 1950. –С. 242-247.

бўлади, балки қатағон қилишнинг асосий қуроли давлат-сиёсий бошқармаси (русча: ОГПУ) хатти-ҳаракатларини жиноят-процессуал муносабатлардан ташқари қолдирган эди. ОГПУ амалга оширадиган тезкор-қидирув ва тергов фаолияти махсус низомларда тартибга солиниб, айнан мана шу процессуал-ҳуқуқий нуқсон XX асрнинг 30- ва 40-йилларни ўз ичига олган сталинизм даврида миллионлаб инсонларни қамаш ва уларни йўқ қилиш учун хизмат қилди.

Совет даври қатағон сиёсатига бўлган қарашлар ушбу тизим туғилган пайтдан бошлабоқ шаклланиб келган эди. Хусусан, XX аср Америка ва Ғарб антисовет идеологиясида бу сиёсатга нисбатан умумлашма фикрлар мавжуд эди:

¾ Фашистлар бегона халқларни қирғинбарот қилдилар, коммунистлар эса ўзлариникини.

¾ Иккинчи жаҳон урушида 20 миллион инсон ҳалок бўлган бўлса, ўз халқи билан курашда 20 миллион инсон қурбон қилинди.

¾ 10 миллион киши отиб ташланди.

¾ 40, 50, 60 миллиондан тортиб 120 миллионгача кишилар лагерларни ўтаб чиқди.

¾ Деярли барча маҳкумлар айбсиз эдилар. Уларни оч қолган фарзандлар учун даладан ўғирланган олти бошоқ буғдой ёки ишлаб чиқаришдан ўғирланган бир ғалтак ип учун ҳибсга олган эдилар. Бу айблар учун улар ўн йил қамоқ жазосига маҳкум эдилар.

¾ Деярли барча маҳбуслар канал қурилишлари ва ўрмон кесиш учун ишга қўйилган ва бу шароитда уларнинг кўпчилиги ўлиб кетган.

¾ «Нима учун халқ бу ҳолатга қарши чиқмади», деб сўралганда, «халқ бу ҳолатни билмади», деб жавоб берилади. Қолаверса, қатағонларнинг

оммавий характер касб этганини халқ билмагани фақат тарих гувоҳлари эсдаликларида эмас, фактларда ҳам тасдиқланади¹.

Мақола муаллифи антисовет мафкурасининг умумлаштирилган статистикасини факт сифатида келтирар экан, рақамлар суиистеъмол қилингани ҳақида фикр юритади: «Ҳибсга олинганларнинг шундай катта миқдори қаердан пайдо бўлди? Ахир 40 миллион маҳкумлар бу ўша пайтдаги Украина ва Белоруссия аҳолисининг умумий сони ёки Франциянинг бутун бошли аҳолиси, ёки СССР да мавжуд бўлган шаҳарлар аҳолисининг умумий сонику»¹. Тарихни объектив ёритиш юзасидан муаллиф ҳақ бўлиши мумкин, лекин антисовет мафкурасида миқдор жиҳатдан эмас, моҳият жиҳатдан тўғри хулосалар чиқарилган. Моҳиятга тегишли ҳолатлар мақолада ҳам эътироф этилади: «Машҳур Беломор каналини 150 минг маҳбуслар қурган, Киров гидроузелини эса 90000»².

Юқорида келтирилган қулоқ қилинганлар ҳақидаги статистик маълумотлардан ташқари ахборотга кўра 30-40 йиллар ва 50- йилларнинг бошида контрреволюцион жиноятлар учун 3 778 243та одам ҳибсга олинган, улардан 786 098 таси отиб ташланган³.

1930-1950 йиллар бўйича сиёсий қатағонларнинг умумий қурбонлари-депортация, отув, қийинчиликлардан ҳалок бўлганлар сони 10 млн. кишини ташкил этади⁴.

Юртимизда 1937-53 йиллар давомида давлатга қарши ҳаракатлар ва миллатчилик тамғаси остида 18 652 та одам қатағон қилинган бўлса, улардан

¹ Краснов П. <http://www.contrivutepress/783/> Здраые рассуждения о массовых репрессиях.

¹ Ўша манба. <http://www.contrivutepress/783/>

² Краснов П. <http://www.contrivutepress/783/> Здраые рассуждения о массовых репрессиях

³ В комитете государственной безопасности СССР// Известия. 1990. 13 февраль. Бу ҳақда қаранг: Петрухин И.Л. Правосудие: время реформ. –М: Наука, 1991. 38-б.

⁴ Кан А.С. Постсоветские исследования о политических репрессиях в России и СССР. Отечественная история. 2003..№1.132-б.

6038 таси отувга ҳукм қилинган ва аксарият ҳолатларда ҳукм эълон қилингунга қадар отув амалга оширилган¹.

1983-1989 йилларда Ўзбекистонда пахта иши деб аталган ишлар бўйича 4,5 мингга яқин киши жавобгарликка тортилган ва ҳукм қилинган².

Ўтган асрнинг қайта қуриш йилларидан кейин ўзбек миллий маънавий муҳитида ҳам қатағон қилинганлар хотирасини тиклаш, уларнинг номини оқлаш миллий идентификациянинг бир кўриниши сифатида кўтарила бошланди. 1990 йили Ўзбекистон Олий суди контрреволюцион жиноятларни содир этганлиги учун ҳукм этилган 2850 шахсни реабилитация қилган бўлса, кейинги тўрт йил ичида 5200 киши реабилитация қилинган³.

Юртбошимиз томонидан «Қатоғон қурбонларини хотирлаш Кунини белгилаш тўғрисида» фармони қабул қилинди. Қатоғон қурбонлари хотирасига бағишлаб пойтахтимизнинг Юнусобод туманида «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуаси қурилди. Қўшни республикалар ёки чет элларда қатоғон бўлган миллат зиёлилари хотирасини тиклашдаги ҳужжатларни топиш, ташкил этиш бўйича фонд ташкил этилди, маблағлар ажратилди. Дунёга юз тутаётган миллат, тараққиётга юз бураётган давлат ўз тарихини оқлаб, объектив ёритиши учун қанчалик саъй-ҳаракат лозим бўлса ҳаммаси қилинди. Лекин тарихий хатолар туфайли содир бўлган йўқотишлар, инсон, миллат, халқлар ҳуқуқи, маънавияти, иқтисоди, ҳаётини поймол қилишга қаратилган ваҳшиёна қатағон сиёсатларининг инсонлар тафаккурига деструктив таъсири, миллий демократик тафаккурнинг кушандаси сифатидаги салбий оқибатлари ўзбек миллий менталитетида из қолдирмай қолмади. Социолог М. Бекмуродовнинг «Миллий менталитет ва раҳбар маънавияти» монографиясида таҳлил этилганидек, бу каби воқеалар

¹ Хасанов Б.В. Репрессии против интеллигенции Узбекистана в 20-3-е годы и их последствия. // Ўзбекистон тарихи. 2000. №1-2; Ишанходжаева З.Р. К вопросу о влиянии репрессивных акций тоталитарной системы на культурно-духовную жизнь Узбекистана // Общественные науки в Узбекистане. 2002. №5.

² Полвонзода А.А., Абдумажидов Ғ.А ва б. Ўзбекистонда суд ҳокимияти: ислохотлар даври. —Тошкент: Адолат, 2002. 11-б.

³ Полвонзода А.А., Абдумажидов Ғ.А ва б. Ўзбекистонда суд ҳокимияти: ислохотлар даври. —Тошкент: Адолат, 2002. 6-б

одамлараро мулоқотлар тизимида шахснинг давлатга, жамият тузилмаларига бўлган муносабатларида ишончсизлик ҳиссининг юзага келиши, ҳаётга рационалистик, яъни ақл ва ҳушёрлик билан англаб ёндашувдан кўра иррационал ёндашувнинг кучайишини шакллантиради¹. Бундан ташқари қатағон сиёсатларининг бир неча бор такрорланиши фуқароларнинг сиёсатдан қўрқиш ва унга кўр-кўрона эргашиш хусусиятини шакллантиради. Бу психологик иммунитет демократик тамойиллар асосида ривожланиш йўлини танлаган мамлакатлар тараққиётининг кушандаси сифатидаги фактордир.

3.4 Совет даври дин сиёсатининг менталитет ўзгаришларига таъсирини муқаддас қадамжой ва зиёратгоҳлар мисолидаги таҳлили

Ўзбек халқининг бугунги кундаги тараққиёт босқичини эътиборга оладиган бўлсак, менталитет масаласи кенг қамровли ва долзарблигини назарда тутган ҳолда ушбу муаммонинг янада чуқур ва қадрият нуқтаи назаридан турли жиҳатлар асосида ўрганилишига эҳтиёж борлигини эътироф этиш лозим. Шу жумладан, ўзбек миллий маънавий қадриятларининг таянч устунларидан бири бўлган муқаддас қадамжой ва зиёратгоҳларнинг ментал тафаккур шаклланишига таъсири ҳам алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўзбек менталитети XX аср тарихий шаклланиш илдизларини очиб беришда муҳим ўрин тутади.

Ўзбек халқининг умуминсоний тараққиётга интеграциялашув жараёни демократик тамойилларни миллий ҳаётга татбиқ этиш ёки уларни демократлаштиришнинг умумий механизми асосида жорий этишнигина эмас, дедуктив методни қўллаган ҳолда умуминсоний тараққиётга йўналишни ички имкониятлардан, асрлар давомида талотўп ва таназзуллар давридан ўзбек номини сақлаб қола олган ички миллий генотип хусусиятларидан ҳам

¹ Бекмуродов М.Б Миллий менталитет ва раҳбар маънавияти. - Тошкент: Адолат, 2003. 6-б.

излашни тақозо этади. Зеро психолог олим П.Н.Шихарев таъкидлагандек, «тарихни инсон фаолиятининг фақатгина бир доирасида, иқтисодиёт доирасида таҳлил қилиш шуни кўрсатяптики, ишлаб чиқариш воситаларининг ривож ва мураккаблашиши даражасида инсоният унсиз равишда уйғонишнинг ташқи шаклларида шахснинг мотивацион ядроси, қадриятлар базаси бўлган ички шаклларига уларни фаолиятга жалб этган ҳолда силжиб бормоқда»¹. Ўзбек халқининг тарихи, миллий маънавий тараққиётида ўзига хос ўрни ва хусусиятларга эга бўлган муқаддас қадамжой ва зиёратгоҳларнинг тарихи ва замонавий социумда тутган ўрнини таҳлил этиш ҳам миллат миқёсида уйғонишнинг ички шакллари очиб беришга хизмат қилади.

Муқаддас қадамжой ва зиёратгоҳлар ҳам ўзбек менталитетининг шаклланишига таъсир кўрсатгани каби, этнология ва маданий антропология назариясига асосан жамоа-этнос-миллатнинг тарихий шаклланиш жараёнида асосий ҳисобланган биологик, географик, иқтисодий, тил ва маданият каби омилларнинг мужассам таъсири натижасида минг йиллар давомида шаклланди. Энг қизиғи шундаки, тарихий регенерация давомида барча омиллар анъанавий жамиятга кириб келган постиндустриал тараққиётнинг таъсири натижасида ўз функциясини ўзгартириши мумкин. Лекин маданий ҳаётнинг миллий маънавий қадриятлари сирасида саналмиш муқаддас қадамжой ва зиёратгоҳларнинг миллий менталитетга таъсир кучи вақт ўтган сари миллий эътиқоднинг моддийлашган инъикоси, устун сифатида доимий равишда ошиб бормоқда. Шунинг учун ҳам ўзбек миллий маънавий қадриятларининг таянч устунларидан бири бўлган муқаддас қадамжой ва зиёратгоҳларнинг ментал тафаккур шаклланишига таъсири ҳам алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўзбек менталитети тарихий шаклланиш илдизларини очиб беришда муҳим ўрин тутди.

¹ Шихарев П.Н. Современная социальная психология. - М.: Транзиткнига, 2000. С 7.

Мавзуни ёритишда ўзбек менталитети ва муқаддас қадамжой ва зиёратгоҳларнинг ўзаро таъсир муносабатларининг тарихий илдизларини таҳлил этиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбек менталитети ва муқаддас қадамжой, зиёратгоҳлар аслида бир неча минг йиллик тарихий давр мобайнида жамоа-халқ-миллат сифатида шаклланган ўзбек миллатининг миллий-маънавий қадриятларидаги икки ажралмас, ташкил этувчи қисмлардир. Миллий менталитет бу ерда бир вақтнинг ўзида ижтимоий тафаккурнинг миллий, умумлашган шакли сифатида, шу билан бирга бир неча минг йиллик тарихий довлар оша шаклланиб ўзбекларнинг миллат даражасида бирлаша олишига восита яратган тафаккур шакли сифатида қадрият мақомига эгадир.

Ўзбеклар жуда қадимдан шаклланган, ўзига хос мураккаб тарихий жараёни босиб ўтган миллат бўлгани учун ҳам тафаккур тарзи ва у акс этган миллий характер ранг-баранг хусусиятларни касб этган. Ҳаттоки орият, андиша, нафсоният, ибо каби бир қатор миллий характер касб этган сўзларни бошқа халқлар тилига бир оғиз сўз билан таржима қилишнинг имкони йўқ. Тарихий этнографик маълумотларга мурожаат этадиган бўлсак, бу қадар мураккаб ментал қиёфанинг асрлар давомида ҳосил бўлиши фақатгина одоб ахлоқ доирасидаги миллий тарбия билан кифояланмаганини кўриш мумкин. Бу каби маълумотлар Г.П.Снесарев, В.Н.Басилов, Л.П.Потапов, Т.С.Саксанов, В.Л.Огудин каби тарихчи, этнограф олимларнинг бир қатор илмий тадқиқотларида мавжуд бўлиб¹, миллий характернинг шаклланишида муқаддас қадамжой ва зиёратгоҳлар билан боғлиқ тарбия омиллари: урф-

¹ Қаранг: Снесарев Г.П. Хорезмские легенды как источник по истории религиозных культов Средней Азии. - М.: Наука. 1983; Басилов В.Н. Культ святых в исламе. -М.:Госиздат.1970: Древние обряды верования и культы народов Средней Азии. -М.: Наука.1986; Leonid Pavlovic Hfnjgivs Materialien zur Kulturgeschichte der Uzbekien aus der Jahren 1928-1930 // Mit begleitenden Worten des Sammlers herausgegeben und eingeleitet von Jakob Taube. Turkologika 25, Harrassowitz Verlag; Саксанов Т.С. Полонничество к святым местам: традиции и современность. -М.:Мысль,1991; Огудин В.Л.Экологическая функция религии // Этнограф. Обзорение. 2001.№1. С.23-38; Мест поклонения Ферганы как объект научного исследования // Этнограф. обзорение. 2002. №1. С.63-79; Страна Фергана. М., 2002.

одатлар, анъаналар, иримлар ҳақидаги дала тадқиқоти материалларини кўплаб учратишимиз мумкин.

Улар билан танишар эканмиз, ислом динининг синкретик, толерант характери ҳақидаги назариялар айнан муқаддас қадамжой ва зиёратгоҳларга нисбатан шаклланган урф-одат, анъана, иримларда ўзининг амалий исботини топганини кўришимиз мумкин. «Ислом дини томонидан сиқиб чиқарилмаган, исломга қадар мавжуд бўлган эътиқод ва анъаналарнинг бу тарихий қолдиқлари ўзида мусулмонларнинг кундалик диний амалиётининг шу қадар муҳим жиҳатини намоён қилар эдики, маълум даражада «мусулмон олами» нинг турли ҳудудларида сезиларли даражадаги ўзига хос исломнинг мавжудлиги айнан уларнинг сақланиб қолиши билан белгиланади»¹. Ушбу жиҳатнинг муҳимлиги шундаки, исломга қадар жамоа-этнос сифатида шаклланиб борган ўзбекларнинг турмуш тарзида мавжуд бўлган дин шакллариининг моддий элементларини муқаддас қадамжой ва зиёратгоҳларнинг таркибий жиҳатларида мавжудлиги, маънавий элементлари эса урф-одат ва анъаналарда мавжудлиги ўзбек менталитетида минг йиллар давомида шаклланган кўникмаларнинг ижтимоий-психологик илдизларини очиб беради. Шунингдек, ўзбек менталитетида анъанавий ҳаёт тарзи таъсирида етакчи ўрин касб этган иррационал дунёқараш шаклланиши тарихий илдизлари ҳам кўпроқ руҳларга, муқаддасликка сиғиниш маросимларининг минг йиллик тарихлари билан боғлиқдир. «Ўн иккинчи ойнинг йигирманчи куни хоразмликларда Инча деб аталиб,...Берунийнинг,- «бу кунлари одамлар ўликларнинг науслари (оссуарияликлар учун зардуштийликдаги дафн этилиш жойи) га егуликлар, уйларнинг томига эса ичимликлар кўйганлар. Улар таъкидлайдики, бу кунлари ўлганлар руҳи жаннат ва дўзахдан чиқиб егуликларнинг қувватини ўзига олади, таъмидан

¹ Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии // Историко-этнографические очерки под ред В.Н.Басилова. – М.: Наука, 1986. -С.3.

бахраманд бўлади»¹, - деган маълумотларини кузатар эканмиз зиёратгоҳларнинг миллий тафаккурда алоҳида қадрият сифатида эътироф этилиш мақоми ўзбекларнинг исломдан аввалги зардуштийликка бориб тақаладиган анъана, урф-одатлари билан боғланганлигини англаш мумкин. Шунинг учун ҳам кўпгина адабиётларда зиёрат одоби исломга кейинчалик кириб келган одатлардан ҳисобланади. «Зийара (ташриф қилмоқ) - пайғамбарлар, авлиёлар, шиа имомлари қабрини, Шимолий Африкада эса ҳали ҳаёт бўлган сўфий шайхларини зиёрат қилишдир. Зиёрат амалиёти исломда анча кейин пайдо бўлган. У мусулмончиликда «муқаддаслик» урф-одатларининг келиб чиқиши ва ривожланиши билан боғланган. Исломга қарама-қарши бўлган бу ибтидоий одат маҳаллий диний эътиқод шакллари таъсирида пайдо бўлган»². Дастлаб ислом Макка зиёратидан ташқари бошқа бир зиёратларни тан олмаган. Лекин кейинчалик маҳаллий урф-одатларни сақлаган ҳолда Макка зиёрати элементларини нусхалаштирган маҳаллий қадамжойлар зиёрати ривожланиб кетди³. Кўриниб турибдики, муқаддас қадамжой ва зиёратгоҳларнинг ўзбек миллий маънавиятида алоҳида қадриятлар тизимига айланиши ўзбек халқининг ислом динидан аввалги тарихий шаклланиш жараёнига бориб тақалади.

Муқаддас қадамжой ва зиёратгоҳларнинг дунёқарашга икки томонлама таъсирини шартли равишда қайд этиш мумкин.

1. Маълум бир қадамжой ва зиёратгоҳнинг табиатан мавжуд бўлган алоҳида ўзига хос, лекин инсонларнинг тасаввурида илоҳийлик касб этган хусусиятлари воситасида дунёқарашга таъсир кўрсатиш. Бунга қуйидаги мисолларни келтириш мумкин: «Қўқон яқинида минг булоқ деган жойда муқаддас қадамжой мавжуд бўлиб, у ерда отга миниб ўтиб бўлмайди. Бир киши мана шу ердан отдан тушмай ўтаман, деб баҳс бойлашди, ўтаётган

¹ Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии // Историко-этнографические очерки под ред В.Н.Басилова. – М.: Наука, 1986. -С.25

² Ислам. Энциклопедический словарь.- М.: Наука. 1991, -С. 77.

³ Огудин В.Л. Места поклонения Ферганы как объект научного исследования // Этнограф.обозрение. 2002. №1, -С75.

вақтда оти мункиб кетиб, эгасини йиқитиб юборди ва у киши бир умрга чўлоқ бўлиб қолди»¹. Ёки « Ургутнинг минг терак деган жойида бир ҳовуз бўлиб, унинг балиғидан еган киши тил тортмай ўлади»² қабилидаги муқаддас қадамжой ҳақидаги тасаввурлар биринчи навбатда кишилар тасаввурида жой ёки бирор бўлиб ўтган ҳодиса ҳақида фикр уйғотмайди балки ана шу муқаддас жойнинг илоҳийлиги ҳақида фикр уйғотади.

2. Оддий халқ ҳаётида маиший ва шахсий муаммоларни муқаддас қадамжой ва зиёратгоҳларда бажариладиган анъаналар, иримлар воситасида таъсир кўрсатиш. Бу иқтисодий аҳволни яхшилаш, фарзанд кўриш, бирор бир касалликдан халос бўлиш, бирор бир мартабага эришиш каби индивидуал талаб ва эҳтиёжлар билан боғланган урф- одатлар ва иримлардир. Масалан «Хивада сафар ойининг охириги чоршанбасида аёллар Шоҳимардон пири қадам қўйган мозорга борадилар, ёпинчикқа ўраниб, кудукқа қарайдилар. Ким агар кудукда юлдуз кўрса, ана шу йили фарзандлик бўлади. Баъзилар айтадики, кудукда қуёш нурини кўрса, у ўғиллик бўлади»³.

Бу каби маиший ҳаётдаги шахсий муаммолар билан боғлиқ эътиқод шакллари асрлар давомида шаклланиб, ментал қиёфа контекстидаги бошқа муҳим жиҳатларга, жумладан, она-юрт, ота-боболар руҳи покига эъзоз ва ҳурмат одобининг шаклланишига, миллий-маънавий қадриятларга ҳурмат, экологик маданиятнинг шаклланишига таъсир кўрсата борган. Ўзбек менталитетига асосан фикрлаш тарзида миллат тарихи давомида олиб борилган сиёсат, тузум, мафкураларнинг тақдири, истиқболига берилган баҳо аксарият ана шу сиёсат, тузум, мафкураларнинг муқаддас қадамжой ва зиёратгоҳларга бўлган муносабати нуқтаи назари берилади. Бу хусусият ўзбек халқининг яқин юз йиллар давомидаги зиёратгоҳлар тарихи билан боғлиқ суҳбатларда ёрқин ифодаланган. Совет даврида 1943 йилга қадар

¹ Адабиётшунос олим О.Мадаев фольклор дала тадқиқотлари материалларидан. 1998, май. Кўкон.

² Юқоридаги манба.

³ Leonid Pavlovic Hfnjgjs Materialien zur Kulturgeschichte der Uzbekien aus der Jahren 1928-1930 // Mit begleitenden Worten des Sammlers herausgegeben und eingeleitet von Jakob Taube. Turkologika 25, Harrassowitz Verlag. P.51

барча масжид, мадраса ва зиёратгоҳларнинг беркитиб қўйилгани, зиёрат қилиш учун борган кимсалар таъқиб қилингани сабабли совет қўшинларининг тўхтовсиз мағлубиятга учрагани ва фақатгина 1943 йилдан кейин диний эътиқодга йўл очилгани сабабли совет қўшинлари ғалабага эриша бошлагани ҳақидаги фикрлар аксарият дала тадқиқоти материалларида қайд этилган.

Ўтган асрнинг 30-йилларига келиб маърифатли мусулмон руҳонийларининг аксарияти чет давлатларга қочиб кетди ёки жисмонан йўқ қилинди. 30-йилларнинг охирига келиб Ўзбекистонда барча диний ўқув муассасалари ва мачитлар (1917 йилгача уларнинг сони 10 мингдан ошиқ эди) ёпилди»¹. Бундай ҳолат жуда заиф ҳолда бўлса-да давом этиб келаётган анъанавий диний ўқув муассасалари тизимини йўқ қилиб юборди. Бир неча асрлар давомида диний анъанавий таъсир остида шаклланиб келган фикрлаш тарзига зўрма-зўраки равишда абстракт ҳолдаги коммунистик тузум ғояси сингдирила бошланди. Бундай вазиятда нафақат ислом динига нисбатан ақидапарастлик кайфиятини бартараф этиб, хатоларни тузатиш, балки ислом динининг ўзини сақлаб қолиш мушкул эди. «Коммунистларнинг жуда катта кўламдаги ислом динини «бартараф этиш» уринишлари омад келтирмаган бўлса-да, атеистик давлатнинг кўп йиллар давомидаги саъй-ҳаракатлари маълум маънода Ўзбекистоннинг маънавий ҳаётида «мусулмонликдан оғиш»ни келтириб чиқарди ва регионлар ўртасида қачонлардир бир бўлган мусулмон муҳитининг фарқланишига олиб келди»². Ана шундай вазиятда маргиналлашув (манқуртлашув) жараёни нафақат миллий илдизлардан четлашув нуқтаи назаридан, балки диний эътиқод илдизларидан четлашув нуқтаи назаридан ҳам амалга оширилди. Умуман олганда, Марказий Осиё тарихида ислом дини кириб келгандан кейинги даврни яхлит босқич деб оладиган бўлсак, совет тузуми даври ислом дини тараққиётидаги, диний

¹ Ислам в Евразии / Под ред. Иордан М.В. -М.: Политика. 2001. 339-б.

² Ўша манба, 339-б.

дунёқараш шаклланишдаги регресс даври ҳисобланади. Умуман олганда бу жараён мустамлака даври эволюциясида миллий ёки диний дунёқараш такомиллашиши жараёни эмас, аксинча турли миллий урф-одат, кўникма, хусусиятларнинг қоришиб кетиши билан белгиланади. Р.Рейснер фикрига кўра «мустамлака зиёлиси янги оилага қабул қилинган етим сингари янги оила билан нафақат яқинлашишга, балки қариндош тутинишга ҳаракат қилиб, барча янги одат ва хусусиятларни ўзлаштиришга ҳаракат қилади»¹. Бу хусусият нафақат мустамлака зиёлисига балки бошқа қатлам вакиллариغا ҳам тегишли эди. Миллий ва диний маданият асосида шаклланган маиший ҳаётга бутунлай янги маданият элементларини олиб кириш ғайритабиийликни келтириб чиқарди.

Ўтган асрнинг 70-80-йилларига қадар кўпгина зиёратгоҳларда мақбаралар, хонақоҳлар пахта ёки пилла қуришти, сақлаш ёки бирор цех, фабрика фаолияти учун фойдаланилганлигига кескин салбий муносабат деярли барча суҳбатларда кузатилади. Масалан, Тошкент вилоятининг Занги ота туманидаги Занги ота мақбараси ва масжиди, Бухоро вилоятидаги дунёга машҳур Чор-Бакр комплекси шулар жумласидандир. Ўтган асрнинг 60-йилларида Бухоро вилоятидаги Сомонийлар мақбараси билан бир ҳудудда жойлашган, XI асрларга мансуб бўлган архитектура ёдгарлиги Мир Сайид Баҳром мақбараси атрофидаги мазор бузилиб истироҳат боғига айлантирилган ва одам суяклари истироҳат боғи ёнидаги асфальт йўл тагига бостириб юборилган. Айнан шу тарих сабабли ушбу ҳудудда яшовчи кишилар назарида мазкур боғ кам қатнов, фойзсиз гўша ҳисобланади¹. Бу каби мисоллар кўрсатиб турибдики, ўзбек тафаккур тарзида тарихий жараён ёки бирор воқеа-ҳодисани индивидуал тафаккур, рационал фикрлаш тарзига

¹ Рейснер Р. Эволюция восточных обществ: синтез традиционного и современного. -М.: Прогресс, 1981. - С.583.

¹ Юқорида қайд этилган дала тадқиқоти материаллари ЎзР Фан ва технологиялар марказининг «Ўзбекистонда муқаддас қадамжой ва зийратгоҳлар, улар билан боғлиқ сулола ва шажаралар тарихи» мавзуси остида тақдим этган 2003-2005 йиллар давомидаги грант материаллари асосида кўрсатилган.

биноан идрок этишдан кўра миллий маънавий қадрият, авлод аجدодларга хурмат, ахлоқий меъёр тушунчалари орқали идрок этиш кучлидир.

Ўзбек халқининг мураккаб тарихи, айниқса кейинги юз йиллик тарих шуни кўрсатадики, мафкуралар алмашинуви даврларида биринчи бўлиб миллий қадриятларга қайтиш, уларга муносабатни янада жонлантириш кайфияти кузатилади. Миллий тафаккурдаги деструктив ўзгаришларга сабаб бўлган ҳар қандай тарихий жараёндан кейин миллатнинг қайта тикланишига керак бўлган куч қувват албатта миллий-маънавий қадриятлардан изланади. Миллий виждон, миллий нафсоният кучи эса анъанавий жамиятдаги иррационал тафаккурнинг чекланган имкониятлари ҳақидаги ҳар қандай аксиомага айланган ақлли назарияларни инкор этиш қудратига эга. Бунга эса XX асрдаги япон мўжизаси, ҳинд мўжизаси ва XXI асрни ишғол этишга тайёрланаётган хитой мўжизалари мисолдир. Фақат бундай миқёсдаги ўзгаришларга ноёб интеллектуал даражадаги мафкуравий дастурлар лозим холос. Бу каби дастурлар ривожланган очик жамиятга қадам қуйишни режалаштирган жамиятнинг демократик тафаккурини миллий маънавий қадриятларнинг тарихий илдизларини ўрганиш орқали такомиллаштиради ва шаклланиш жараёнини тезлаштиради.

Хулоса қилиб айтганда, совет даврининг дин сиёсати инсон борлигининг маънавий устуни бўлган диний эътиқод, у билан боғлиқ бўлган моддий қадриятларга ҳам дахл қилди. Муқаддас қадамжой ва зиёратгоҳлар табиатига кўра қанчалик миллий тафаккурда иррационал фикр тарзини ҳосил қилишга хизмат қилмасин, тафаккур тарзида деструктив жараёнлар содир бўлган ўзбекларнинг ўзлигини англашга, қадриятларининг моҳиятини англаб миллий нафсониятини шакллантиришга миллий маънавий қадриятларнинг бир қисми сифатида восита бўлган эди. Ўзбек халқи дунёқарашида ажратиб бўлинмайдиган диний ва миллий қадриятлар тоталитар тузум даврида ўз илдизларидан чеклаб қўйилди.

Президентимиз мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ танланган сиёсий йўлнинг маънавий таянчларини қуйидагича кўрсатиб ўтган эдилар: «Халқимиз сарчашмаларининг кўзлари қайтадан очилганлиги, жаҳон маданияти ютуқларига зўр ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг маданий ва маънавий мероси теранлиги ва чуқурлиги англаб олинганлиги, ҳар бир авлоднинг ўз ўтмишига, олижаноб миллий ва диний анъаналарига ҳурмат билан қараш, уларни асраб-авайлаш руҳида тарбияланаётганлиги, айтиш жоғда ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси ва маънавияти қадриятларини ўзлаштириш ва уларга ошно бўлиш зарурлиги равшан англаб етилганлиги – мана шуларнинг ҳаммаси ҳаётбахш бир заминдирки, бизнинг янгиланиш ва халқимизнинг миллий ўзлигини англашини ошириш, аҳолининг сиёсий етуклиги ва фаоллигини кучайтириш борасида сиёсатимиз мана шу заминга таянади»¹.

Республикамизда мавжуд муқаддас қадамжой ва зиёратгоҳларнинг аксарияти мустақилликнинг дастлабки ўн йилида қайта қурилди, таъмирланди, кенгайтирилди, зиёратчиларни қабул қила бошлади. Ва бу таъмирлаш ишларида давлатнинг ажратган эътибори ва маблағидан қатъи назар халқнинг иштироки ва саъй-ҳаракатларининг катта ўрин тутганлиги тадқиқотлар олиб борилган деярли барча зиёратгоҳларда кузатилади. Энг муҳими Амир Темур, Ат-Термизий, Имом Бухорий, Ал-Фарғоний, Ал-Марғиноний каби ота-боболар руҳи покига бағишлаб қурилган янги типдаги музейлар, мақбаралар, зиёратгоҳлар ўзликни англаш жараёнида янги маданиятнинг шаклланишини ифодалади.

УЧИНЧИ БОБГА ХУЛОСА

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларини чуқурлаштириш йўлида. – Тошкент: Ўзбекистон, 1995, 140-б.

Мазкур бобда совет даври тоталитар сиёсатининг миллий ментал тафаккур тарзига таъсирини атрофлича таҳлил этишга ҳаракат қилдик ва қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Совет даврида Қизил империя Чор Россиясининг мустамлака сиёсатининг давомчиси бўлиб, мустамлака ҳосил қилишда ўзининг стратегия ва тактикаларига эга эди. Ана шулардан бу сиёсат учун муҳими тоталитар тузумнинг миллатларнинг ўзлиги, озодлиги ва истиқболи учун катта тўсиқ бўладиган маънавий тизимини ишлаб чиқишдан иборат бўлди.

2. Тоталитаризмнинг иқтисодий-сиёсий тизими охир оқибатда миллий тафаккур тарзининг тубдан ўзгаришига, унда сиёсатдан бегоналашув, кўрқув, ҳар қандай сиёсий ва иқтисодий найрангларга кўр-кўрона тобе бўлиш хусусиятларини ҳосил қилишга хизмат қилди. Бу ўтган аср бошларидаги коллективлаштириш, очарчилик натижасида ўзининг салбий ифодасини топди.

3. Ўтган асрнинг совет даври ўзбек миллий тафаккур тарзида азалий қадриятлар, миллий анъаналар, миллий маънавият уйғунлигида шаклланиб келган ментал салоҳиятнинг қашшоқлашига, унда мавжуд ижобий сифатларга путур етишига олиб келди. Миллий менталитетда маргиналлик, боқимандалик, лаганбардорлик, ҳудудпарастлик иллатлари пайдо бўла бошлади.

4. Тоталитар сиёсат миллатнинг нафақат миллий ўзлиги ва илдизларига, балки эътиқодининг таянч устуни бўлган диний қадриятларга ҳам дахл эта бошлаши туфайли ўзбек халқининг миллий ва маънавий тарихи, анъаналари билан чамбарчас боғлиқликда шаклланган диний урф-одатлари чеклаб қўйилди. Ислом дини шаклланиши тарихи билан боғлиқ маданий мерос, обидалар харобага айлантирилди. Миллий менталитетда дин билан боғлиқ шуурий дунёқараш олиб борилган сиёсат натижасида рационал илдизлардан узиб қўйилди.

5. Деярли бир асрга тенг бўлган сиёсат ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг миллий менталитетда салбий ўзгаришларни ҳосил қила олиш хусусиятини намоён этди.

IV-БОБ: ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ МЕНТАЛИТЕТИ: МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА ДЕМОКРАТИК ТАФАККУР

Юқоридаги бобларда қўйилган масалаларда таҳлил этилганидек, ўзбек миллий тафаккур тарзи ўзининг тарихий шаклланиш жараёнида мураккаб йўлни босиб ўтди. Тарихни бир бутун йўл деб оладиган бўлсак, унда ўзбекларнинг миллат сифатида шаклланишига, унинг дунёқарашида ҳаётбахш иммунитетларни ҳосил қилишига, миллат сифатида ўзлигини намоён этишига асос бўлган бир нечта даврлар мавжуд. Улар ҳақида биринчи ва иккинчи бобларда мулоҳаза юритилди. Шунингдек, учинчи боб миллий тафаккур тарзида жиддий асоратларни қолдирган совет даври таҳлилига бағишланди.

Мазкур боб эса, ўзбек халқининг миллий қадриятлари, маънавий мероси, ўзлигини англаш тамойиллари тикланган, миллий тафаккур тарзида прогрессив ўзгаришлар ҳосил қилган истиқлол даврига бағишланган.

Биринчи параграфда замонавий дунё тараққиётига интеграциялашув, умуминсоний тараққиёт билан уйғунликда ривожланишга асос бўладиган ўзбек халқининг ҳуқуқий ва иқтисодий ривожланишига оид ментал салоҳияти ҳақида фикр юритилади.

Иккинчи параграф миллий менталитетда демократик тафаккурни шакллантиришда ОАВ таъсир механизмини такомиллаштириш масалаларига қаратилган.

Мазкур бобнинг сўнгги параграфлари миллий истиқлол даврида халқимиз ҳаётида эришилган муҳим ютуқлар, ижтимоий-сиёсий жараёнларнинг миллий тафаккурни такомиллаштиришдаги ижобий натижалари, миллий ғоя ва миллий менталитетда демократик тафаккур уйғунлиги масаласи таҳлилига бағишланган.

4.1. Истиқлол йилларида ҳуқуқий онг ва толерантликни шакллантириш жараёни

Миллатнинг ментал дастури унда мавжуд бўлган тарихий хотира, қадриятлар, муносабатлар, илмий, иқтисодий, маънавий жиҳатдан салоҳият билангина эмас, ўз-ўзини сақлаб қолиш ва миллий идентификацияга интилиш хусусияти билан ҳам қадрийдир. Миллий идентификация юқоридаги параграфда таъкидлаб ўтганимиздек, янги жараёнга мослашиш ва сақланиб қолиш учун кураш вазиятида бутун тарихий, моддий ва маънавий қадриятлар нуқтаи назаридан ўз илдизларини, ўзлигини англаш, барча прогрессив ва иқтисодий силжишларга тўсқин бўлаётган анъанавий дунёқарашга асосланган миллий тафаккур тарзидаги камчиликларни қайтадан мушоҳада қилиш эвазига замонавий дунё тараққиётига интеграциялашув ҳамдир. Замонавий дунё тараққиётига интеграциялашув миллий тараққиётда фақатгина мафкурада эмас, ҳуқуқий ва иқтисодиёт соҳасида ҳам содир бўлиши зарурий ҳол.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин япон иқтисодиётини тиклашда асосий роль ўйнаган фактор япон менталитети эди, дейди сиёсатшунос Акио Кавато ўз тадқиқотида. Бу фикр миллатнинг ментал дастури фақат маънавий ва маърифий соҳада эмас, миллатнинг келажаги ва фаровонлигини ҳал қилувчи иқтисод, қолаверса ҳуқуқ соҳаларида ҳам асосий роль ўйнашини кўрсатиб турибди. Қолаверса, бир миллатнинг дунё халқлари ёки миллатлари орасида тутган ўрнига баҳо берилганда, унинг ҳуқуқий ҳамда иқтисодий даражасидан келиб чиқиб, албатта, биринчи ўринда унинг менталитетига баҳо берилади.

1991 йил 31 августда қабул қилинган «Давлатнинг мустақиллиги тўғрисида» ги қонун Ўзбекистоннинг мустақил давлат бўлиб қарор топиши ва ривожланишида янги даврни бошлаб берди. Бу қонуннинг эълон этилиши Ўзбекистонда яшовчи ҳар бир фуқаро учун қанчалик қувончли ва шарафли

бўлмасин, унинг ортида бутун дунёга юз тутиш ва миллат сифатида қайтадан намоён бўлишнинг масъулияти ҳам турган эди. Мустақилликнинг дастлабки йилларидан амалга оширилиши бошланган ислохотларнинг ўзбек модели асосида давлат ва иқтисодиётни қайта қуриш, очиқ ташқи сиёсатга эга бўлган ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролар жамиятини барпо этиш ётар эди. Албатта, бу даврга қадар Ўзбек халқининг уч минг йиллик тарихга эга ўтмишида унинг ментал қиёфасида шаклланган жуда муҳим хусусиятлар мавжуд эди:

1. Бой тарихий-маданий мероснинг миллий тафаккур тарзини маънавий жиҳатдан кучли шакллантирилиши.

2. Миллий маданият, тил, санъат, адабиёт, табиий яшаб турган муҳитига миллий бойлик, қадрият нуқтаи назаридан қараш, миллий урф-одат, анъана ва маросимларга, миллий байрамларга миллатнинг қиёфаси сифатида муносабатда бўлиш.

3. Ўтроқ ҳаёт кечириш натижасида шаклланган анъанавий турмуш тарзининг дунёқараш элементи бўлмиш каттага ҳурмат, кичикка иззат қабилидаги иерархик ахлоқ психологияси.

4. Тарихий жараёнда кетма-кет содир бўлган босқинчилик урушларига қарши миллий озодлик ҳаракатлари, ўз ери ва ҳудудига эгалик қилиш ҳуқуқи учун кураш хусусияти.

5. Ислом динининг кириб келиши билан юз йиллар давомида ментал қиёфада из қолдирган сабр-тоқат, андиша, софдиллик, шукроналик каби хусусиятлар.

Бу каби фазилатлар ҳар қандай мураккаб жараёнда халқнинг яшаб қолиши ва вақт ўтиб миллат сифатида бирлаша олишига имкон яратиб турган. Лекин миллий мустақилликка эришилгандан сўнг ҳуқуқий ва иқтисодий ислохотларни амалиётга жорий этишда ўзбек халқи тарихида XVII асрлардан сўнг кечган таназзул даври ва миллий мустақиллик давригача ҳукм сурган шўролар тузумининг тоталитар мафкурасининг

миллий менталитетда из қолдирган салбий таъсирлари етарли даражада тўсиқ бўлди. Миллий тафаккур тарзидаги камчиликларни социолог олим М.Бекмуродов қуйидагича изоҳлайди:

1. Турли ижтимоий-сиёсий ва ҳаётий ҳолатларда аҳолининг муайян қатламлари вакилларида сўз ва иш бирлигининг маълум даражада бузилиши.
2. Одамлараро мулоқотлар тизимида шахснинг давлатга, жамият тузилмаларига бўлган муносабатларида ишончсизлик ҳиссининг юзага келиши.
3. Маънавий меросга ҳурмат, ворислик анъаналарининг сусайиши.
4. Миллий бирликка интилишдан кўра гуруҳий, этник, маҳаллий ва ҳудудий айримчиликка берилишнинг кучайиши.
5. Халқ характерида янгиликларга интилиш, яратиш, бунёдкорлик ҳиссидан кўра тақдирга тан бериш, тангридан паноҳ излаш, қаноат, сабр-бардош, кўникиш, ҳамма нарсага рози бўлиб кетавериш, «ҳамма нарса бари бирлик» майлининг устунлик қилиб, умумий ҳолат сифатида шаклланиши.
6. Ҳаётга рационалистик, яъни ақл ва ҳушёрлик билан, англаб ёндашувдан кўра иррационал ёндашувнинг кучайиши.
7. Одамларнинг маънавий паноҳ излаб мутаассибликка, диний фанатизмга, ахлоқий агрессивлик ва максимализмга берилиши.
8. Ҳудудий, сулолавий, жамоавий негизлардаги бегоналашув ва ажралишлар тенденциясининг фавқулодда кучайиши.
9. Маърифий таназзулнинг чуқурлашуви, саводсизлик даражасининг ортиши бошланди.¹

Юқорида салбий ҳолат сифатида келтирилган хусусиятлар колониал тузумни бошидан кечирган миллат тафаккури тарзидаги табиий ҳол саналади. Лекин замонавий социал антропологик назарияларда бундай ҳолат демократик очик жамият қуриш учун нореал ҳисобланиб, колониал тузумни бошидан кечирган мамлакатлар фуқароларида ҳокимиятдан кўрқиш ҳисси

¹ Бекмуродов М.Б. Миллий менталитет ва раҳбар маънавияти. -Тошкент: Адолат, 2003. 7-б.

кучли бўлганлиги учун улар миллий анъаналар атрофида янада кучлироқ жипслашадилар. Ўз-ўзидан бунинг натижасида анъанавий коллектив руҳи кучаяди. Индивидуалистик руҳият жамиятнинг иқтисодий бойлиги орта бориши билан шаклланиб боради. Очик демократик жамият ва бозор иқтисодиётининг тараққиёти манбаси сифатида демократик назарияларда индивидуалистик руҳият эътироф этилади: «Аҳоли жон бошига иқтисодий бойлик қанча кўп бўлса, индивидуал руҳият шунча тез шаклланади. Индивидуалистик ментал дастур демократик ва бозор иқтисодиёти жамиятининг мезонидир»¹. Бу барча ҳолатларни эътиборга олган ҳолда Ўзбекистонда амалга оширилиши лозим бўлган ҳуқуқий ва иқтисодий ислохотлар ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётнинг ҳамма жабҳаларини қамраб олиши ва вужудга келиши мумкин бўлган салбий жиҳатларни назарда тутиб, уларнинг олдини олиш имкониятига эга бўлган алоҳида, яхлит шу билан бирга бир бирини тақозо этувчи тизимни ташкил этиши лозим эди. Шунинг учун ҳам ислохотнинг барча йўналишларида икки тамойилга асосан иш олиб борилди. Биринчиси мамлакатнинг тараққиётига восита бўла оладиган миллий урф-одат, анъаналар, миллий ва диний бағрикенглик, меҳнатсеварлик, тадбиркорлик каби миллий хусусиятлардан келиб чиқадиган сифатларга катта эътибор бериш, тараққиётнинг ички мотивацион асоси сифатида уларга ёндашиш эди. Иккинчиси эса, умуминсоний тараққиётнинг қонуниятлари ва қадриятлари тамойилларини ўзлаштириб, миллий тараққиёт моделига татбиқ этишдан иборат бўлди. Бу каби ҳолат ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишда ҳам намоён бўлди. «Ҳуқуқий ислохотнинг амал қилиш доираси фақат ўзига хос ҳуқуқий майдон билангина чекланиб қолади, деб ўйлаш нотўғри бўлур эди, чунки ҳуқуқий ислохотнинг ўзгартирувчи кучи ижтимоий ҳаётнинг ғоят хилма-хил соҳаларини қамраб олади. Ҳуқуқий ислохот бўлмас экан, сиёсий тизимни ёки иқтисодий ҳаётни самарали ислоҳ қилишга умид боғлаш ҳам мумкин бўлмайди. Бу соҳаларни ислоҳ қилиш барча ҳолларда

¹ Андрианова Т.В. Геополитика и культура.- М.: Политиздат, 2001. С-27.

ҳам ҳуқуқий шаклда амалга оширилади», - деган фикр берилади иқтисодшунос олим В.А.Чжен раҳбарлигида chop этилган «Бозор қонуниятии асослари» номли қўлланмада¹.

Ислоҳот йўлидаги дастлабки қадамлар энг аввало инсон омилини барча ўзгаришларнинг марказига қўйиб, инсоннинг эрк, яшаш, кадр-қимматини тиклашдан бошланди. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Конституцияси республикадаги ҳуқуқий тизимнинг негизидир, унда ҳуқуқий давлатнинг асосий тамойиллари белгилаб қўйилган. Унга кўра ҳуқуқ тизими қонун чиқарувчи ҳокимият, ижро этувчи ҳокимият ва суд ҳокимиятидан иборатдир. Сиёсатшунос олим З.Бжежинский демократик тараққиёт ҳақида демократия экспорт қилинмайди, унга эволюцион йўл билан эришиш лозим деган фикр билдиради. Юртимизда олиб борилаётган ислоҳотлар эволюцион йўл билан босқичма-босқич фуқароларнинг кайфияти ва сиёсий ислоҳотларни қабул қилиш кўникмаларига қараб амалга оширилаётгани учун ҳам ҳуқуқ тизими йилдан йилга такомиллашиб, ижобий ўзгаришларни қабул қилмоқда. Хусусан, қонун чиқарувчи ҳокимият Олий Мажлиснинг парламентаризм тамойили асосида иш олиб боришининг шаклланиши, суд ҳокимиятининг либераллашуви, фуқароларнинг давлатдан бегоналашув кайфиятининг олдини олиш мақсадида миллий ўз-ўзини бошқарувчи маҳалла тизими ҳуқуқ органлари билан ҳамкорликда фаолият кўрсатишни кенгайтириш ҳолатлари ҳуқуқ тизимининг демократлаштирилаётганини кўрсатиб турибди. Шу билан биргаликда умуминсоний ҳуқуқ тамойилларининг гуманистик хусусияти ҳам миллий ҳуқуқ тизимига жорий этила бориляпти. Бунга 2005 йил 28 январида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида суд-ҳуқуқ тизимининг мустақиллигини таъминлаш, жазолаш тизимидан ўлим жазосини олиб ташлаш масаласининг қўйилиши мисол бўла олади.

¹ Бозор қонуниятии асослари // Чжен В.А. раҳбарлигидаги муаллифлар гуруҳи. - Тошкент: Бизнес каталог, 1996. Т.№ 3. 54-б.

Ўзбекистонда ижтимоий ислохотларнинг олиб борилишидан, ҳуқуқий ислохотларнинг амалга оширилишдан мақсад фуқароларнинг фаровонлиги, иқтисодий таъминотидир. Бунда умумий ислохотларнинг ташкилий ва зарурий қисми сифатида бозор тизимининг шаклланиши, шубҳасиз асосий ўринни эгаллайди. Бозор тизими барча ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлиб, унинг асосида бир тизим таркибида мавжуд бўлган бир қанча бозорларнинг функционал белгиланганлиги ётади. Бу каби тизим дунё иқтисодиётида ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб шаклланган бўлиб, унинг вужудга келишига бир қатор омиллар таъсир кўрсата бошлаган эди.

Биринчидан, индустриал ва постиндустриал ишлаб чиқаришнинг бир-неча бор ўсиши муносабати билан бозор муҳити тасаввур қилиб бўлмас даражада кенгайиб кетди. Бунда интенсив равишда натурал ишлаб чиқаришнинг товар ишлаб чиқаришга ўсиб ўтиши, иш кучига нисбатан олди-сотди муносабатининг шаклланиши, тўлов хизматлари, шунингдек, маиший хизмат соҳасининг кенгайиши, илмий тадқиқотларнинг натижалари маҳсулот сифатида сотилиши ҳолатлари асосий ролни ўйнади.

Иккинчидан, замонавий ишлаб чиқариш ҳар томонлама ривожланган инсоннинг чексиз эҳтиёжларини қондиришга ҳаракат қиладиган фаровонлик турларини кашф эта бошлади. Бу каби фаровонлик хизматлари фақатгина бир бозор доирасида амал қилиши мумкин эмас эди.

Учинчидан, XX асрда кенг қулоқ ёзган меҳнатнинг ижтимоий тақсимланиши ишлаб чиқариш доирасидан чиқиб, бозор тизимига кириб кела бошлади.

Тўртинчидан, акционерлик ташкилотлари томонидан олди-сотди объектларини қимматбаҳо қоғозлар билан расмийлаштиришнинг оммавийлашиши алоҳида қимматбаҳо қоғозлар бозорининг вужудга келишига олиб келди.

Ва, ниҳоят, халқаро иқтисодий алоқаларнинг интенсив равишда ўсиб бориши валюта бозорининг шаклланишига эҳтиёж яратди.

Тоталитар тузум иқтисодиётидан чиққан ва фуқаролар тафаккур тарзида ҳали боқимандачилик, манқуртлик кайфияти устун бўлган Ўзбекистоннинг бундай тараққий этган бозор тизимига интеграциялашуви жуда мураккаб ҳолат бўлиб, бу фуқароларнинг иқтисодий дунёқарабини янги тамойиллар асосида тарбиялаб боришни тақозо этар эди.

Ўзбекистоннинг мустақиллик давридан кейинги тарихида бозор тизimini шакллантириш бозорнинг эркин амал қилиши билан белгиланган бозор иқтисодиёти тамойили асосида ташкиллаштирилди. Бозор иқтисодиёти ҳам эволюцион йўл орқали такомиллаштириб борилиши назарда тутилди: «Бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг эволюция йўли танлаб олинганлиги ўзининг анъанавий оғир босиқлиги, пухта ўйлаб қарор қилишга руҳан мойиллиги ҳамда тинчликсеварлиги туфайли бир ҳолатдан иккинчисига, айниқса, турмуш тарзида, сакраб ўтишга рағбати йўқ ўзбек халқининг фикрлаш тарзига айнан мосдир»¹. Қолаверса, жуда мураккаб жараёнда иқтисодий ҳаётга анъанавий ёндашувчи ўзбекларнинг турмуш тарзига бозор тизимининг ғарбга хос усулини тўғридан тўғри экспорт қилиш мураккаб муаммоларни келтириб чиқариши мумкин эди. «Масалан, 70-йилларда ғарбона демократия, цивилизациялашган турмуш тарзини Эрон давлати турмуш тарзига сингдиришга бўлган подшоҳ Муҳаммад Ризо Паҳлавийнинг саъй-ҳаракатлари нечоғли чиппакка чиққанлиги, анъанавий диний ёндашув тарафдорларининг ялпи бош кўтарганлиги, оқибатда эса унинг ўзи мамлакатдан жон сақлаб қочганлиги ва бугунги кунда эса Эрон давлати исломий анъаналар муҳитида яшашга ўтганлиги, ғарб демократияси ва турмуш тарзининг бу мамлакатда рад этилганлиги барчага аёндыр. Ҳудди шундай ҳолат ёки ўхшаш манзаралар Афғонистон, Эфиопия, Сомали сингари давлатларда ҳам рўй берганлиги бежиз эмас»². Бозор тизими аслида тарихан мураккаб тизим бўлиб, « у мунтазам такомиллашиб боришга, ишсизлик,

¹ Бозор қонунияти асослари // Чжен В.А. раҳбарлигидаги муаллифлар гуруҳи. - Тошкент: Бизнес каталог, 1996. Т.№ 3. 38-бет.

² Бекмуродов М.Б. Миллий менталитет ва раҳбар маънавияти. - Тошкент: Адолат, 2003, 57- б.

бировларнинг бойиб кетиши, бошқаларнинг эса хонавайрон бўлиши ва қашшоқлашуви билан боғлиқ жамиятнинг кескин табақаланиши каби салбий ҳодисаларни енгишга муҳтож»¹. Айнан шунинг учун ҳам бозор иқтисодиётига босқичма босқич ўтиш ғояси қулай йўл деб топилди. Лекин бир вақтнинг ўзида ривожланган демократик жамиятларнинг бозор тизими тамойиллари аста-секинлик билан миллий тизимга татбиқ этила бошланди. Бу энг аввало ўзбек менталитетида меҳнатга муносабатни тўғри шакллантириш мафкурасида намоён бўлди. Ментал тафаккур тарзида меҳнатга тўғри муносабатни шакллантириш барча иқтисодий ислохотларнинг маънавий устуни бўлиб хизмат қилади. Собиқ совет тузуми даврида иқтисодиёт соҳасининг маъмурий буйруқбозлик тизимига асослангани миллий ментал хусусиятда меҳнатдан манфаатдорлик, унга ижодий ёндашишни эмас, боқимандалик, порахўрлик, сохта ҳужжатбозликка берилиш одатларини шакллантирган эди. Иқтисодий ислохотлар жараёнида иқтисодиётни мафкурадан озод қилиш, сиёсатдан озод қилиш, хусусий мулк шаклининг вужудга келиши миллий тафаккурда мулкка муносабатни, меҳнатга муносабатни секин аста ўзгара боришига олиб келди: «Шуниси аёнки, ўзбек халқи характери ҳам ўзгармоқда. Миллий менталитет қиёфаси бошқача ранг касб этмоқда. Дунёни англаш тарзи ҳам ўзгармоқда. Бундай ҳол, яъни халқ характерининг ўзгариши жараёнлари жуда катта ижтимоий-сиёсий ҳодиса бўлиб, одатда бу жараённинг амалга ошуви бир авлод умри, азалдан қабул қилинган тартиблар ва демографик ҳисоб-китобларга кўра энг камида 33 йилни талаб этади»².

Ўзбекистон иқтисодий тизим соҳасида умумжаҳон тараққиётига интеграциялашувида бозор тизимининг қонуний жараёнлари ҳам маълум муддатда амал қилиши лозим. Буларга қуйидагилар киради: бозор тизимида миллий бойлик тенг тақсимланмайди, фуқаролар турмуш тарзида тенгсизлик

¹ Бозор қонуниятлари асослари // Чжен В.А. раҳбарлигидаги муаллифлар гуруҳи. — Тошкент: Бизнес каталог, 1996, Т.№ 3, 37-бет.

² Бекмуродов М.Б. Миллий менталитет ва раҳбар маънавияти. — Тошкент: Адолат, 2003. 34- б.

вужудга келади, уларнинг барчасини иш билан таъминлашга имкон бўлмайди, инфляция юзага келади, бу фуқароларнинг асосий қисмини бир ойда топган маблағини бир зумда сарфлашга мажбур қилади. Бунинг натижасида эса, пулларни сақлаш ва инвестиция функцияси қисқаради, иқтисодий ҳолат таранглашади. Бозор тизимига ўтиш жараёнида бу инкор этиб бўлмайдиган ҳолат, лекин бозордаги талаб ва таклифнинг, мувозанат ҳолатининг доимий мавжудлиги унинг либераллигини таъминлайди, мамлакатда иқтисодиёт, ҳуқуқ ва сиёсат бир йўналишда ислохот қилинганда, аҳолининг ночор қатламини ҳимоя қилувчи, уларни ҳуқуқий ҳимояга олувчи социал институтлар, меҳнат биржалари турли воситачи ташкилотларнинг ташкил топиши демократик жамиятнинг элементларидир. Бозор тизимининг юқорида қайд этилган муаммоли вазиятлари вақт ўтиб жамиятнинг иқтисодий фаровонлиги орта бориши билан ҳал этилади. Одатда ҳар бир халқ ушбу тизимни ўзида шакллантираётганда уни мукаммаллаштириб, муаммолардан чиқиш йўлини ўз миллий иқтисодий анъаналаридан излайди.

Қолаверса, дунёвий глобаллашув жараёни оқимлари иқтисодий соҳада спонтанликни вужудга келтира олиш хусусиятини ҳам намоён қилди. XX аср охирларида бутун дунёда феноменга айланган меҳнат миграцияси Ўзбекистон аҳолисини ҳам четлаб ўтмади. Расмий маълумотларга кўра охирги 2006 йилда 105,1 минг фуқаро, 2007 йилнинг биринчи ярмида 670,7 минг, ушбу йилнинг охирига қадар эса, 1 млн. яқин Ўзбекистон фуқароси ташқи меҳнат миграциясида иштирок этган¹. Меҳнат миграцияси феномени ривожланаётган давлатларга хос хусусият эканлиги ҳақидаги замонавий қарашларни назарда тутар эканмиз, миграцион жараёнларнинг миллий менталитетни шакллантиришда прогрессив таъсири мавжуд эканлигини таъкидлаш жоиз. Ижобий таъсир, албатта, иқтисодий қийинчиликка кўникиб кетмаслик, бегона маданият ва жараёнга мобиллик, умуминсоний маданият

¹ Зайончковская Ж.А. Миграция населения из стран Центральной Азии. В книге: Трудовая миграция в Республике Узбекистан: Социальные, правовые и гендерные аспекты / Отв. ред. Е.В. Абдуллаев. - Ташкент: Программа развития ООН в Узбекистане, 2008. 13-с.

ва маиший ҳаётга толерантлик, тадбиркорлик сифатларида кўринади. Меҳнат миграцияси ҳақида аксарият тадқиқотлар миграциянинг менталитетга таъсирини ижобий баҳолайди, шу билан бирга, баъзи омадсиз ҳолларда бу жараённинг дунёқарашда ҳосил қилган депрессив томонлари ҳам кўрсатиб ўтилган. Лекин Ўзбекистонда асосий ҳуқуқий тамойил моноцентризмга қаратилгани, яъни ҳамма нарса инсон манфаатлари ва фаровонлиги учун хизмат қилиши кейинги йилларда бу соҳада ҳам мусбат ўзгаришларни ҳосил қилди. Меҳнат миграцияси давлат томондан жиддий назоратга олиниб, легал ва муҳофаза таъминланганлигига алоҳида эътибор берила бошланди.

Масалан 150 йил олдин феодал тузум ҳукм сурган япон иқтисодий ҳаётида ташқи колониал сиёсатни ҳудудга киритмасликка ва христиан дини таъсиридан халос бўлиш учун бозор тизимини ривожлантиришга катта эътибор берилган. Пахта, лавлаги, гуруч етиштириш ва уларни саноатда қайта ишлаш бўйича бутун Японияда йирик-йирик бозор тизимлари пайдо бўлди. Бунинг натижасида бизнес этикаси, меҳнат ахлоқи, савдо маданияти шаклланди. Иккинчи жаҳон урушидан сўнг катта инқирозга учраган япон иқтисодиётини тиклашда ҳам асосий фактор бўлиб ана шу сифатлар роль ўйнади. Меҳнатсеварлик, мулоҳазакорлик, кучли масъулият, тадбиркорлик японларда миллий хусусиятнинг асосий қиёфасидир. Улар иқтисодий анъаналарда ҳам яққол акс этган. Фалсафадаги инсон омили тушунчасини кенгайтириб миллат омили деб оладиган бўлсак, миллий ёки умумбашарий тараққиётда циклик юзага келадиган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ўзгаришларда асосий ҳал қилувчи миллат фактори-менталитетдир. XXI асрни ўз иқтисодий тараққиёти билан забт этаётган хитой мўъжизасининг асосида ҳам сабр-тоқат, ўз-ўзига юксак талабчанлик, интизом, ватанпарварлик каби қиёфа касб этган хитой менталитети ётади. Ўзбек менталитети ҳам Шарқ ментал тафаккур тарзидаги ботинийлик, шуурий кайфиятларни ўзига олган. Ментал дастурдаги барча ижобий хусусиятлардан тўғри фойдалана билиш, уларни мафкура йўли билан изга солиш тараққиётнинг барча йўналишида

Ўзининг ижобий самараларини беришини Япон ва Хитой тажрибаси орқали кўрсатиб турибди. Сабаби айнан ботинийлик ва шуурий кайфиятлар орқали тараққиётга бўлган, янгиланишга бўлган иштиёқни уйғотиш, фаровонликка бўлган интилишни кучайтириш мумкинлиги пантеистик йўналишдаги шарқ фалсафасининг азалий ақидаларидандир.

Уч минг йиллик тарихий шаклланиш жараёнини бошидан ўтказган ўзбек менталитети мустақиллик давридаги бозор ислохотларида ҳам ўзининг ижобий сифатларини намойиш эта олди. Хусусий сектор ривожлантирилди, банк тизими такомиллашди, қимматбаҳо қоғоз бозори кенгайди, маиший хизмат бозори кенг шаклланди. Буларда эса халқимизнинг янги мафқурани қабул қилишга бўлган толерантлик қобилияти, иқтисодий ислохотларни амалга оширишга лаёқати ва ҳуқуқий тафаккурини такомиллаштиришдаги интилиши катта роль ўйнади. Ҳуқуқий тизимда фуқароларнинг эркинлиги, тенглиги ва мустақиллиги таъминлангани демократик давлат ҳуқуқ тизимининг асосий мақсадларидан бўлиб, бу ҳолат жаҳон ҳуқуқий фанлар йўналишида субъектив ҳуқуқ устуворлиги сифатида белгиланади. Юртимиздаги демократик жараёнлар ҳам ана шу йўналишда бораётганлигини ҳуқуқий соҳадаги ислохотлар исботламоқда.

4.2. Миллий менталитетда демократик тафаккурни такомиллаштиришда оммавий ахборот воситаларининг ўрни

Ҳозирги кунда жамиятимизга супериндустриал жамиятнинг информацион оқими кириб келиши энг аввало оммавий ахборот воситаларига ўз таъсирини ўтказяпти. Даврий нашрларимизда шов-шув, маиший, ва кўнгилочар характердаги сарик пресса деб аталмиш нашр турларининг пайдо бўлиши, дизайн, олиб борилиши ва шакл нуктаи назаридан ўзгариш ва изланишсиз шундоққина Ғарб услубини нусха қилиб олган телекўрсатувларнинг намойиш этилиши оммада тафаккур озуқаси учун

ҳеч қандай қийинчилик талаб этмайди. Бу турдаги газета, журнал, кўрсатувларни ҳеч қандай мулоҳазасиз, фикрлашсиз, руҳий кечинмаларсиз ўқийсиз, тамоша қиласиз ва шундайлигича унутиб юборасиз. ОАВ да бундай оқим билан бир вақтнинг ўзида адабиёт ва санъат каби ўз зиммасига миллий тафаккурни такомиллаштириш масъулиятини олган кучли тенденция ҳам пайдо бўлдики, бу ўтган ўн-ўн беш йил ОАВ да ҳам миллий ўзликни англаш ва такомиллашишга хизмат қилувчи ўзига хос ижодий мактаб шаклланаётганидан далолат беради.

ОАВ нинг етакчи йўналиши бўлган телевидение XX асрда ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида пайдо бўлди ва шу асрнинг ўзидаёқ миллий маданиятнинг ўзига хос маҳсулдор хазинаси, мазмунан ва ифода воситалари жиҳатидан ранг-баранг ва мукаммал қудратли санъат воситасига айланди. Санъатнинг жуда кўп турларини, турли бадиий анъаналарни ўзида қамраб олгани ҳолда, у жамият ривожига, илғор прогрессив ғояларнинг тарғиботига, умуминсоний кадриятлар, дунёвий маданият идеаллари билан чамбарчас боғлиқ маънавиятнинг тикланиш жараёнларига муносиб ҳисса қўшди. Телевидение жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатишнинг фаол шакллари билан бири сифатида маънавий жиҳатдан етук ёш авлодни шакллантириш, уни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, ёшлар қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилиш, дунёқарашида прогрессив тафаккур шаклини ҳосил қилиш сингари вазифаларни ҳам қамраб олди.

«Биз соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказишимиз керак. Соғлом киши деганда, фақат жисмоний соғломликни эмас, балки шарқона ахлоқ-одоб ва умумбашарий ғоялар руҳида камол топган инсонни тушунамиз»¹ - деб таъкидлаган эди Президент И.А.Каримов. Бугунги кунда ёшларнинг маънавий қиёфасига таъсир кўрсатишда айнан телевидение зиммасига жуда

¹Каримов И. А. Халқ кадрини англаш. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг биринчи сессиясида сўзланган нутқдан//Маънавий юксалиш йўлида. - Тошкент: Ўзбекистон, 1998. 5-9 бетлар.

масъулиятли вазифалар юклатилаётгани ҳам бежиз эмас. Илмий-техника тараққиёти ва бадий ижодиётнинг мураккаб уйғунлашувидан таркиб топган телевидение ўзининг таъсир кучининг кўпқатламлилиги, томошабинлар аудиторияси билан мулоқотга кириша олиш ва таъсир ўтказа олиш имкониятлари билан ҳам энг оммавий санъат турига айланган.

Бугунги кунда юртимизда 947 та босма туридаги ОАВ, шу жумладан: 694 та газета, 235 та журнал, 18 та ахборотнома-бюллетень нашрлари мавжуд. Электрон кўринишдаги ОАВ сони 78 та бўлиб, телеканаллар 60 та, радиоканаллар 18 тани ташкил этади. ОАВ агентликлари эса 4 та¹.

Телевидение дастурлари аҳолининг барча қатламлари орқали томоша қилинишига қарамай, томошабинлар аудиториясининг катта қисмини мамлакат аҳолисининг 60 фоизидан ортиғини ташкил этадиган 17 дан 24 гача бўлган ёшлар ташкил этади. Шу маънода ёш томошабинларнинг маънавий қиёфаларини шакллантиришда телевидение, айниқса, ёшлар кўрсатувларининг бадий-ғоявий маҳсулдорлигини ошириш бугунги кунда қанчалик муҳим вазифа эканлиги ойдинлашади.

Бугунги ёшлар телевидениеси (1998 йил 1 сентябрь куни Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг ташаббуси билан ташкил топган «Ёшлар» телеканали тилга олинмоқда – шарҳ бизники – Ш.М.) мамлакат телевидениесининг мавзу ва жанрлар хилма-хиллиги бўйича ажралиб турадиган муҳим тармоғига айланди, унинг тараққиётига янги ва кўп нарса ваъда қиладиган шиддат бағишлади, ижодий ҳаётнинг ички ташкиллаштирилиш тамойилларини яратди, бадий-ифодавий воситаларнинг такомиллашувига сабаб бўлди.

Бугунги кунда давр ёшлар телевидениеси олдида қўяётган муҳим ва масъулиятли вазифалар унинг дастурларини тубдан кўриб чиқиш, ўрганиш, илмий, танқидий баҳолашни тақозо этади.

¹ Матбуот конференцияси материаллари // ОАВ, нашриётлар ва матбаа корхоналари фаолиятида қонунчилик талабларига риоя этилиши тўғрисида. – Тошкент, 2008. 15 ноябрь.

Ўзбекистон телеканалларида ижтимоий-сиёсий ток-шоуларнинг мавжуд эмаслиги телеканалларнинг ижтимоий маҳсулдорлигини тушириб қўймоқда. Ваҳоланки, ёшларнинг сиёсий онгини шакллантиришда ОАВ имкониятларидан фойдаланиш ижобий натижалар бериши аниқ эди.

Ўзбекистон Телевидениесининг «Ёшлар» телеканали фаолиятини ўрганиш, публицистик, бадий-публицистик, бадий жанрлар бўйича қилинган таҳлиллар шуни кўрсатадики, ижодий жараёнлар шу давргача ТВда шаклланган энг яхши анъаналар, тажрибалар муносиб давом эттирилмоқда. Шу билан бирга «Ёшлар» телеканали кўрсатувларида кўзга ташланаётган қуйидаги нуқсонларни кўрсатиш жоиз:

1. Телеканал ижодкорлари мавзу танлашда кенг доирада ижод қилмайдилар, ижтимоий публицистик кўрсатувлар кам. Бу кўрсатувлар ҳукуматнинг бирор фармони чиққанидан кейин пайдо бўлади ва кейинги фармонгача давом этади. Аммо мазкур фармон ёки фармойишга сабаб бўлган муаммоларнинг илдизлари, сабаблари ва ечимлари очилмай қолади. Иккинчи яна бир ҳукумат ҳужжати пайдо бўлганида, олдинги фармонга асос бўлган мавзунини ёритиш тўхтаб қолади, энди барча эътибор янги фармоннинг тарғиботига кўчади.

2. Долзарб мавзулар, аудиториянинг асосини ташкил қиладиган ёшлар ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги муаммолари кўтарилмаглиги туфайли томошабинларда унга нисбатан ишончсизлик пайдо бўлмоқда. Каналнинг публицистик кўрсатувларида турфа фикрлар эмас, бошловчининг бир ёқлама қарашлари етакчилик қилади. Ҳолбуки, ёшлар телепублицистикаси энг кучли, ростгўй ва жасоратли бўлиши ва у жамиятнинг энг долзарб муаммоларини кўтариши лозим.

3. Телевидение дастурлари бир-биридан композиция ва сюжет қурилишида, оригинал ечимлар, тасвирий ифодавий воситалари билан фарқ қилмайди. Канал кўрсатувларида нафақат мавзу, балки услублар ҳам

ниҳоятда ўхшаш. Кўпгина кўрсатувлар суҳбат ва репортажлар даражасидан кўтарилмаётир, оддий баён устунлик қилади.

4. Телеканалда журналист-бошловчиларнинг фаоллиги кўзга ташланмайди. Улар жамоатчиликка ижтимоий аҳамиятга молик ўткир мавзуларни ҳавола қилмайдилар, мавзуни чуқур ёритишда далиллар ила дадил ёндашиш сезилмайди. Статистика, мониторинглар, ижтимоий сўровлар, иллюстрация материалларидан фойдаланиш йўлга қўйилмаган.

5. Бошловчиларнинг кўрсатувларда ўзларини эркин тута олмаслик, кадрда равон фикрлай олмаслик ҳоллари мавжуд. Бошловчиларда табиийлик етишмайди. Хорижда нафақат ҳар бир кўрсатувнинг ўз қиёфаси, балки бошловчиларнинг қиёфа(имидж)си ҳақида ҳам чуқур ўйланади. Айниқса, ижтимоий-сиёсий публицистик кўрсатувларнинг бошловчилари қиёфасида шахс хусусиятлари кўзга ташланиши лозим.

6. Ёшлар билан бевосита мулоқот, ёшларнинг маънавий қиёфаси ҳақидаги кўрсатувлар йўқ. Баҳс кўрсатувлар ниҳоятда кам.

Маълум бир камчиликларнинг мавжудлигига қарамай, «Ёшлар» телеканалининг бир неча йиллик фаолияти ўзига хос юксалишлар даври бўлди ва мамлакат телевидениеси тараққиёти, Ўзбекистоннинг маданий ва ижтимоий ҳаётида ўзига яраша ўрин эгаллади. Ҳаётга янгича нигоҳ, воқеа-ҳодисаларни таҳлил қилишда жаҳон телесаноатининг энг яхши тажрибаларини ўзлаштириш, замонавий телетехнологиялардан фойдаланиш, сўнгги йилларда ўзбек телевидениесида тўпланган энг яхши анъаналарни давом эттирган ҳолда иш бошлаган янги канал ёшларни миллий истиқлол руҳида тарбиялашдек муҳим вазифаларни бажаришга киришаркан, Ўзбекистонда ихтисослашган каналларнинг истиқболи мавжудлигини исбот қилди. Янги замон руҳини кўрсата оладиган, миллатни эркин фикрлашга, мавжуд муаммо ва камчиликларни дадил айта олишга ўргатадиган кўрсатувлар пайдо бўлди. Айниқса ЎзТВ Ёшлар телеканалида намоёиш этилган ва этилаётган Раҳмон Кўчқорнинг «Ҳайрат», Эшқобил Шукрнинг

«Бир пиёла чой устида», Ойбек Вейсал ўғлининг «Ракурс», Иброҳим Хаққулнинг «Ғазал соғинчи», Матлуба Сафарованинг «Оҳанрабо» кўрсатувлари, Элмира Раҳматуллаеванинг «Оила тилсими» баъзи-бирлари ҳозирда давом этмаётганидан қатъи назар, мафкуравий жараёнда миллий тафаккурни бойитувчи, унда ўзлик, нафсоният ва масъулият ҳиссини ҳосил қилувчи бир босқич бўлди. Бунга 2006 йилдан бери экранга чиққан «Оддий ҳақиқатлар», «50га 50» кўрсатувларини ҳам мисол қилиш мумкин

Кўрсатувларни янги замонавий компьютер технологиялари билан жиҳозлаш, замон руҳига монанд суръат ва шиддатни сақлаган ҳолда, уларнинг мазмунига миллий қадриятлар, ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланган анъаналарини сингдириш масалалари ҳам асосий вазифа қилиб белгиланди. Давр қаҳрамонини яратиш йўлида ғоявий-бадий жиҳатдан катта тажриба эгалланди. Ёшлар телевидениеси янги технологиялар, ижодкорлар томонидан поғонама-поғона эгалланиб борадиган мураккаб ижодий жараёнлар билан такомиллашиб борадиган, мамлакат, миллат равақи, келажаги йўлида фойдаланиладиган жуда катта миллий бойликлардан биридир. «Ижтимоий фикр» маркази томонидан ўтказилган сўнгги сўровномаларнинг натижаси ҳам шуни кўрсатадики, Ўзбекистон аҳолисининг 92,6%и «ойнаи жаҳон»ни, унинг 49%и Ўзбекистон телевидениеси, шундан 84,8%и «Ёшлар» телеканали дастурларини доимий равишда томоша қиладилар. «Ёшлар» телеканали аудиторияси томонидан айниқса, бадий фильмлар, сериаллар, информацион дастурлар, маиший публицистик кўрсатувлар катта қизиқиш билан томоша қилинади.

Бугунги кунда «Ёшлар» телеканали жуда катта ижодий ва техник потенциалларга эга бўлгани, ёшлар тербиясида энг кучли коммуникатив восита эканига қарамай, ижтимоий тадқиқотларнинг ўтказилмаслиги, томошабин билан экран ўртасидаги муносабатларнинг мавжуд эмаслиги, ривожланган мамлакатлар телевидениеларидаги энг яхши ижодий жараёнларни ўрганмаслик, истеъдодли телеижодкорларни

рағбатлантирадиган телефорумларнинг йўқлиги, ташкилий ишларнинг яхши ташкил этилмагани натижасида ўзининг олдидаги мақсад ва вазифаларини бажаришда қатор қийинчиликларни бошидан кечирмоқда. Бу вазифаларни ҳал қилиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

«Ёшлар» телеканали, умуман, Ўзбекистонда фаолият олиб бораётган оммавий ахборот воситалари миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдириш, ёшларни мустақиллик ва бугунги куннинг қадрига етадиган, мамлакат истиқболида ўзининг ўрни, бурчини масъулият билан ҳис қилиб турадиган комил, баркамол инсонлар қилиб тарбиялашдек муҳим вазифаларни ўз зиммасига оларкан, тарихий ривожланиш жараёнларидаги энг яхши тажрибаларга суянган ҳолда, уларни муносиб давом эттириш, ички имкониятларда яширинган ўзига хос хусусиятларини юзага чиқариш учун янгича шакл ва услубларга мурожаат қилиш масалаларига жиддий ёндашишиши ҳам лозим.

Оммавий ахборот воситалари – ҳар бир мамлакат, миллатнинг ғурури саналади ва унинг бой имкониятлари, ресурсларидан жамият манфаати, халқ равақи йўлида фойдаланиш ниҳоятда муҳим масаладир. Шулардан келиб чиққан ҳолда миллий тафаккурда демократик дунёқарашни шакллантириш учун аҳамиятли бўлган қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратиш лозим:

1. Ўзбекистонда ёшлар кўрсатувларининг ижтимоий махсулдорлигини ошириш учун ёшлар аудиториясининг талаб ва эҳтиёжлари ҳар томонлама ўрганилиши лозим. Илмий тадқиқотлар телевидение дастурларининг иқтисодий, ижтимоий ҳамда эстетик вазифаларини қамраб олиши керак. Оммавий ахборот нашрларида мутахассисларнинг фикрлари, рейтинг натижаларини узлуксиз, доимий равишда ёритиб бориш мақсадга мувофиқдир.

2. Қўшни мамлакатлар, жаҳоннинг ривожланган мамлакатларининг ёшлар учун махсус фаолият кўрсатадиган телевидениеларининг энг яхши тажрибаларидан ўрганиш зарур.

3. Радио ва теледастурларга даврнинг билимдон, жамоатчилик томонидан тан олинган сиёсатшунослари, публицистларини жалб этиш. Публицистик дастурларда долзарб мавзуларга ўрин бериш, ҳужжатлилиқни кучайтириш, факт ва далилларга объектив баҳо бериш, ҳаққоний хулосалар чиқариш, дастурларнинг ижтимоий маҳсулдорлигини ошириш зарур. Публицистик кўрсатувларга даврнинг таниқли публицистлари, сиёсатчиларини жалб қилиш, муаллиф-бошловчилар билан телетанқидчиларнинг семинарларини ўтказиш ишларини ташкиллаштириш лозим.

4. Бадиий-публицистик кўрсатувларнинг ривожланишдан орқада қолаётган турлари – кўнгилочар томошалар, ижтимоий ток-шоуларни ривожлантиришга эътибор бериш керак.

5. Ёшлар тарбиясида телесанъатнинг энг мураккаб жанри - бадиий жанрларнинг мавжуд имкониятларидан унумли фойдаланиш мумкин. Бадиий кўрсатувларда ёшлар аудиториясига таъсир кўрсатишнинг янги шакл ва услубларида олиб борилаётган фаолиятда қўйилган ижобий қадамларни янада шакллантириш эҳтиёжи мавжуд. Ёшлар маънавиятига дахлдор, ҳаётий мавзуларни телеэкранга олиб чиқиш, шу мақсадда телеканалга ёшлар аудиторияси талаб ва имкониятларини яхши биладиган, замонавий мавзуларда ижод қиладиган таниқли сценаристларни жалб қилиш керак. Бадиий жанрлардаги дастурлар студияларини тузиш, уларнинг иқтисодий асосларини яратиш мақсадга мувофиқдир.

6. Интерреактив телевидение сари қадам қўйиш замон талабидир. Айнан жонли телевидениеда ТВга хос бўлган жуда кўп сифатлар юзага чиқади. Муаллифлик студияларини ташкил қилиш ва уларнинг соғлом рақобатини яратиш давр тақозосидир. Бу каби тадбирлар ёшлар телевидениеси демократик қарашлар учун очиқ эшик бўлишига имконият яратади.

4.3. Ёшларда демократик тафаккурнинг шаклланиши масалалари

Миллий истиқлол назарияси ва амалиётидан келиб чиққан ҳолда миллий менталитетда демократик тафаккур шаклланишини такомиллаштириш ҳақида сўз кетар экан, Ўзбекистон аҳолисининг ярмидан кўпроғини ташкил қилаётган ёшлар ҳақида гапириш жоиздир. Ўзбекистоннинг 62% дан ортиқ аҳолиси 29 ёшгача бўлган ёшлардир. Улардан 486105 мингги 16 дан 24 ёшгача бўлган ёшлар, 743358 мингги 25 дан 29 ёшгача бўлган ёшлардан иборат.¹ Қолаверса, Марказий ва Шаркий Европа, ҳамда МДХ мамлакатларидаги 65 млн. ёшлар, шу жумладан, Ўзбекистоннинг 65% аҳолиси “ўтиш даврнинг авлодлари”ни ташкил қиладилар. Улар гўдак бўлганларида, уларнинг мамлакатлари сиёсий ва иқтисодий ислохотлар йўлида илк қадамларни қўя бошлагандилар, шунингдек, бу “авлод” вакиллари охириги ўн беш йиллик ислохотларни ўзларида синаб кўрдилар ва ҳамон бошдан ўтказмоқдалар. Шу билан бирга кейинги ўн беш йил вақт давомидаги бутун Марказий Осиё давлатлари қатори Ўзбекистонда ҳам миллий ўзликни англаш ва миллий истиқлол тамойилларининг шаклланиши жараёнида яхши маънодаги сиёсий ва маънавий ислохотлар билан бирга баъзи нотекисликлар ва нотинч тўлқинлар ҳам бўлиб ўтди. Бу бир томондан Ўзбекистондаги демократик интеграцион жараёнга салбий экстремистик кучлар муносабатининг ҳаётий принциплари ва қарашлари шаклланиб улгурмаган ёшларимизга таъсирида ҳам кўринди.

Ёшларнинг онгида қандай кайфият устунлигини айтсанг, мен сенга мамлакатнинг келажагини айтаман, деган эди социолог Эдмун Берк. Жамият маънавияти, юрт барқарорлиги, миллат фаровонлиги ҳар қандай тараққиётнинг муҳим шарти ва кафолатидир. Бунга эришиш учун эса тарихий хотира, миллий ва диний кадрият, анъаналарни изчил ўрганиб, давр руҳи билан бойитган ҳолда давлатнинг келажаги бўлган ёшлар онгида

¹ ЎзР Давлат статистик қўмитасининг 2006 йил май ойида олинган маълумотларига асосан.

шакллантириб бориш зарурий жараён саналади. Ушбу омиллар ёшларнинг жамиятдаги роли, ижтимоий фаоллиги даражасини ҳам белгилайди.

Мазкур муаммолар ҳозирда бир томондан барча тамойил ва жараёнларни миллий услубдаги ривожланган демократик жамият куришга қаратган, иккинчи томондан эса, анъанавий жамиятнинг салбий оқибатларидан бўлган иррационал дунёқараш кучли бўлган ўзбек социумида ёшлар дунёқарашида демократик тафаккур шаклланиш, диний ва дунёвий қарашлар уйғунлиги масаласи, у билан боғлиқ ёшларнинг толерантлик ва ижтимоий фаоллик хусусиятларининг барча ижтимоий гуманитар фан йўналишларида даврий равишда қайта ва қайта тадқиқ этишга арзийдиган илмий объект эканлигини ойдинлаштирди.. Бу каби тадқиқотлар нима учун диний дунёқараш кучли ривожланган ўзбек миллий муҳитида тарбия кўрган баъзи ёшлар онгини осон забт этипти деган саволларга ҳам рационал жавобларни келтириб чиқаради.

Бугунги кун ёшларининг қизиқиш доиралари, фаолияти, дунёқарашида шаклланган диний ва дунёвий қарашлар уйғунлиги масалалари, улардан келиб чиқиб шаклланадиган толерантлиги ва ижтимоий фаоллиги нафақат уларнинг ўз тақдирларини, балки бутун бир миллат ёки мана шу миллат тақдири билан боғлиқ давлат келажагини белгилаб беради. Бу аксиомага айланган ҳақиқат бўлиб, бу каби фикрлар антик давр идеологларидан тортиб ҳозирги кун футурологларининг назарияларигача тез-тез таъкидланади ва ҳар бир замонда ўзига хос янги мазмун касб этиб бормоқда. Шу билан бирга ушбу тадқиқотлар ижтимоий-сиёсий жараёнда юзага чиққан, келиб чиқиш жиҳатдан мураккаб тарихий жараённинг натижаси бўлган ақидапарастлик каби салбий феноменларни чуқур тарихий, социал-фалсафий, психологик таҳлилини олиб бориб, уни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқиб, баъзи ёшлар дунёқарашида илдиз отишни бошлаган террористик оқимларнинг таъсирига барҳам беришга восита бўлади. Ижтимоий фалсафа барча ижтимоий гуманитар фан соҳасидаги янгилик ва натижаларни ўзида

синтезлаштирувчи ва бирлаштирувчи шу билан бирга энг аввало муаммоли вазиятларда йўналтирувчи хусусиятга эга бўлгани учун ҳам, ўзининг вазифасидан келиб чиққан ҳолда ёшларнинг толерантлиги ва диний дунёқарашини ўрганишда ҳал қилувчи ечимларни бериши керак.

Ҳозирги замонда ёшлар муаммосини глобал миқёсда ўрганилиши масаласини қуйидагича кўриб чиқиш мумкин. 1. Инсониятнинг тарихий-маданий ривожланиши кейинги эллик йил ичида ўзига хос хусусиятларга эга бўлди. Ижтимоий вақт қиёсан тезлашди, шунга асосан социум ҳаёти фаолиятининг суръати, ритми жадаллашди. Бу илмий техник тараққиётнинг кескин ривожланишида, янги информацион алоқа тизимларининг пайдо бўлишида, ёппасига коммуникациялашиш жараёнида кўринади. Шу билан бирга алоҳида олинган давлатларда инсон умрининг қисқариши, ижтимоий касалликларнинг геометрик прогрессия даражасида тарқалиши ҳам кузатилмоқда. 2. Дунёвий социумнинг маконий хусусиятлари кенгайиб бу ҳолат иқтисодий, сиёсий, ижтимоий жараёнларнинг интеграциялашувини тақозо этмоқда. Давлатлар ўртасидаги чегаралар секин аста йўқолиб инсониятнинг ягона ғоя ва мақсад йўлида бирлашуви жараёни рўй бермоқда. 3. Юқорида келтирилган икки жиҳатга қарама-қарши ўлароқ алоҳида давлатлар тараққиётида ривожланиш йўли, иқтисодий услуб жиҳатидан плюралистик манзара кўзга ташланмоқда. XX асрнинг дунёга келтирган ижтимоий талофотлари ўзининг тугал акс таъсирини кўрсатиб бормоқда.

Кўриб чиқилган ҳолатлардан хулоса қилиш мумкинки, бу барча вазиятга мувофиқ маънавий руҳий муҳит шаклланмоқда, фалсафий қарашлар ўзгармоқда. Инсониятнинг инқирозли ҳолатига қарши кайфиятни шакллантириш энг катта ва биринчи муаммо бўлиб, инсон масаласи, унинг мавжудлиги ва руҳий олами масаласини ҳал қилиш замонавий илм-фаннинг долзарб вазифасига айланмоқда. Социолог А.С.Панарин «XX асрга қадар жамият ёшларни танимади», дейди ва у билан бу борада баҳслашиш қийин.

Чунки илмий муҳитда ёшлар мавзуси ҳали ҳанузгача янги ва тўла ўрганилмаган. Энг қизиғи юқорида кўтарилган ва таъкидланган жиҳатлар, замонавий глобал муаммолар айнан ёшлар билан боғланиб бормокда. Сабаби ёшлар ҳақиқатан ҳам XX асрда энг кучли феноменга айланди. Ёшларнинг демократик жараёнларни идрок этиш қуввати, толерантлиги, ижтимоий фаоллиги ва унда катта ўрин эгалловчи диний ва дунёвий қарашлари мавзусининг глобаллиги яна шу билан белгиланадики, бу муаммолар дунёвий цивилизация усули ва истикболини ҳам белгилаб беради.

Дунёни қадриятий англаш инсонга стимул берувчи, уни ички имкониятларини очувчи, инсонларга ва борлиққа бағрикенг муносабатни шакллантирувчи психологик омилдир. Шу билан бирга у ёшларда ижтимоий фаолликни такомиллаштиришнинг этик принципларини ҳам ўзида ифодалайди. Шунинг учун ҳам фалсафанинг долзарб вазифаларидан бири ёшлар дунёқарашининг қадриятлар тизими билан боғлиқ масалаларини ўрганишдир.

Этник, миллий, анъанавий муҳитда тарбия олган инсон ҳаётида маънавий раҳномо вазифасини диний эътиқод ўтайди. « Ҳаётий меъёрларимиз тўғрилигига ишонч ҳосил қилмасдан яшашимиз мумкинми? Йўқ, инсон ишончсиз сўқир ва ҳимоясиздир. Инсонни эътиқодсиз даҳшат ва таҳликали кўрқув қамраб олади... Лекин ҳар доим ҳам эътиқоднинг предмети бўлиб Худо ёки бошқа диний таълимотлар роль ўйнайдими? Ҳақиқатан ҳам эътиқод ва дин ўртасида чамбарчас боғлиқлик мавжудми»¹. Америка социологи Э.Фром фикрича эътиқод ақл – заковатга нисбатан бўлиши мумкин, инсониятга нисбатан бўлиши мумкин, авторитетга нисбатан бўлиши мумкин,илоҳиётга нисбатан бўлиши мумкин .Этник ва миллий хусусиятлар кучли шаклланган жамиятда эса алоҳида яққол намоён бўладиган эътиқод формаси диний эътиқоддир. Лекин бу эътиқод изчил назарий диний билимга асосланади дегани эмас. Диний эътиқоди кучли бўла туриб дин асослари

¹ Фром Э. Бегство от свободы. Человек для себя. - Минск: ООО «Попурри»,1998. -С. 541.

бўйича етарли назарий билимга эга бўлмаган ёшлар орасида тушуниб-тушунмаган ҳолда дин номидан иш кўраётган турли сиёсий экстремистик оқимларга, фундаменталистик гуруҳларга берилиб кетиш ҳоллари кўплаб учрайди. «Терроризм ҳар доим миллионлаб, ва керак бўлса, миллиардлаб оддий халқнинг эътиборини қозонган у ёки бу ғоя, таълимотни байроқ қилиб, ўзининг вайронкорлик ишини олиб борган. Масалан, у XXI асрга келиб, диний (хусусан ислом дини) ва миллатчилик ғояларига таяниб ҳаракат қилмоқда»¹. Бундай ҳолат эса муаммонинг моҳиятига илмий нуқтаи назардан ёндашиб масалани ҳал этишни тақозо этади .

Ушбу масалаларнинг ҳал этилиши, албатта, ўзининг яқин даврлардаги тарихий илдизларига эга. Маълумки, маҳаллий халқ орасида эркин диний эътиқодга йўл очиб берилиши мустақиллик даврининг дастлабки беш йилларида Ўзбекистонда диний муассаса – ўқув даргоҳлари, 5000 дан ортиқ мачитлар қурилиши билан изоҳланади. Тадқиқотда танлаб олинган ёшларнинг ёш даражаси билан тадқиқот ўтказилган йил эътиборга олинса, миллий мустақилликка эришилгандан кейинги ўн беш йиллик муддат жуда кичик давр бўлишига қарамасдан бир авлоднинг шаклланиши учун ижтимоий-сиёсий жараёнлар жадаллашган даврда етарлидир. Ҳолбуки мустақилликдаги дастлабки ўн беш йиллик нафақат шаклланиб келаётган бир авлод ҳаётида, балки бутун бир миллат тақдирида ҳам миллий мафқуранинг шаклланиши, бозор иқтисодиёти ва диний бағрикенглик жараёни нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга.

Бизнингча, совет иттифоқининг сўнгги вақтларида ва мустақилликнинг илк кунларида турли мавзулардаги диний китобларнинг чоп этилиши ва диннинг жамият ҳаётига тезлик билан кириб келиши оқибатида унинг турли маросимларда ўз ўрнини топиши, илк вақтларда миллий мафқуранинг шаклланмаганлиги, лекин инсониятнинг қандайдир бир ғояга эҳтиёж сезиши сабабли ота-оналар ўз билганларича фарзандларига диний билимларни

¹ Жўраев Т. Терроризм ва давр // Ижтимоий фикр. 2001, № 3, 35-бет.

берган бўлишлари мумкин. Шу билан биргаликда диннинг ўша даврда тарбиячи воситасида жамият ҳаётида ўрин топиши, ота-оналарни ўз зиммаларидаги вазифани енгиллаштириш учун фарзандларини диний таълимотлар билан шуғулланишга етаклаган бўлиши керак, деган фикрни илгари суриш имконини беради. Айнан мана шундай ва шу каби қарашларни француз социологи Э. Дюркгейм ўз жонига қасд қилиш (самоубийство), деб таърифлаган эди. Унинг фикрича, “Ўзининг жонига қасд қилиш – бир томонлама фаолият эмас, бунинг учун ўзини ўлдиришни охирига олиб бориш шарт эмас”¹. Иккинчидан, диний урф-одатлар, унинг турли амаллари энг қадимги маҳаллий миллий урф-одатлар билан чамбарчас боғланиб кетган. Ўзбеклар кундалик турмуш тарзларида амал қиладиган ҳар бир одатни мусулмончилик белгиси деб идрок этадилар. Шу сабабли оддий кундалик амаллар, ахлоқ нормалари “дин қоидаси” сифатида ёшлар онгига сингдирилади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнлар, бир томондан миллий идентификация вазияти иккинчи томондан, 2005 йилнинг май ойида рўй берган Андижон воқеалари каби мураккаб ҳолатлар бир ҳудудда, бир хил иқтисодий-сиёсий вазиятда рўй бераётган турли хил реакциянинг айнан ҳудудий хусусиятлар асосида ўрганиш лозимлиги ҳақида ҳам хулосаларга олиб келмоқда. Ҳудудий хусусиятлар шу ўринда демократик тараққиётга интеграциялашаётган анъанавий жамият ёшларининг эътиқод устунининг таянчи бўлган миллий-диний қадриятлар билан боғлиқ ҳолда очиб берилиши мақсадга мувофиқдир. Қуйида мисол қилиб келтирилган социологик характердаги эмпирик тадқиқотларни бир масала доирасида ўтказилган даврий тадқиқотлар деб ҳисобласак, ёшларнинг толерантлик, демократик қарашларининг асоси бўлган дунёвий ва диний дунёқараши муаммолари доимо долзарб ва янгилигини инобатга олган ҳолда

¹ Дюркгейм Э. Самоубийство. Социологический этюд.- М.: Мысль, 1994. –С.13.

бу каби тадқиқотларга доимий илмий-амалий эҳтиёж мавжудлигини ҳис қиламиз.

Ёшларда демократик дунёқараш шаклланиш хусусиятларини эмпирик тадқиқотлар асосида ўрганиб, уни ижтимоий фалсафа соҳасида таҳлил қила олиш учун эмпирик тадқиқотлар ўтказилиш назариясига ойдинлик киритиш муҳимдир. Эмпирик тадқиқотлар ижтимоий-гуманитар фан соҳаларида назария ва амалиётни бир-бирига боғловчи муҳим восита. Ушбу тадқиқотлар барча ижтимоий-гуманитар фанлар учун алоҳида аҳамиятга эга бўлса-да, ҳозирги кунда Марказий Осиё давлатлари гуманитар фанларида фақат социология ва этнопсихология ва психология фанларида бу тадқиқотлар кенг қўлланилмоқда. Бошқа ижтимоий-гуманитар фан соҳалари ҳали эмпирик тадқиқотларни кенг қўллашда етарли тажрибага эга эмас. Фольклор ва этнография соҳаларида ҳам бу каби усулдан унумли фойдаланилишини эътиборга олган ҳолда таъкидлаш жоизки, ижтимоий фалсафа, тарих, адабиёт ва бошқа шу каби фан йўналишларида эмпирик тадқиқотлардан фойдаланишни такомиллаштиришга эҳтиёж сезилмоқда. Америка ва Ғарб ижтимоий гуманитар фанларида эса, эмпирик тадқиқотлар назария ва амалиётни бир-биридан ажратмас воситаси, қайси фан йўналишида бўлмасин, эмпирик тадқиқотларсиз назарий умумлашмаларни тасаввур қилиш мумкин эмас. Қуйида мисол қилиб келтириладиган ёшларга бағишланган лойиҳалар эмпирик тадқиқотларни ижтимоий фалсафа соҳасида қўллаш жиҳатидан бир тажрибадир. Эмпирик тадқиқотлардан социология ва этнопсихология фан йўналишларида кенг фойдаланилгани учун ҳам, бу соҳалардаги эмпирик тадқиқотлар назарияси ҳақидаги маълумотларга асосландик¹.

¹ Воронов Ю.П. Методы сбора информации в социологических исследованиях. -М.: Мысль, 1974; Здравомыслов А.Г. Методология и процедуры социологических исследований. - М.: Наука, 1969; Мацковский М.С., Ермакова О.В. Методические вопросы переработки социологической информации // Проблемы обработки и автоматизированного поиска социологической информации. - М., 1977. - С. 54-83; Михайлов С. Эмпирическое социологическое исследование. - М.: Наука, 1975; Садохин А.П. Этнология. Учебник. -М.: Гардарика, 2000; Маматов М.М. Этнопсихология. -Тошкент: Университет, 2006.

Ҳар икки соҳада ҳам эмпирик тадқиқотлар учта асосдан иборатдир.

1. Тадқиқот дастурининг назарий асослари.
2. Ижтимоий маълумотнинг йиғиш услублари: танлаб олиш усули, ҳужжатлар таҳлили, кузатув, сўров (анкета, интервью)
3. Маълумотларни таҳлил ва талқин қилиш усули, эмпирик асосланган умумлашма, хулоса, кўрсатмалар олиш.

Мавзунинг ўрганилишида эмпирик тадқиқотлар амалиёти:

Ҳар қандай ижтимоий ислохотлар негизида давлат, жамият ва инсон муносабатларини бошқариш муаммолари ётади. Соғлом муҳит, фикр, турмуш тарзи ҳамда ислохотларнинг жамият ҳаётида давомийлиги ва барқарорлигини таъминлаш учун унда истиқомат қилаётган ёшларнинг ижтимоий жараён ва муносабатларда қай даражада иштирок этаётганини, ижтимоий фаоллигини ўрганиш, ўтиш жараёнини бошдан кечираётган ёшлар дунёқарашини прогнозлаштириш имкониятини беради.

Ўзбекистон ёш олимлар миллий жамияти томонидан 2001 йилда Тошкентдаги Олий ўқув юртлари талабалари орасида ўтказилган сўровномада ёшларнинг дунёқарашида шаклланаётган диний ва дунёвий қарашлар мутаносиблиги, диний дунёқарашнинг даражаси ва компетентлиги, дунёвий тараққиётга бўлган толерантликни аниқлаш юзасидан саволлар киритилган. Бу социологик тадқиқот асосида, шунингдек, ёшларнинг дин ҳақидаги тасаввурлари, ислом дини назарий асослари юзасидан билим даражалари, уларнинг дунёқарашларига таъсир этишга ҳаракат қилган ташқи экстремистик оқимларнинг таъсир элементлари, кўлами ва усулларини ўрганиш назарда тутилган эди. Тадқиқотда Тошкент шаҳрида жойлашган Олий ўқув юртларидаги талабаларнинг умумий контингентидан (27242 та талаба, 2001 йил май ойигача бўлган маълумот) келиб чиқиб тадқиқот учун мўлжалланган 800 та анкета сўровномаси саралаб олиш усули орқали

тақсимланди. Шундан 723 та анкета яроқли деб топилди. Мазкур тадқиқотнинг илмий-аналитик таҳлили монография ҳолида нашр этилди.¹

Тадқиқотда 7-савол “Сиз илк диний илм ва унинг қоидалари, амал қилиш жараёнлари ҳақида билимларни кимдан олгансиз” Жавоб вариантлари: 1) Ота-онамдан; 2) Бува-бувимдан; 3) Дин уламоларидан; 4) Яқин танишларимиздан; 5) Махсус тайинланган устоздан; 6) Халқаро инсонпарварлик ташкилотларидан; 7) Мактабдаги устоздан; 8) Ўқиш жойимда. Респондентларнинг 276 таси (38,17%) ота-онамдан, 293 таси (40,53%) бува-бувимдан, 67 таси (9,27%) дин уламоларидан, 33 таси (4,56%) яқин танишларимдан ва 23 таси (3,18%) махсус тайинланган устоздан деган жавоб вариантыни беради. Бу ҳолат эркакларда ота-онамдан 39,35%, аёлларда 35,65%, бува-бувимдан эркакларда 38,54%, аёлларда 44,78%, дин уламоларидан эркакларда 11,76%, аёлларда 3,91% ташкил этган бўлса, махсус тайинланган устоздан жавоб варианты эркакларда 1,83% ва аёлларда 6,09% ўз ифодасини топган. Бу ҳолатни таҳлил қиладиган бўлсак, қандай қилиб ҳозирги 18 – 25 ёш атрофидаги ёшларга илк диний тасаввурларни 37% атрофида ота-оналар уйғотди. Бу ҳолат Тошкент шаҳрида 37,42 % ни, Тошкент вилоятида 36% ни, Фарғонада 41,18% ни, Қашқадарёда 42,86% ни ташкил этади. Ваҳоланки, собиқ иттифок даврида таълим олган диний маълумотларга эга бўлмаган ота-оналар қандай қилиб болаларига диний маълумотлар берган бўлишлари мумкин.

Жумладан, тўртинчи саволдаги «Ўзбекистонда нашр қилинадиган қандай газеталарни ўқийсиз» деган саволга (3 та жавоб варианты респондентлар томонидан белгиланиши мумкин) 80,08% «Даракчи», 46,89% «Оила ва жамият», 32,92% «Халқ сўзи» ва «Мулқдор» газетаси деб белгилаганлар. Лекин уларнинг 9,82% ҳеч қандай газетани ўқимасликлари ҳам маълум бўлди. Кўриниб турибдики, ёшлар «Даракчи» ва «Оила ва

¹ Ўзбекистон ёшларида дунёқараш уйғунлигининг шаклланиш муаммолари. // Авторлар ҳаммуаллифлиги: Э.Э. Каримов, Ш.О.Мадаева, К.К.Каланов ва б. – Тошкент: Тошкент Ислом Университети, 2004. 128-б.

жамият» газетасини маъқул кўрадилар. Нима учун айнан «сарик пресса» турига кирувчи газеталар? Агарда ушбу газеталарнинг мазмунига эътибор қаратсак, унда асосан оила, севги-муҳаббат, маиший-турмуш тарзларининг ёритилишини ҳисобга олсак, демак, ёшлар асосан кўнгил очар, маиший, шов-шув, шахсий муносабатлар мавзусига кўпроқ қизиқишлари маълум бўлади.

Энди 17-саволни муҳокама қилиб кўрайлик. «Исломдаги суннийлик йўналиши бўйича қандай мазҳабга эътиқод қиласиз? 42,19% Ханафия (Имоми Аъзам) мазҳабига, 39,28% респондентлар қандай мазҳабга амал қилишларини билмайдилар ва 18,53% респондентлар ҳеч қандай мазҳабга деб жавоб берганлар. Энди савол туғилади бу 18,53% респондентлар кимлар ёки қайси динга эътиқод қиладилар. Улар ҳақиқатан ҳам қайси мазҳабга эътиқод қилишни билмайдиларми, ёки бошқа динга мансубмилар? Худди мана шу ҳолатни аниқлаш учун 7-саволда уларга «Сиз илк диний илм ва унинг қоидалари, амал қилиш жараёнлари ҳақидаги билимларни кимдан эшитгансиз?» деган савол вариантларида «халқаро инсонпарварлик ташкилотларидан» деган жавоб киритилган. Лекин респондентлар бу жавобни 0,55% белгилаганлар холос. Яна фикримизни тўлиқ асослаб олиш учун 26-саволга мурожаат қиламиз. «Қайси диний мавзуда баҳс юритишни ёқтирасиз?» (3 тагача жавоб вариантини белгилаш мумкин). Бу ерда иккита жавобга эътибор қаратамиз. Биринчиси 32,23% респондентлар (бу энг кўпи) дин тарихи деганлар. Бу эса ўз-ўзини диний англаш эҳтиёжи мавжудлигини англатади. 7,47% (энг ками) миссионерлар сиёсати ҳақида, яъни ўзга динларни тарғиб қилувчилар ҳақида деган жавобни белгилаганлар. Кўриниб турибдики, узоғи билан 1,0-3,0% талабалар христианликни ёки бошқа қандайдир замонавий динларни қабул қилган бўлишлари мумкин. Социал антропология номли китобда ёзилади: «Ҳақиқий етуклик даражаси, характердаги ижтимоий ривожланганлик ҳолати шуни кўрсатадики, инсон ўзи англамаган ҳолда шахс бўлиб етишиб боради. Бу шуни кўрсатадики, у ўзини жамият орқали, роллар тузилмаси ва қадриятлар тизими билан намоён

килади ҳамда маданиятнинг юқори чўққисига кўтарилиб боради. Аҳамиятга молик томони у ўзини шакллантиришни бошқалар орқали – танишлари, гуруҳлар орқали, жамият ва инсоният дунёси орқали танитади»¹. Лекин ижтимоий ривожланганлик барча жамият ва маданиятларда турли даражага эга, шунингдек, шаклланаётган шахс ўзини гуруҳлар, жамият ва инсоният дунёси орқали танитаётганда, ана шу гуруҳ, жамият ва инсониятни ҳам характер ва кўникма, даражасини ўзида акс эттиради. Саволлар таҳлили шуни кўрсатиб турибдики, фоизлар муносабатидан нафақат ҳозирги даврда Ўзбекистондаги ёшларнинг диний дунёқараши даражаси ва йўналишини балки уларни шакллантиришга қаратилган мафкуравий тизимнинг ҳам қай даражада мукамаллиги ва бу тизимда яна нималарга эътиборни қаратиш кераклигини англаш мумкин.

Эътиборни ўзига қаратадиган саволлардан бири 23-саволдир. Бунда респондентларнинг қайси муқаддас китобларни ўқиганларига эътибор қаратилди. Жами респондентларнинг 54,91% ҳеч қандай муқаддас китобни ўқимаганлигини билдиришган, 42,88% эса Қуръон китобини ўқиганларини, 3,73% эса Инжилни, 1,52% эса Тавротни ва 0,41% Забурни ўқиганларини билдирадилар. Бу ўқиганлик тушунчаси аслида ҳақиқатан ҳам бу китобни ўқиб тушунганлик эмас, балки билиш ёки билмаслик маъносига кўпроқ тўғри келади. Кўриниб турибдики, респондентлар албатта ўзлари яшаётган муҳит ва социомаданий ҳолатдан келиб чиқиб муносабат билдирмоқдалар. Таниқли социолог П.Сорокиннинг фикрига кўра, «Туғилган инсон албатта ҳали шахс бўлмайди ёки тирик органик ҳаётнинг субъекти сифатида намоён бўлмайди. Ундаги «Мен»лик ва исми, илмий ғоялари, диний қарашлари, эстетик таъби, ахлоқий ишончлари, ўзини тутиши ва муносабат, машғулотлари, иқтисодий ўрни ва мақоми, тақдири ва ҳаёт йўли ҳали аниқланмаган бўлади. Уни фонограф билан қиёслаш мумкин ва у ҳар қандай кўринишни ўз онги ва тасаввурига ёзиб олади. Яхши фонограф ҳар қандай ёзувни аъло даражада

¹ Минюшев Ф.И. Социальная антропология. - М.: Междун. Унив. Бизнеса и управления, 1997. -С. 87.

қабул қилиши мумкин ва шуниси билан ёмон фонографдан ажралиб туради. Асосийси бу эмас, асосийси у қандай ёзувларни ижро этади – Бетховен симфониясиними ёки жаз мусикасиними, мана шу нарса фонографга боғлиқ эмас»¹. Ёшлар дунёқарашида фонограмма туридаги диний дунёқараш қанчалик устун бўлмасин, информация оқими, учинчи тўлқин дунёсининг таъсир доираси уларнинг онг орти қарашларида ўз таъсир кучини ўтказган. Фикримизга янада ойдинлик киритиш учун 32-саволга мурожаат қилдик. (Бу саволда иккита жавоб вариантыни белгилаш мумкин.) Савол «Имкониятингиз бўлса, қаерга илмий амалий ёки савдо сафарига борган бўлар эдингиз», - деб номланади. Жами респондентларнинг 57,40% АҚШ га, 43,85% Европага, 37,7% Японияга, 12,72% Россияга ва 14,52% Араб давлатларига деган фикрни билдиради. Кўриниб турибдики, ёшлар фақат ривожланган давлатларда малака оширишни хоҳлашапти.

Худди ана шу ўринда Ўзбекистон ёшларининг дунёқараши шаклланишидаги жуда нозик муҳим жиҳатни таъкидлаш лозим. Бир томондан миллий-диний характердаги иррационал анъанавий қарашлар, иккинчи томондан ривожланган дунёнинг информацион оқими ҳали ҳаётий тажрибага эга бўлмаган ва шахсий мушоҳада қобиляти тўла шаклланмаган ёшлар онгида иккиланишни келтириб чиқаради. Бу икки таъсирдан улар мўътадил ҳаёт тарзи ёки яшаш усули ҳақида хулоса чиқариши жуда мушкул. Айниқса, ҳозирда мавжуд ақидапарастлик оқимлари диний эътиқод фақат тақво йўлини танлаганда тўғри бўлади, деган ғояни сингдираётган бир пайтда, аксарият ёшлар тўғри усулдаги диний эътиқодни танладим, деган фикрда кийиниш, еб-ичиш, дўстлар ва яқинлар доирасини танлашда ҳам ҳаёт тарзини ўзгартириб юборяптилар. Бу каби ҳолат Ўзбекистоннинг регионал хусусиятига ҳам боғлиқ бўлиб, Тошкент, Наманган, Андижон ва Фарғона вилоятларида ёшларнинг диний ақидапарастликка мойиллиги тадқиқот материалларида яққол акс этган.

¹ Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. М.: Политиздат, 1992. - С. 159.

«Ўзбекистоннинг тараққиёти ва ривожланишида қайси соҳа етакчи бўлиши мумкин»,- деб номланган саволда қуйидаги натижаларни кўриш мумкин. Бунда респондентларнинг 22,13% ишлаб чиқариш, 17,29% маънавият ва маърифат, 15,91% таълим ва бор йўғи 1,24% дин деб жавоб беради. Эътироф этиш керакки, респондентларнинг аксарият қисми ижтимоий-гуманитар соҳа йўналишидаги Олий ўқув юртларининг талабаларидир. Фоизлар муносабати ва олинган натижаларнинг даражасига қараб айтиш мумкинки, ёшларда ижтимоий ҳаёт оқимини таҳлил қилишда билим ва кўникмалар етарли шаклланиб улгурмаган.

Яна бир саволга мурожаат қилайлик. Бу савол: «Ўзбекистон қайси давлатлар билан ҳамкорлик қилиши керак», - деб номланади. Жами респондентларнинг 21,30% АҚШ ни, 20,47% Европа давлатларини, 15,49% Японияни, 13,83% Россияни ва 3,04% Араб давлатларини деган жавоб вариантларини белгилаганлар.

38-саволда: «Тушкунликка тушганингизда нимага ёки кимга эҳтиёж сезасиз»,- деган саволга мурожаат қиламиз. Бунда жами респондентларнинг 78,15% ота-онамга, 54,08% худога, 49,38% яхши дўстга ва 25,33% севиқли ёрга ҳамда 1,66% спиртли ичимликларга деган жавобни белгилаганлар. Ёки 40-саволда: «Ўқишдан бўш вақтингизда нималар билан шуғулланасиз»,- деган саволга (бир нечта жавоб вариантларини белгилаш мумкин) респондентларнинг 83,82% мусиқа тинглайман, 82,02% китоб ўқийман, 76,76% телевизор кўраман, 68,74% чет тилини ўрганаман ва 34,58% диний таълим билан шуғулланаман деган жавоб вариантларини белгилаганлар. 43-саволда эса «Моддий қийинчиликка тушиб қолганингизда шароитдан қандай чиқасиз»,- деб респондентлардан сўралади. Бунда уларнинг 45,92% худодан мадад сўрайман, 32,78% тадбиркорлик билан шуғулланаман, 24,34% қарз кўтараман ва 26,97% бир нарса дейишга қийналаман деган жавоб вариантларини белгилашган. Лекин «ўз кучига ишонч» жавоб варианты бирон бир респондент жавобида белгиланмаган. Ва айтиш жоизки, худодан

мадад сўраш катта кўрсаткичга эга бўлиб, бу ёшлар онгида мавҳумий кучга ишониш кучли намоён бўлади. Амалий ҳаракатлар сустигини кўриш мумкин. Шу ўринда 17-саволдаги «Қайси туйғуни энг керакли деб ҳисоблайсиз» деганда, 54.08% да ирода туйғусини белгилаганларида шубҳа туғилиши табиий. Бизнингча, ёшларда ирода туйғуси амалий фаолиятда яъни хатти-ҳаракатларида эмас, фақат тасаввурларида мавжуд холос. Айтиш жоизки, Ўзбекистондаги ўтиш даврида одамларнинг кайфияти, хусусан, ёшларнинг руҳиятида ҳиссий туйғуларига берилишга мойиллик кучли эканлиги сезилади. Бу ўринда ёшлар орасида музика тинглаш эҳтиёжи кучли эканлигига алоҳида эътибор билан қараганда 83,82% талабалар асосан музика тинглашларидан билиш мумкин. Лекин масаланинг психологик томони ҳам мавжуд, яъни инсон кўпроқ «ўзи билан ўзи қолишни истаганда, музика тинглашга ҳаракат қилади.» Толстой Л.Н. «музика фикрни эмас, балки қалб ҳолатини узатади» деб эътироф этган эди. Инсон айнан ўзининг ички ҳолатига мос музикаларни тинглайди. Демак музика тинглаш юқори кўрсаткични эгаллаган экан, бу ўринда албатта ёшлар қайси мавзудаги кўшиқларни тинглашини ҳам эътиборга олиш керак бўлади. Масаланинг иккинчи томони шундаки, инсоннинг ташқи олам билан алоқаси қанчалик кам бўлса, бошқалар билан мулоқотда бўлишдан йироқ бўлса, у шунчалик ўзини тўлиқ ҳис қила олмайди, қоникмаслик ҳисси юзага келади, руҳий беқарорликка мойил бўлади.

Тадқиқот саволномасидаги 42-савол: «Бахтсизликка учраган яқин кишингизга қандай ёрдам кўрсатасиз», - деб номланади. Бунда еттита жавоб варианти кўрсатилган. Бунда 324 та иштирокчи ёки 44,81% респондент сабр-тоқатни деб белгилаган. Агар биз респондентларнинг ўртача ёш кўрсаткичини 22 ёш деб оладиган бўлсак, унда табиий равишда анъанавий хусусиятлар давомийлигини кўришимиз мумкин. Негаки ўзбеклардаги сабр-тоқатга мойиллик ёшлар орасида ҳам юқори даражада. 200 та респондент, ёки 27,66% талаба: «Худодан мадад сўрайман», - деб жавоб беради. Учинчи

Ўринда «моддий ёрдам бераман» деган жавоб белгиланган бўлиб, бу 158 та овоз ёки 21,85%ни ташкил этади. Фақатгина 16 та респондент, яъни 2,21% жавоб берувчилар: «Бирор ишни таваккал қилиб бошлагин», - деб маслаҳат беришларини айтган. Кўриниб турибдики, бунда кишилар ўзларини масъулиятдан олиб қочиб илоҳий бир кучга айб ағдаришга ҳаракат қилишади. Бу ерда, албатта, ёшларга берилаётган тарбиянинг «кучсиз» томонлари кўрилади. Биз айтмоқчимизки, ота-оналар ўз фарзандларига тарбия бериш жараёнида боланинг кенг имкониятларини «ўз кучига ишонч»ни унинг онгига сингдириш ўрнига, «тақдир-пешона», «ҳар ким пешонасига ёзилганини кўради», «тирикчиликнинг ўтиб турганига шукр қил» қабиладаги қоидаларга амал қилишни ўргатадилар. «Мусулмончилик аста-секинлик билан»- деган нақл эса ёшлар онгига буткул сингиб кетган десак хато қилмаймиз. Ёшлар орасида «худо- инсон» муносабати қатъийлиги ҳамда руҳан боғлиқлигини кўришимиз мумкин. Бинобарин, ёшларнинг амалий ҳаракат қилишга интилишлари йўқлигини, доимо нимадир ўз-ўзидан пайдо бўлишини ёки кимдир улар учун ҳаракат қилишларини кутиб туришларини ҳам кўрсатади.

Маълумки, эмпирик тадқиқотлар ўзининг даврийлиги билан бир масалани ҳал қилиш доирасида вақт нуқтаи назардан илмий хулосанинг тўғрилигини аниқлашда ёрдам беради. Ёшларда диний бағрикенглик, ижтимоий фаоллик хусусиятларини ўрганишга қаратилган, 2006 ЎЗР ФА Фалсафа ва Ҳуқуқ институти томонидан амалга оширилаётган, ф.ф.д. З.Р.Кодирова раҳбарлигидаги инновацион лойиҳанинг эмпирик тадқиқотлар натижаси бугунги кун ёшларининг бағрикенглиги ва ижтимоий фаоллигини, демократик ўзгаришларда яхши иштирок этаётганлиги ҳақида оптимистик хулосаларни беради. Ушбу тадқиқот Тошкент шаҳрида жойлашган ОЎЮ нинг 700 та талабаси орасида ўтказилган бўлиб, танлаб олиш дастурига асосланган. Социологик тадқиқот дастури 33та саволдан иборат бўлиб, деярли ҳаммаси ёшларнинг толерантлик ва ижтимоий фаоллиги даражасини

аниқловчи аналитик ва ёпиқ саволлардан иборат. Ижтимоий фаоллик ва толерантлик атамалари, ушбу тушунчаларнинг маъносини тўлиқ англаб етадиган талабалар фақатгина ўттиз фоизни ташкил қилса-да, бу хусусиятлар ёшларнинг характерида шаклланганлигини бошқа саволлар кўрсатиб турибди.

Масалан «Ўзга миллат вакиллари билан тенглик, ҳамкорлик руҳида яшашнинг асосида толерантлик (бағрикенглик) каби фазилат ётади, деб ҳисоблайсизми?» ёки «Миллий қадриятлар, урф-одатлар ва анъаналар бағрикенгликка қандай таъсир этади?» каби саволларга етмиш фоиздан ортиқ ёшлар ижобий жавоб берганлар. Мазкур сўровноманинг ўзига хос ютуқларидан бири, у нафақат ёшларнинг ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини аниқлашда, балки уларнинг сиёсий онги даражасини, уларнинг маърифат ва маънавиятга муносабатини ҳам аниқлашда маълум хулосаларни беради. «Сиёсий ўзгаришлар халқ толерантлигига қандай таъсир қилади», дейилган саволга: «Худбинлик асосидаги сиёсий ўзгаришлар бағрикенгликка зид ҳисобланади»,- деган жавоб вариантини ўттиз фоиз ёшлар белгилаган бўлса, умуминсоний тамойилларга қурилган сиёсий ўзгаришлар бағрикенгликка ижобий таъсир кўрсатади, деган жавоб вариантини ўттиз уч фоиз респондент белгилаган. Фоизлар нисбатидан кўриниб турибдики, ёшларнинг бундай сиёсий таъсир масаласини тушунишда принципиал фарқ кўринмайди. Бу эса ёшларнинг сиёсий билимини оширишда мафкура соҳасида тегишли ишларни амалга оширишга эҳтиёж борлигини белгилайди.

Социал антропология номли китобда ёзилади: «Ҳақиқий етуклик даражаси, характердаги ижтимоий ривожланганлик ҳолати шунини кўрсатадики инсон ўзи англамаган ҳолда шахс бўлиб етишиб боради. Бу шунини кўрсатадики, у ўзини жамият орқали, роллар тузилмаси ва қадриятлар тизими билан намоён қилади ҳамда маданиятнинг юқори чўққисига кўтарилиб боради. Аҳамиятга молик томони у ўзини шакллантиришни

бошқалар орқали – танишлари, гуруҳлар орқали, жамият ва инсоният дунёси орқали танитади»¹. Ижтимоий тажриба ёшлар дунёқарашини шакллантиришда жамият ривожланишининг устувор йўналишлари, эзгу мақсадларини ифодалайдиган ғоявий жараёнлар муҳим ўрин эгаллашини кўрсатади. Дарҳақиқат, «Инсоният тарихига халқлар ва давлатлар, миллатлар ва жамиятларни юксалишга етаклаган ёки уларни таназзул ва ҳалокатга маҳкум этган турли хил ғоялар таъсир ўтказиб келган»².

Хулоса қилиб айтганда, ғоявий кураш ҳар қачонгидан кескинлашган бугунги кунда ёшларда демократик тафаккур шаклланиш хусусиятлари, толерантлик, ижтимоий фаоллик хусусиятларини ментал дастур орқали ўрганиш, унда диний дунёқарашнинг таъсир доирасини тўғри баҳолаш, бу соҳада етарли тадқиқот ва изланишлар олиб бориш муҳим аҳамиятга моликдир. Бу жамият, миллат ва давлат келажаги, истиқболини ҳал қилувчи масала ҳисобланади.

4.4. Миллий менталитетда демократик тафаккурни такомиллаштиришнинг мафкуравий механизми

Миллий идентификацияга йўналтирилган ментал дастур бу оддий ментал дастур бўлмай, унинг асосида минглаб йиллар давомида тафаккур тарзида иммунитет ҳосил қилган хусусиятлар, кўникмалар, иштиёқлар (стимул), маиший-маънавий тарбия муҳит ётади. Инсониятнинг икки минг йиллик тарихи халқлар, миллатлар ўртасидаги менталлик фарқларини ўчириб юбора олмади. Ҳаттоки, бир давлатда яшаётган турли этник гуруҳлар ўртасидаги фарқлар ҳам ўн-юз йил давомида йўқолиб кетмаяпти. Марксистик назариянинг коммунистик жамият қуриш утопиясида миллатларнинг йўқ

¹ Минюшев Ф.И. Социальная антропология. М.: Междун. Унив. Бизнеса и управления. 1997. –С. 87.

² Миллий истиқлол ғояси: тушунча ва тамойиллар. –Тошкент: Ўзбекистон. 2001. –Б.14.

бўлиб кетиши ҳақидаги башоратлар юз йиллик тажрибадан сўнг тескарисига исботланди. Совет сиёсатининг миллий сиёсати услубида кенг қўлланилган миллатлар депортациясидан кейин ҳам катоклизм ва ўзгаришлар даври миллатларнинг ўз ватанига талпиниш ва ватан доирасида бирлашиши ҳодисасини намоён қилди. Бугунги кунда келажакда миллатларнинг умуминсоний тараққиёт йўлида маргиналлашув жараёнини башорат қилаётган футуралогик таълимотлар давлат тараққиётида асосий фактор бўлган миллийлик масаласини охиригача ҳал қила олмаяптилар. Аксинча, учинчи минг йилликда Америка каби маргинал давлат эмас, Ҳитой, Хиндистон, Япония каби миллий давлатчилик кучли шаклланган давлатлар гегемонлиги геосиёсий қарашларда етакчилик қиляпти. Бир сўз билан айтганда, умуминсоний тараққиётга интеграциялашув, дунёвий демократик тамойилларга йўналишда маргиналлашув йўлидан эмас, миллий идентификация йўлидан бориш ҳали миллат, миллийлик, миллатпарварлик, миллият, миллатчилик тушунчалари ҳукмронлик қилаётган даврда энг оптимал усулдир. Шунинг учун ҳам ўзига хос миллий демократик усул билан умуминсоний тараққиётга юз тутаётган, миллий истиқлол ғояси тамойиллари асосида ривожланиш концепциясини танлаган юртимиз сиёсатида миллий ментал дастурни такомиллаштириш мумкин бўлган мафкуравий тактикаларни ишлаб чиқиш муҳим вазифадир.

Мазкур тадқиқот ишининг дастлабки саҳифаларидан бошлаб ўзбек менталитетининг шаклланиш, ўзгариш, миллий ментал дастур сифатида ташкил топиш жараёнларини таҳлил этар эканмиз, унинг етакчи хусусиятлари ҳақида тасаввур шаклланиб борди. Ўзбек менталитетини учта бир-бирини ташкил этувчи, бир вақтнинг ўзида давр нуқтаи назаридан ҳам босқич сифатида, ҳам ташкилий қисм сифатида тўлдирувчи характерли хусусиятларга ажратиш мумкин. Бундай туркумлаштириш ўзбек менталитетида демократик тафаккурни такомиллаштирувчи мафкуравий услублар, тактикалар, кўрсатмалар ишлаб чиқишда ёрдам беради.

1. Ўзбек менталитетининг умумий қиёфаси.
2. Ўзбек менталитетининг XX асрда совет сиёсати таъсирида деструктив ўзгаришлар ҳосил қилган қиёфаси.
3. Ўзбек менталитетининг Миллий истиқлол давридан кейин янги ўзгаришларни касб эта бошлаган, қайта тикланиб, прогрессив хусусиятлар ҳосил қила бошлаган қиёфаси.

1. Ўзбек менталитетининг умумий қиёфаси: Уч минг йиллик тарихий шаклланиш жараёнини кечган ўзбек миллий менталитети континентал иқлим, ҳудуд менталитетини ўзида ифодалайди. Геосиёсатнинг кучли назариётчиларидан бўлган Х.Макиндер денгиз мамлакатлари ва континентал мамлакатлар стереотипларининг дунё сиёсатларига таъсири таҳлиliga алоҳида тўхтаб ўтади¹. Континентал ҳудуд социомаданий менталитетида иерархия ва коллективизм ҳисси кучлидир. Иерархия ва коллективизм эса ҳар қандай менталитетда анъанавийликка интилиш ҳиссини шакллантиради. Шунингдек, иерархия ва коллективизм жамият аъзоларини ўз-ўзини назорат қилиш, ўзининг ҳар бир хатти-ҳаракатига бошқаларнинг назари билан баҳо бериш характерини шакллантиради. Бу ўзбекларда уят, андиша, ҳаё, ибo, нафсоният, шахсият туйғуларининг кучлилигига асос бўлган фактор. Андиша, ибo, нафсоният каби бир қатор тушунчаларнинг бошқа тилларга айний таржимаси йўқлиги, ўзбекларда булар каби миллий хусусиятларнинг ўзига хослиги билан белгиланади.

Марказий Осиё халқларига таъриф берилганда кўчманчи ва ўтrock тушунчаси қўлланилади. Лекин ўтrock тушунчаси кўчманчиликка нисбатан анча кейин пайдо бўлган тушунча. Шунингдек, Марказий Осиё халқларига баҳо берилганда, номадик дунёқараш тушунчаси ишлатилади. Бу тушунчага биринчи бoбда берилган таърифга кўра, номадларда ўзлигини англаш макон, табиат, замин, ватан нуқтаи назаридан баҳоланади. Зараостризмдан мерос қолган замонлар оша такомиллаша борган бағрикенглик, ватанни севиш,

¹ Mackinder H. The democratic ideals a reality. – N.Y.: 1944. - p.45.

иймон, эътиқод мустаҳкамлиги, табиат билан ўзини бир деб ҳис этиб, ерга муҳаббат туйғуси асосида шаклланган меҳнатсеварлик ўзбекларнинг миллий қиёфасини акс эттиради. Озодлик, фаровонлик, ҳамжихатлик каби демократик идеаллар ўзбекларда бир-бирини қўллаб қувватлаш, ўзаро ҳурмат ва ҳамжихатлик асосида оила, қон-қариндош, қўни-қўшни, маҳалла, юрт, ватан фаровонлигига эришишда деб тушунилади. Ислом динининг синкретик характери билан шаклланган иррационал характер эса, иймон, эътиқод, савоб туйғуларининг кучли шаклланишига сабаб бўлган. Коллективизм кучли бўлган анъанавий ўзбекона социумнинг минглаб йиллик тажрибаси «ёлғиз отнинг чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам донғи чиқмас», «қўшнинг тинч-сен тинч», «олтин олма, дуо ол», «кенгашли иш тарқамас», «қуш бўл, ит бўл, кўп бўл» каби мақолларда ўз ифодасини топган.

Ўзбек халқининг умумий ментал қиёфасидаги яна бир сезиларли жиҳат сабрлилик ва яхши ниятдир. Халқимиз яшаган минтақадаги тарихий шароит, кетма-кет олиб борилган урушлар, иқтисодий муаммолар ментал қиёфада қийинчиликка қўниш, шароитдан чиқиш учун сабр билан имконият излаш, вақти келганда тақдирга тан бериш характери шакллантирган. Марказий Осиё уйғониш давридан кейин сиёсий тарқоқлик, тахт учун кураш натижасида ислом ақидавий қарашларининг кучайиши ҳам ҳар қандай шароитда тақдирга шукр қилиш, фақат ибодат орқали худодан мадад сўраш, сабр қилиш характери ташвиқ қилди. Бу жиҳат ҳатто миллий характердаги энг салбий жиҳат сифатида жаид миллий мафкурасида кескин танқид қилинади. Бирор бир амалий ҳаракатсиз, интилишсиз фақат сабр билан худодан мадад сўраш хусусияти қораланади. Жаид идеологиясида сабрлиликка қарши сабрсизлик тезиси илгари сурилмайди, балки ақлга мувофиқ равишда ўз ҳолатидан кўнгли тўлмаслик, билим, ҳаракат, интилиш билан вазиятни яхшилаш, ўз қадрига етиш, камситилиш, ночорлик, қашшоқликка қарши исён тарғиб қилинади.

Ҳар бир нарсга яхши ният билан умид боғлаш, ёмонликнинг оқибатидан ҳам яхшилик бўлишига умид билан яшаш ўзбек ментал қиёфасининг ноёб дурдонаси. Бу хусусият оммавий қирғинлар ва қирғинбарот урушлар кетидан ўзини тиклашга, руҳини туширмасликка, миллат сифатида яхлит шаклланишга сабаб бўлган. Яхши ният ҳаётига иштиёқни тиклашда, инсоний салоҳиятнинг ишга солинмаган имкониятларини юзага чиқишида ҳаракатлантирувчи интерактив қувватдир.

Ўзбек менталитетидаги ҳам ижобий, ҳам салбий характер касб этган хусусият тақлидчиликдир. Бу хусусиятдан миллий тарбия усулларида ҳам кенг фойдаланилади. Ибрат сифатида, намуна сифатида кимнидир мисол қилиш, яхши ва ёмонни фарқида боришда яхши сифат эгаларини мисол қилиш миллий тарбияда қадимдан шаклланиб келган. Одоб ахлоқ соҳасида, илм-маърифатда, кимгадир савоб қилишда тақлид характерини шакллантириш тарбияда самарали усулларни берган. Шу билан бирга бойлик, ҳашамат, зебу зийнат, дабдабабозлик, юриш-туриш ва еб-ичиш тўқислигида бировларга кўр-кўрона ўхшашга интилиш ҳам ўзбеклардаги тақлид хусусиятининг кучлилигидан дарак беради.

2. Ўзбек менталитетининг XX асрда совет сиёсати таъсирида салбий хусусиятлар ҳосил қилган қиёфаси. Менталитетнинг стереотипга нисбатан ўзгарувчан характери ўтган асрнинг тоталитар тузумида кўпроқ намоён бўлди. Босмачилик ҳаракатлари, коллективлаштириш, очарчилик ва қатағон сиёсатлари ва бошқа ижтимоий-сиёсий ҳодисалар билан боғлиқ шаклланган миллий тафаккур тарзида давлатга бўлган ишончсизликни, сиёсатдан бегоналашувни, олиб борилаётган мафкуравий сиёсатларга навбатдаги сиёсий ўйин сифатида қарашни, миллий илдиз ва қадриятлардан бегоналашувни, сиёсатнинг ҳар қандай найрангларида кўниб кетишни ҳосил қилди.

Ташаббус, бунёдкорлик ва креативликнинг доимий равишда бўғилиши миллат дунёқарашида мутелик, имконсизликка кўниш ва сиёсат томонидан

етказилган ҳар қандай хўрликни оддий ҳолат деб қабул қилиш хусусиятини шакллантирди. Шунинг учун ҳам аксарият дала тадқиқоти материалларида «иложимиз қанчайди», «биз нима ҳам қила олардик», «пешанамизда бори шу экан» каби хулосалар учрайди.

Совет мафкураси шакллантирган рамзий белгилар ҳам миллий психологияда қуллик ва тобелик дунёқарашини шакллантиришга мўлжалланган эди. Ўзбек деганда, пахта, тўн ва меҳнаткаш деҳқон рамзи асосий қиёфани чизар эди, ўз шахсий фаровонлиги ва халоватидан айрилган, фикри-зикри давлатга пахта етиштириб топширишда бўлган тобе инсон тушунилар эди. Зўрма-зўраки равишда Ўзбекистонда пахта монокультурасини шакллантириш, барча иқтисодий-сиёсий тизимни шунга мослаштириш миллий тафаккурда ҳам маънавий оқибатларини ҳосил қилди. XX аср совет адабиёти поэтикасида Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Омон Матчон, Рауф Парфи, Муҳаммад Юсуф ижодида, прозасида Ўктам Усмонов, Одил Ёқубов, Шукур Холмирзаев, Ўлмас Умарбеков, Тоғай Мурод асарларида пахта монокультураси таъсиридаги ўзбек миллий қиёфаси масаласига жуда кўп мурожаат этилган. Абдулла Ориповнинг «Ўзбекистон» шеъридаги

Кеч куз эди...Мен сени кўрдим,

Деразадан боқарди биров.

У-сен эдинг, о, деҳқон юртим,

Турар эдинг ялангтўш, яёв.

-Ташқарида изиллар ёмғир,

Кир, бобожон, яйрагил бир оз.

Дединг:- пахтам қолди-ку ахир,

Йиғиштирай келмасдан аёз.

Кетдинг умри махзаним маним...

Сатрларнинг тўлиқ моҳиятини адабиётшунос олим И.Ғаниев: «Ўзбек қайси асрда қандоқ бўлса бўлгандир, XX аср ўзбегининг — фитратидаги

жамийки яхши фазилатлари ўзига қарши қайратилган халқнинг суврати шудир. Бу мисраларда оғриқ ва шафқат, аянч ва изтироб, алам ва меҳр қанчалар кўп! Унда андишаси кулликкача, соддалиги гумроҳликкача, заҳматкашлиги ҳаммолликкача, фидойилиги қурбонликкача зўрланган халқ шоирининг ҳамма ҳам англаб ололмайдиган дил оғриқлари бор»¹, - деб таҳлил қилар экан, бу сентиментал ташбихда XX аср ўзбегининг объектив қиёфаси ва фожиаси тасвирланганини эътироф этмасдан иложимиз йўқ.

Тоғай Муроднинг «От кишнаган оқшом», «Отамдан қолган далалар», «Момо ер кўшиғи» асарларини ўзбек адабиётида ўзбек миллий қиёфасини ёритишда ўзига хос услуб ва йўналиш яратган ҳодиса, деб аташ мумкин. Унда совет тузуми таъсир қилган ўзбек экологик муҳити фожиаси, миллий қадриятларнинг йўқолиши фожиаси, миллий характер фожиаси ўз ифодасини топган. Унинг асарлари услуби билан эмас, ғояси билан XX аср Марказий Осиё халқларининг буюк ёзувчиси Чингиз Айтматов ижодидаги илк асарларни эслатади.

3. Ўзбек менталитетининг Миллий истиқлол давридан кейин янги ўзгаришларни касб эта бошлаган, қайта тикланиб, прогрессив хусусиятлар ҳосил қила бошлаган қиёфаси. Юртимиз миллий мустакилликка эришгач, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий соҳадаги жуда катта интеграцион ўзгаришлар билан бирга мафкура соҳасида туб бурилишлар рўй бера бошлади. Ижтимоий-гуманитар фан соҳаларида, айниқса, тарих фани соҳасида янгича ёндашув, янгича қарашлар шаклланди. Миллий истиқлол мафкурасининг назарий асослари яратилди. Миллий истиқлол мафкурасининг асосий сифатларига берилган таърифда:

- тарихий хотирани уйғотиш, ўтмишдан сабоқ чиқариш ва ўзликни англаш мезони бўлиши;

- халқимизнинг туб мақсадлари ифодаси ва жамият аъзоларини бирлаштирувчи ғоявий байроқ вазифасини ўташ;

¹ Ғаниев И. Афоқова Н.Озод рух фалсафаси. –Тошкент: Фан, 2006. 23-б.

- инсон қалби ва онгига ижобий таъсир этадиган тушунча ва туйғулар, гўзал ва ҳаётий ғоялар тизимини ўзида мужассам этиш;
- ҳар бир фуқаронинг эзгу ниятларини рўёбга чиқаришга имкон берадиган энг мақбул йўлни кўрсата олиш;
- миллат, халқ, жамиятни бирлаштирувчи куч, юксак ишонч, эътиқоднинг манбаи бўлиш;
- Ўзбекистонда яшовчи барча халқ, миллат, элат, ижтимоий қатлам ва дин вакилларига бирдай тааллуқли бўлиш;
- мамлакатимиз аҳолиси онги ва қалбида «Ўзбекистон-ягона Ватан» деган туйғуни юксак даражада шакллантиришга хизмат қилиш»¹ каби ва бошқа муҳим жиҳатлар кўрсатилган. Жамиятни демократик тамойиллар асосида шакллантиришга қаратилган бу хусусиятлар фуқаролар онгида эркин фикрлаш, дунёвий ва диний маърифатни уйғун ўзлаштириш, ватанни севиш, давлат сиёсати ва тақдирига бефарқ қарамаслик, бошқа халқларни душман билмаслик, маърифатга интилиш сифатларини такомиллаштирди. Ватанимиз миллий истиқлолга эришган даврдан буён миллат сийратида миллий онг, ўзлигини миллат тарихи, воқеълиги ва истиқболи нуқтаи назаридан англаш, юрт тақдиридаги ҳар бир ўзгаришга ҳушёр муносабатда бўлиш хусусиятлари намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда демократлаштириш жараёнини амалга оширишда миллий истиқлол ғояси назариясида миллий ментал тафаккурнинг барча ўзига хос нозик жиҳатлари назарда тутилган, демократлаштиришда миллий салоҳиятдан фойдаланишга ҳаракат қилинган. Бунинг жуда ёрқин мисоли сифатида ўзбекларда анъанавий демократик тизим бўлган маҳаллага бўлган давлат сиёсатини кўрсатиш мумкин. Ўзбек анъанавий маҳалласи ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланиб келган ўз-ўзини бошқарувчи тизимларидан бири. Ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маданий ҳаётни ислоҳ

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар(қисқа изоҳли тажрибавий луғат). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. 101-102 б.

қилувчи турли йўналишдаги ислохотлар аксарият анъанавий ўзбек оилаларига маҳалла орқали кириб келади.

Ҳозирги кунга келиб Ўзбекистонда маҳаллалар сони 9750 тани ташкил этса, бу маҳаллаларнинг ҳар бирида 3000 дан 10000 гача аҳоли истиқомат қилади. 2003 йилни Давлатимиз томонидан «Маҳалла йили» деб эълон этилганлиги мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида ўз-ўзини бошқарувчи маҳалла тизимининг ролининг ғоят муҳимлигини кўрсатди. Юртимиз сиёсатида маҳаллага эътибор ўз-ўзини бошқарувчи маҳалла тизимида ижтимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнларни интенсивлаштиришига қаратилгандир. Шу ўринда савол туғилади: анъанавий маҳалла тизими мамлакатимиз ҳаётининг турли соҳаларидаги комплекс ўзгаришларни бошқарувчи фуқаролик жамияти қуриш соҳасидаги мафкуравий ўзгаришларни қай даражада қабул қиляпти, қай даражада ҳаётга жорий этипти? Ана шу йўналишдаги масалаларни ўрганиш юзасидан Ўзбекистон ёш олимлар миллий жамияти илмий гуруҳи аъзолари томонидан 2003-2005 йилги Давлат илмий-техник дастурига киритилган «Миллий истиқлол ғоясини амалиётга татбиқ этишда маданият, маънавият, анъаналар ва менталитет асосида демократик тамойиллар такомиллашувининг миллий хусусиятларини ўрганиш (Фарғона водийси мисолида)» номли лойиҳа бўйича Фарғона вилоятининг турли ҳудудларида дала тадқиқотлари ўтказилган. Мазкур тадқиқотдан мақсад демократик ва фуқаролик жамияти қуриш йўлида олиб борилаётган сиёсий ислохотлар марказдан йироқ бўлган ҳудудларга қандай кириб борапти, ўзбек анъанавий маҳаллаларида демократик жараёнлар қандай кечяпти ва ўтган асрнинг 20-30-йилларидаги миллий минтақавий тафаккурдаги демократик дунёқараш билан ҳозирги даврда халқимиз онгида шаклланаётган демократик дунёқараш ўртасида қандай тадрижий ривожланиш бор, деган масалаларга ойдинлик киритиш эди.

Респондентлар билан суҳбат ижтимоий фанларнинг «oral histori» оғзаки тарих методига асосланган бўлиб бу тадқиқот асосида 30 дан ортиқ респондентлар билан суҳбатлар олиб борилди. Ушбу метод воситасида ОАВ ва илмий адабиётларда келтирилган фактлар демократлаштириш сиёсатини амалда ўз ҳаётида синаб кўраётган, ушбу сиёсатнинг афзал ва баъзи бир эътибор берилмаётган жиҳатларини ўз ҳаётининг тажрибаси давомида ҳис қилаётган фуқаролар суҳбатлари билан солиштирилди, илмий таҳлил қилинди. Респондентларнинг 10 га яқини Фарғона вилоятининг турли ҳудудларидаги маҳалла фуқаролар йиғини раислари бўлиб улар махсус саволнома асосида бугунги кунда ўзбек миллий анъанавий маҳалласининг ҳаётида демократик жараёнлар қандай кетяпти, миллий анъаналар ва урф-одатлар фуқаролик жамияти қуриш тамойиллари билан қандай муносабатда амал қилияпти деган масалаларга ойдинлик киритишди. Эътиборлиси шундаки, ушбу йўналишда олиб борилган амалий тадқиқотлар ўзини ва ўзгаларни ҳурмат қилган ҳолда ҳамжиҳатлик ва ҳамфикрликка асосланиб фаолият олиб бориш каби демократик принципнинг миллий анъанавий маҳалла тизимида йўлга қўйилганини намоён этди. Ўтказилган суҳбатлар давомида шу нарса маълум бўлдики, маҳаллада фуқароларнинг бошқарув муносабатларида иштирок этишлари муҳим аҳамият касб этиб, уларнинг сиёсий фаоллигини оширади, натижада эса демократик дунёқараш шаклланиб, воқеликка нисбатан тўғри баҳо бериш имкони яратилади.

Демократик принциплар асосида шаклланаётган ҳар бир жамият ўз мақсадларига эришиш учун янги шароитга мос умумий, умуминсоний қадриятларни, ижтимоий фикрни шакллантириши лозим. Тажриба шуни кўрсатдики, анъанавий ҳаёт тарзида шаклланган маҳалла тизимида демократлаштиришнинг ўзига хос миллий хусусиятлари юз очиб борапти.

Ушбу жараён икки омил билан белгиланади:

1) Демократлаштиришнинг маҳалланинг ички хусусиятлари билан боғлиқ субъектив омиллари; 2) Ўзбекистонда олиб борилаётган мустақиллик

давридаги сиёсат билан боғлиқ, янги мафкуравий сиёсат билан боғлиқ ташқи объектив омиллари.

Бу икки жиҳатни алоҳида таҳлил этишга ҳаракат қиламиз:

1) Вужудга келиш тарихи зараостризм даврига бориб тақаладиган маҳалла тизими қадим-қадимдан бошлаб ўз бағрида кишилар ўртасида инсонпарварлик, демократик муносабатларни шакллантириб келган. Бу муносабатлар давр ўзгариши билан, сиёсат ўзгариши билан, миллат иқтисодий ва маънавий ҳаётига таъсир қилувчи ижтимоий-сиёсий жараёнлар таъсири билан нурамайди. Аксинча, маҳалла тизими миллатни барча иқтисодий ва сиёсий бұхронлардан олиб ўтувчи, ўзаро кўмак ва далда воситасида умумий бирлик ва ҳамжиҳатликни вужудга келтирувчи табиий иммунитетдир. Барча миллий ва диний анъаналар, урф-одатлар, расм-русумлар маҳалланинг ичида шаклланади ва сақланади. Маҳаллада бу миллий анъана ва урф-одатларнинг вақт ўтиши билан замон иқтисодий ва маънавий даражасига, талабига мослашиш жараёни юз беради. Анъана ва маросимларнинг мослашиш ҳодисасидан қатъий назар маҳалладаги демократик тамойиллар асосида инсон омили масаласи туради. Моддий аҳволи ва ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар ҳар бир маҳалла кишиси маҳалланинг тенг ҳуқуқли аъзоси. Барча маросим ва тадбирларда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Маҳаллада унинг ҳар бир аъзоси ҳақида ижтимоий фикр мавжуд. Бу ижтимоий фикрнинг юзага келишида маълум маҳалла кишисининг шу жамоа ўртасида ўзини тутиши, қилган хатти-ҳаракатлари, касб кори, моддий аҳволи муҳим ўрин тутди. Лекин маҳалладаги демократиянинг ўзига хослиги шундаки, жамоа фикрида кишиларнинг инсонпарварлик хусусиятлари алоҳида кадрланади. Маҳалла оқсоқоллари томонидан ночор оилаларга ёрдам бериб туриш, ўзига тўқ, сармояли оилаларни ночорларга ёрдам беришга даъват этиш анъанаси бордир. Ана шу каби вазиятлар маҳалланинг ҳар бир аъзосининг маҳалла олдидаги бурчи, масъулиятини туғдиради. Масъулият маҳалла жамоасининг бирлигини ҳам

таъминловчи хусусиятдир. Фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратиб, маҳалладаги ҳар бир ёш аъзонинг хатти-ҳаракатини назорат қилиш ҳам анъанавий хусусиятдир. «Маҳалланг - отанг-онанг», «Бир болага етти кўшни ота-она» каби мақоллар ана шу удумнинг характеридан келиб чиққан.

2) Демократик тизимни яратишдаги маҳалланинг ички салоҳиятининг ташқи сиёсий мафкуравий факторлар таъсирида анча кенг намоён бўлиши Ўзбекистондаги мустақиллик сиёсати туфайли янада яққол кўринди. Мотивацион ядро, қадриятлар базаси бўлган ички шакл мезони анъанавий жамиятда-маҳаллададир. Сабаби маҳалланинг менталитет шаклланиши ва тарбия жараёнида аҳамияти жуда катта. Ўзбекистонда демократик тамойилларга асосланган бошқарув тизимини шакллантиришнинг таянч устунларидан бири, уйғонишнинг ички шаклларида бири, шубҳасиз, маҳалла тизимидир. Ўзбекистон фуқароларининг даярли 80 фоиздан зиёди маҳаллаларда истиқомат қилувчи аҳолидир. «Обод маҳалла йили» давридаги фактларга мурожаат этадиган бўлсак, йил давомида республика «Маҳалла» жамғармаси томонидан 65931 та тадбир ўтказилган бўлса, булардан 13999 таси маҳалла аҳллари ҳуқуқий билимини оширишга, маҳаллаларда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш ва ақидапарастликнинг олдини олиш, 9712 таси вояга етмаган ёшлар тарбияси ва оммавий спортни ривожлантириш, 7591 таси тўй ва бошқа маросимларни тартибга солиш ишларига қаратилган¹. «Маҳалла» жамғармасининг «Нуроний», «Экосан», «Соғлом авлод», «Камолот» каби жамғарма ва ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бориши ҳам жамиятда комплекс усулда маҳалланинг ҳаётига сингиб бориб ислохотларни тезлаштиришга қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда, тажриба шуни намоён этдики, миллий менталитетда демократик тафаккур салоҳиятининг намоён бўлиши ижтимоий институтлар мафкуравий механизмининг мақсад ва вазифаларига

¹ Гадойбоев А. Обод маҳалла – адолатли, демократик жамият таянчи // Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, №1. 2003. 27-б.

боғлиқ бўлган. Ўзбек миллий менталитетида демократик дунёқарашни такомиллаштиришда анъанавий тизимнинг минг йиллар давомида шаклланиб келган демократик тамойилларини янада жонлаштириш, унинг таъсир механизмлари ва тарбия воситаларидан фойдаланиш демократик жараёнларни табиий, жамиятни миллий хусусиятларига мос равишда амалга оширилишига восита бўлади.

4.5. Демократик тафаккур- ўзликни англаш ва истиқбол воситаси

Одамлар тафаккурининг ўзгариши, жамият фуқаролари дунёқарашининг замонга мос равишда прогрессив хусусиятлар ҳосил қилиши давлат ва жамият тузилишининг ўзгаришида, такомиллашиб боришида намоён бўлади. Демократик жамият бир қолип ёки андоза асосида шакллантирилмайди. Чунки, «демократияни экспорт қилиш ва уни четдан туриб зўравонлик билан жорий қилишнинг ўзи демократия табиатиغا зид нарс»¹. Бугунги кунда демократик жамият куриш тажрибалари демократияга ижодий ёндашишни, адолат, фаровонлик ва тенглик тамойилларини бузмаган ҳолда унга етишиш учун барча ички салоҳиятни ишга солишни тақозо этмоқда. Ички салоҳият жамиятни ташкил этувчи ҳар бир субъект-фуқаро тафаккурида, фуқароларни ижодий фаолиятга даъват этувчи менталитетда ўз аксини топади. Миллий менталитетда диний, маиший, маданий, сиёсий, илмий онг- тафаккур тарзи қанчалик тарихий шаклланган кўринишларга, маълум маънода, системалашган ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда ўз ўрнига эга бўлса, демократик тафаккур ҳам шундай характерга эга бўлади. Унинг дунёқарашда мавжудлиги, даражаси, шакли

¹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари –энг олий қадрият // Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган маъруза. Халқ сўзи. 2005. 8 декабрь.

миллат яшаб ўтган тарих, ҳудудий шароит, маданий-маърифий омилларга боғлиқдир.

Демократия сиёсий тузумлар ичида энг мукаммали, шу билан бирга ҳали шаклланиш жараёнини босиб ўтаётганини эътиборга олган ҳолда, унинг моҳияти, асосий тамойилидан келиб чиқиб, «Демократик тафаккур» тушунчасини аниқлашга, демократик ўзгаришлар билан тафаккур тараққиёти диалектикасини биргаликда олиб қарашга, таркибидаги хусусиятларни ўз номи билан аташга эҳтиёж туғилади. Демократик тараққиёт моделларининг ҳамма жамиятлар ва давлатлар учун қабул қилиниши мумкин бўлган ягона шаклини ихтиро қилиш, ёки тажрибадан ўтган баъзи ғарб демократик тараққиёт моделларини манфаатли мақсадда бошқа ҳудудлардаги ривожланиш босқичига кириб келаётган давлатларга татбиқ этиш яна зўрма-зўракиликни, сунъийликни, охир оқибатда эса фикр ва дунёқарашда бир қолипда фикр юритиш, қарамлик, тобелик элементларини ҳосил қилгани каби, демократик дунёқараш тушунчаси ҳам ўз моҳиятида тафаккур тарзини бир андоза ёки шаклга бўйсундиришни ифодалаши ҳақиқатдан йироқ эмас. Лекин кишилик жамияти босиб ўтган машаққатли тараққиёт йўлида демократик тамойиллар ва назарияларнинг анча тажрибадан ўтганлиги, унинг кадр-қиммати, эътиқодлари ва орзу-умидлари масаласида анчагина билим ҳосил бўлгани ва уларнинг тафаккурдаги инъикоси ҳақида умумлашган тасаввурнинг вужудга келгани ҳам бугунги кун воқеълигининг инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқатларидир.

Шунинг учун ҳам демократик тараққиёт модели қандай шаклда, қайси йўналишда, қайси минтақага мансуб эканлигидан қатъи назар ўзига муқобил дунёқарашни шакллантира бормаслиги, фикр тараққиётига таъсир этмаслиги, ўзи амал қилаётган жамият кишилари онгини тарбиялаб, ўз идеалларига ишонтирмаслиги мумкин эмас. Демократик тараққиётнинг тафаккур тарзи билан диалектик бирлиги у қандай кўринишда бўлмасин, бу демократик тараққиёт моделининг пухта асоси ва мақсадлари, охир оқибатда истиқболи

билан боғлиқ масаладир. Жамиятда қадриятларнинг амал қилиш ва ўзгариш диалектикасида маълум динамик жараёнлар, қонуний янгиланиш вазиятлари бўлгани каби, тузумлар алмашинувида ҳам тафаккур ўзгариши, ундаги ворисийлик, инкорни инкор, миқдор ўзгаришлардан сифат ўзгаришларга ўтиш жараёни қонуний даражада юзага келадиган ҳодисадир. Тарихни аксиологик тушунилганда, ўтмишдаги қадриятлар билан боғлиқ ўзгаришларни, тарихий ривожланиш босқичларига хос қадрият тизимларининг шаклланиши, амал қилиши, ўрин алмашинуви, бундаги инкор ва ворислик диалектикасини тавсифлаш осонлашади¹. Ҳудди шу йўналишда тарихни тафаккур тараққиёти контекстида таҳлил этиш ҳам ментал ўзгаришлар диалектикаси ва қонуниятини тизимли ҳолда тушунишга, демократик тараққиёт ҳосиласи бўлган демократик тафаккур тушунчасини тавсифлаш учун муайян воситадир. Мазкур тадқиқот ишида биз ушбу тушунчанинг таърифини имкон даражада тўлақонли шакллантиришга ва илмий муомалага олиб киришга ҳаракат қилдик: Демократик тафаккур инсоннинг давлат, сиёсат, социал институтлар фаолиятига, ижтимоий-сиёсий жараёнларга жамиятнинг адолат, тенглик, озодлик каби демократик тамойиллар ва тушунчаларини англаган ҳолда ёндашиш, уларга шу нуқтаи назардан баҳо бера олиш қобилияти, бу жараёнларни англаш ва ҳаёт кечиришига асос бўладиган фикрлар тизимидир. Шунингдек, демократик тафаккур субъектни, фуқарони олиб борилаётган демократик ислохотларни идрок этиш, уларда қатнашиш, турли тарғибот ва ташвиқотлар моҳиятини инсон кадр-қиммати, озодлиги, тенглиги ва фаровонлиги тамойиллари асосида фарқлай олиш омили, уни ушбу жараёнда йўналтирувчи маънавий воситадир. Унинг намоён бўлиш даражаси фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгига, жамиятнинг маънавий тараққиёт босқичига, давлат ва бошқарув

¹ Назаров Қ.Н. Қадриятлар фалсафаси (аксиология). -Тошкент: Файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2004. 192-б.

органларига бўлган муносабатига, жамият ахборот тизимининг холис ва эркинлигига мос фаолият юрита олишига боғлиқдир.

Ушбу таърифни барча демократияга интилаётган ёки ана шундай жамиятда яшаётган цивилизациялар тафаккур тарзи, даражаси учун умумий мезон сифатида қабул қилиш мумкин. Лекин бу таърифни ташкилий томонларини акс эттирадиган жиҳатлар, уларга олиб борадиган ментал йўл ва хусусиятлар ўзининг бир-биридан фарқ қиладиган тарихий ва ижтимоий хусусиятларига эга бўлиши табиий. Шу билан бирга, уларни бирлаштириб турувчи сифат демократик тараққиётда унга мос тафаккур омилининг етакчи мезон эканлигидир.

Давлатимиз сиёсатида юз бераётган ўзгаришларга ижодий ёндашиб, унда энг аввало миллий характер, тарих ва салоҳиятдан келиб чиқиб хулосалар чиқариш, миллий менталитетда демократик тафаккур элементларининг шаклланишига, такомиллашишига ва, энг асосийси, бу хусусиятнинг ижтимоий ҳаёт соҳасида намоён бўлишига олиб келди. Халқимизнинг истиқлол даври менталитетида демократик хусусиятлар ҳосил бўлишининг бир нечта муҳим истиқболли жиҳатини кўрсатиш мумкин.

1. Халқимиз тафаккурида унинг ўтмиши ва бугунини боғловчи, келажак ҳаёт учун умид, истак, иштиёқ берувчи тарихий хотира шаклланди. Миллий ғояга асосланган, миллий давлат ва миллий тараққиёт моделида тарихий хотиранинг шакллантирилиши энг асосий омиллардан бири сифатида кўрсатиб ўтилган. Тарихий хотира миллатни бир ҳудуд, тарих, жараён доирасида уйғунлаштира оладиган, ватанпарварлик, инсонпарварлик, бағрикенглик хусусиятларига, фаровонлик ва озодлик, инсон қадр-қиммати, миллий мустақиллик идеалларига урғу берадиган, келгусидаги саъй-ҳаракатларни мана шундай тамойиллар асосида йўналтира оладиган қудратли кучдир.

2. Юртимизда демократик жамиятга хос дунёқарашни шакллантиришга тамал тоши бўла оладиган иқтисодий, сиёсий, маданий, маърифий ҳаётни

комплекс равишда қамраб олувчи тараққиёт стратегияси- ривожланишнинг ўзбек модели ишлаб чиқилди.

3. Ватандошларимиз менталитетида азалий қадрият ҳисобланмиш сабр-қаноат, тинчликпарварлик, иймон-эътиқод устуворлиги, ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, яхшига интилиш, ёмондан тавба қилиш хусусиятлари қаторида демократик императивлар-адолатни қарор топтиришга интилиш, фикр ҳурлиги, бошқа мулоҳазаларни ҳурмат қилган ҳолда ўз фикрида ҳам тура олиш фазилатлари маънавий камолот ва миллий хусусият мақомини олмоқда.

4. Кишиларимиз онги ва шуурида яхши ва ёмонни фарқлашда мулоҳазакорлик, кириб келаётган ёт ғояларга, сиёсий ва диний ниқоб остидаги ташвиқотларга ҳушёрлик хусусиятлари муайян даражада шаклланди.

5. Сиёсий тизим асосини ташкил этувчи социал институтлар, маданий-маърифий сафарбарликни бажарувчи давлат ва нодавлат ташкилотлари, умуман, миллий маънавият ва маърифатга ўзини масъул деб билган зиёлилар фаолиятида миллий моделга асосланган демократик тараққиёт жараёнида, иқтисодий, сиёсий маънавий жиҳатдан ўз-ўзини ташкил этувчи такомиллашишга уринишни кузатиш мумкин.

6. Миллий истиқлолга эришилган даврнинг яна бир муҳим ва нодир ютуқларидан бири виждон эркинлигига кенг йўл очилгани, давлат, жамият, сиёсат, жамоатчиликка бўлган муносабатда фикр эркинлигининг, демократик тафаккур ўзаги бўлмиш эркин фикрнинг юзага келганидир. Очiq ва демократик жамиятнинг яна хос хусусиятларидан бири мулкчиликнинг вужудга келиши ҳам давримизнинг ижобий натижаларидир.

Демократия бир қолип ёки андоза эмас, у инсонпарварлик тамойиллари асосида доимий равишда такомиллашиб, қайта ва қайта кўрилиб борадиган йўналиш, идеал жамият йўлидаги доимий изланиш жараёнидир. Унинг XXI асрдаги қиёфаси иқтисодий ва сиёсий соҳа устуворлигида эмас, балки

инсоннинг ўзлиги ва ҳақ-ҳуқуқларини аниқ қилувчи соҳа етакчилигида юз очмоқда. Жамият кишиларининг маънавий даражаси, ментал қиёфасидаги сифатлар унинг истиқболи ва тақдирини, келажакда инсониятга таҳдид солаётган турли хавфларнинг олдини ола олиш салоҳиятини белгилайди. Ва ҳар бир миллат ўзининг тарихий тараққиётида демократик идеаллар такомилга ўз фикр қудрати, ментал салоҳияти билан ҳисса қўшади.

Ўзбек менталитетида демократик тафаккур хусусиятлари ҳақида сўз борар экан, юртимизда мустақиллик даврида демократлаштириш сиёсатининг стратегия ва мафкуравий усулларини кузатар эканмиз, ушбу жараёнга жуда эҳтиёткорлик ва нозиклик билан ёндашилганини қўришимиз мумкин. Бир тузумдан иқтисодий, сиёсий, маънавий ҳолати бутунлай бошқа бўлган иккинчи тузумга трансформациялашаётган жамият фуқароларининг дунёқарашида рўй бериши мумкин бўлган ўзгаришларни эътиборга олиб, давлатимиз сиёсатида иқтисодий-сиёсий муаммолар етакчи саналган ҳолда тафаккур ва онг масаласига алоҳида эътибор берилди.

Кўзланган мақсаднинг амалга оширилишида энг аввало эътибор берилган жиҳат фуқароларнинг сиёсатда юрт тақдир ва истиқболини ўз тақдирида кўриб, барча ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги фаол иштирокини таъминлашдан иборатдир. Шунинг учун ҳам демократлаштириш йўли халқнинг дини ва тафаккури, миллий эътиқодлари ва менталитетига хос равишда олиб борилиши, ўзаро мутаносиб такомиллашиши, фуқаролар онгини уйғотиши ва юксалтириши керак эди. Чунки демократия халқ иродаси ифода этилишининг эркинлигига, у томондан муайян сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳаётнинг белгиланишига асосланади.

Давлатимиз сиёсатида миллийлик ва замонавийликнинг синтезлаштирилиши демократлаштиришнинг миллий ғоя тамойиллари асосида олиб борилганида яққол кўринади. Маълумки, ўзбек халқининг миллий мустақилликка эришиб, демократик ислохотлар асосида умуминсоний тараққиётга интеграциялашув жараёни XX аср охири ва XXI

аср бошларидаги иқтисодий-сиёсий, маънавий катоклизмлар даврига тўғри келди. Терроризм, экстремизм, наркомания, космополитизм каби глобаллашиб бораётган инсоният муаммолари миллийлик ва умуминсоний қадриятларнинг синтезлашуви жараёнида, демократия ниқоби остида тақдим этилаётган хавфли мафкуравий қуроолларни фарқлай олиш салоҳиятини тақозо этар эди. Зеро, «умуминсоний қадриятлар бир миллат қадриятларини бутун оламга ёйиш йўли билан эмас, балки ҳамма миллат ва элатларнинг қадриятларини муқоясалаштириш, тарих торозусининг ўзи сақлаб қоладиган қадриятларни ҳурмат қилиш ва оламдаги миллий ранг-барангликни табиий ранг-баранглик билан узвий алоқада эканлигини англаш йўли билан бойиб боради»¹.

Юртимизда олиб борилган иқтисодий ислохотлар, жамиятнинг ҳуқуқий тизимини шакллантириш, таълим тарбия тизимини такомиллаштириб бориш йўлидаги амалиётда босқичма-босқич амалга ошириладиган чора тадбирлар белгиланди.

Бу чора тадбирлар совет тузумининг асоратли иқтисод, маънавият ва тафаккур тарзи ҳукмронлигидан озод бўлган халққа ўзлигини қайтариш, босқичма-босқич тадрижий йўл билан ижтимоий-сиёсий жараёнларга кириб бориш ва соғлом фикрлаш тарзини ҳосил қилишга қаратилган эди. Шу маънода Президентимизнинг қуйидаги фикрлари алоҳида аҳамият касб этди:

«Инсоннинг онгу тафаккури эса бир кунда ўзгармайди, албатта. Унинг дунёқараши ўзгариши ва кенгайишига вақт керак, тажриба керак. Четдан туриб қандай ташвиқот ва тарғибот, борингки, қандай зўравонлик бўлмасин, одам зоти ўз ҳаёти мисолида, тажрибасида таклиф этилаётган ва амалга оширилаётган ўзгаришлар унга нима бераётганини, қандай наф келтираётганини кўриши керак, иқрор бўлиши даркор»².

¹ Шайхова Х., Назаров Қ.Н., Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот. –Тошкент: Ўзбекистон, 1992. 32-б.

² Каримов И. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган маъруза. Халқ сўзи, 2006. 8 декабрь.

Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ демократик тузумнинг элементи ва асосий хусусияти бўлган нодавлат ва нотижорат ташкилотлари, социал институтларнинг жамиятдаги ўрни фаоллашиб борди, кўп партиялилиқ тизими шаклланди. Ўзгариш ва янгиланиш жараёнларида миллат бирлигини таъминлаш, ҳайирли истиқболга умид ва ишончини шакллантириб бориш мақсадида миллий ғоя тамойилларига таянилди.

Ушбу йўналишда Республика «Маънавият ва маърифат кенгаши» ташкил этилди. Президентимиз раҳбарлигида миллий истиқлол ғоясининг тушунча ва тамойиллари, унинг демократлаштириш жараёнидаги ўрни масалаларининг маънавий ва назарий асослари ишлаб чиқилди. 2006 йил 25 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан Республика маънавият ва маърифат кенгаши миллий мафкура илмий тарғибот маркази ўрнига илмий-амалий йўналишда фаолият олиб борадиган «Миллий ғоя ва мафкура» илмий-амалий маркази ташкил этилиши тафаккурни демократлаштириш жараёнидаги фаолиятни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилганидан далолат берарди.

Қарорда мазкур марказнинг асосий вазифаларидан бири «фуқароларимиз қалбида миллий тафаккур ва соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш, уларни онгли яшашга, ўз фикрига эга бўлишга, турли маънавий тажовузларга қарши собит тура олишга қодир бўлган, иродали, фидойи ва ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялашга йўналтирилган амалий тавсиялар тайёрлаш»¹ дан иборат деб кўрсатилган. Эътибор берилса, бу борада демократлаштириш сиёсатининг мазмун моҳиятида фикр ўзгариши, демократик жамиятга хос бўлган тафаккур тарзини шакллантириш асосий аҳамият касб этмоқда. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, «ҳозирги даврда халқаро майдонда турли сиёсий манфаатлар тўқнашаётган мураккаб бир шароитда фақат ўз фикри, ўз ҳаётий позициясига эга бўлган халқ ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори: Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида. Халқ сўзи. 2006 йил. 25 август.

жамият енгилмас кучга айланиб, ўз келажагини ўз кўли ва ақли заковати билан қуришга қодир бўлади»¹.

Юртимизда демократлаштириш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, унда фуқароларнинг демократик жараёнларни идрок этиш салоҳиятини эътиборга олиш кўппартиялилиқ тизимини такомиллаштиришда ҳам намоён бўлмоқда. Жамиятни босқичма-босқич ислоҳ этиш, миллий тараққиёт модели, реал ҳаётдаги ижтимоий тафаккур босқичини эътиборга олган ҳолда сиёсий партиялар ролини янада кучайтириш лозим бўлди. Кўппартиялилиқ тизимининг такомиллашиши ижтимоий-сиёсий ҳаётда соғлом рақобат кучайишига, фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ошиб, сиёсий онгининг ошишига, давлат ва сиёсатдан бегоналашув руҳиятининг йўқолишига восита бўлади. Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисидаги Конституциявий қонун» ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисидаги қонун» лойиҳалари бу борада катта имкониятларни яратади. Уларнинг моҳиятида давлат бошқарувида ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал қилишда партиялар таъсири ва ролини ошириш, жамият фуқаролари ва давлат сиёсатида партияларнинг боғлаб турувчи восита сифатидаги вазифасини янада кучайтириш масалалари ётади. Мустақиликнинг ўтган йиллари давомида жамият кишилари онгида шакллантирилган юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги учун масъуллик туйғуларининг амалиётда акс этиши, уларнинг реал ҳаракатларда ифодаланишида партияларнинг жамиятдаги фаолияти самарасини оширишга хизмат қилади.

¹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари –энг олий қадрият.//Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 13 йиллигига бағишланган маъруза. Халқ сўзи. 2005. 8 декабрь.

«Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари» тамойилига асосланган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ўзгаришлар барча соҳаларда демократлаштириш жараёнини қамраб олмоқда. Бу юртимизда ёшлар сиёсатида ҳам мустақилликнинг дастлабки йилларидан бери ўз ифодасини топди. Хусусан, мамлакатимизда ҳам мустақилликка эришилгач, унинг ёшлари истиқболли келажак учун биринчи қаторда туриб фаолият юритиши кераклиги англаб етилган эди. 1997 йил 29-30 август кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Биринчи чақириқ 9-сессиясида қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини амалга ошириш ва ҳаётга татбиқ этиш учун давлат аҳамиятига эга бўлган узлуксиз таълим тизими жорий қилинди. Натижада, интеллектуал салоҳият асри саналаётган XXI асрда мамлакатнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа йўналишларда тезлик билан тараққиётга эришувини таъминлаш учун жамият келажаги ҳисобланган ёшларга алоҳида аҳамият қаратилди. Асосий мақсад халқимиздаги бор илмий-маънавий салоҳиятни мамлакат тараққиёти ва унинг келажаги учун унумли сафарбар этиш, жаҳон таълим стандартлари талабларига жавоб берадиган миллий кадрлар базасини яратишдан иборат эди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида учта асосий мақсад кўзда тутилган бўлиб, улар замонавий тафаккурли баркамол шахсни вояга етказиш, аждодлар меросини билувчи ва кадрловчи авлодни шакллантириш ва касб корга эга бўлган ёшларни шакллантиришдан иборатдир.

Мамлакатимиздаги ёшлар сиёсатида ижтимоий-сиёсий ҳаракат дастурлари ва амалиётига ҳам катта эътибор берилгани мазкур сиёсатда ёшлар фаолиятини комплекс қамраб олинганини билдиради. Вазирлар маҳкамасининг 2001 йил 30 майдаги «Ўзбекистон ёшларининг «Камолот» ижтимоий ҳаракати фаолиятини ташкил этишга кўмаклашиш тўғрисидаги Қарори»га мувофиқ ташкил этилган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати беш йил давомида республика ёшларини ягона мақсад йўлида бирлаштириш, ижтимоий-сиёсий жараёнларда ўз ўрни ва фикрига эга бўлган ёшларни

шакллантиришни мақсад қилиб қўйган эди. Ушбу ташкилот ўтган йиллар давомида ана шу мақсад йўлида фаолият олиб борди ва жамият ижтимоий ҳаётида озми-кўпми ўз ўрнига эга бўлди. Мазкур жамиятнинг иш фаолиятидаги бюрократия, расмийчилик каби камчиликларни бартараф этиш, уни расмий жиҳатдан эмас, ҳақиқатан ҳам ёшлар ҳаётининг бир қисмига айлантириш мақсадида 2006 йил 11 ноябрда чиққан Республика Президентининг қарори «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада оширишга қаратилди. Бу қарордан асосий мақсад «мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати фаолиятининг самарасини ошириш, уни биринчи навбатда ёшларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қодир бўлган таъсирчан ташкилотга айлантириш»¹ дан ибордир.

Ўзбекистонда ўтган йиллар давомида амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар дунёдаги демократик тажрибаларнинг яна бир қиёфасини, янги бир кўринишини касб этди. У ўзида геополитик мақсадларни кўзлайдиган «демократик андозалар»ни эмас, балки миллат манфаати ва умумбашарий ҳамкорликни назарда тутган холис демократия эканини ифодалади. Демократиянинг XXI асрдаги баҳсли қиёфаси ўзбек моделидаги демократик тараққиётда асосий қадриятлар инсон ва миллат манфаати, регионал тинчлик ва барқарорлик, фуқаролар тафаккури ва шуурида умумбашарий қадриятларнинг эътироф этилишида юз очди. Хорижий экспертлар таъбири билан: «Ўзбекистондаги демократиянинг ривожланиш тажрибаси инсон ҳуқуқлари ўзбек халқи томонидан юксак қадрланиши ва улар миллий дунёқарашнинг ажралмас қисми эканини намоён этди. Бу эса ўзбек

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисидаги қарори. Халқ сўзи. 2006 йил. 11 ноябрь.

халқининг онги етук даражада ривожлангани ва у билан дунёдаги бошқа маданиятлар ўртасида табиий алоқалар мавжудлигининг далилидир»¹.

Бугунги кунда глобал жамоатчиликда «Шарқ ва Ғарб демократияси», «суверен демократия», «икки дунё тўқнашуви» ҳақида қизгин баҳслар кетмоқда. Баъзи ҳолларда бу мунозараларда ахлоқий меъёрларнинг бузилиши, миллий нафсониятга дахл қилиш, миллий ҳуқуқларнинг камситилиши ҳоллари кўзга ташланмоқда. Демократиянинг кучли назариётчиларидан бири Р.Даль таъкидлаганидек «демократия муҳокама қилинган, инкор этилган, қўллаб қувватланган, таҳдид қилинган, тасдиқланган, амалга оширилган, бузилган ва баъзи ҳолларда қайта тикланган йигирма беш аср давомида бу тушунчанинг моҳиятига доир фундаментал масалалар юзасидан ҳамфикрлилик ҳали ҳануз юзага келмади»².

Шундай экан, демократия ва демократлаштириш ижодий жараёни талаб этади. Республикамизда демократлаштириш жараёни, шу мақсадда хизмат қилаётган ташкилотлар, социал институтлар, марказлар фаолияти ана шундай ижодий жараёни бошдан кечираётибди. Бу саъй- ҳаракатларнинг пировардида миллат фаровонлиги ва умумбашарий интеграция каби ижобий мақсадлар ётган экан, юртимиздаги демократлаштириш тажрибаси умумжаҳон демократик назарияларни, қадриятларни мустаҳкамлашда ўз ҳиссасини қўшишига шак-шубҳа йўқдир.

Бу тажриба мамлакатимизда истиқлол йилларида амалга оширилган туб ислоҳотлар миллий менталитетдаги ижобий ўзгаришлар ва фуқароларимизда демократик тафаккур шаклланишига замин бўлаётганида намоён бўлмоқда. Жамиятимизга хос миллий менталитетда истиқлол йилларида рўй берган ижтимоий-сиёсий жараёнлар асосида шаклланган демократик тафаккур тамойиллари ўз аксини топмоқда. Собиқ иттифоқ давридаги фикр қуллиги ва

¹ Сондра Березски. Канаданинг Монреаль шаҳри Мак Галл университети юридик факультети ҳуқуқшуноси интервьюси. «Ўзбекистон ёрқин истиқболли ажойиб мамлакат»// Халқ сўзи. 2006 йил. 6 декабрь.

² Даль Р. Демократия и ее критика / Пер. с англ. - М.: Айрис –прес, 2003. 12 - с.

тафаккур қарамлигидан халос бўлиш, конституция ва қонун устуворлигини чуқур англаш ва бунга амал қилиш, инсон ҳақ-ҳуқуқлари ва виждон эркинлигининг кафолатлангани, аҳоли ижтимоий-сиёсий фаоллигининг ошиб бориши, кўппартиявийлик ва жамоат ташкилотлари фаолияти, эркин бозор муносабатларга мос тафаккур тарзи шаклланаётгани бу борадаги асосий натижа ва ютуқлардир. Аммо бу йўналишда жамият ва фуқаролар томонидан ҳал этилиши лозим бўлган долзарб вазифалар жуда кўп: « ҳар бир фуқаро ўзининг , оиласининг тақдири ва эртанги куни учун ривожланиш йўлимизда ғов бўлиб турган тўсиқларга қарши қатъий кураш олиб бориши керак. Бугунги ҳаётда мана шундай ёндашувни замоннинг ўзи тақозо этмоқда ва бу кескин талаблардан бош тортиб бўлмайди. Бу ўринда гап қандайдир тарғибот-ташвиқот ҳақида эмас, балки одамларнинг кўзини очиш, уларнинг қалби ва онгида мустақил фикр уйғотиш ҳақида бормоқда»¹. Ушбу вазифалар эса ҳаммамизнинг зимамизга улкан масъулиятлар юклайди.

ТҶРТИНЧИ БОБГА ХУЛОСА

Миллий менталитет салоҳияти ва камчиликлари, унинг ҳаётий синовларга қарши тура олиш кучи ўтиш даврларида яққолроқ намоён бўлди. Мазкур бобда тадқиқ этганимиз, истиқлол давридаги ислохотлар, миллий идентификация жараёнида миллий менталитет имкониятларининг намоён бўлиши, унда демократик тафаккурнинг такомиллашиш хусусиятлари масалалари қуйидаги хулосаларга олиб келди.

Ўзбек менталитетининг асрлар давомида шаклланган хусусиятлари истиқлол йилларида ҳуқуқий онг ва толерантликни шакллантириш жараёни, улар билан боғлиқ иқтисодий масалаларда ўзини анъанавийликка мойиллик табиатидан келиб чиқиб намоён қилди. Давлат сиёсатида ҳуқуқий ва

¹ Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари –энг олий қадрият // Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган маъруза. Халқ сўзи. 2005 йил. 8 декабрь.

иқтисодий ислоҳотларда халқимиз табиатини эътиборга олган ҳолда мафкуравий тадбирларни фаол қўллаган ҳолда ислоҳотлар ўтказилди.

Мафкура соҳасида фуқаролар онгу тафаккури имкониятларида мавжуд бўлган демократик императивларга ҳаёт бахш этиш, демократик ислоҳотларни табиий йўл билан амалга оширишда коммуникатив воситалардан унумли фойдаланиш, ёшлар сиёсатида ҳам миллий-маънавий, умуминсоний қадриятларни уйғунлаштирилган ҳолда тадбирлар ташкил этиш, анъанавий демократик тизимларга эътибор кучайиши мустабид тузумнинг миллий тафаккур тарзида қолдирган асоратларига барҳам беришга озми-кўпми восита бўлди. Бу барча интилиш ва изланишлар миллий менталитетда, содир бўлаётган иқтисодий, сиёсий, маънавий идентификацион жараёнларда дастлабки натижаларини кўрсата бошлади, менталитетнинг ўзгарувчан табиати намоён бўла бошлади.

Миллий менталитетда демократик тафаккур салоҳиятининг намоён бўлиши ижтимоий институтлар мафкуравий механизмининг мақсад ва вазифаларига боғлиқ эканлигини илмий тадқиқот натижалари кўрсатиб турибди. Юртимизда демократия ва демократлаштириш ижодий жараёни бошидан кечираётган экан, бу жараён умумжаҳон демократик назарияларни, қадриятларни мустаҳкамлашда ўзига хос тажриба мактаби бўла олади.

ХУЛОСА

Инсон тафаккури тараққиёти масалаларини ўз ижодларининг марказий муаммоси сифатида олиб қараган фалсафа тарихининг аксарият салафлари ижодида табиат, жамиятнинг тараққиёт қонунлари бўлгани каби, инсон, элат ва миллат тафаккурининг ҳам ўзига хос ривожланиш қонунияти мавжудлиги эътироф этилади. Шу маънода мувозанатнинг бузилиши, кескин ўзгаришлар табиат ва жамият муҳитида табиий ёки ижтимоий-сиёсий вазиятга ижобий ёки салбий таъсир этгани каби, фикр тараққиёти қонуниятида ҳам сиёсий бухрон, ҳодисалар омили ана шундай кутилмаган ўзгаришлар билан қайд этилган. Ижтимоий фалсафа соҳасида қадрият мақомига эга бўлган бу нодир фикрлар қанчалик маълум ва баъзи ҳолларда қанчалик эътибордан четда қолаётганидан қатъи назар, миллат ва миллий ўзликни англаш билан боғлиқ тадқиқотларда, сиёсий ҳаракат ва ғояларда улар тамал тоши сифатида ўз моҳиятини намоён этаверади.

Халқимизнинг миллий менталитет, демократик дунёқараши соҳасидаги ўтган бир ярим асрдан ортиқ тарихи ва келажакнинг қиёсий таҳлилига бағишланган ушбу тадқиқотда Шарқ ва Ғарб фалсафий меросининг, ижтимоий-сиёсий ғоялари анъаналарининг ноёб хулосаларидан, йўналтирувчи фикрларидан имкон қадар фойдаланишга ҳаракат қилинди. Бунда Президентимиз асарлари, биз тадқиқ этаётган мавзуга доир фикр ва мулоҳазалари дастурамал вазифасини ўтаганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўтган, деярли ўн йил мобайнида олиб борилган илмий изланишлар, нафақат ижтимоий фалсафа соҳасида, балки бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар доирасидаги эмпирик ва амалий характердаги тадқиқотлар натижалари ўзбек менталитетининг ўтган бир ярим аср вақт мобайнидаги демократик тафаккур ривож, паст-баландликлари, динамик ривожланишини таҳлил этишга йўналтирилди. Социалантропология, тарих, социология ва этнология соҳалардаги услубларни ўзлаштириш ва уларнинг натижаларини

ижтимоий фалсафа соҳасида қўллаш характеридаги бу тадқиқот биринчи тажриба эканлиги нуқтаи назаридан кўп таклиф ва мулоҳазаларга, илмий баҳсларга учраши табиий. Лекин энг қадрли ва аҳамиятли жиҳат бу изланишлардан олинган натижалар, мавжуд бўлган илмий-назарий хулосаларнинг амалий тадқиқотлар билан мутаносиблигининг ойдинлашувидир. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Ижтимоий-гуманитар фанларда, хусусан, ижтимоий фалсафа, маданий антропология, этнология ва тарих фанларида этнос, халқ, миллат тушунчаларига янгича қараш ва ёндашувлар шаклланиб, уларда миллат ва давлатчилик назарияси бир-бирини тақозо қилувчи ташкилий омил сифатида юзага чиқиши, менталитет масаласини илмий объект сифатида ўрганишни тақозо этди. Бу муаммони эса барча методларни самарали татбиқ этиб, улардан синкретик услубда фойдаланилган ҳолда замонавий методологик маданият нуқтаи назаридан ҳал этиш мумкин. Методологик ёндашувни тўғри аниқлаш менталитетнинг ўтмишдан шаклланиб келган қирраларини таҳлил этиш ва унга бўлган стереотип муносабатларнинг тўғри-нотўғрилигини баҳолаш имконини беради.

2. Ўзбек менталитетининг тарихий шаклланиши, сиёсий, иқтисодий, маънавий ўзгаришлар диалектикаси миллий ментал хусусиятларнинг эволюциясини, тарихий ривожланиш тенденцияларини алоҳида ўрганиш заруратини ҳосил қилди ва бу тадқиқот ўзбек менталитетида демократик тафаккур хусусиятлари ўзининг бой мазмуни, принципиал кўринишларида мавжуд бўлганини намоён этди.

3. XIX аср иккинчи ярмидан бошлаб халқимиз ҳаётида амал қилган чоризм истилоси ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётда мустамлаканинг ўзига хос қиёфасини ҳосил қила бошлади. Бу сиёсатнинг маънавий ҳосиласи истилонинг маданий-маърифий соҳада ўлка ҳаётида содир қилган ўзгаришларидагина эмас, энг аввало маҳаллий халқнинг тафаккур тарзидаги ўзгаришларида намоён бўла бошлади. Мутелик, хўрлик ва миллий таҳқирга

қарши ҳар қандай исённинг бўғилиши, миллий озодлик ҳаракатлари ва кўзғолонларнинг қонли йўл билан бостирилиши миллат дунёқарашида ижтимоий-сиёсий жараёнларга нисбатан салбий муносабатни ҳосил қилди.

4. Чор истилосининг мантиқий давоми бўлган совет тузуми ҳам истило сиёсатини давом эттириб, барча мақсад ва ғояларни якка ҳокимлик тузумини ўрнатишга, ўз тасарруфидаги давлатларнинг иқтисодиёти, сиёсатинигина эмас, тобе халқлар маънавияти, эътиқоди ва динини ҳам таъқиб этишга, дунёқараши ва тафаккурини ўзига хайрихоҳ равишда тарбиялашга қаратди. Бу мақсадга йўналтирилган жараёнда ўзбек халқи менталитетига хос бўлган баъзи азалий хусусиятларни йўқотиш, бунёдкорлик, ижодкорлик, тажрибакорлик фазилатлари сўниб, ўз тинчлигини ўйлаш, сиёсатга аралашмаслик, давлат органларидан кўрқиш, ҳар қандай таҳқир ва шароитга кўниш хусусиятларини шакллантиришга ҳаракат қилинди. Ҳатто, истилонинг энг сўнгги йилларида ҳам тоталитар сиёсат механизмидаги авторитаризм, катагонбозлик тўхтамади.

5. Жамиятнинг ичдан емирилишига барча асосларни яратган совет империясининг тугаши маълум маънода тарих ғилдирагининг орқага қайтишига, сунъий равишда яратилган «совет халқи» оиласининг зўрма-зўраки қоидалари барҳам топишига олиб келди. Инсоният жамиятининг улкан кашфиёти бўлмиш элат, халқ, миллат ҳодисаси янги давр, янги шароитда ўзининг барча ички қонуниятларини, салоҳиятини, имкониятларини табиий равишда изга тушира бошлади. Лекин ўтмишдаги узилишлар, ўтган юз йилдан кўпроқ давр мобайнидаги қонли империя сиёсатининг таъсири миллий мустақиллик мақомига эга бўлиб, миллий давлатчиликни қайтадан шакллантириш, миллий ўзликни англаш бўсағасида турган ўзбек халқининг янги ҳаётида нафақат иқтисод, сиёсат, балки миллий тафаккур билан боғлиқ бўлган катта муаммоларни ҳал этиш заруратини келтириб чиқара бошлади. Ўз мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлабқ сиёсий барқарорлик ва иқтисодий фаровонлик масалаларига энг

катта эътиборни берган давлат сиёсати оз фурсатларда кишилар онгидаги ғоявий бўшлиқ билан боғлиқ масалаларга дуч кела борди. Ва ўз сиёсатида ижтимоий, иқтисодий, сиёсий йўналишларни устувор тутган ҳолда миллий мафкура соҳасига алоҳида эътибор берди.

6. Халқимиз тарихида унинг ўтмишига нисбатан жуда катта бўлмаган, лекин тақдирида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган давр - ўзбек халқининг қайтадан тикланишига, миллат сифатида ўзлигини топишига сабаб бўлган миллий истиқлол даври жуда мураккаб, катта синов ва қийинчиликлар, тажриба даври бўлди. Лекин айнан ана шу вақт ичида халқимизнинг келажаги, миллий тафаккурдаги соғлом иммунитети ва яратувчанлик фазилатига янги ҳаёт бағишланди. Бу миллат қадрининг тикланиши, халқаро миқёсда ўз ўрнига эга бўлиши, эътиқоди ва дини, маънавиятига монанд сиёсий тараққиёт йўлини топа олганида намоён бўлди. Президентимиз таъкидлагани каби:

«Ўзбекистон мустақилликка эришган пайдан бошлаб ўзи учун дунёвий ривожланиш ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини аниқ белгилаб олди. Бу йўл демократия ва эркинликнинг умумэътироф этилган тамойилларига асосланади. Айни пайтда бунда халқимизнинг тарихий, миллий ва маънавий қадриятлари ҳамда ўзига хос менталитети ҳам ҳисобга олинган. Айнан шу туфайли мамлакатда ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаш, иқтисодий ўсишнинг барқарор суръатини таъминлаш ва кенг кўламли ислохотларни изчил амалга ошириш имконияти яратилди»¹.

Элат, халқ, миллат диалектикаси, тадрижий тараққиёт қонунлари ўрганиш шуни намоён қилдики, тафаккурнинг ривожланиш қонунияти, миллат дунёқараши ва унда демократик тафаккурнинг шаклланиши ҳодисаси ана шу мақсадга бўлган интилишга, давлат сиёсатидаги йўналишларнинг фуқаролар онгида, шуурида демократик тафаккур ҳосил қилишга бўлган

¹ Каримов И.А. Мафтункор ва бетакрор Ўзбекистон // Сингапур республикасида давлат ташрифи арафасида «Today» газетасининг мухбирига берилган интервью. Халқ сўзи. 2007 йил. 26-январь.

харакатига кўп жиҳатдан боғлиқ экан. Юқорида келтирилган хулосалардан келиб чиққан ҳолда юртимизда амалга оширилаётган демократик жараёнларни янада такомиллаштириш учун қуйидаги мафкуравий тадбирлар мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз:

1. 1997 йилда қабул қилинган кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг ўн йилдан ортиқ тажрибаси ватан тақдирига муносабат, маърифатга муносабат, ўз тақдири ва истиқболига муносабат таълим тизими ислохотлари орқали тезроқ сингдирилиши ва тезроқ кириб келиши мумкинлигини кўрсатди. Шу сабабли ҳам мактабгача, ўрта махсус ва олий таълим тизимида ёшларда демократик тафаккур шакллантирилишининг мафкуравий дастурларини ишлаб чиқиш лозим. Бу дастур бир неча босқичдан иборат бўлиб, мактабгача таълим муассасаларида ватанпарварлик туйғусини алоҳида шакллантиришга қаратилган дастурлар, мактабларда демократия ҳақидаги дастлабки тасаввурларни шакллантиришга қаратилган дастурлар, олий таълим тизимида эса, инсон ҳуқуқлари, демократик тамойиллар ва умуминсоний тараққиёт интеграцияси тамойиларини пухта ўргатувчи дастурлар билан характерланади.

2. ОАВ жамият ҳаётидаги роли ва функциясидан фойдаланган ҳолда миллий характер, миллий қадриятлардаги демократик салоҳиятни кўрсата олувчи, ёритиб берувчи дастурлар тайёрлаш, диний ва миллий дунёқараш уйғунлашган миллий тафаккур тарзини эътиборга олган ҳолда ислом қадриятларидаги демократик тамойиллар ташвиқотига бағишланган кўрсатувлар тайёрлаш лозим.

3. Маҳалларда олиб борилган аксарият тадқиқотларда маҳалла фуқароларининг инсон ҳақ-ҳуқуқлари, оилавий можаролар, мулк ва ер муносабатларига тегишли масалаларда маҳалла фуқаролар йиғинларига мурожаат қилишлари кузатилгани сабабли, маҳаллалар фуқаролари йиғини штати бирлигига маслаҳат ва кўрсатмалар берувчи маҳалла ҳуқуқшуноси иш

ўрнини жорий этиш, даврий равишда маҳаллаларда инсон ҳуқуқлари ва демократлаштиришга оид оммавий маърифий тадбирларни ўтказиш лозим.

4. Нодавлат ташкилотларининг демократик жамият ривожига алоҳида ўрнини эътиборга олган ҳолда миллат ривожига ва истиқболга хизмат қилувчи нодавлат мақомидаги илмий марказлар, ташкилотлар, хайрия фондлари фаолиятини жонлаштириш, уларнинг эркин рақобатини шакллантириш лозим.

5. Ўзбекистон интернет порталларида юртимиздаги демократик жараён ва муаммоларни акс эттирувчи сайтлар, мулоқот тизимлари ва газета органларини ташкил этиш лозим. Бу дастурлар чет эл оммавий ахборот воситаларида Ўзбекистондаги демократик жараёнларга ғаразли муносабатда бўлаётган чиқишларга объектив жавоб бериш, таҳлил қилиш, ижтимоий фикрни нотўғри йўналишдан ҳимоя қилиш вазифасини ҳам ўз зиммасига олади.

6. Ўзбекистонда турли ёш, турли миллат, турли дин вакиллари контингентини эътиборга олган ҳолда демократик адабиётлар нашр этиш тизимини шакллантириш, демократик йўналишдаги тарғибот ва адабиётларга бағишланган нашриёт ташкил этиш лозим. Кейинчалик бу йўналишда рақобатдаги бошқа нашриётларнинг вужудга келиши демократик тизимнинг такомиллашишига хизмат қилиши лозим.

7. Совет даври тизимидаги миллий демократик тафаккурнинг деструктив шаклланишига таъсир қилган сиёсатни объектив кўрсатувчи ижтимоий-гуманитар йўналишдаги Давлат илмий дастурлари, лойиҳалар ишлаб чиқиш, тарихий фактлар, статистик маълумотлар, кино-фото ҳужжатларнинг алоҳида шу мавзуга бағишланган информацион базасини шакллантириш лозим. Ижтимоий фикрда совет даврида демократик тафаккурнинг сунъий бўғилгани ҳақида тасаввур ва фикр уйғотиш бу каби ментал касалликдан холи бўлишнинг биринчи тадбири ҳисобланади.

8. Жаҳонда мавжуд бўлган энг кучли миллий мафкуралардаги миллий тараққиёт учун сармоя фондлари ташкил этиш тажрибасини қўллаган ҳолда ривожланган сармоядор фондлар, ассоциациялар, акциядор жамиятларга инсон ҳуқуқлари ва демократик тамойиллар тарғиботи ва ҳимояси учун маълум фоиз миқдорда сармоя ажратиш, хомийлик қилиш дастурларини ишлаб чиқиш лозим.

Табиат инсонни қанчалик мукаммал ва гўзал яратгани унинг жисмоний ва ақлий имкониятларида юз очади. Тарих шундан сабоқ берадики, ижтимоий вазият кишилик жамиятларига нечоғлик қийинчиликлар, урушлар, хунрезликлар ёки глобал жамиятга хос бўлган бутун инсониятни қамрам олувчи муаммоларни берса, уларни ҳал қилиш учун шунчалик изланиш, ижод ва салоҳиятни ҳам бахш этган.

«Албатта, ҳаммамизга аёнки, жамият тафаккурини бутунлай янгилаш бир-икки йиллик иш эмас, узоқ ва узлуксиз давом этадиган жараён. Қолаверса, бу йўлда тинимсиз изланиш ва меҳнат қилиш, ҳали-бери учраб турган эскича фикрлаш асоратларини енгиб ўтиш осон эмаслигини ҳам яхши тушунамиз»¹, - деб таъкидлаган эди И.Каримов. Менталлик ўзида ақл ва ҳиссиётнинг энг гўзал синтезини, инсон тафаккури дунёсининг ҳалигача кашф этилаётган бетакрор қирраларини намоён этар экан, ХХІ асрга дунё халқлари қаторида ўз ютуқлари ва маънавий бойликлари, « тараққиётнинг ўзбек модели» билан кириб келган мумтоз халқимизнинг тафаккуридаги чексиз салоҳиятнинг янада юксакроқ намоён бўлишига, демократик тафаккури бунёдкорлигининг қонун устувор бўлган эркин жамият барпо этиш қудратига ишончимиз комил.

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. - Тошкент: Маънавият, 2008. 101-б.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

1. Расмий ҳужжатлар, материаллар

- 1.1. Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон декларацияси - <http://www.un.org/russian/documen/declarat/htm>.
- 1.2. Декларация о глобальных усилиях по борьбе с терроризмом. Резолюция 1377 (2001), принятая Советом Безопасности 12 ноября 2001 года - <http://www.un.org/russian/documen/scresol/res2001/res1377.htm>.
- 1.3. Международный пакт о гражданских и политических правах - <http://www.un.org/russian/documen/convents/pactpol.htm>
- 1.4. Рекомендация о развитии и использовании многоязычия и всеобщем доступе к киберпространству принятая Генеральной конференцией Организации Объединенных Наций по вопросам образования, науки и культуры на ее 32-й сессии, состоявшейся в Париже, 2003 г. - <http://www.un.org/>.
- 1.5. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 47 б.
- 1.6. Давлат тили ҳақида. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. – Тошкент: Ўзбекистон, 1989. – 30 б.
- 1.7. Давлат тили ҳақида (янги таҳрири). Ўзбекистон Республикасининг қонуни. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. – 22 б.
- 1.8. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 63 б.
- 1.9. Таълим тўғрисида. Ўзбекистон Республикасининг қонуни. – Тошкент: Ўзбекистон, 1989. – 30 б.
- 1.10. “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори. // Халқ сўзи. 1998 й. 27 июль

- 1.11. “Музейлар фаолиятини яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида”.
Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. // Халқ сўзи, 1998й.
12 январь
- 1.12 “Ўзбекистон Республикасида меъморчилик ва шаҳарсозликни янада
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”. Ўзбекистон Республикаси
Президент фармони. // Халқ сўзи. 2000 й. 26 апрель
- 1.13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори: Миллий ғоя тарғиботи
ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида. ПҚ-
451. 2006. 25-август.
- 1.14. «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб қувватлаш ва унинг
фаолият самарадорлигини янада ошириш тўғрисида Ўзбекистон
Республикаси Президентининг қарори.// Халқ сўзи. 2006.11 ноябрь.
- 1.15. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. 1-
жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 1996. – 364 б.
- 1.16. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. 2-жилд. – Тошкент:
Ўзбекистон, 1996. – 380 б.
- 1.17. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. 3-жилд. – Тошкент:
Ўзбекистон, 1996. – 366 б.
- 1.18. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. 4- жилд.–Т.: Ўзбекистон,1996.–349 б.
- 1.19. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 5-жилд. – Тошкент:
Ўзбекистон, 1997. –384 б.
- 1.20. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлидан. 6-жилд. – Т.:
Ўзбекистон, 1998. – 429 б.
- 1.21. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз. 7-жилд. –
Тошкент: Ўзбекистон, 1999. – 410 б.
- 1.22. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард
мақсадимиз. 8-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000. – 528 б.
- 1.23. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. 9-жилд. –

Тошкент: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.

- 1.24. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашамиз. 10-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
- 1.25. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11- жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
- 1.26. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. 12-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
- 1.27. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. – 262 б.
- 1.28. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. 14-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2006. – 280 б.
- 1.29. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. 15-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 320 б.
- 1.30. Каримов И. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Тошкент: Ўзбекистон, 1998.-684 б.
- 1.31. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 2007. – 48 б.
- 1.32. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари –энг олий қадрият.// Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 13 йиллигига бағишланган маъруза. Халқ сўзи. 2005. 8 декабрь.
- 1.33. Каримов И. Ўзбекистон Республикаси конституциясининг 14 йиллигига бағишланган маъруза. Халқ Сўзи. 2006. 8 декабрь.
- 1.34. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.

2. Монографиялар, рисолалар, тўпламлар

- 2.1. Андерсон.Б. Бауэр.О. Хрох М. Нация и национализм. М.: Практис. 2002.- 680 с.
- 2.2. Андрианова Т.В. Геополитика и культура М.: Политика, 2001. – 92с.
- 2.3. Арутюнян Ю.В. Трансформация постсоветских наций. –М; Наука, 2003. – 280 с.
- 2.4. Ашуров А. А. Ўзбек миллий менталитети ҳақида баъзи мулоҳазалар // Ижтимоий-гуманитар ва иқтисодий фанлар муаммолари. - Қарши, 2002. 8-10 б.
- 2.5. Аъзамхўжаев С. Туркистон Мухторияти. – Тошкент: Маънавият, 2000. - 164 б.
- 2.8. Бабаханов М. Из истории периодической печати Туркестана – Душанбе: Ирфон, 1967. - 180 б.
- 2.9. Бакиров Ф. Чор туркистонида суд, шариат ва одат. – Тошкент: Фан, 1967. – 48 б.
- 2.10. Бекмуродов М.Б. Миллий менталитет ва раҳбар маънавияти. – Тошкент: Адолат, 2003. - 78 б.
- 2.11. Бекмуродов М.Б. Ўзбек менталитети // Гулистон. №3. 2001.
- 2.12. Бекмуродов М.Б. Ўзбек менталитетида жамоавийлик ва индивидуаллик // Хуррият. 24.04.2002.:
- 2.13. Бозор қонунияти асослари // Чжен В.А. раҳбарлигидаги муаллифлар гуруҳи. – Тошкент: Бизнес каталог, 1996. Т 3. – 480.
- 2.14. Вебер М. Избранные произведения. - М.: Прогресс, 1990. – 808 с.
- 2.15. Галузо П.Г. Туркестан-колония. – Т.: Коммунис., 1929. – 164с.
- 2.16. Гараджа В.И. Социология религии. - М.: Аспект Пресс, 1996. – 239с.
- 2.17. Гроф С. За пределами мозга. –М: Изд-во института транс персональной психологии, 2002. – 340 с.

- 2.18. Демократия–бахс дегани. Нью-Лондон, Коннектикут, АҚШ.1997.76
- 2.19. Дюркгейм Э. Самоубийство. Социологический этюд.- М.: Мысл, 1994. – 399 с.
- 2.20. Жўраев Т. Терроризм ва давр. // Ижтимоий фикр. 2001, № 3.
- 2.21. Здравамыслов А.Г. Межнациональные конфликты в постсоветском пространстве. - М.: Аспект Пресс, 1996. –286 с.
- 2.22. Ислам в Евразии / Под ред.Иордан М.В. – М: Прогресс, 2001. – 480 с.
- 2.23. Каримов Э.Э, Мадаева Ш.О. Темурийлар даврида тасаввуф тариқатлари ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт.// Тошкент ислом университети илмий таҳлилий ахбороти. 2003, №2.
- 2.24. Козлов В.И. Проблема этнического самосознания и ее место в теории этноса. Советская этнография, 1974, №2.
- 2.25. Кон И. Психология предрассудка (О социально-психологических корнях этнич-х предрассудков). Новый мир, 1966. № 9. 187-205 стр.
- 2.26. Логофет Д. Страна бесправия. – Спб.: Б.И., 1909. – 220 с.
- 2.27. Лурия А.Р. Об историческом развитии познавательных процессов. - М.: Наука, 1974. - 172 с.
- 2.28. Лурия Е.А. Фергана, милая Фергана.//Вестник Московского университета. Серия 14. Психология. 1992. №2.
- 2.29. Марко Вуттино. Революция наоборот. – М.: Звенья, 2007. - 448 с.
- 2.30. Макл Хардт, Антонио Негри. Множество война и демократия в эпоху империи. – М.: Культурная революция, 2006. - 508 с.
- 2.31. Миллс Р. Властвующая элита. - М.: Ил 1959. - 417 с.
- 2.32. Минющев Ф.И. Социальная антропология. - М.: Междун. Унив. Бизнеса и управления, 1997. – 267 с.
- 2.33. Назаров Қ.Н. Қадриятлар фалсафаси. – Тошкент: Файласуфлар миллий жамияти нашриёти, 2004. - 204 б.
- 2.34. Отамуродов С., Мамашокиров С., Холбеков А. Марказий Осиё: ғоявий

- жараён ва мафкуравий таҳдидлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – 31 б.
- 2.35. Очилдиев А.С. Бугунги дунёнинг мафкуравий манзараси. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. - 31 б.
- 2.36. Очилдиев А.С. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. – Тошкент: Ўзбекистон, 2004. – 133 б.
- 2.37. Поппер К. Открытое общество и его враги. – М: Культурная инициатива , 1992. Т-1. – 446 с.
- 2.34. Поппер К. Открытое общество и его враги. – М: Культурная инициатива, 1992. Т-2. – 524 с.
- 2.35. Рабич Р.Г. Формирование и развитие социальной структуры Узбекистана. Ташкент: Фан, 1991. – 249 с.
- 2.36. Рейснер Р. Эволюция восточных обществ: синтез традиционного и современного. - М.: Прогрес, 1981. - 583 с.
- 2.37. Сондра Березски. // Канаданинг Монреаль шаҳри Мак Галл университети юридик факультети ҳуқуқшуноси интервьюси. «Ўзбекистон ёрқин истиқболли ажойиб мамлакат» Халқ сўзи. 2006. 6-декабрь.
- 2.38. Сорокин П. Человек. Цивилизация. Общество. - М.: Политиздат, 1992. – 543с.
- 2.39. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. – Тошкент: Ўзбекистон, 1997. 416 б.
- 2.40. Семке В.Я., Бохан Н.А., Галактионов О.К. Очерки этнопсихологии и этнопсихотерапии. – Томск: 1999. - 157 с.
- 2.41. Татарова Т.Т. Методология анализа данных в социологии. М.: Nota Bene, 1999. – 224 с.
- 2.42. Темур тузуклари. – Тошкент: Ғафур Ғулом нашриёти, 1991. - 112 б.
- 2.43. Толстова Ю.Н. Измерение в социологии. - М.: Инфра-М, 1998. – 224 с.
- 2.44. Тоффлер Э. Третья волна. - М.: АСТ, 1999. – 533 с.

- 2.45. Тохтаходжаева М. XX век глазами женщин Узбекистана. – М.: Наталис, 2008. - 304 с.
- 2.46. Трудовая миграция в Республике Узбекистан: Социальные, правовые и гендерные аспекты / Отв. ред. Е.В. Абдуллаев. Ташкент: Программа развития ООН в Узбекистане, 2008. – 204 с.
- 2.47. Туленов Ж., Туленова Г. *Истиқлол ва миллатлараро муносабатлар тараққиёти.* – Тошкент: Алоқачи, 2007. – 101 б.
- 2.48. Тўйчиев Б.Т. Ҳуқуқ фалсафаси. – Тошкент: Университет, 2004. – 156 б.
- 2.49. Узоқов Х., Холбоев С. Бухоро амирлигининг олтинлари.//Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1992. 14 авг.
- 2.50. Фитрат. Шарқ сиёсати. Бухоро, 1992. 48 б.
- 2.51. Фитрат.Сиёсий ҳоллар.// Ҳуррият. 1917. 7 ноябрь. №49.
- 2.52. Фромм Э. Анатомия человеческой деструктивности. - Мк.:ООО ”Попурри”, 1999. – 624 с.
- 2.53. Фромм Э. Бегство от свободы. Человек для себя. - Мк.:ООО ”Попурри”, 1998. – 672 с.
- 2.54. Фромм Э. Душа человека. - М.: Республика. 1992, - 430 с.
- 2.55. Хашимова И.С., Рузавин Г.И.,Иванова К.И. , Методология и методы научного познания в условиях научно-технической революции.– Тошкент: Фан, 1986. - 286 с.
- 2.56. Чеснокова И.И. Проблемы самосознания в психологии. - М.: 1977. – 142 с.
- 2.57. Шайхова Х., Назаров Қ.Н., Умуминсоний қадриятлар ва маънавий камолот. – Тошкент: Ўзбекистон, 1992. -120 б.
- 2.58. Шарипов.Р Жадидчилик ҳаракатининг сиёсий ва ҳуқуқий дастурлари. – Тошкент: Адолат, 2000. - 48 б.
- 2.59. Шелепов Г.В. Общность происхождения – признак этнической общности. // Советская этнография. 1967. №2. 71-82 с.

- 2.60. Ширматова Г. Проблема модернизации духовных ценностей в условиях глобализации.// Глобаллашув жараёнида жамиятни демократлаштиришнинг сиёсий, фалсафий ва ҳуқукий масалалари. Республика илмий-амалий анжуман тезислари. 24 ноябрь, 2006 йил) 21-23.
- 2.61. Шихирев П.Н. Исследования стереотипа в американской социальной науке. Вопросы философии. 1971. № 5. 168-175 стр.
- 2.62. Шихарев П.Н. Современная социальная психология. – М.: Деловая книга, 2000. - 449 с.
- 2.63. Шониёзов К. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни. – Тошкент: Шарқ, 2001. – 390 б.
- 2.64. Эгамназаров А. Сиз билган Дукчи Эшон. – Тошкент: Шарқ, 1996. -154 б.
- 2.65. Ядов В.А. Стратегия социологического исследования. Описание, объяснение, понимание социальной реальности. - М.: Добросвет, 1998. – 596 с.
- 2.66. Ясперс К. Смысл и назначение истории. - М.: Политиздат, 1991. –527 с.
- 2.67. Ўзбекистон ёшларида дунёқараш уйғунлигининг шаклланиш муаммолари.
// Авторлар ҳаммуаллифлиги: Э.Э. Каримов, Ш.О.Мадаева, К.К.Каланов ва б. Тошкент Ислон Университети, 2004. - 148 б.
- 2.68. Кадырова З.Р. Повышение социальной активности и толерантности молодёжи как важной духовно нравственной основы гражданского общества в Узбекистане.// Фалсафа ва ҳуқуқ. 2006. №1. 72-74 б.
- 2.69. Қодирова З.Р., А.Ж.Шарипов ва б. Ёшлар ижтимоий фаоллиги ва толерантлигини юксалтиришнинг ижтимоий-фалсафий масалалари. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2006. - 220 б.
- 2.70. Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Тошкент: Маънавият, 2002. - 400 б.
- 2.71. Ғаниев И. Афоқова Н.Озод рух фалсафаси. – Тошкент: Фан, 2006. - 154 б.
- 2.72. Хантингтон С. Кто мы?: Вызовы американской национальной идентичности / Пер. с англ. А Башкирова. – М.: Транзиткнига, 2004. – 635

с.

- 2.73. Хомяков П. Человек, государство, цивилизация, нация. – М.: Мир, 1998. - 132 с.
- 2.74. Хўжамуродов И.Р., Якубов Ю.М. Ислом: жамият ва шахс. – Тошкент: Фалсафа ва ҳуқуқ институти нашриёти, 2007. – 111 б.
- 2.75. Хосе Ортега-и-Гассет. Восстание Масс. – М.: Восток, 2003. - 510 с.

3. Диссертация ва авторефератлар

- 3.1. Абдуллаев Ш.М. Этносоциальные и этнополитические процессы в Ферганской долине (основные проблемы, тенденции, противоречия 70-80-годы XX века). Дисс... док. филос. наук. – Ташкент: 1994. – 280 с.
- 3.2. Ачилдиев А.С. Миллий истиқлол ғоясининг миллатлараро муносабатларни такомиллаштиришдаги омили. Фалсафа фан. док. ... дисс. – Тошкент: 2004. - 250 б.
- 3.3. Назаров Қ.Н. Қадриятлар тизими: Барқарорлик ва ўзгаришлар диалектикаси. Фалсафа фан. док. ... дисс. – Тошкент: 1996. - 238 б.
- 3.4. Ташкулов Д. Основные направления политико-правовой мысли народов Узбекистана во второй половине XIX – первой четверти XX вв. Автореф. дис... докт. юрид. наук – Ташкент: 1995. – 48 с.
- 3.5. Татаренко И. В. Национальная идентификация в переходных обществах.: Автореф. дисс. ... канд. филос. наук. – М.: 2003. – 24 с.
- 3.6. Умарова Н.Т. Жамият сиёсий маданиятининг шаклланишида этник феъл-атвор стереотипларининг ўрни. Сиёсий фан. ном... дисс. - Тошкент: 1997. – 158 б.
- 3.7. Юнусов А.М. Демократизация общества и взаимодействие национального и общечеловеческого в развитии духовных ценностей. Автореф. дисс... док. филос. наук. – Ташкент: 1995. – 48 с.

- 3.8. Хужамуродов И.Р. Проблемы формирования национального (этнического) самосознания узбекского народа и влияние на него ислама. Дисс..... док. филос. наук. – Тошкент: - 1995. - 260 с.

4. Хорижий нашрлар

- 4.1. Baymirza Hayit. «Basmacilar» Turkiston milli mucadele tarihi (1917-1934). Ankara. 1997. - 368 s.
- 4.2. Birgit N. Schlyter. Language Policy in Independent Uzbekistan, Stockholm. FoCAS Working Paper1. 1997. - 49 p.
- 4.3. Democracy in Central Azia. Edited by Birgit N. Schlyter. Swedish research institute in Istanbul. 2005. - 274 p.
- 4.4. Leonid Pavlovic Potapovs Materialien zur Kulturgeschichte der Uzbeken aus der Jahren 1928-1930 // Mit begleitenden Worten des Sammlers herausgegeben und eingeleitet von Jakob Taube. Turkologika 25, Harrassowitz Verlag.
- 4.5. Mackinder H. The democratic ideals a reality. – N.Y., 1944.- 155 p.
- 4.6. Hicao Kamatsy. 20 yuzuli baslarinda Orta Asyada turkqilik ve devrim harakatlari. Ankara. 1993. - 148 s.
- 4.7. Hofstede G. The nation-state as a source of common mental programming: Similarity a differences across Eastern a. Western Europe // The Future of the nation-state. - N.Y.,1996. –P 19 - 49.
- 4.8. Oizerman T. Aufklarung und revolution.// Deutsche Zeitschrift fur Pfilosopfie. - 1992.-№2.- S -130.
- 4.9. S.Hayakawa. Recognising Stereotypes as substitutes for Thought “Review of General Semantics”, 1950, vol.7, - 208 p.
- 4.10. William A. Haviland. Cultural anthropology. – Vermont: University of Vermont, 1999. - 514 p.

5. Луғатлар,энциклопедиялар

- 5.1. Ислам. Энциклопедический словарь. - М: Наука, 1991.- 312 с.
- 5.2. Кравченко А.И. Культурология: Словарь. –М.: Академический проект, 2000. - 349 с.
- 5.3. Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунчалар, тамойиллар ва атамалар(қисқа изоҳли тажрибавий луғат). – Тошкент: Янги аср авлоди, 2002. - 190 б.
- 5.4. Фалсафа қомусий луғати. – Тошкент: Шарқ, 2004. - 496 б.
- 5.5. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 10- жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2005. - 487- 492-б.

6. Интернет сайтлари ва материаллари

- 6.1. Абрамян Е.А. Изменение менталитета нации; экономическое чудо. http://www.Abramyan.Ru/ment_chudo.
- 6.2. Бакиева Г. А. Социальная память и толерантность//<http://www/freenet/kg/jornal/n4/jrnal4/3.htm>
- 6.3. Лопатин Л.Н., Лопатина Н.Л. Коллективизация как национальная катастрофа. Воспоминания её очевидцев и архивные документы. <http://www.auditorium.ru/books/477/>
- 6.4. Сердюк Ю.А. Менталитет китайцев. <http://geo.1september.ru/artikl>.
- 6.5. Филиппов В.Р. Парадигматика этнологии // <http://www.viu-online.ru/science/publ/buletent10/page9.html>
- 6.5. Хантингтон С. Столкновение цивилизации. // <http://www.krugosvet>
- 6.6. Ўрманбетова Ж.К. Истоки культуры мышления народов центральной Азии // <http://www/freenet/kg/jornal/n4/jrnal4/3.htm>.